

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**ОИЛА
ПСИХОЛОГИЯСИ**

ТОШКЕНТ - 2011

**ОИЛА
ПСИХОЛОГИЯСИ**

**фанидан
ДАРСЛИК**

Профессор Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида

Муаллиф: Ф.А.Акрамова

Такризчилар: Психология фанлари номзоди, фалсафа
фанлари доктори **Р.С.Самаров.**
Психология фанлари номзоди, доцент **Б.М.Умаров.**
Психология фанлари номзоди **У.Д. Қодиров.**

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан тавсия этилган**

ТОШКЕНТ - 2011

КИРИШ

Қадрли ўқувчилар, азиз ёшлар, кўлингиздаги «Оила психологияси» дарслиги оила муносабатлари ва масалаларига бағишланади.

Инсон боласи дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб қонунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигига ўргатилади, ёки бунга махсус ўқитилади. Маълумки, ҳаётимизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган, чинакам, тўлақонли инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча, ҳар томонлама таъминланганлигимизга қарамасдан, бизнинг бахтимизни яримта қиладиган ҳам оилавий ҳаётдир.

Собиқ Иттифоқ даврининг сўнгги босқичларида ёшларни оилавий ҳаётга махсус тайёрлашга дастлабки уриниш ҳам муваффақиятсиз тугади. Чунки у вақтларда масалага илмий ёндашилмаган, жумладан ҳар бир халқнинг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари ҳисобга олинмаган, номи психология бўлсада, мазмунан педагогикага яқин турган қўлланмалар билан ўқитилинган эди.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли Республикада оила муаммолари давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар қаторидан расмий равишда ўрин олди.

1998 йилни «Оила» йили деб эълон қилиниши, «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилиши, Республикада оила манфаатига қаратилган махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши, унинг мантиқий давоми сифатида 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилиниши, вилоятларда оилага хизмат қилувчи турли маслаҳатхоналарнинг ташкил этилиши, оила муаммоларини илмий тадқиқ этиш мақсадида Ўзбекистон тарихида биринчи бор оила психологияси муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борадиган илмий кадрларни тайёрлаш мақсадида аспирантура ташкил этилиши, уларга аспирантларнинг қабул қилиниши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Мазкур дарслик академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, илк бор яратилган синов дарслиги сифатида шу мавзудаги бошқа анъанавий дарсликлардан бирмунча фарқ қилади.

Оила психологиясини илмий жиҳатдан ҳар томонлама тўлиқ ифодалашга ҳаракат қилинди.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи, ижодий тафаккурини ўстирувчи турли ҳикматлардан, хажвий афоризмлардан кенг фойдаланилди. Чунки ҳикмат - ҳаётини сабоқ бўлса, ҳажв - ҳаёт тўлқинларидаги қутқарув халқасидир. Бу ўзбек халқини миллий психологиясига мос бўлиб, серқиррали ва мураккаб оилавий ҳаётга фалсафий кўз билан қарашга, танқидий ва таҳлилий фикрлашга, ҳаётини қийинчиликларни енгишга ўргатади.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги, Ўрта Махсус Касб-ҳунар Маркази томонидан тавсия этилган бўлиб, у республикамизнинг етакчи психолог, оилашунос олимлари томонидан яратилди.

I БОБ. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ушбу ўқув курсининг мақсади Сиз ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. Бу ўринда ҳақли равишда: «Бу фан бизга нима беради? Нега энди айнан ҳозирга келиб, бизни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур бўлиб қолди? Ахир ота-боболаримиз бундай курсларни ўқимай ҳам тинч-тотув, аҳил-иноқ, бахтли ҳаёт кечиришган-ку? Аксинча сўнгги йилларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида қанчалик кўп гапириб, ёзилиб, махсус тадбирлар ташкил қилинса ҳам низоли оилалар, ажралишлар миқдори ортса ортаяптики, камаймаяпти-ку?» - каби саволлар рўйхатини чексиз давом эттиравериш мумкин. Уларнинг ҳар бирининг юзага келишига тўлиқ асос бор.

Хўш, қандай зарурат ҳозирги вақтда ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва уларга «Оила психологияси» фанининг ўқитилиши зарурлигини тақозо қилади?

Маълумки, инсоният жамияти тараққий этиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, энг яқин бўлган оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради. Сабаби: ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари, воситалари тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, умуман халқ хўжалигининг барча жабҳаларида янги технология, техник жараёнларнинг жадал жорий этилиши бевосита шу жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси бўлган инсон омилига, инсон шахсига ҳам ўзига хос, янги талаблар қўймоқда. Ишлаб чиқариш муносабатлари, жамият тараққиёти бир томондан, одамларнинг ўзларида рўй бераётган ижтимоий-психологик, физиологик ва бошқа ўзгаришлар одамларнинг ўзаро мулоқот муносабатлари доирасини маълум даражада чегараланиб қолишига, уларда аждошларимизда кузатилган табиийликни маълум даражада бузилишига ва оқибатда инсон руҳиятида мумкин қадар ҳиссий, эмоционал зўриқишларнинг юзага келишига асос бўлмоқда. Буларнинг таъсири оилавий ҳаёт ва ундаги психологик иқлимда ҳам ўз ифодасини топади.

Ёшларимизда бу масала бўйича аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун, бундан 90-100 йиллар олдинги уларнинг тендошлари ва бугунги кунларимиздаги 15-16 ёшли йигит-қизлар ўртасидаги тафовутларни солиштириб ўтамыз.

Махсус адабиётларда ёзилиши ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларида кузатилишича, сўнгги 100 йил ичида одамларда кузатиладиган акселерация жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши 2-3 йилга илгарилаб кетган. Бундан 100 йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15-16 ёшга тўғри келган, ҳозир эса

бу ҳолат ўртача 12-13 ёшларга тўғри келади. Энди шу ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлик жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Илгариги тенгдошларингиз 15-16 ёшларида оилавий ҳаётга етуклик талабларидан бири бўлмиш жинсий етукликка, балоғатга етар эканлар, улар аксарият ҳолларда шу ёшга келиб ўша даврлар учун хос ва лозим бўлган, унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик сирасорларидан деярли бохабар бўлганлар (чунки у вақтларда болаларни одатда, 13-14 ёшидан шогирдликка беришган), ўша даврдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва технологик жараёнлар улардан махсус ёки олий маълумот талаб қилмаган, 3-4 йил устоз кўрган шогирд 16-17 ёшида ўзи мустақил иш юрита оладиган устага, ўз ишини уддалай оладиган мутахассисга айланган. Мабодо, у шу вақтда оила қурадигандек бўлса, ўз хунари орқали меҳнат қилиб, ўзини ва оила аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, у вақтлардаги 18-20 ёшли йигит маҳалла-кўйда, жамоатчилик орасида маълум даражада ижтимоий етук шахс сифатида қабул қилинган, турли тадбир ва маросимларда унинг ҳақли иштирокчи сифатида қатнашиши мумкин бўлган, яъни унинг ижтимоий жиҳатдан балоғатга етганлиги жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Бу жараён шахснинг олдида оила ва жамият олдида ўзига хос масъулият юклаган, масъулиятни ҳис қилиш эса унинг психологик етуклиги аломатларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Энди шу хусусиятларни бугунги кун ёшларида кўриб чиқайлик. Улар 12-13 ёшларда жинсий (физиологик) етукликка эришадилар (бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз), бироқ улар бирор бир касб-хунар эгаси бўлиб, мустақил ишлаб, ўзини ва оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган бўлиши учун, аввало мактабни битириши, сўнг у ёки бу касб-хунар коллежи ёки лицейда ўқиб, бирор-бир касбни эгаллаши керак. Бунинг учун 9 йил мактабда, 3 йил коллеж ёки лицейда ўқиши зарур бўлади.

12 йиллик барча учун мажбурий таълимдан сўнг ёшларимизнинг маълум бир қисми ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиради. Бундан кўришиб турибдики, ёшларимизнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари уларнинг маълум қисми учун 20-21, бошқалари учун 23-25 ёшга тўғри келади. Бундан ташқари, одамларнинг турмуш тарзи ривожланиши билан бирга оилаларининг кундалик ҳаёти ўзгариб, кийинишга, маиший буюмларга, моддий фаровонлик даражасига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради.

Жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шахснинг маданий такомиллашувига, у эса шахсларни бир-бирларига қўядиган талаблари ошишига ва шахслараро муносабатнинг нозиклашувига олиб келади. Бунинг ёрқин далили сифатида ажралишлар миқдори олий маълумотлилар ичида умумий ўрта маълумотлиларга нисбатан юқорида эканлигини эътироф этиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юқори савияда бўлмаган жамиятдаги оила аъзолари ўзларининг оилавий юмушларининг аксариятини қўлда бажарадилар. Унга оиланинг барча аъзолари ва биринчи навбатда

фарзандлар мумкин қадар кўп жалб қилинади. Оила ишларини бажаришдаги умумий фаолият ёшларда маълум малакаларни, шу жумладан оиладаги тегишли ролларни бажаришни, оилада бир-бирлари билан қандай мулоқотда бўлиш малакаларини, оилада ҳар бир шахснинг иерархик мавқеига кўра ўз ҳуқуқ ва вазифаларини аниқлаб олишга имкон беради.


Моддий таъминот, юқори маданий савия эса шахснинг бошқа шахсга кўйган талабини, шу жумладан оилада янада кучайтиради. Оила аъзоларининг ўзаро мулоқотда бўлиш вақти миқдорини қисқартиради. Бу эса кўпгина ёшлар учун ота-она оиласи шахсий оиласига намуна вазифасини бажара олмаслигига олиб келади.

Шулардан кўриниб турибдики, бундан 100 йиллар олдинги ёшлар 16-18 ёшида оила қуришсалар, улар шу вақтга келиб оилавий ҳаёт учун, муваффақиятли турмуш кечириб кетишлари учун зарур бўлган етуклик даражаларининг барчасига эришганлар, бу эса уларнинг оилавий ҳаётларида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг бартараф этилишига асос бўлиб хизмат қилган.

Бугунги ёшларимиз эса юқорида баён этилганидек, 12-13 ёшларида жинсий балоғатга етадилар ва аксарият ҳолларда орадан 7-8 йил ўтгандан сўнг, яъни қизлар 19-20 ёшда, йигитлар эса 21-22 ёшда оила қурадилар. Бу вақтда эса улар на иқтисодий жиҳатдан, на ижтимоий жиҳатдан ва на психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр бўладилар. Бундай ҳолатлар шубҳасиз, уларнинг оилавий ҳаётларида олдинги тенгдошлари ҳаётида кузатилмаган муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, жамият тараққиётининг бугунги ҳолати ҳозирги замон оиласи олдига ўзига хос янги ижтимоий вазифаларни ҳам юклайдики, буларнинг барчаси ҳозирги ёшларимизни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлишлигини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам сўнги 15-20 йил давомида дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида, жумладан, бизнинг республикамизда мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданок, оила масалаларига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига, оилаларда комил шахсни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Умуман инсоният жамияти тобора тараққий этиб бораверар экан, оила масалаларининг долзарблиги ҳам шунга мос равишда ортиб бораверади ва оилага бўлган эътибор ҳам кеча ва бугунга қараганда эртага янада юқорироқ бўлади. Чунки оила жамиятнинг кичик бир кўриниши бўлиб, у қанча иноқ, аҳил ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик қудратли бўлади. Бу келтирилган омиллар ёшларга «Оила психологияси» курсини ўқитишнинг долзарблигини ифодалайди.

«Оила психологияси» курсининг яратилиши ва унинг ўқув предметлари қаторида мактаб, коллеж, лицейларда ўтиладиган дарслар жадвалига киритилиши ҳам Республикамиз ҳукумати томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий ва мазмуний давомидир.

**ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ,
МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**



Ўрнига қўйилади (Альбом кўринишида Оила-схема файлида)

1.2. ЖАМИЯТ ВА ОИЛА

Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, оилалар мустақамлигининг ўрни бекиёсдир. Чунки тирик организмнинг саломатлиги уни ташкил қилувчи ҳар бир ҳужайранинг соғломлигига боғлиқ бўлганидек, бутун организм ўз фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга оширишида ҳар бир ҳужайранинг муносиб ўрни бўлганидек, оила ҳам давлат, жамият деб аталган бутун бир организмни ташкил этувчи ҳужайрадир. Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, мана шу муҳитда дунёга келиб, шахс сифатида шаклланиб, сўнг ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида ўз давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти тараққиётини таъминловчи, ҳал қилувчи омил бўлган инсон камолотида оиланинг тутган ўрни бекиёсдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ОИЛА

2-жадвал.



Нима сабабдан биз кўпроқ оила ва унда юз берадиган муносабатларга эътиборли бўламиз, нима сабабдан оила масканида ўзимизни яхши, бахтли ҳис этсак, ишимиз ҳам юришгандек, омадимиз чопгандек бўлади? Чунки оила бизнинг ҳаётимиздаги энг азиз ва яқин даргоҳ! Фақат оилагина инсонга

бахтли бўла олиши, ўзини кимларгадир керакли ҳис эта олиши ёки бўлмаса ўзини эзилган, омадсиз сезишига сабаб бўла олади. Шунингдек, жамият тараққиётининг кутилган даражага чиқа олмаслиги, унинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи, унинг инқирозига олиб келувчи кучларнинг юзага келишида ҳам оиланинг ҳиссаси каттадир. Чунки оилаларнинг носоғломлиги, ноқобил ва низоли оилалар, ажралишлар сонининг ортиши жамиятга турли иқтисодий, ижтимоий зиён етказиши билан бирга, бундай носоғлом психологик муҳитли, низо-жанажалли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда дунёга келиб, шаклланган болада ҳам кейинчалик нафақат ўз ота-онаси, ака-укаларига нисбатан шундай муносабат, балки атрофдагиларга, қолаверса, ўзи яшаган жамиятга нисбатан ҳам меҳр-оқибатсиз, шафқатсиз, золим, худбин, турли жамият манфаатлари, юрт манфаатларига зид бўлган салбий ташқи кучлар таъсирига осон берилувчан, шу асосда эса ўз оиласи, ўз халқи, ўз юрти учун хавфли одам бўлиб етилиши мумкин.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ **XIV Боб**

63-модда

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

64-модда

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

65-модда

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66-модда

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.


Оила ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс бўлиб, Конституциянинг 14-боби оилага махсус бағишланган. 63, 64, 65, 66-моддалари оила масканининг жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, оила тузишда томонлар ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги, ота-оналарнинг фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаши мажбуриятлари, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари юзасидан мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилган.(17-бет).

3-жадвал.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИЛА КОДЕКСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикасининг янги Оила кодекси Олий мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги Қарори билан «абул» илинди ва 1998 йил 1 сентябрдан амалга киритилди

Оила кодексининг тузилиши



Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётини белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда жамиятимиз учун, инсоният тараққиёти учун, мустақиллигимиз истиқболлари учун жиддий хавф туғдираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг таҳдиди ортиб бораётган айни вақтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал этилишининг асосий йўли бўлмиш ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайдиган, ўта жиддий ёндошишларни талаб этувчи давлат, ҳукумат миқёсидаги долзарб масаладир. Бунинг муваффақиятли амалга ошишига жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, Сиз ўқувчилар, ота-оналар ҳамма бирдек масъулдир. Бу масала ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган, ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайдиган ўта назорат, ниҳоятда жиддий масаладир. Чунки инсоният тараққиёти, жамиятимиз тараққиёти шу масалани биз бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ.

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ УЙҒУНЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

4-жадвал.

Жамият ҳаётида оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Эркак ва аёллар ўртасидаги
никоҳнинг

Оилада эр-хотиннинг тенг
ҳуқуқлилиги

Фарзандлар фаравонлиги ва
равнақи ҳақида ғамхўрлик қилиш

Ички оилавий масалаларни ўзаро
келишув асосида ҳал қилиш

Оилани кафолатловчи манбалар

Оила кодекси

Президентнинг Фармон ва
фармойишлари

Конституция


Ҳукуматнинг меъёрий-ҳуқуқий
ҳужжатлари

Фуқаролик кодекси

Халқаро ҳуқуқ нормалари

Қонунлар

Оила кодексига никоҳ ёшининг
белгиланиши:



II БОБ. ОИЛА ХУСУСИДАГИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

2.1. ОИЛА ХУСУСИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Маълумки, никоҳга ва яқин қариндошликка асосланган ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат умумийлиги билан боғланган кичик ижтимоий гуруҳни **оила** дейилади. Оила бошқа турдаги кичик гуруҳлардан ўзининг бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, оила кўп муддатга, яъни бир неча ўн йиллар ва кўп йилларга мавжуд бўлади;

иккинчидан, оилада шахслараро муносабатларнинг бир неча турлари амалга ошади, яъни миллий мафкурамизга оид илк тушунчалар аввало оила муҳитида сингади ва бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Бунда оилавий муносабатларда тарбиявий, психологик, ҳиссий, молиявий, жинсий ва бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади;

учинчидан, оиладаги барча муносабатлар заминида ёки салбий ёки ижобий ҳолатлар юзага келади, яъни оила аъзоларидан кимнингдир кимгадир таъсири оқибатида шахс ёки яхши шаклланиши ва комил инсон даражасига етиши ёки тарбияси оғир, хулқи бузуқ одам бўлиб тарбияланиши мумкин.

Демак, жамият учун ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланган ота-она ва бола, эр ва хотин, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлган муаммолар айнан оила негизида юзага келади. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан бошлаб оила, ундаги муносабатлар масалалари ҳар бир даврнинг донишманд, олим, мутафаккирлари томонидан ўрганилиб келинганлигини ва уларнинг қарашларида бу масалаларнинг ёритилганлигини кузатамиз. Бу қарашларни, фикрларни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этиш орқали оила, ўзаро муносабатлар муаммолари бизнинг ҳаётимизда доимо муҳим масалалар сирасига киришини қайд этамиз.

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бўлиб келган. Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Хотам Ибн Той, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фаҳриддин, Муқимий, Фурқат, Завқий, Увайсий, Нодира, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби кўплаб олим ва ёзувчилар бу масалалар юзасидан ўзларининг дурдона фикрларини тарихда қолдириб кетганларки, улар ҳозирги замон фани учун ҳам катта ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эгадир. Уларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилган, шунинг учун биз юқоридаги буюк мутафаккирларнинг айрим педагогик ва психологик

қарашлари ёритилган асарларини таҳлил этиш орқали талабаларга мазкур муаммоларнинг нақадар долзарб эканлигини баён этамиз.

Шарқ мутаффакирларининг барчасини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг ролини юқори қўйишган, айниқса, шахснинг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор берганлар. Улар фақат оиладагина ривожланиши мумкин бўлган сифатлар - ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан бирга инсондаги инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмаларни ўз фалсафий-этик, социологик ва психологик қарашларида ифодалаб берганлар.

Зардуштийликнинг қадимий китоби - «Авесто» да оила муқаддас даргоҳ эканлиги, оила барқарорлигида эр ва хотиннинг тенг масъуллиги, фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Оиланинг тинч ва фаровон бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида эса: «Порсо, инсон уй тиклаб, оловга, оиласига, хотин ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, уйда ноз-неъматлари муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқод, собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир», - деб ёзилган.

Бу китобда кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлгани маъқул. Шунингдек, унда ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риюя этиши лозим бўлган. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда эр-хотинни ўзаро содиқ, ғамхўр, меҳрибон бўлишлари лозимлиги ва аёлнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилганлиги маълумдир. Умуман олганда, зардуштийлик даврида оила масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу эса оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш учун азал даврларда замин яратилганлигини кузатамиз.

Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбааларидан бўлмиш Қуръон ва Ҳадисларда ҳам одоб-ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва вазифалари, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, оила юритиш, никоҳ ва муҳаббат масалаларига кенг ўрин берилган.

Қуйида ҳадислар тўпламидан бир неча мисоллар келтираамиз:

"Тангри наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли-аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир" /18-ҳадис/ , "Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи - бу унинг онасидир" /34-ҳадис/;

"Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз" /38-ҳадис/; "Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди, бордию кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади" /44-ҳадис/; "Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остингиздагиларга масъулдирсизлар, Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли

аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак ҳар бирларингиз масъулдирсизлар" /116-ҳадис;/ " Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди, /136-ҳадис/.

Келтирилган намуналардан кўринадики, демак диний манбаларда ҳам оиланинг муқаддас эканлиги, эркак ва аёлларнинг оила олдидаги бурч ва масъулиятлари, ота-онанинг бола ва ўз навбатида фарзанднинг ота-онаси олдидаги вазифалари, эрнинг хотинига ҳурмат ва эъзози муқаддас кадриятлар сифатида қаралган экан.

Агар халқ эпоси ва диний рисолалар одамларда оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кўчиб сақланиб келган бўлса, халқнинг энг донишмандлари ва олимлари ўз қимматли фикрларини халқ анъаналарига таянган ҳолда ўз асарларида ёритиб, уларни келгуси авлодлар учун қолдирганлар, шундай файласуф-олимлардан бири **Абу Наср Форобий**дир. Унинг инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, умуман ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги қарашлари умумфалсафий қарашлар ва тушунтиришлардан иборат ўғит бўлиб, ахлоқ назариясини бойитди. Унинг таълимотларида келтирилишича, ҳақиқий бахт бир одамнинг бошқасига нисбатан ғайирлиги, зулми йўқолгандагина бўлади, оила аъзоларининг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру-оқибатлари эса ана шу оиладаги одамларнинг бахтини ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари учун бирламчи устоз, йўл кўрсатувчи эканлиги ва айнан улар болада таълим-тарбияга керакли тайёргарлик ҳолатини шакллантириш таъсирига эга эканлиги тўғрисидаги хулосалар мутафаккир қарашларининг ҳозирги кунлар учун ҳам нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Ўрта асрларнинг буюк арбоби, олим-энциклопедист **Абу Райҳон Беруний** /973-1048/ Форобий қарашлари таъсирида қатор фанлар бобида ўз изини қолдирган донишманддир. Унинг кўпгина асарларида инсон одоби ва ахлоқи хусусидаги ноёб фикрлар ўз ифодасини топган, Мутафаккир ўзининг "Минерология", "Геодезия", "Хиндистон", "Ўтган авлодлар обидалари" номли асарларида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи, халоват ва лаззати, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва худбинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган. У бундай ёзади: "Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларини таъминлаш учун ишларни бажаришдир". (Минерология, 1966, 10-бет).

Абу Райҳон Беруний "озодалик ва орасталик олижанобликнинг ўзаги" бўлиши кераклигини уқтиради; инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси билан унинг ахлоқий қиёфаси ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапириб, "тишни ювиб, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, уларга сурма қўйиш, сочи эса зарур бўлганда бўяб, тирноқларни олиб туриш ва силлиқлаш" инсон саломатлиги ва руҳий поклигининг асосидир, деб таъкидлайди. Бу фикрлар ҳозирги замонда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, чунки оила аъзоларининг,

эр-хотиннинг ушу кўрсатмаларга амал қилиши оила тотувлигининг заминларидан биридир.

Ахлоқ-одоб эгаси бўлган инсон энг аввало ўз юриш-туриши, муомала маданиятида, ҳаёт кечиришида, оила барқарорлигида намуна бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари олимнинг оила этикаси бўйича ибратли қарашларидан намунадир: "Инсон ўз эҳтиросларига хукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагудек нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир".

Шундай қилиб, Беруний устозлари изидан бориб, ўзининг гуманистик умуминсоний қарашлари билан оила психологиясига муносиб ҳиссасини қўшди. У инсонлар ўртасида ўзаро бир-бирларини тушуниш, тенглик ва бошқарувда адолатни ҳимоя қилиб чиқди-ки, бу қарашлар бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Оилавий муносабатлар ва бу соҳага оид қарашлар тизимида Шарқ мутафаккирларидан бири, бутун Европа халқлари ҳам унинг қомусий билимдонлигини тан олган аллома **Абу Али Ибн Сино**дир /980-1037/. Буюк олим сифатида у барча ҳодисаларнинг илмий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Ибн Синонинг педагогик ва психологик қарашлари ижтимоий асосда қурилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилнинг қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи ота-оналарга болани каттиқ тана жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган. Мутафаккирнинг қаламига мансуб бўлган "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Тиб қонунлари", "Уй хўжалиги" каби қатор асарлари Ўрта Осиё халқлари ахлоқ-одоби, психологияси ва таъбабат оламида алоҳида ўрин тутган йирик илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия масалаларида аллома оиланинг ўрнини алоҳида таъкидлаган. Оила ва оилавий муносабатлар масаласи унинг «Гадбири манзил» асарида ўзига хос тарзда баён этилган.

Оилавий муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, Ибн Сино, аввалом бор оила бошлиғи олдида қатор талабларни қўяди. Оила бошлиғи, деб ёзади у, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оилада тарбия масалаларини мукамал ўзлаштирмоғи лозим. Агар оила бошлиғи тажрибасиз бўлса, у ўз аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир оқибат у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди, ёмон тарбия нафақат ушбу оила, балки қўшниларга, маҳалла-куйга ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин. Оиладаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар, уларнинг бирламчи вазифасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, бари-бир, у бола тарбияси борасида масъулдир. Давлат бошлиқлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари лозим.

Ибн Синонинг бола тарбияси, тарбия психологияси ва раҳбарларга қўйган ушбу талаблари ўша даврда қанчалик тараққийпарвар ва зарур бўлса, бизнинг бугунги қунимизда ҳам у ўз кучини йўқотгани йўқ.

Унинг фикрича, тарбиячи, яъни ота-она «нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим» /Ибн Сино. Тадбири манзил, 44-бет/.

Ибн Синонинг севги-муҳаббат ва эр-хотин муносабатлари борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир, «Энг юксак севги деб, таъкидлайди у, - бу инсоний севги бўлиб, бундай севги кишини саховатли қилади, уни оққўнгил ва жозибали кишига айлантиради». Алломанинг фикрича, севги инсон зиммасига жуда катта ахлоқий ва ҳуқуқий масъулият юклайди. У инсон бахтининг негизи, деганда ошиқлик эмас, балки ошиқ-маъшукликни тушунади. Ошиқ-маъшуклик билан турмуш қуриш оила мустаҳкамлигининг асоси сифатида таъкидланади.

Турмуш қурган эр-хотинлар муносабати борасида, эса мутафаккир, «Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир»,- деб ёзади. Аёл эса эркакнинг яхши, муносиб йўлдоши, у бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчидир. Унинг эр-хотин муносабатлари хусусидаги фикрлари ҳам ўша давр учун ўта илғор ва аҳамиятли эди. У ўзининг "Оила хўжалиги" китобида аёллар ахлоқан энг мақбул, юқори сифатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади, Шу китобнинг "Афсофий бехтарин занхо" /аёлларнинг яхши фазилатлари ҳақида"/ бўлимида уларнинг қуйидаги фазилатлари таъкидланади: «Аёл ақлан доно, уятчан, иболи, ифбатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим: у эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак инжиқ бўлмаслиги, ўз иффати ва обрўсини тўкмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор ҳиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим; ўз хулқ-атвори билан ўз эрининг қалбида ҳадиксираш ҳиссига ўрин қолдирмаслиги керак» /Ибн Сино. «Тадбири манзил», 38-бет/.

Бизнинг фикримизча, оила ва аёл ўрни хусусида Ибн Сино баъзан бир томонлиликка йўл қўйгандек туюлади, чунки бунда асосий эътибор ва урғу фақат аёл шахсига қаратилади, лекин бу фикрларнинг асосида аёлларнинг психологик жиҳатдан оила муҳитини ифодаладиган кишилар сифатида қараш ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир.

Умуман, Ибн Сино аёл кишига инсоний муносабатда бўлиб, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бир бирини тушунишга асосланмоғи лозимлигини ҳимоя қилиб чиққанлиги бу диққатга сазовор жиҳатдир.

Ибн Синонинг меҳнат тарбияси борасидаги фикрларидан бири, масалан, ҳар бир болани, дейди у, «Бирор ҳунарга ўргатмоқ шарт, ёш йигит бирор ҳунарни ўрганса, уни ҳаётда тадбиқ эта олса ва мустақил ҳунар туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим»,- деб ҳисоблайди. Демак, алломанинг оила қуриш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий етуклик ҳақидаги фикрлари биз учун ҳозир ҳам зарурдир. Сабаби, оиланинг мустаҳкамлиги ва бахтли бўлиши айнан оила

куртанларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан етукликларига ва айниқса, йигитнинг оила қуришга тайёргарлигига боғлиқдир.

Шундай қилиб, Ибн Синонинг таботат, инсон тарбияси, оилавий муносабатлар хусусидаги фикрлари жуда қимматли бўлиб, уларни ҳозирги замон ёшлари онгига етказиш эса катта илмий-педагогик ва ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир.

XI асрнинг буюк мутафаккири ва шоири **Юсуф Хос Хожиб** ўзининг «Қутадғу билиг» - «Саодатга бошловчи билим» - китобида ва ундан кейинги қатор асарларида ўзининг этика ҳамда ҳаётга оид қарашларини баён этади.

Инсон фақат жамиятдагина камолотга етиши мумкин, мулоқот ва ижтимоий-фойдали меҳнат уни ривожланиши ва яшашининг мезонидир, деб ҳисоблайди. «Бошқа одамларга фойдаси тегмайдиган инсон - ўликдир», - деб ёзади у. /ўша асар, 529-бет/. Одам ким бўлишидан қатъий назар, шохми, гадоми, аввало, инсоний бўлиши керак, чунки «дунёда ўлмас бўлиб, фақат инсонийлик қолади», «Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши - ҳар қандай қимматбаҳо дурлардан ҳам қимматлидир».

Шоирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Хожиб оилавий тарбияни бола ахлоқий тараққиётининг асоси, деб ҳисоблаган: «Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб - отасида». Шунинг учун ҳам ота-она, айниқса, ота бунга катта эътибор бермоғи лозим.

Маълумки, сўфизм инсоний муҳаббат, севгини инкор этиб, фақат Оллоҳга нисбатан севги ва муҳаббатнинггина борлигини эътироф этган. Бундан фарқли ўлароқ, Юсуф Хос Хожиб, одамлар ўртасидаги севги-муҳаббатни тараннум этган. У севгини оилавий бахт ва ижтимоий муваффақиятларнинг гарови, деб ҳисоблаган. «Йигит уйланмасдан аввал келиннинг кимлигини, унинг келиб чиқиши, характери ва хулқ-атворини билиши керак», - дейди у. Унинг ахлоқий дидактикаси Ўрта Осиёдаги илғор фикрларнинг тараққиётига катта ҳисса қўшган, шунинг учун ҳам унинг қарашлари мусулмон халқлари ўртасида кенг тарқалган ва кўпгина шов-шувларга сабаб бўлган.

Кайковус Унсурулмаони - 63 ёшида ўғлига атаб "ҚОБУСНОМА" ёзиб, унда ўзининг бола тарбияси, оилавий ҳаёт, шахс камолоти масалаларини баён этди. Китобдаги асосий ғоя - ёшларни ота-онани ҳурмат қилишга, эъзозлашга чақиришидир. Унинг бу борадаги фикрлари пандноманинг «Ота-она ҳаққини билмоқ зикрида» бобида баён этилган: «Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она, меҳр-муҳаббатини адо этмакдин бош тортмагай». У бу борада "Нима эксанг, шуни ўрасан" деган мақолни ишлатиб, у оилада бола тарбиясининг қўйилиши ана шу муҳим мақол асосида қурилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Маълумки, "ҚОБУСНОМА" тарбия борасида шунчалик нодир асарлардан ҳисобланадики, уни машҳур ҳинд масали "Калила ва Димна",

Носир Хисравнинг "Саодатнома", Ахмад Югнакийнинг "Хибатул ҳақониқ", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб", "Вақфия" каби асарлар қаторида кўрадилар. Ундаги фикрлар ва кўрсатмалар ота-оналар учун, айниқса ўсмир ва ўспиринлик ёшидаги йигит-қизларни тарбияланишида муҳим дастурдир.

Турмуш маданияти, одоб-ахлоқ, севги-муҳаббат борасида ўзига хос қайтарилмас фикрлар соҳиби буюк бобокалонимиз **Алишер Навоий**нинг "Маҳбуб-ул-қулуб" ёки "Қалбларнинг севгиси" деб ном қўйилиши бежиз эмас. Чунки бу асарда Навоий инсонларга қалбидаги энг керакли ўғитларини баён этиб, уларни турмушдаги, оилавий ҳаётдаги турли ҳодисалар ва вазиятлардан чиқишга имкон берувчи яхши фазилатлар, уларни тарбиялаш масалаларига диққатни қаратади. Рисоланинг «Уйланиш ва хотинлар тўғрисида» бобида у уйланиш ва унинг фойдаси, оилавий муносабатлар ҳақида дурдона фикрларни баён этади, Унда асосан инсоният дунёсида мавжуд бўлган 3 хил севгининг нақадар гўзал, табиий ва инсоният тараққиёти учун зарурлигини зикр қилади. Инсоний севги, чин муҳаббат, икки хил - жинснинг турмушда баркамоллик қасб этиши каби ғояларни тараннум этган бу нодир асар бугунги давримиз учун ҳам ғоят қимматлидир. Навоий аёл кишининг оиладаги ўрнига қуйидагича тўхталади:

«Яхши хотин-оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан, ҳуснли бўлса - кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса - жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас тан маҳрамига эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у. Тесқари айланувчи фалақдан ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳамроҳ, баданингга хасталик ва заифлик келса, унинг ҳам жони ҳалак, аммо худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор чекади ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди, покиза бўлмаса, эрига юзи қоралик келтиради, агар майхўр бўлса, у уй одоблиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади».

Буюк алломанинг оилавий бахт, севги ва эр-хотин муносабатлари, уларга зарур бўлган фазилатлар борасидаги бундай фикрларини билиш, уларга риоя қилиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи бўлмоғи шарт.

Шарқда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қадимдан жиддий аҳамият берилган. Улар «Насихатнома», «Панднома», «Ҳикматнома» тарзида бизгача етиб келган. Бу манбаларда қизларни ҳаётга тайёрлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оила муқаддас, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқ эканлиги ҳақида турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ҳикоя қилинади.

Шундай китоблардан бири турк олими Юсуф Товаслий тўплаган "Ҳикматлар хазинаси"дир, унда келин бўлувчи қизга бериладиган она ўғити

кишининг диққатини ўзига тортади. Унда она узатилаётган қизига куйидагиларни насиҳат қилади:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдур, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга мухтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди.

Шу сабабли, сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул булсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен унга уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Айтганларига амал қилсанг, эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли турмуш қурасизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила - бизнинг ҳам эрингнинг оиласи ҳам) ҳузур-ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда (яъни айтганларимга амал қилмасанг) иккала оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандек бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўғитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингга тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол, эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб, адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шунини яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир. Инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга кетиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни

хафақон этади. Асабнинг бузулиши, хафақонлик одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эринг мол-дунёини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни эрингнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб, охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, эринг хафа бўлганда сен нашъали, хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда, сен хафа бўлишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувончли бўлган вақтларида сенинг ғамгин бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни ўртага туширади. Бу эса, фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга муносиб ишдир.

Бу сен каби юксак бир тарбия кўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Болажоним! Эрингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг шунчалик муҳаббат ва ҳурматига эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан.

Фарзандим! Шуни яхши билгинки, бу ўғитларимни ўрнига қўйиб бажариб, керагичалик амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керакдир. Эринг истакларини ўзингнинг орзу истакларинг деб билсанг, у ҳолда бу ўғитларимга амал қилган бўласан!».

Бу насиҳат оила уясида жаннат ҳаётида яшашни истаган келинчакларга қаратилгандир. Бу ўғитлар бутун ҳаёти давомида ўз тажрибасидан ўтказган онанинг насиҳатидир.

Бу насиҳат ҳозирда ҳам оила ширин турмуш қуриш ва уни чиройли идора этиш учун ҳар бир турмушга чиқувчи ақлли қизга сув ва ҳаводек зарурдир.

Қаноат, сабр-бардошли бўлиш, эринг хоҳишига қараб, уни ҳурмат қилиш, оилада тозалikka, ҳаёт гигиенасига риоя қилиш, пазанда бўлиш, овқатни вақтида, мазали пишириш режали тежамкор бўлиш ҳар бир оиланинг барқарорлигини, осойишталигини таъминловчи омиллардир.

Юсуф Товаслий ўғитларига кўра, эрининг мол-мулкани сақлаш - бу ўзининг, болаларининг мол-мулкани сақлаш демакдир. Уйда эр мулкани тежамайдиган, сақлашни билмайдиган хотин оила заволидир. Шунингдек, эрининг қариндошларига ҳурмат кўрсатиш ақлли аёл учун энг тўғри йўлдир. Ота-боболаримиз «гулни севган тиконни эъзозлайди», - дейдилар. Эрининг қариндошларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл ҳузур ичида яшаш йўллари билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикон севилмайдими? Тиконни иззат қилмаган, гул исидан бебаҳра қолади. Эрининг қариндош яқинларига ҳурмат кўрсатишни билмаган аёл эрининг кўнглини ололмайдди, унинг меҳрини қозона олмайдди, у эрининг нафратига учрайди, муҳаббатини сўндиради. Ақлли аёллар бундай йўлни танламайдилар.

Шу ўринда донишмандлар аёл киши эрининг сирини ўзгаларга ошкор этмаслик ҳам уларнинг энг яхши фазилати эканлигини уқтирадилар. «Эрининг сирини - оиланинг сирини. Ҳақиқатда эр сирини қалбининг энг тўрида тутган ақлли хотинлар ўз оилаларида ҳузур ва роҳат курадиганлардир».

Шунинг учун ҳар бир оқила она, қизини узатар экан, ёки қизини оилавий ҳаётга тайёрлар экан - бахтли яшаши, бахтли яшаш учун эса фақат оилада яшамоғини уқтириши керак. Чунки жуфт бўлиб яшамок ҳаёт суннатидир. Никоҳ воситасида, шаръий йўл билан жуфт бўлиб яшаш - ахлоқий поклик ва соғлиқ гарови, жамият мустаҳкамлиги асоси эканлигини англатиш, унга амал қилишини тушунтириши керак.

Юқорида келтирилган фикрлар ёшларнинг яхши оила куриши ва бахтли яшаши учун зарур дастурамал ҳамдир.

Мана шундай ўғитлар билан ўстирилган қизларимиз ибодат-ҳаёли, андишали бўлишган. Улар ота, ака-ука ва эрларининг ҳурматида бўлишган.

Туркистон халқларининг психологияси, турмуш тарзидаги ўзига хосликлар, ўзбек аёлининг одоби ва ахлоқи, оилада ўзини тутиши жуда кўп олимлар ва алломаларни қизиқтириб келган.

Масалан, 19-асрнинг 70-йилларида фарангистонлик этнограф, олима, мусаввир Бурдон хоним Туркистон эллари ўртасида тадқиқот олиб борган эди. У бу халқларнинг ҳаёт тарзи билан танишиш жараёнида аёлларнинг одоби, болаларга муносабати ва эр-хотин муносабатларининг гувоҳи бўлди. Унга ўзбек аёлининг ўз уйида, тўй-маросимларда, кўни-кўшнилари билан мулоқотда ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси уни ҳайратда қолдирди. «Биз, - деб ёзган эди у, - маданийлашган Оврўпо аёллари ахлоқ-одобни, ифбатни бизнинг назаримизда ёввойи ҳисобланган туркистонлик аёллардан ўрганмоғимиз жоиз экан... Лесгафт, Дидро назарияларидан мутлақо беҳабар бу аёллар ахлоқ назариясидан қўлланма ёзсалар арзир экан...» /"Саодат", 1993, 10/.

Олима хонимнинг замондоши ва маслакдоши XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган Фахр-ул банот Сибгатуллох қизи ҳам ўз даврининг олимаси эди. Унинг асарлари биринчи навбатда хотин-қизларга қаратилган бўлиб, «Қизлар тарбияси», «Оила сабоқлари» каби китоблари қизлар мактабларида дарслик сифатида ҳам қўлланилган. Бу

рисола 87 сабоқдан иборат бўлиб, унда хулқ-атвор, юриш-туриш, муомала маданиятининг психологик асослари берилган.

Қадимдан қизлар тарбияси, уларни эъзозлаш, уларга ўзгача меҳр билан қараш халқимизнинг олий фазилати бўлган. Шу сабабдан халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам бу масалага эътибор берилган. Бунинг тасдиғи сифатида ушбу ривоятни келтиришни лозим деб топдик.

«Бир вақтлар давлатманд ақлли одамнинг қизи ақлли-одобли йигитга узатилибди. Куёв одобли бўлганлиги учун қайин ота томонидан жуда севикли куёв бўлибди.

Қизнинг укалари атрофидагиларнинг таъсириданми, ёки ёшлик қилибми, оталаринг поччани бунчалик яхши кўришига ғайр қила бошлабдилар.

Ўғилларидан бири акасига бир кун: - Акажон, отам ҳадеб "Куёвим, куёвим" дегани деган. Ҳамма вақт поччамиз уйга келганда турли ширин овқатлар қилинади. Отам "куёв ундай, куёв бундай" деб мақтайди, холос. Куёв шундай яхшими? - дейди.

Бу гаплардан хабар топган ота - Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни нега яхши кўришимни биласанми? - дейди. У сен билан менинг номусимизни кўриқлайди. Қизимизни, онангни, фарзандимизни, болажонимизни ҳимоя қилади. Аслида мен қизимни ҳимоя этишим керак, лекин ҳозир у ҳимоя қиляпти. Мен уни яхши кўрмай қимни яхши кўрай? Қизимизни жуда яхши кўрганим учун куёвимни жуда яхши кўраман. Куёвимни севиш қизимни севиш демақдир. Агар қизимга куёвим қарамаса, мен қарашим керак бўлади. Севикли ўғилларим, кўзим нурлари! Аёл, она, қиз оиланинг номусидир. Номусни сақлаш, кўриқлаш мард эркакларнинг ишидир. Мана, номус нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсам, сиз ҳам шундай бўласиз. Онангиз сизнинг номусингиздир. Мен ўлсам, поччангизга бир гап бўлса, опангизга сиз қарайсиз, унинг номусини сиз кўриқлайсиз. Шундай экан, менинг айтганимга қулоқ солиб, поччангизга меҳр ва ҳурмат кўрсатасиз, дейди.»

Шариатда қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота ҳақиқий ота ҳисобланмаган. Ҳақиқий ота қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайди, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Фарзанди, авлоди қадр-қимматини билмаган. авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас, дейилади.

Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда ҳар кимки уч қиз фарзанд ўстириб, уларни турмушга бериб, уларга яхшилик қилишни давом эттирса, ул кимса жаннатидир, дейилган.

Фан ва илму маърифат тараққиётида муҳим ўрин тутган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср олимлари ва маърифатпарварлари - Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз, Абдулла Авлоний кабилар эса Шарқ мутафаккирларидан руҳланиб, ахлоқ-одоб, оила этикаси ва психологиясига оид қатор асарлар яратдилар.

А. Авлонийнинг оила педагогикаси ва психологиясига оид фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи марта нашр қилинган "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари Қайковуснинг "Қобуснома", Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билик", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Саъдийнинг "Гулистон ва бўстон", Жомийнинг "Баҳористон", Навоийнинг "Маҳбуб -ул-қулуб" асарларига ўхшаш жанрда ёзилган бўлиб, муаллиф унда оилада бола тарбияси ва умуман оиланинг ижтимоий ролини очиқ берган. Авлоний тарбия жараёнида оиланинг ва жамоатчиликнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Боланинг шахс сифатларига тўхталиб, унда оиланинг ролини кўрсатар экан, «Қуш уясида кўрганини қиладур», - дейди. «Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар...». Демак олим, бола тарбиясида оиланинг ролини бирламчи қилиб қўяди: «... тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга "биринчи уй тарбияси - бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси - бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир,- деган жавоб берсак». Кўришиб турибдики, Авлоний боланинг мукаммал тарбияси нафақат оилага, балки мактаб ва жамоат ташкилотларига ҳам боғлиқлигини эътироф этиб, тарбия масаласини умуминсоний вазифалар даражасида талқин этган.

Юқоридаги қисқача таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мусулмон олами, Шарқ мутафаккирлари орасида оила муаммолари билан шуғулланган ва шу хусусда ўзларининг қимматли фикрларини келгуси авлодлар учун қолдирган олимлар жуда кўп. Биз уларнинг айримларига тўхталдик холос.

2.2. НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Мазкур дарсликнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу курс давомида биз сизлар билан никоҳ-оила муносабатлари психологиясига оид масалалар билан танишиб чиқамиз. Гап никоҳ-оила муносабатлари ҳақида борар экан, даставвал, ҳозирги замон оиласининг, умуман никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Никоҳ-оила муносабатлари, оилавий ҳаёт психологиясига, ҳозирги замон оиласида кузатиладиган кўплаб ҳолатларга психоаналитик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, уларнинг илдизи никоҳ-оила муносабатлари эволюциясининг узок ўтмиши билан боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда мазкур масалани батафсилроқ ёритишни лозим топдик.

Махсус манбаларда қайд этилишича, ер юзида бундан 4 млрд. йиллар муқаддам ҳаёт нишонлари, жонзодлар юзага келган. Ҳозирги замон одамларининг дастлабки ибтидоий аждодлари (Homo-sapiens) фикрловчи

одам бундан 3 млн. йиллар муқаддам шаклланган. Узоқ муддат давом этган ибтидоий тараққиётдан сўнг аста-секинлик билан ибтидоий жамоалар, кишилиқ жамиятлари юзага кела бошлаган ва одамлар ўртасида дастлабки ўзаро муносабатлар, мулоқотлар шакллана борган. Лекин уларни ҳали том маънода инсоний муносабатлар деб бўлмас эди.

Умуман эркак ва аёлларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши жинс вакиллари сифатида ўзаро муносабатларининг илк кўринишларида, яъни никоҳ муносабатларининг юзага келишининг илк босқичларида жинслар ўртасидаги муносабатлар асосан биологик омиллар билан бошқарилган. Худди маймунларда бўлгани каби ибтидоий одамларнинг аёллари ҳам вақти-вақти билан, қисқа муддатли (ой давомида 4-5 кунгача, фақат айрим турлардагина 19 кунгача) «эструс» деган ҳолатни, эструс даврини ҳис қилганлар (эструс - кўшилишга мойилликнинг шиддатли, кучли номоён бўлиши). Бундай кунларда аёллар кимни хоҳласа ўшалар билан фарқлаб ўтирмай кўшилаверган, қолган кунлари эса кўшилиш бўлмаган. Одамларнинг тик юришга ўтиши билан одам организмида рўй берган ўзгаришлар, «илк аёлларни» кўз ёриш жараёнида кўп нобуд бўлишига ва оқибатда одамлар тўдасида уларни сонининг кескин камайиб кетишига олиб келган. Шу туфайли эркаклар ўртасида кўплаб низолар юзага келган, уларнинг кўпчилиги қонли тўқнашув иштирокчиларидан бирининг нобуд бўлиши билан тугаган. Бундай табиий танланиш эструс ҳодисаси узоқроқ муддат давом этган уруғларнинг кўпроқ яшаб қолишига олиб келган.

Бироқ, бу биологик омил «илк ижтимоий» режадаги янги тўсиқларни юзага келтиради: ҳеч бир организм бундай узоқ вақт давом этган ўта шаҳвоний, асабий зўриқишларга дош бера олмас эди. Шунинг учун эструс муддатининг узайиши билан аёллар бу даврда «совуқроқ», ўзининг жинсий майлини назорат қиладиган ва энди ким тўғри келса ўша билан эмас, балки фақат ўзларига ёқадиган эркаклар билангина кўшиладиган бўлиб борганлар.


Эркакларга нисбатан «танлаб» муносабатда бўлиш - ўзига хос инсоний муҳаббатнинг биологик пойдевори юзага кела бошлаганлигидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ҳозирги одам тушунадиган, ҳис қиладиган «севги» ҳиссининг илк элементлари, аёлларнинг шу ҳолати хусусияти эвазига инсоният руҳиятига сингиб борган. Шулардан сўнг, аста-секинлик билан, гарчи ҳеч қандай ижтимоий меъёрлар билан бошқарилмасда, бир-бирларини шаҳвоний маъқул кўрадиган жуфтлардан иборат унчалик катта бўлмаган гуруҳлар ташкил топа бошлайди. Шундай қилиб, эструснинг узайиши ҳамма учун ҳам қулай, маъқул бўлмаган. Бу эса уруғ таркибига кирувчи эркаклар ўртасида яна жанжаллар, қон тўкилишларга сабаб бўладиган ҳолатларни келтириб чиқарган. Одамлар жамоаси хўжалиқ фаолиятининг жиддий бузилиши, уруғнинг яшаб қолиши учун хавфнинг рўёбга чиқишига олиб келди. Шу тарзда юзага келаётган жамиятда, уруғ ичидаги жинсий мулоқотни бошқариш, биологик инстинкт, зоологик индивидуализмни жиловлаш учун махсус ижтимоий меъёрлар шакллана бошлади. Ана шундай ижтимоий меъёрлардан бири мазкур уруғ

ичида эркак ва аёлларнинг жинсий мулоқотларини маълум бир муддатга (овга тайёрланиш, ов вақтларида) тақиқловчи жинсий табулар (таъқиқлаш)нинг юзага кела бошлаганлигидир.

5-жадвал.

НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ



Табу - ахлоқий меъёрларга қараганда анча жиддий ва қаттиқ таъқиқдир. Ахлоқий меъёрларни бузувчиларни жамоа жазолаши, уни йўқ қилиб юбориши ҳам ёки кечириб тирик қолдириши ҳам мумкин. Кўпинча эса табуларни бузганлар, улар буни билиб қилганми, ёки билмайми бундан қатъий назар сўзсиз жазоланган, йўқ қилиб юборилган.

Ишлаб чиқаришдаги жинсий табуларни юзага келиши уруғ ўртасида эркак ва аёлни маиший ажратиб қўйишда билан кузатилади. Табу вақтида эркакларга нафақат аёлларга тегиниш, балки уларга қараш, улар билан

НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ер юзида дастлабки ҳаёт нишоналари, жонзодларнинг юзага келиши (4 млрд. йиллар муқаддам)

Ҳозирги замон одамларининг дастлабки, ибтидоий аجدодлари (Homo-sapiens)нинг шаклланиши (3 млн. йиллар муқаддам)

Эркак ва аёлларнинг бир-бирларига нисбатан қара-қарши жинс вакиллари сифатида ўзаро муносабатларининг шаклланиши

Уруғдаги эркак ва аёллар миқдори ўртасида диспропорция, яъни эркаклар миқдори кўпайган айни вақтда аёллар миқдорининг ҳаддан зиёд камайиб кетиши

Аёлларда эркакларга нисбатан “танлаб” муносабатда бўлиш, ўзига хос инсоний муҳаббатнинг биологик пойдевори, “севги” ҳиссини илк элементларининг шаклланиши

Уруғ (қабил)да бир-бирларини шахвоний маъқул кўрадиган жуфтлардан иборат унчалик катта бўлмаган гуруҳларнинг шаклланиши

Жинсий муносабатларни чегараловчи табуларнинг юзага келиши

Эндогам “оила”ларнинг юзага келиши (42-45 минг йиллар муқаддам)

Гуруҳли никоҳнинг юзага келиши

Жуфтли “никоҳнинг юзага келиши (24-25 минг йиллар муқаддам)

“Совға айрибошлаш”га асосланган индивидуал жуфт никоҳнинг юзага келиши

Қабилалараро никоҳ заминида доимий ўрин олган хўжалик бирлиги жуфт оиланинг юзага келиши (10 минг йиллар муқаддам)

Никоҳнинг ҳозирги замон шакли моногамиянинг юзага келиши

(3-4 минг йиллар муқаддам)

гаплашиш, улар тайёрлаган овқатни истеъмол қилиш, ҳатто улар билан бир том остида яъни «бир уйда» бўлиш таъқиқланган.

Деҳқончиликнинг юзага келиши, мавсумий дала ишларининг ортиб бориши билан жинсий табулардан ҳоли вақтлар борган сари кам муддатли бўлиб бораверган. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам жинсий зўриқишнинг жадаллиги ортиб борган. Шунинг учун табулардан ҳоли қолган вақт оралиғи ўзига хос шахвоний айшу-ишратларга айлана борган.

Атоқли психолог З.Фрейд бу даврни ўз навбатида байрамларга қиёслаган. Чунки аксарият байрамларда, бошқа кунлари тақиқланган деярли барча нарсага рухсат берилади. Бу байрамларда ҳеч нима билан чекланмаган, жўшқин жинсий мулоқотлар амалга оширилган.

Шундай қилиб қисқа муддатли эструс юзага келган, бироқ энди бу эструс биологик сабаблар билан эмас, ижтимоий сабаблар билан боғлиқ бўлган. Бу вақтларда ҳали на никоҳ ва на оила мавжуд бўлган.

Ўз навбатида табулар кейинчалик никоҳнинг илк турларидан бўлмиш экзогам никоҳларни юзага келтиради (экзогам никоҳ - уруғлараро, қабилалараро никоҳ). Чунки табулар фақат ўз уруғи учунгина тааллуқли бўлиб, унда қон-қариндошлар ўртасида жинсий мулоқот таъқиқланган, бошқа қабила ёки уруғ аъзоларига эса тааллуқли бўлмаган. Шунинг учун эркакларга қаердадир, овлоқ жойда бошқа уруққа мансуб бўлган аёлни учратиб қолиб ундан шахвоний объект сифатида фойдаланиши мумкин бўлган. Мабодо эркаклар узок муддат қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган вақтларида бирон бир бегона эркак билан аёллар ҳам бу ишни қилишган. Табу давом этаётган даврда бир уруғ эркаги ўз аёлларидан узокда, ўз кулбасида бошқа уруққа мансуб аёлни сақлаши мумкин бўлган.

Кейинчалик бу тасодифий алоқалар қабила қоидаларида одатий, зарурий, кўзда тутилган одатларга айланиб борди. Бу ўринда одамларга, бу «бошқа уруғдагилар» билан бўлган алоқалардан туғилган насллар нисбатан бўйдор, бақувват абжир эканлиги сезилиб борди. Бу айнан ҳозирги замон одами гомосапиенс шакллана бошлаган даврга, тахминан бундан 42-45 минг йиллар муқаддамга тўғри келади.

Шундай қилиб эндогамия (фақат бир уруғ вакиллари ўртасидаги жинсий алоқа)дан, агомия, яъни жинсий муносабатларнинг вақтинчалик таъқиқланиши орқали экзогамия (турли қабила вакиллари ўртасидаги мунтазам жинсий алоқа) юзага келди. Бундан никоҳнинг гуруҳли никоҳ (дуально родовой) тури юзага келган. Гуруҳли никоҳда бир уруғ эркаклари бошқа уруғнинг барча аёллари учун эр ва аксинча иккинчи уруғнинг эркаклари биринчи уруғ аёлларининг эрлари ҳисобланган.

Гуруҳли никоҳнинг юзага келиши қайтанга никоҳ жуфтлари доирасини маълум бир гуруҳ аъзолари билангина чегаралаб, бирмунча, қисқартиради.

Бундай ҳолларда бошқа уруғдаги «эркак» бу қабилага фақат битта мақсадда, «никоҳ» мақсадидагина келар эди, ўзлари эса она оилаларида яшарди ва ишларди, улар ўзларининг «хотин»лари яшайдиган оилада ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас эдилар.

Гуруҳли никоҳ икки уруғнинг никоҳ алоқаларидан иборат бўлган - никоҳ муносабатларининг биринчи шакли бўлган. Албатта, бундай, уруғларни ҳали моддий неъматлар ишлаб чиқиш эмас, балки болаларни дунёга келтиришгина боғлаб турган. Ишлаб чиқариш ва болаларни дунёга келтириш муносабатлари бир-биридан ажратиб қўйилган эди. Жинсий алоқалар эса фақат бир-бирлари билан мулкӣ ишлаб чиқариш ишлари билан боғланмаган одамлар ўртасидагина мавжуд бўлган.

Гуруҳли никоҳ шахсий никоҳ бўлмаган, яъни унда бирон бир доимий «эр-хотинлик» жуфтлари мавжуд бўлмаган. Ҳар бир аёлнинг никоҳ жуфти айнан ким бўлишлиги уруғ томонидан белгиланмаган, бу фақат одамларнинг холис хоҳишлари, истакларининг намоён бўлиши бўлган холос. Уруғ фақат зўравонлик, мажбурлаш ҳоллари кузатилгандагина аралашиши мумкин бўлган, яъни ҳар бир индивидга ўзи қандай хоҳласа, шундай йўл тутиш ҳуқуқи таъминланган. Бундай муносабатларни ҳозирги замон тили билан «никоҳ», деб аташ мушкул, чунки бундай муносабатлар жуфтлардан на ҳуқуқ, на мажбурият ва на ўзаро масъулиятни талаб қилмаган. Шунингдек, оила деб аташ мумкин бўлган, болаларни боқиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган алоҳида бир муҳаббат ҳам бўлмаган.

Табиийки, гуруҳли никоҳда у ёки бу боланинг отаси ким эканлигини аниқлаш мушкул бўлган, шунинг учун болаларнинг келиб чиқиши фақат она томонидангина ҳисобланган. Уруғни фақат аёлга тегишли томони тан олинган. Болалар фақат ўз онасинигина билганлар. Уларнинг сингиллари, сингилларининг болалари, туғишган ака-укалари ва бошқа қариндошлар она уруғини ташкил қилган.

Гуруҳли никоҳнинг моддий асоси бўлиб асосан уй хўжалигини юритиш ҳисобланган, чунки бу вақтга келиб овчилик ҳамма вақт ҳам уруғ эҳтиёжини қондира олмай қолган. Бу даврда аёл уй хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажарган ва шу билан боғлиқ ҳолда уруғ аъзолари ўртасида ўзига хос ҳурматга эга бўлган, уруғ оқсоқоллари кенгашида эътиборли ўрин эгаллаган. Матриархат (оналик) даври бир неча ўн минг йиллар давом этган.

Кейинчалик гуруҳли никоҳ доирасида ўзаро майллар заминида етарлича доимий жуфтлар шакллана бошлади. Бундан пайдо бўлган жуфтли никоҳ даставвал бир эркак доимо фақат битта аёл билан яшашлигини билдирмаган. Эркак киши бир неча аёл билан бўлиши мумкин бўлган, худди шунингдек аёл ҳам бир неча эркак билан муносабатда бўлган. Аниқроғи, бундай никоҳни жуфтли никоҳ эмас, балки ибтидоий-эгалитар, яъни тенг ҳуқуқли никоҳ дейиш тўғрироқ бўлади. Табиийки, уруғнинг бир мунча бообрў аъзолари бир неча аёлга эга бўлиши мумкин бўлган. Бу даврга келиб кўп эрлилик камроқ учраган.

Бундай жуфт никоҳлар тахминан бундан 25-24 минг йиллар муқаддам уруғ ичида хўжалик ва иқтисодий муносабатларнинг янги шаклларига ўтиш билан хусусий мулкчиликнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган. Бу йўлда қўйилган биринчи қадам «совға айрибошлаш» деб аталган одат бўлган.

Дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан уруғнинг, қабилани ҳар бир аъзоси меҳнати маҳсулдорлиги сезиларли даражада ортган ва бу ортиқча истеъмол маҳсулотларининг юзага келишига олиб келган. Ҳар бир ишчи ўзи яратган маҳсулотни қабиланинг «умумий қозонига» ташлайдиган эскича тақсимот шакли энди ишлаб чиқаришни янада ривожланишига тўсқинлик қила бошлади (чунки бу қабиланинг нопок, дангаса аъзоларини ҳам ишлаб чиқиш фаолиятидан жазосиз қутулиб қолишлигига олиб келган). Шунинг учун қабила ортиқча маҳсулотни маълум бир қисмини қабила мулкига ўзининг абжирлиги, чаққонлиги ишлаб чиқариш фаолиятида кўпроқ муваффақиятларга эришганлиги билан фарқланиб турган аъзоларига «мукофот» тариқасида тақсимлашга рухсат беришга мажбур бўлган. Ҳаммага тенг тақсимлаш билан бирга аста-секин одамнинг имкониятига, унинг қабила мулкига қўшаётган улуши миқдорига қараб «меҳнат ҳақи» тақсимлана бошланган.

Агар тенг тақсимланишда жамоа маҳсулотидан улуш олиш «ҳуқуқи» мазкур уруққа тааллуқлилигига қараб берилган бўлса (жамоа мулкига қанча ҳисса қўшганидан қатъий назар) энди бу «ҳуқуқ» маҳсулот яратишдаги иштирокига асосланадиган бўлди.

Уруғнинг айрим аъзоларида ортиқча маҳсулот, шахсий мулкнинг пайдо бўлиши, оиланинг шаклланиши томон қўйилган янги қадам бўлган «совға айрибошлаш»ни юзага келтирди. Эркак киши бошқа уруғдаги «ўз аёлига» «мукофотини» совға қилган, шунингдек аёл ҳам ўзиникини унга берган. Токи улар ўртасида совға айрибошлаш давом этар экан, эркак билан аёл ўртасидаги жинсий алоқа ҳам давом этаверган. Совға айрибошлашнинг тўхтатилиши эса улар ўртасидаги алоқанинг ҳам тугагини билдирган. Шундай қилиб, никоҳнинг яна бир тури индивидуал жуфт никоҳ юзага келган.

Бунда аёлни ўзининг қондош қариндошлари, яъни ўз уруғи эркаклари билан тенг тақсимлаш муносабатлари, бошқа уруғдаги эркаклар билан эса совға айрибошлаш муносабатлари боғлаб турган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, жуфтли оиланинг юзага келиши, бошиданоқ, уни ўз уруғига қарши қўйишни ва оналик уруғи асосларининг бузилишига олиб келишини билдирган. Яъни эркак киши ўз мукофотини бошқа уруғдаги «ўз аёли» ва унинг болаларига қанчалик кўп берса, унинг ўз оналик уруғига шунчалик кам улуш қолган.

Бироқ «эр» ҳали «хотиннинг» ва унинг болаларининг ягона боқувчиси бўлмаган. Жуфтли оилаларни янада асослироқ бўлиши учун совға айрибошлаш ноадекват бўлиши керак эди, яъни эр-хотинига, хотин эрига берганга қараганда кўпроқ бериши лозим эди, шундай қилиб у(эр) хотиннинг болаларини боқувчиси бўлиб қолиши, совға айрибошлаш муносабатлари боқувчилик муносабатларига айланиши лозим эди. Шу билан бирга эркакни хотин ва унинг болалари билан алоқаси мунтазам ва узоқ муддатли бўлиб борди. Ниҳоят (дуально родовой) қабилалараро никоҳ заминида доимий ўрин олган хўжалик бирлиги - жамоа ташкил топди, унга эрлар ўз хотинлари ва уларнинг болалари билан кирди. Эркаклар ўз

сингилларидан, аёллар эса мос равишда ўз ака укаларидан ажралишди. Янги иқтисодий хўжалик бирлиги ёки оиланинг яна бир тури - **жуфт оила** юзага келди, унга, асосан эр, хотин ва унинг болалари кирди.

Энди никоҳ ўзига хотиннинг болаларини тарбиялаш ва боқишни таъминлашни мақсад қилиб қўйган эркак ва аёлнинг иттифоқига айланди. Бунинг учун эр-хотиннинг ҳар бири ўз уруғидан олган улушидан, маҳсулотидан фойдаланишган. Бундай иттифоқ юзага келишининг объективлиги меҳнатига яраша тақсимотни ролининг ортиши ва тенг тақсимлаш ролининг пасайиши билан ортиб борди. Жуфт никоҳнинг юзага келиши билан жуфтлар ўртасидаги жинсий муносабатлар нафақат шунчаки ахлоқий меъёрлар билан бошқариладиган доираларга, балки, ижтимоий-иқтисодий доирага (рамкага) киритилди.

Оилани ибтидоий жамоа тузуми давридаги ривожланишининг умумий кўринишлари асосан никоҳ ришталарини мустаҳкамлаш сари бориб, никоҳгача ва никоҳдан ташқаридаги алоқаларни чегаралаб борган. Масалан, Янги Гвинеядаги папаусларда никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи шундай иқтисодий воситалардан бири бўлиб келин учун тўланадиган тўловлар(қалин) хизмат қилган. Эр хотинини, унинг бевафолиги учун жазолаш ҳуқуқини олган, шунингдек етказилган «ахлоқий зиён учун» унинг ўйнашидан моддий рағбат ҳам талаб қилиши мумкин бўлган. (Албатта, бу эркакни шу хотиннинг болаларини боқишда фақат унинг эри бўлганлиги учунгина иштирок этишга мажбурлиги билан боғлиқ бўлган. Шу болаларни онасининг эри - ота деб аталган, бу ўринда биологик нуқтаи назардан у ҳақиқатан ҳам шу болаларнинг отаси бўлмаслиги мумкин. Ҳали у вақтларда биологик қариндошлик аҳамиятга эга бўлмаган.

Хусусий мулкчиликнинг юзага келиши ва мустаҳкамланиши билан синфий муносабатлар шакллана борган, бу эса никоҳнинг ҳозирги замон шакли - моногамиянинг шаклланишига асос бўлган. Моногам оила ва моногам никоҳ ўзининг классик шаклида фақат синфийлик жамиятининг етилиши билан тасдиқлана борган.

Хусусий мулкчиликнинг юзага келиши бир одам ишлаб чиқариш воситаларининг тўла ёки бошқарувчи эгаси бўлиб қолишини, бошқа одам эса улардан бутунлай маҳрум бўлишлигини ёки хусусий мулк эгаси тобе бўлишлигини билдиради. Бу ишлаб чиқариш воситаларини тақсимлашга бўлган муносабатни ва уларни ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлашга бўлган муносабатлар асосига айлантиришга ажратилишига олиб келди. Агар аввалида ижтимоий (жамоа) маҳсулотини олиш учун фақат шу жамоанинг аъзоси бўлишгина кифоя бўлса, кейинчалик бунинг учун одамнинг ижтимоий(жамоа) меҳнатидаги ҳақиқий иштироки талаб қилинди, сўнг эса нафақат жамоага аъзолик ва на меҳнат, балки айнан ишлаб чиқариш воситаларига, хусусий мулкка эгалик жамиятда ишлаб чиқилган маҳсулотни тақсимлашга асос бўлиб қолди.

Тенг тақсимлаш ва меҳнатига яраша тақсимлаш ўрнига хусусий мулкка эгалигига қараб тақсимлаш юзага келди. Меҳнатнинг ўзи, ўз-ўзича жамоа томонидан яратилган маҳсулотдан улуш олишга ҳуқуқ беролмай

қолди. Қул ўзи яратган маҳсулотнинг арзимаган қисмини олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмаган, чунки унинг ўзи ҳам (бутун борлиғича, ҳатто унинг ҳаёти ҳам) тўлалиғича хусусий мулк эгасига, қулдорга тегишли бўлган. Бу жамият миқёсида, оила миқёсида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар рўй берган. Хусусий мулкчиликка, синфийлик жамиятига ўтиш билан, тенг тақсимланишни бутунлай йўқолиши билан болаларни боқиш, тарбиялаш мажбурияти бутунлай оила зиммасига юклатилади. Бунда эр фақат ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси, мулкдори бўлганлиги учунгина боқувчи ҳисобланади. Бу ўринда у меҳнатда иштирок этиши ёки иштирок этмаслиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган. Аёл эса фақат хусусий мулк эгаси бўлмаганлиги учун боқувчи ролида мавжуд бўлган. Унинг меҳнатда иштирок этиши (ҳатто оиладаги барча моддий бойликлар фақат унинг меҳнати эвазига яратилган бўлсада) ҳеч қандай роль ўйнамайди. Шундай қилиб, синфийлик жамиятида эр-хотин ўртасидаги алоқалар асосида уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатлари ётади.

Агар ҳатто ижтимоий тақсимот бўйича келаётган маҳсулотнинг ҳаммаси хотин томонидан яратилган бўлса ҳам, агар ҳатто эр хотинни эмас, балки хотин эрни таъминлайдиган бўлса ҳам хусусий мулк эгаси бўлиб эр ҳисобланган, айнан у боқувчи ҳисобланган. Шундай қилиб, бу даврга келиб хотин қул ролини бажаришга тушиб қолган. Аёллар кўплаб фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, у қонун олдида ҳам ўз эри билан тенг бўлмаган. Қулдорлик ва феодал жамиятларда фақат эркакларгина бевосита ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари тизмига киришган. Аёллар эса бу тизимлар билан фақат ўз эрлари воситачилиги орқалигина алоқада бўлган.

Шу билан бирга эрга оила учун барча мажбурият, барча масъулият юклатилган. Эр қонуний тартибда оилани барча аъзоларининг, ўз фарзандларининг хўжайини деб эълон қилинган. Қондошликни оналик чизиқлари бўйича ҳисоблаш мумкин бўлмай қолган, унинг ўрнига қариндош-уруғчиликни оталик чизиғи, шажараси бўйича ҳисоблаб келинган. Масалан, Напалеон кодексида жумладан, отаси кимлигидан қатъий назар «никоҳда уруғланган боланинг отаси эр ҳисобланади», -деб таъкидланган. Бу эркакни ўзининг биологик жиҳатдан ҳам оталикнинг ишончлилигини таъминлашга ўз хотинини бегона эркак билан алоқага киришиш эҳтимолини бартараф этишга интилишларини туғдирди. Хотиндан вафодорликни талаб қилиш ҳам, келиндан ифбатлиликни талаб қилиш ҳам шундан келиб чиққан. Ҳатто эр кўпинча хиёнат устида тутиб олинган хотинини ўлдириш учун қонуний ҳуқуққа ҳам эга бўлган. Масалан, Францияда XIX асрнинг ўрталарида ҳам хотиннинг эрига хиёнат қилганлиги учун унга 3 ойдан 2 йилгача қамок жазоси белгиланган. Бу талаблар (моногамиянинг бу тури) аслида фақат аёллар учун тарқатилган. Аёл киши учун жиноят деб ҳисобланган ва жиддий оқибатларга (ҳуқуқий ва ижтимоий) олиб келувчи ҳатти-ҳаракат (масалан, турмуш ўртоғига хиёнат қилиш), эркак учун, қандайдир обрў ёки жуда ёмон баҳоланганда унчалик аҳамиятли бўлмаган, фахр билан «осиб юриш» мумкин бўлган ахлоқий доғдек ҳисобланган.

Билимларни текшириш учун саволлар:

1. *Никоҳ-оила муносабатлари қандай юзага келган?*
2. *«Табу» нима ва у никоҳ-оила муносабатларининг юзага келишида қандай роль ўйнаган?*
3. *Эструс ҳодисаси нима?*
4. *Никоҳ-оила муносабатининг илк турларидан қайсиларни биласиз?*
5. *Хусусий мулкчиликка ўтиш билан оилавий муносабатларда қандай ўзгаришлар содир бўлди?*
6. *«Совға айрибошлаш» нима ва у никоҳ-оила муносабатларининг юзага келишида қандай роль ўйнаган?*
7. *Хусусий мулкчиликка асосланган синфийлик жамияти никоҳ-оила муносабатлари характериға қандай таъсир кўрсатди?*
8. *Оила деб қандай гуруҳға айтилади?*
9. *Оилаға оид қандай фикрлар ва фалсафий қарашларни келтиришингиз мумкин?*

Оила ва никоҳ ҳақида фикрлар:

*

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж.Сантаяна

*

Оила - жамиятнинг дурру гавҳари.

В.Гюго

*

Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонасидир.

Цицерон

*

Ҳар қандай никоҳ устидан бир нарса амр қилиб турмоғи лозим: ҳар бир одам ўз ҳузур-ҳаловати учунгина эмас. Балки давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда никоҳдан ўтмоғи керак.

Афлотун

*

Никоҳ кўп ташиши тугдиради, аммо никоҳсиз турмушда ҳам ҳеч қандай шодлик йўқ.

С.Жонсон

*

Никоҳ одамзод авлодлари давомийлигини таъмин этувчи заруратдир.

Лукиан.

Бу келтирилган фикрларни таҳлил қилиб кўринг.

III БОБ. ОИЛА ТАВСИФЛАНИШИ

3.1. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОИЛАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Олдинги мавзуимизда оила, никоҳ ҳақида, никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши, оиланинг классик турлари ҳақида фикр алмашдик. Унда келтириб ўтилган оила турлари классификациясига кўра Ҳозирги замон оиласи «Моногам оила»лардан иборатдир. Бироқ ҳозирги замон моногам оиласи ҳам ўз навбатида бир-биридан тузилиши, таркиби, моҳияти ва бошқа хусусиятларига кўра яна бир қатор турларга бўлинади. Ҳозирги замон оилаларининг қандай турларга эга эканлиги ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, уларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш имконини беради. Қуйида шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Оила уни характерловчи турли мезонларга кўра қуйидагиларга фарқланади:

1. Тўлиқлигига кўра: тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган (иккинчи никоҳ) оилалар.

2. Бўғинлар сонига кўра: нуклеар (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва кўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи) оилалар.

3. Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали, икки болали, 3-4 болали, 5 ва ундан ортиқ болали оилалар. Турли мамлакатларда бу мезонлар турличадир. Масалан, АҚШ, Франция, Германия, Греция, Россия ва бошқа ривожланган давлатларда 3-4 болали оилалар кўп болали оилалар ҳисобланади. Ўзбекистонда бундай оилалар фарзандлар сони ўртача бўлган оилалар сарасига киради.

4. Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар оиласи, аралаш типдаги оила.

5. Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий маълумотлилар, ўрта-маҳсус, ўрта, тугатилмаган ўрта, маҳсус ёрдамчи мактаб маълумотига эга бўлган қайлиқлардан ташкил топган оила.

6. Оиланинг «ёшига» кўра: ёш оила (1 йилгача, 3-5 йиллик, 6-10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар), ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила (қариялар оиласи).

7. Қайлиқларнинг ота-она оиласи (ота-онаси)нинг моддий таъминланганлик даражаси жиҳатидан қудаларнинг бир-бирига мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бирига мос ва мос бўлмаган оилалар.

8. Регионал жиҳатларига кўра: шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.

9. Никоҳдан қониққанлик савиясига кўра, ажралиш савиясида - никоҳдан қониққанлик даражаси қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда ва никоҳдан қониққанлик даражаси юқори савиядаги оила.

10. Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра: эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчилиқни бирга бажарадиган (биархат) оила.

11. Оилада эр-хотин орасидаги муносабатларига кўра: авторитар, демократик, либерал, аралаш типдаги оилалар.

12. Эр-хотинларнинг миллатига кўра: бир миллатли ёки байналминал оилалар. Байналминал оилаларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин:


- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирган миллат вакиллари орасида никоҳлар, масалан, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва бошқалар,

- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирмаган миллат вакиллари орасидаги никоҳлар, масалан, ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон, ўзбек-немис ва бошқалар.


Юридик расмийлаштирилганлигига кўра: синовдаги оила (бирга яшашади, аммо ҳали никоҳни расмийлаштирамаган, чунки бир-бирларини норасмий никоҳда синашяпти), расмийлаштириш арафасидаги оила (бирга яшашади, оила қуриш мақсади аниқ, аммо айрим объектив сабабларга кўра расмийлаштириш кечиктириляпти), никоҳдаги оила, никоҳдан ташқари оила (айрим эркак кишиларнинг иккинчи, учинчи, юридик жиҳатдан норасмий оиласи). Никоҳдан ташқари оилаларнинг айримлари пинҳона бўлса, кўпчилиги ҳақида эркак кишининг биринчи оиласи ва қариндошлари билишади.

6-жадвал.

ОИЛАНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ



7-жадвал.




8-жадвал.




9-жадвал.




10-жадвал.



11-жадвал.



12-жадвал.




13-жадвал.




14-жадвал.



15-жадвал.



16-жадвал.



17-жадвал.



18-жадвал.



Ўзбек оиласининг юқоридаги ижтимоий-психологик классификацияси, уларга хос психологик хусусиятлар мутахассис (социолог, психолог)лар томонидан илмий ўрганилиши ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда хизмат қилиши керак.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОИЛАСИ ТУРЛАРИ

Тўлиқлигига кўра:

- тўлиқ;
- нотўлиқ;
- қайта қурилган.

Бўгинлар сонига кўра:

- нуклеар;
- кўп бўгинли.

Болалар сонига кўра:

- фарзандсиз;
- бир болали;
- икки болали;
- 3-4 болали;
- кўп болали (5 ва ундан ортиқ).

Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра:

- ишчилар;
- хизматчилар;
- деҳқонлар;
- зиёлилар;
- аралаш.

Эр-хотинларнинг маълумот савиясига кўра:

- олий маълумотлилар;
- аралаш;
- ўрта махсус;
- ўрта;
- тугалланмаган ўрта...

Оиланинг ёшига кўра:

- ёш оила, 1 йилгача, 3-5 йиллик, 6-10 йиллик;
- ўрта ёшдаги;
- етук оила;
- қариялар оиласи.

Қайлиқлар ота-оналари оиласининг моддий таъминланганлигига кўра:

- бир-бирига мос;
- бир-бирига мос эмас.

Ҳудудий жиҳатларига кўра:

- шаҳар;
- қишлоқ;
- аралаш.

Никоҳдан қониққанлик савиясига кўра:

- никоҳдан қониққанлик савияси:
- қуйи;
- ўрта;
- юқори;
- аралаш..

Кимнинг етакчилигига кўра:

- авторитар;
- демократик;
- либерал;
- эгалитар;
- аралаш..

Миллатига кўра:

- бир миллатли;
- байналминал.

3.2. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ОИЛАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар бир оила ижтимоий тизим структура сифатида жамият олдида маълум бир вазифаларни бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифалари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий (жамоатчилик) вазифаларини ҳисобга олиш лозим.


Барча олдинги жамиятларда оила қуйидаги асосий вазифаларни бажарган: *иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув)*.

Бу ҳақда Шарқ алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқалар ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий вазифаларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки айрим манбаларда: наслни давом эттириш, тарбиявий, хўжалик ва ўзаро ёрдам каби вазифалар ҳозирги замон оиласининг муҳим вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилган, социолог олимлар (У.М.Свердлов, В.А.Рясенцов, В.П.Ключников) эса инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва хўжалик вазифаларини фарқлайди; С.Д.Лаптенко хўжалик-маиший, аҳоли сонини қайта тиклаш, тарбиявий ва оила аъзолари дам олиши - ҳордиғини ташкил этиш; Н.Г.Юркевич - маънавий мулоқот, сексуал, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй хўжалигини юритиш учун зарур воситаларни таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлиш; А.Г.Харчев - аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, хўжалик, истеъмол ва дам олишни ташкил қилиш кабиларни фарқлайди. Мана юқоридагилардан кўришиб турибдики, қатор оилашунос мутахассислар томонидан оиланинг асосий вазифалари турлича классификация қилинмоқда. Бу ўринда оила вазифаларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни бир томондан одамларнинг моддий, хўжалик-маиший ва иккинчи томондан эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирувчи вазифаларга фарқлаш муҳим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш вазифасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳатто соф моддий характерга эга бўлган вазифаларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормоқда. Ҳиссий, эмоционал контактларнинг аҳамияти шаҳар оилаларида кучлироқ англаб билинмоқда. Қишлоқ оилалари эса уй ҳайвонлари ва томорқа ерларининг борлиги эвазига шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи бўғинилигини, ишлаб чиқарувчилик вазифасини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳозирги замон оиласининг асосий вазифалари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: *иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув), фелиоцитологик* кабилар.



3.3 ОИЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАСИ

Оиланинг иқтисодий вазифаси унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежаб рўзгор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек оилада ўсаётган бола ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим. Кейинги йилларда оилаларда юзага келаётган иқтисодий муаммолар оиладаги шахслараро муносабатларга салбий таъсир этиши билан биргаликда болалар билим савиясининг пасайишига ҳам олиб келмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида моддий кийинчиликлар туфайли ҳосил бўладиган муаммоларни бартараф этишда одамларга психологик ёрдам кўрсатиш лозим.

Оила ўзининг шу вазифаси туфайли жамиятга, давлатга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, бола тарбияси, болани иқтисодий таъминлаш борасидаёқ унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади. Буни давлат томонидан, давлат муассасаларида (болалар уйларида) бир болани 16-18 йил тарбиялаб, ишчи кучи сифатида етиштириш учун (уни боқиш, кийинтириш, ўқитиш, моддий таъминлаш ва ш.к.) давлат томонидан ҳар бир болага сарфланадиган маблағ ва айнан шундай ишчи кучини оилада тарбиялаш учун бериладиган нафақа пуллари миқдорини солиштирадиган бўлсак, ўртадаги фарқ биринчилар фойдасига бир неча юз минг сўмни ташкил қилади.


Тасаввурга осонроқ бўлиши учун айтиш мумкинки, ҳар бир болани вояга етказиш учун оила давлатга камида ўн-ўн беш миллион сўмлардан ортиқ миқдорида иқтисодий фойда келтиради. Бу борадаги, яъни ҳар томонлама камол топган маънавий-ахлоқий етук, жисмоний-психологик

соғлом шахсни етиштиришнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини ҳеч қандай иқтисодий меъзон билан ўлчаб бўлмайди.

Бу, оилани иқтисодий вазифасининг атиги биргина шахсни шакллантириш борасидаги қимматини кўрсатади ҳолос. Ҳозирги замон оиласида хўжалик ишларини юритиш, ишнинг йўлга қўйилиши, моддий неъматлар ишлаб чиқариш, фермер хўжалиги, шахсий ишлаб чиқариш кабиларнинг ўсиб бориши, унинг жамият олдидаги иқтисодий вазифаси аҳамиятини янада ортиб бораверишини кўрсатади.

ОИЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАСИ

19-жадвал.




3.4. ОИЛАНИНГ РЕПРОДУКТИВ ВАЗИФАСИ

Оиланинг муҳим бўлган вазифаларидан яна бири бу унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) вазифасидир. Бу вазифанинг асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Бу эҳтиёжларни қондирмасдан туриб, киши одатда ўзини бахтиёр ҳис қила олмайди. Шунингдек, эр-хотинда, фарзанд туғилиши билан боғлиқ ҳолда бутунлай янги ҳиссиётлар: аёлда - оналик, эркакда - оталик ҳисси пайдо бўлади. Фарзанд эр-хотин муносабатларини янада мустақкамловчи асосий омил ҳамдир.

ОИЛАНИНГ РЕПРОДУКТИВ ВАЗИФАСИ

20-жадвал.



Оиланинг жамият олдидаги репродуктив вазифаси ва унинг бажарилиши дейилганда аҳоли сонининг қайта тикланиши учун ҳар бир оилада нечтадан фарзанд бўлиши лозимлиги назарда тутилади.

Статистик маълумотларга кўра, агар ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўладиган бўлса, бундай халқ саккизинчи авлоддан кейин йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Ҳар бир оилада иккитадан фарзанднинг бўлиши ҳам аҳоли сонини сақлаб туришни таъминлай олмайди. Демографларнинг таъкидлашларича, оила ўзининг репродуктив вазифасини бажариши учун ҳар бир оилага ўртача 2,6 та фарзанд тўғри келиши керак.

Албатта, фақат оилагина жамият олдидаги вазифаларини бажариб қолмасдан, балки жамият ҳам оилаларга ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Бу ўринда ҳукуматимиз томонидан юритилаётган демографик сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Бундай сиёсатнинг асосий йўналишлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ёш оилаларга, оналарга яратилаётган имтиёзлар ва шу кабилардан иборат.

3.5. ОИЛАНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАСИ

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир вазифаси *тарбиялашдир*. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинони фақат пойдеворини кўйиш билан чекланмасдан, балки унинг сўнгги ғишти кўйилгунча жавобгардир. Ота-она -санъаткор, бола - санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва халқимиз азалдан сақлаб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз (бола тарбиясида ота-онадан ташқари, буви-бува, қариндош-уруғ, маҳалланинг ҳам таъсири) бу борада катта аҳамиятга эга. Лекин баъзан оиланинг тарбиявий вазифасининг сусайиши ва тарғибот-ташвиқот ишларининг камлиги натижасида оила аъзолари хулқида ёмон одатларнинг (ичиш, чекиш, наркомания, турли диний оқимлар таъсирига берилиш, маънавий бузуқлик йўлига кириш) пайдо бўлиши ташвишланарли ҳоллардан биридир. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш ҳозирги замон оиласининг мазкур вазифаси даражасига киради.

Чунки шахснинг ижтимоийлашуви даставвал оилада амалга ошади. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва хулқ намуналари, жисмоний сифатлар сингдирилади. Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтилмаган. Оилада амалга ошадиган ижтимоийлашув жараёни натижасида шахс ижтимоий меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштиради, ижтимоий ҳаётга кириб боради.

ОИЛАНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАСИ

Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасавур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади, оила ҳақиқий маънавият ўчоғи, тарбия омили ва муҳитидир



3.6. ОИЛАНИНГ КОММУНИКАТИВ ВАЗИФАСИ

Оиланинг коммуникатив вазифаси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий йўналганлик, установкалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий ва психологик саломатлиги - оиладаги ўзаро, ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установкаларни намоён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

22-жадвал.

ОИЛАНИНГ КОММУНИКАТИВ ВАЗИФАСИ



Инсоният тараққиётининг тарраққиётининг юксалиб, ҳозирги одамларнинг босқичида кундалик фан-техника ҳаётининг

урбанизациялашувининг (радио, телевидение, видео, компьютер ва бошқалар) ортиб бориши, оилаларнинг тобора нуклеарлашиб бораётганлиги билан оиланинг коммуникатив вазифасининг аҳамияти, оила аъзоларининг бир-бирлари билан «одамларча» суҳбатлашиб олишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ўринда ўзбек оиласининг ўзига хос хусусияти: кўп авлодлилик, кўп фарзандлилиқ кабилар бундай оилалар аъзолари ўртасида ўзаро мулоқот тўлароқ амалга ошишига асос бўлади, уларнинг ўзаро мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди. Бироқ сўнгги йилларда баъзи оилаларда ота-оналар ва болалар ўртасида мулоқотнинг камлиги, бир-бирига эътиборнинг пасайиши, оила аъзолари ўртасида фикр эркинлигининг чекланганлиги (айниқса қишлоқ оилаларида), ҳолатлари ҳам мавжуд, ҳатто оиладаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви натижасида оила аъзоларининг айримларида стресс (асабий танглик), суицид (ўз жонига қасд қилиш) каби нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳам кузатилмоқда. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун энг аввало оила аъзолари ўртасида ошқора, яқин, ўзаро тушунишли, ишончли мулоқотнинг амалга ошиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, лозим бўлса, бу борада, ёшларга тегишли билимларни бериш аҳоли учун психологик маслаҳатхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, тренинглар ташкил этиш, «Ишонч телефонлари», «Қалб марказлари» кабиларни ташкил этиб, улар фаолиятини такомиллаштириш лозим.

3.7. ОИЛАНИНГ РЕКРЕАТИВ ВАЗИФАСИ

Никоҳ-оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлиб келган хусусиятлардан бири, ундаги шахслараро муносабатлар талабларидан бири уни ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек болаларга ва меҳнатга яроқсиз ёки кекса қариндошларга моддий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Бу ҳолат ўз навбатида оиланинг асосий вазифаларидан яна бирини, унинг рекреатив вазифасини ташкил қилади. Оиланинг *рекреатив - ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш вазифасидир*. Бу вазифа кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларининг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фаолиятларидан ҳоли ҳолда, яъни бўш вақтларни биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда буларнинг ўзаро муносабатлари характери қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Бу қадриятдан одамлар турлича фойдаланадилар. Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Бу борада эришилган

ютуқларимиздан бири шуки - дам олиш ва соғломлаштириш ишларига давлат миқёсида аҳамият берила бошланди. Лекин кўпчилик турли сабаблар билан (уларнинг ўзлари кўпроқ моддий сабабни кўрсатишади) маданий дам олишга эътибор бермай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда оилавий дам олиш, оилавий туризм ва қатор оилавий тадбирлар доираси кенгайиб бормоқда.

23-жадвал.

ОИЛАНИНГ РЕКРЕАТИВ ВАЗИФАСИ



Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда оиланинг рекреатив вазифасини давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўз зиммасига олмоқда. Одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қарияларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш (бизнинг миллий хусусиятларимизга ёт бўлса-да, қариялар уйлариининг очилиши), одамлар дам олишлари ва ўз соғлиқларини тиклаб олиш имкониятларини берадиган дам олиш уйлари ва санаторийларнинг очилиши кабилар шулар жумласидандир. Лекин шу билан бирга оиланинг ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик химояланганлигини таъминлашдаги роли тобора ортиб бормоқда. Чунки одам фақат ўз оиласидагина ва фақат ўз яқинлари қуршовидагина ўзини том маънода хотиржам, эркин хис қила


олиши мумкин холос. Бу борада оиланинг ўрнини ҳеч бир ижтимоий муассаса боса олмайди.

3.8. ОИЛАНИНГ ФЕЛИЦИТОЛОГИК ВАЗИФАСИ

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган вазифаларидан бири унинг фелицитологик вазифасидир (итальянча «фелиците» - бахт). Шахсий бахтга эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи бўлиб бормоқда. Бахт нима ўзи? Ҳозирги замон оиласи ўз аъзоларининг бахтини таъминлашда қандай роль ўйнайди? Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айна шу бахтга интилиш уларни оила қуришга ундайди. Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади.

24-жадвал.

ОИЛАНИНГ ФЕЛИЦИТОЛОГК ВАЗИФАЛАРИ



Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши - уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди.

Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий имкониятлар (иқтидор)ни рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради. Кейинги вақтларда инсоннинг

имкониятлари ортган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Лекин баъзан нопок йўллар билан пул топиш орқали бахтли бўлишга интилиш ёки ўзгалар ҳисобига шахсий бахтга интилиш каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Баъзан эса оила аъзоларининг (айниқса, эр-хотиннинг) шахсий бахтга ўз-ўзича интилиши оилаларда нохуш ҳолатлар (хиёнат каби)ни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳар бир шахс ўзида кўпроқ виждонлилик, поклик, ҳалоллик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга эътибор бериши лозим.

3.9. ОИЛАНИНГ РЕГУЛЯТИВ¹ ВАЗИФАСИ

Оиланинг регулятив вазифаси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Ўтган замонларда оиланинг бошқариш вазифаси маълум даражада расмий тарзда белгилаб ҳам қўйилган. Унга кўра оилада ким оила бошлиғи бўлишиги, унинг обрўси ва устунлиги қайд этилган ва оиланинг шу аъзоси (асосан ота) бутун умри давомида ўз фарзандлари ва оила аъзолари хатти-ҳаракати, хулқи учун жавобгар бўлган. Ота-онасига бўйсунмаганларни жазолаш ҳоллари ҳам назарда тутилган.

Ҳозирги замон эгалитар оилаларида эса оиланинг бошқарув вазифаси асосан ахлоқий меъёрлар, оила аъзоларининг шахсий обрўси ва биринчи навбатда ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабатларидаги обрўси қабила ёрдамида амалга оширилади. Шунга кўра баъзи оилаларда оилани бошқариш, унга бошчилик қилиш оила аъзоларининг қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, баъзи оилаларда (эр-хотиннинг алоҳида алоҳида) лидерликка интилиши натижасида оилавий низоларнинг ортиб бориши, болаларнинг ҳар томонлама эътибордан четда қолиши, натижада жиноятчилик кўчасига кириб кетиши қабила кузатилади. Баъзи оилаларда аёл лидерлигининг мавжудлиги ўғил бола шахсида аёлларга хос хусусиятларнинг кўпайиб боришига олиб келиши мумкин.


25-жадвал.

ОИЛАНИНГ РЕГУЛЯТИВ ВАЗИФАСИ

Оиланинг регулятив вазифаси – оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш, бирламчи ижтимоий назорат ўрнатиш, оилада устунлик ва обрўни амалга ошириш жараёнлари

Оиланинг регулятив вазифаси йўналишлари

¹ Регулятив – бу ўринда бошқариш маъносида қўлланилади.



Шу билан бирга оиланинг бошқарув вазифаси оила аъзоларининг хулқи, масъулияти, мажбурияти кабиларни ҳам бошқаришни, назорат қилишни ўз ичига олади. Одам оила қурганидан сўнг, албатта, унинг ижтимоий мавқеи ўзгаради. Энди у «уйланмаган йигит», «турмушга чиқмаган қиз» эмас, балки «оилали» одамдир. Шунга кўра у ўзининг хатти-ҳаракатлари, хулқини ҳам оилали одамга хос тарзда қайтадан кўриб чиқади. Оила қуриш туфайли унинг масъулияти ортади. Эрнинг ва хотиннинг хулқи ҳам энди ўзига хос бошқарилади.

3. 10. ОИЛАНИНГ РЕЛАКСАЦИЯ ВАЗИФАСИ


Ҳозирги замон оиласининг энг асосий вазифаларидан яна бири релаксация вазифасидир. Бу дегани оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир. Маълумки фан-техника тарққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда. Бугунги ва эртанги кун саноати, ишлаб чиқариши ишчи ходимдан бор имкониятини сафарбар қилиб, бутун вужуди билан ишлашни ва ўзининг касб-ҳунар маҳоратини мунтазам ошириб боришни тақазо қилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллигининг бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси инсонни тезда толиқиб, ўзининг меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Иш


куни давомида кўтаринкилик, кучли зўриқиш билан ишлаган ходим, ишчи ишдан сўнг ўз уйида, оила аъзолари қуршовида бошқа ташвишларни унутиб, улар унга кўрсатадиган меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиб, улар билан бўладиган ўзаро мулоқот, улар томонидан бўладиган эмоционал қўллаб-қувватлаш, бериладиган далдалардан руҳий қувват олиб, эртанги кун меҳнат фаолиятига ўзини қайта тиклаб олиши лозим бўлади. Бунинг учун эса унинг оиласида тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим. Акс ҳолда одам бу оилада эмоционал жиҳатдан, руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб ололмайди. Бу эса оқибатда одамнинг меҳнат фаолиятида турли хатоларга, ишда сифатсизлик, жароҳатларга йўл қўйишига, турли касалликларга дучор бўлишига олиб келиши мумкин. Юқоридаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила учун оила бахтини таъминловчи меъзон ҳисобланади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, оила - жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий ячейкаси. Шунинг учун оиланинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади. Шундай экан, жамиятни соғломлаштириш учун энг аввало оилавий муносабатларни йўлга қўйиш, оиланинг фақат ички муаммоларнигина эмас, балки умумижтимоий муаммоларни ҳам ҳал қилишга ҳисса қўшишини таъминлаш лозим.

26-жадвал.

ОИЛАНИНГ РЕЛАКСАЦИЯ ВАЗИФАСИ





Турмуш қурган эр-хотинларнинг чинакам оилани шакллантириш жараёни қатор омилларнинг таъсирига дуч келадиган мураккаб жараён ҳисобланади. Бу омиллар ичида ва эр ва хотиннинг турли ҳудуд вакили эканлиги, айниқса турли миллат вакили эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, катта гуруҳ ҳисобланмиш элатлар (ҳудудлар), миллат ўзига хос хусусиятларга эга, айниқса, ижтимоий хулқ-атворнинг махсус бошқарувчиси вазифасини бажарувчи урф-одатлар, расм-русмлар ва анъаналар катта гуруҳнинг вакили бўлиши шахснинг ўз-ўзини англашига, ўз-ўзига бўлган муносабатига ва ҳатто, ўз-ўзини намоён қилишга сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳар бир шахс ўзи тааллуқли бўлган элат, миллат хусусиятларини қадрлайди ва ҳимоя қилади ҳам. Шундай экан, эр-хотинларнинг ўз миллати нуқтаи-назаридан қараб оилавий муаммоларни ҳал этишга ушбу нуқтаи-назарларни устун қўйишга интилиши оилавий муаммоларни низо даражасигача кўтаришига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ёшларга оиланинг этнопсихологик жиҳатлари тўғрисида етарлича маълумотлар бериш, уларни турмуш ўртоқлари турли миллат (ҳудуд) вакиллари бўлган ҳолатда низоли вазиятлар чиқарадиган бўлса, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўл-йўриқлари билан қуроллантириш энг долзарб масала ҳисобланади.

Ҳатто, шу нуқтаи-назардан маданий, миллий, ижтимоий, иқтисодий келиб чиқишлари турлича бўлган оилалар аъзолари ўртасидаги муносабатларда ҳам мавжуд фарқларга нисбатан толерантлик муносабатини шакллантириш муаммоси шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ушбу жиҳатларни ҳисобга олмаслик оилавий низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Жамиятимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёни одамлар онгидаги қадриятларнинг ўзгаришига олиб келди. Мавжуд эски қадриятларнинг ўзгариши янги қадриятларнинг пайдо бўлиши ҳозирги кунда оиладаги шахслараро муносабатларда ҳам қатор ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бу ўзгаришлар ҳатто оиладаги роллар тақсимоотида, ролларнинг бажарилишига

бўлган муносабатда ҳам акс этмоқда. Бундай ўзгаришларнинг содир бўлишига бир қанча омиллар, жумладан: ҳаёт тарзининг ўзгариши, ҳаёт маромининг ошиши, бошқа миллатлар турмуш тарзининг турли йўллар билан ўзбек оиласига кириб келиши, жамиятда эркак ва аёл вазифалари ўртасидаги тафовутларнинг камайиб бориши кабилар таъсир кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оила азалдан жамиятнинг яхши, кўпчилик ҳолларда жамият учун маъқул ижтимоий тажрибаларни тўплаш, анъаналар ва қадриятларни бузилмаган ҳолда сақлаш ва кейинги авлодларга етказиб беришдан иборат бўлган муқаддас вазифани бажариб келган. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ҳозирги кунда ҳам оиланинг асосий вазифаларидан бири миллатга хос бўлган ижобий тажрибани соф ҳолда сақлаш, жаҳон халқлари оилаларидаги ижобий жиҳатлар билан бойитган ҳолда авлодлар тарбиясидаги узлуксизликни таъминлашдан иборат.

Ҳар бир миллатга хос хусусиятларни билиш миллатнинг психологик характерологик жиҳатларини билиш ўша миллат вакилини тўғри идрок этиш ва унга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш имконини беради.

Миллий характер, этимолог ва социологларнинг фикрига кўра, у ёки бу миллат вакиллари оидатий хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари ёрқин образини белгилаб берувчи турғун психологик белгиларнинг тарихий шаклланган йиғиндиси бўлиб, у миллат вакиллари оидатий ижтимоий-ҳаётий муҳитга, атроф оламга, меҳнатга, ўз миллатига ва бошқа миллий бирликларга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Бу муносабатлар турли миллат вакилларида турлича намоён бўлиши мумкин. Масалан: меҳнатсеварлик жаҳондаги барча миллат вакилларига хос бўлишига қарамасдан, унинг намоён бўлиши турлича характер касб этади. Японнинг меҳнатсеварлиги – бу қунтлилик, чидамлилик, эпчиллик, ҳафсала, тиришқоқликда намоён бўлади. Немиснинг меҳнатсеварлиги – батартиблик, асосланганлик, аниқлик, интизомлиликда намоён бўлади. Бошқа муносабатларда ҳам худди шундай ўзига хосликни кўриш мумкин.

Маълум бир миллат вакиллари (масалан, французлар, италянлар, испанлар) кўпроқ эмоционал ва таъсирчанлар. Бошқа миллат вакиллари (масалан, инглизлар, скандинавияликлар) камроқ эмоционаллар, улар ўз хатти-ҳаракатларида мантиққа кўпроқ таянадилар, хулқ-атвори ўзгариши уларда кам намоён бўлади.

Миллий фикрлаш тарзи, бу философ ва социологларнинг фикрича, у ёки бу миллатнинг кўпчилик вакиллари оидатий тафаккури хусусиятларидир.

Тафаккурнинг миллий хусусиятлари фалсафий тизимларни тузишда, китоблар, мақолалар ёзишда, суҳбатлашишда, мулоқотда ва бошқаларда намоён бўлади. Масалан: французларга фикрларнинг эркин ва фаол кечиши хос, уларда мантиққа таяниш, тасаввурнинг ёрқинлиги ва жонлилиги, синчковлик ва юморнинг самимийлиги намоён бўлади. Инглизларнинг тафаккурида эса амалиётчилик, конкретлик, ҳаёлнинг босиқлиги, мавҳум билимларга менсимай қараш намоён бўлади. Немис эса оидатда, агар ишнинг муваффақиятли яқунланишига ишончи бўлмаса, ҳеч ҳам таваккалчиликка бормайди.

Миллий ҳислар ва кайфият – бу одамларнинг ўз этник жамоасига, унинг кизиқишларига, кадриятларига ва ҳаёт тарзларига, шунингдек, бошқа миллатларга нисбатан эмоционал акс этган муносабатидир.

Миллий ҳислар узоқ муддатли ва яшовчандир, бу ҳислар ҳам ижобий, ҳам салбий тусга эгадир.

Миллий анъаналар ва одатлар – бу миллатнинг ҳаёт фаолиятининг узоқ муддатли тажрибаси асосида шаклланган, кундалик ҳаётида мустаҳкам ўрнашган, миллатнинг янги аъзоларига етказиб бериладиган хулқ-атвор қоидалари, нормалари ва стереотиплари бўлиб, уларга риоя этиш ҳар бир одамнинг ижтимоий эҳтиёжига айлангандир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, миллий анъаналар, урф-одатлар, удумларни билмаслик бошқа миллатлар вакиллари билан бўладиган мулоқотда жиддий асоратларга олиб келиши мумкин.

Шуни назарда тутиш муҳимки, одамлар, одатда ўз анъаналари, урф-одатлари, удумларига нисбатан жуда сезгир бўладилар, шунинг учун ҳам мулоқот жараёнида уларни бузмаслик мақсадга мувофиқдир. Миллий анъаналар, одатлар нафақат одамларнинг фаолиятида, ишларида, мулоқот услубида намоён бўлади, балки уларнинг ҳаракатларида, хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир одамда сезилар-сезилмас жиҳатлардан “ўзимники” – “бегона” деган ҳолатларни сезиб оладиган онгсизлик механизми мавжуд. Буни ҳисобга олиш принципиал аҳамият касб этади.

Билимни текшириш учун саволлар?

1. *Ҳозирги замон оиласининг қандай турлари мавжуд?*
2. *Ҳозирги замон оиласининг қандай асосий вазифалари фарқланади?*
3. *Оиланинг ҳар бир вазифаси жамият ва шахс учун қандай аҳамиятга эга?*

Мавзуга оид ривоятлар:

1. Исрофгар хотин ва унинг эри

Бир вақтлар қишлоқда яшайдиган эр-хотин бўлган экан. Эр жуда хушфезл, вазмин, сабр-қаноатли зот эканлар. Аммо хотини яхши тарбия олмаган, эр қадрини билмаган, уй-рўзғор ишидан беҳабар, исрофгар, хожасини қон қустирган бадбахт аёл экан.

Кўп вақтлар ўтгач ул одам хотинидан хафа бўла бошлабди. Чунки у насиҳат қилса, қулоқ солмас эмиш. Яхши гапирса, тушунмасмиш. Кўпол гапиришга эса эрнинг одоби йўл қўймас экан. Эр яна насиҳат қилармиш:

- Хоним, тежамли, тутумли рўзғор юритгин. Мен кўп чарчадим, аввалги куч-қувватим қолмади.

Бир куни ул одам уйда қолибди. Ҳаво совуқ бўлганидан ўша куни ишга бормабди. Не кўз билан кўрсинки, кеча олиб келган ўтинларини хотини кучоқ-кучоқ ўчоққа солиб ёқарди.

- Эй, хоним! Сен нима қиляпсан, ўзи? Шунча ҳам ўтин ёқиладими? Сал аяб ёққин ўтинларни, - деди у одам тутоқиб.

- Нима қилай, бундан ҳам кам ўтин ёқсам, уй исимайди, - жавоб берди хотини.

Орадан вақтлар ўтиб, ул одам хасталаниб қолди. Тоғдан ўтин кесиб келтириш хотиннинг ўзига қолди. Хотин бориб, ўтин кесиб, орқалаб келди. Эри туриб, ўчоққа бир кучоқ ўтин солди. Буни кўрган хотини:

- Сиз қандай одамсиз, нима қияпсиз, ўтинни кесиб орқалаб келдим, елкам яра бўлди. Аяб ёқинг, менинг ҳолимга тушунинг, - деди.

- Яхши хоним, хўп бўлади. Сен хафа бўлма. Бир тутам ўтинни бекорга ёқмайман, сен айтганча бўлақолсин, - хотинини тинчитди у.

Ул одам охири тушундики, ота-боболаримиз: «Минг насиҳатдан бир машаққат, мусибат яхши», «Одамга минг ўгит бергандан, қийинчилик тезроқ ақл киргизади», «Насиҳат билан тузалмаганнинг ҳаққи азобдир», деб жуда тўғри айтган эканлар.

2. Бойликми, оқила хонимми?

Бир вақтлар Боғдодда юз берган кучли ёнғинда бойнинг ҳамма бойлиги куйиб кул бўлди. Бутун мол-дунёсининг бир пасда йўқ бўлганига чидамаган одам Боғдод кўчаларида фарёду фиғон чекиб йиғлади. У одам ҳам йиғларди, ҳам уйига қарарди. Бу фалокатни кўриб, унинг қаршисидан бир оқил одам чиқиб дебди:

-Эй дўстим, бу кап-катта одамга йиғлаш нимаси?

Уйи ёнган одам:

-Мен йиғламай ким йиғласин?.. Бир зумда ҳамма молу мулким кул бўлди-кетди! Бир лаҳзада фақир ва қашшоқ бўлдим, - деди.

Кўпни кўрган-кечирган оқил одам:

- Яхши, уйдаги умр йўлдошинг қандай? Ақлими, эрининг дарди, эрининг кайфиятини, эрининг қадрини биладими? - деб сўради.

Уйи ёнган киши бир зумда ўйланиб қолди ва:

- Ҳа, бу жиҳатдан бахтиёрман. Оллоҳга шукур, фаросатли, солиҳа хонимим бор, - деди.

Кўрган кечирган кишининг хотини афсуски, кўнгилдагидек эмас, бу жиҳатдан бахтсиз эди. У уйи куйган одамга бундай дебди:

- У ҳолда нега йиғлайсан, эй нодон?! Бу дунёда мато учун ҳам кўз ёши тўкадими? Мен шундай бир хотинга уйланганманки, ақли калта, эр қадр-қимматига етмайди. Сен фалокатнинг нималигини билмайсан. Сен ақли калта, тили узун, жағи тинмас бир хотинга уйлангин, ўшанда биласан фалокат нималигини! Дўконларинг ёнибди, нима бўлибди? Сен соғ бўлсанг, ҳаммасини топасан. Ёнингда кўнглингадигдек хотининг сенга мадақкор бўлиб, маънавий қувват бериб турганидан кейин тезда ўзингни ўнглаб оласан.

IV БОБ. ЎСМИРЛИК ЁШИДАГИ ЎГИЛ ВА ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. ЎСМИРЛИК ДАВРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Психология фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш ёш психологияси фани бевосита инсон психологиясининг намоён бўлиши ва ривожланишини турли ёшларда қандай кечиш хусусиятлари, қонуниятлари, механизмларини ўрганади. Психологик хусусиятларни намоён бўлишининг ёш хусусиятлари ўрганилар экан, шуни назарда тутиш керакки, ёш психологиясида турли ёш давлари бир-биридан сезиларли фарқланади. Булар: чақалоқлик, илк болалик, мактабгача таълим ёши, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, илк ёшлик, ёшлик, етуклик ва кексалик давлари дидир. Бу давларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, сифатларга эга бўлиб, улар бир-биридан одамнинг хронологик ёш кўрсаткичларига кўрагина эмас, балки шу даврда инсон руҳиятида кечадиган ҳодисалар, рўй берадиган ўзгаришлар, унинг руҳиятидаги умумий қонуниятларга кўра ҳам фарқланади.


Биз ўсмирлик даври психологияси ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Ўсмирлик даври инсонни болалиқдан - ёшлиққа ўтувчи ва ўз навбатида бошқа давлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброк кечиши билан фарқланиб турувчи даврдир. Бу давр тахминан болаларнинг 5-8-синфларда ўқиш пайтларига тўғри келади ва 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган давр оралиғида кечади. Айрим болаларда бу давр 1-2 йил эртароқ ёки кечроқ кузатилиши ҳам мумкин.

Ўсмирлик даври айрим махсус психологик адабиётларда «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби номлар билан ҳам аталади. Бу даврнинг «оғирлиги», «кескинлиги», «мураккаблиги» нималар билан асосланади?

Ўсмирлик даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу қабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмнинг физиологик ҳолатларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолатларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил анъаналар кузатилади. Бу даврга келиб бола энди «бола» эмас ва шу билан бирга ҳали «катта» ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Унинг қизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, баҳолаши, қадриятлари ўзгаради. Унинг учун ўз «мен»и ва шу «мен»нинг аҳамияти ортади.

ЎСМИРЛАРНИНГ ЁШ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.



4.2. ЎСМИР ОРГАНИЗМИДА РЎЙ БЕРАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар шундан иборатки, бола ривожланишининг айна шу даврида биологик, физиологик етуклиги борасида туб ўзгаришлар амалга ошади. Физиологик ривожланиш ва жинсий балоғатга етиш жараёнининг янги босқичи бошланади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгариши билан бошланади. Бу даврда гипофиз безининг вазифалари фаоллашади. Унинг олд қисмидан ажралиб чиқадиган гармон организм тўқималарининг ўсиши ва бошқа муҳим ички секреция безлари (қалқонсимон без, буйрак усти ва жинсий безлар) ишлашини кучайтиради. Уларнинг фаолияти ўсмир организмида кўплаб ўзгаришларни юзага келтиради, жумладан бўй ўсишининг кескин тезлашиши (бир йилда ўғил болаларда 4-5 см, қизларда 3-4 см ўсиши кузатилади), жинсий балоғатга етиш (жинсий органларнинг ривожланиши ва иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши амалга ошади. Бу жараёнлар қиз болаларда 13-15 ёшларда нисбатан жадал кечади. Жисмоний ривожланиш ва жинсий етилишнинг акселерациялашуви кузатилаётган ҳозирги вақтда айрим қизлар 9-10 ёшда, ўғил болалар эса 11-12 ёшларида жинсий балоғатга етишнинг бошланиш босқичида бўлиши мумкин.

Бўйнинг ўсиши, вазнинг ортиши, кўкрак қафасининг кенгайиши - буларнинг барчаси жисмоний ривожланишининг ўсмирлик ёшига хос хусусиятларидир. Шулар туфайли ўсмирнинг ташқи кўриниши боланинг ташқи кўринишига қараганда фарқ қилади: тана пропорцияси катталарга хос кўринишга эга бўлади. Шунингдек ўсмирнинг юз тузилиши ҳам ўзгариб бош суягининг юз қисми жадал ривожлана боради. Ўсмирлик ёшида умуртқа поғонасининг ўсиши бўйнинг ўсиш темпидан орқада қолади. Чунки 14 ёшгача умуртқа поғоналари ўртасидаги ораллиқлар тоғайлар билан тўлган бўлади, бу эса ортиқча жисмоний зўриқиш, тана ҳолатининг нотўғри туриши туфайли умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланишга мойиллигини билдиради. Умуртқа ривожланишини бузилишининг энг кўп ҳолати 11-15 ёшларга тўғри келади ва айна шу ёшларда рўй бериши мумкин бўлган дефектларни ҳам бартараф этиш ҳам осон кечади. 20-21 ёшларга етиб тоз суякларининг ўсиши якунланади (шу даврда қизларнинг жинсий органлари ҳам етилади).

Мускул вазни ва мускул кучларининг ортиши жинсий балоғатга етишнинг охирларида нисбатан жадалроқ амалга ошади. Бунда ўғил болаларда мускулларнинг ривожланиши эркакларга хос типда, қиз болаларнинг юмшоқ тўқималари эса аёлларникига хос типда амалга ошади. Бу эса ҳар бир жинс вакилига ўзига хос эркаклик ва аёллик сифатларини беради. Бу жараёнларнинг ниҳоясига етиши эса ўсмирлик давридан кейин амалга ошади.

Мускул кучларининг ортиши ўсмир жисмоний имкониятларини кенгайтиради. Буни болалар жуда яхши англайдилар ва уларнинг ҳар бири учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ўсмир мускуллари катталарникига қараганда тез толиқувчан бўлади ва давомли кучланишларга


дош беролмайдиган бўлади. Шунинг учун спорт ва жисмоний меҳнат билан шуғулланишда буни инобатга олиш лозим.

Турли орган ва тўқималарнинг ўсиши юрак фаолиятига ҳам юқори талаблар қўяди. Ўз навбатида юрак ҳам қон томирларига қараганда тезроқ ўсади. Бу жараён юрак қон-томир системаси фаолиятидаги функционал бузилишларга сабаб бўлиши, юрак уришининг тезлашиши, қон босимининг ортиши, бош оғриғи, бош айланиши, тез толиқувчанлик кабилар кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Шунингдек, ўсмирлик даврида ички секреция безлари фаолияти билан боғлиқ равишда организмда кескин ўзгаришлар рўй беради. Айниқса қалқонсимон без ва жинсий безлар ажратиб чиқарадиган гармонлар организмда модда алмашилишининг катализатори вазифасини бажаради. Чунки эндокрин ва нерв системалари бир-бирига узвий боғлиқдир. Шунга кўра ўсмирлик даври бир томондан қувватнинг кескин ортиши ва иккинчи томондан патоген таъсирларга ўта сезgirлиги билан характерланади. Шунинг учун ақлий ёки жисмоний ортиқча толиқиш, узоқ муддатли асабий зўриқиш, аффектлар, кучли салбий ҳиссиётлар (кўркиш, ғазаб, хафагарчилик) эндокрин бузилишларга (менструаль циклининг вақтинча бузилишига) ва нерв системаси вазифасининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай бузилишлар таъсирланувчанликнинг ортиши, ўзини тута билмаслик, парижонхотирлик, ишда махсулдорликнинг пасайиши, уйқунинг бузилиши кабиларда намоён бўлади.

ЎСМИР ОРГАНИЗМИДА РҲЙ БЕРАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР





Ўсмирлик даврида эндокрин ва нерв системалари фаолиятининг болалик даврида мавжуд бўлган мувозанати бузилади, янғиси эса эндигина ўрнатилаётган бўлади. Бундай қайта қурилишлар албатта ўсмирнинг ички ҳолати, кайфияти, руҳиятига таъсир кўрсатади ва кўпинча унинг умумий нотурғунлигига, таъсирланувчанлигига, сержаҳллигига, ҳаракат фаоллигига, вақти-вақти билан ҳамма нарсаларга бефарқ бўлиб қолишлиги ва ланжлигига асос бўлади. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши кўпинча қизларда менструаль цикл бошланишидан бир оз олдинроқ ёки цикл даврида кўпроқ кузатилади.

Жинсий балоғатга етиш ва жисмоний ривожланишдаги ўсиш ўсмир руҳиятида янги психологик тузилишларнинг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу ўсмир учун жуда сезиларли бўлган ўзгаришлар бўлиб, улар ўсмирнинг катта бўлганини ҳис қилишининг юзага келишининг объектив манбаси бўлиб хизмат қилади (унинг асосида ўсмир ўзининг катталарга ўхшашлигини ҳис қилади). Иккинчидан, жинсий балоғатга етиш бошқа жинс вакилига қизиқишни ривожлантиради, янги кечинма, ҳиссиёт, туйғуларни юзага келтиради. Ўсмирнинг ички бандлиги ва янги таассуротлар, кечинмаларга муносабати даражаси уларнинг ўсмир ҳаётидаги ўрни кенг ижтимоий шароитлар билан, ўсмир ҳаётининг конкрет индивидуал шароитлари, унинг тарбияси ва мулоқоти хусусиятлари билан белгиланади. Бу ўринда ўсмир шахси шаклланишига фақат катталар учун мўлжалланган китоблар ва кинофильмлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин.. Буларнинг барчаси, шунингдек ўртоқлари билан севги ва жинс муаммолари ҳақида гаплашишлари ўсмирларда одамлар муносабатларининг интим жиҳатларига кўтаринки қизиқишни юзага келтириши, эротик аънъаналар ва илк сексуалликни ривожлантириши мумкин. Ҳар иккала жинс ўсмирлари учун бу даврда илк романтик ҳисларнинг юзага келиши «биринчи муҳаббат»га дуч келиши, биринчи бўсаларни олиш кабилар меъёрий ҳол ҳисобланади.

4.3. ЎСМИРЛИК АВТОНОМИЯЛАРИ

Ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан яна бири - бу даврда ўсмирларда кузатиладиган ўсмирлик автономияси ҳолатидир. Ўсмирлик автономиясининг ҳуқуқий автономия, эмоционал автономия, мақоний автономия каби турлари фарқланади.

Маълумки, бола дунёга келган кундан бошлаб кимнингдир қарамоғига муҳтож бўлади. Ота-онаси ва бошқа яқинлари уни озиқлантиради, кийинтиради, тарбиялайди ва болани мунтазам назорат остади тутади. Улар болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турадилар ва бола бундай қўллаб-қувватлаш, далдаларга муҳтожлик ҳис этиб туради.

Ўсмирлик даврида эса бола ўз ҳаётини, хавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка эришади. Энди у ўзини ўзи ҳимоя қила олиши, лозим бўлса ўзи ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши, ўз эҳтиёжларини мустақил равишда ўзи қондира олиши мумкин бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий автономия айни вақтда бола ўсмирлик ёшига етиши билан унга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши билан характерланади. Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Мабодо бу даврда ўсмир ота-онаси ажралиб кетгудек бўлса, бу ҳолатда ўсмирнинг қаерда ва ким билан қолиши бола хоҳишига қараб ҳал этилади. Шунингдек бола бу даврда ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда расмий равишда жисмоний меҳнат билан шуғулланиши ҳам мумкин. Лозим бўлса улардан ўз хатти-ҳаракати, қилиқлари учун жавоб бериши ҳам талаб қилинади. Шу каби ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиш ва бундан ўсмирнинг хабардорлиги унинг ҳуқуқий автономиясининг юзага келишини таъминлайди. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлилик ҳиссини юзага келтиради.

Ўсмирлик автономияларидан яна бири-эмоционал автономиядир. Маълумки бола дунёга келган ондан бошлаб у онаси ва атрофидагиларнинг эмоционал, ҳиссий қўллаб-қувватлашига, меҳр-муҳаббатини намоён қилишига, эркалашига эҳтиёж ҳис қилади. Шунинг учун ҳам илк болалик ёшидаги, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни суюб, эркалаб уларни қучиб, бошини силаб, ёқимли гаплар ва муомала билан уларга ҳиссий яқинлик намоён қилинса, улар бундан қувониб, хурсанд бўладилар ва эркалаётган шахсга нисбатан талпинадилар. Буни ёш болаларнинг онасига суйқалиши, уларнинг пинжига суқилиши, уларга эркаланиши ҳолларида кузатишимиз мумкин. Шунингдек, болалар ўз тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида низо-тортишувларга дуч келганида ва айниқса тенгдошларидан «жабрланганда», «енгила бошлаганидан», ота-онасидан ва атрофидаги яқинларидан эмоционал далда, ҳиссий қўллаб-қувватлаш кутади ва бу борада уларга мурожаат қилади. Агар ўз вақтида шу ҳиссий далдани ола олса, ўзини эркин, тетик, ғолиб ҳис қилади ва улар билан қувониб юради. Ўзининг кичкинагина ҳаётида дуч келган «муаммолари»ни ҳал қилишда катталар ёрдамига муҳтожликни ҳис қилади, улардан мунтазам фойдаланишга интилади.

Ўсмирлик даврида эса аксинча, ўсмир энди «ёш бола» эмас, энди у «катта одам» катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши керак. Бу даврда катталар ёрдамига мурожаат қилиш тенгдошлар томонидан қораланади. Ва буни ўсмирнинг ўзи ҳам хоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалалашлар эриш туюлади. Энди улар ўзларини эркалаб, силаб сийпашларини, «арзимаган нарсалар» учун катталар томонидан билдириладиган олқишларни «ёқтирмайди». Энди улар атрофдагиларни ҳиссий қўллаб-қувватлашларидан ҳолироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабда юз берган воқеалар ҳақида уйдагиларга шикоят қилиб ота-онасидан ёрдам сўраган бўлсалар, энди оиладан ташқарида биронтасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам бу ҳақда ота-онасига билдирмасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарини унинг «ишларига» аралашмасликларини хоҳлайди. Буларнинг барчаси ўсмирларда бевосита кузатиладиган эмоционал автономиянинг таъсиридир.

Ўсмирларда кузатиладиган автономия ҳолатининг яна бири маконий автономиядир. Бунга кўра ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, бирон бир ишни бажараётган ёки бирон бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар ёлғиз бўлишга айниқса ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй ҳаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолади. Сухбатлашса ҳам асосан ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билангина мулоқотда бўлиб ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга интилиб ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Айни вақтда ўсмирда кузатилаётган бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, улар билан олдингига қараганда кўпроқ қизиқиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда уларнинг автономиясига «бостириб кирадилар». Буни эса ўсмирлар ёқтирмайди. Бундай ҳолатлар ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларида келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Юқорида қисман тўхталиб ўтганимиздек ўсмир руҳиятида кузатиладиган характерли хусусиятлардан бири уларнинг ўта таъсирланувчан, жиззаки, кўрс, сал нарсага хафа бўлиши унинг ҳиссий нотурғунлиги ифодасидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келиш сабабларидан бири бевосита жинсий балоғатга етиш, ички секреция безлари, айниқса жинсий безлар вазибаларининг фаоллашуви ва шулар билан боғлиқ ҳолда ўсмир организмида рўй берадиган психофизиологик ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Маълумки, ўсмирлик даврида ўсмирнинг «мен»и қайтадан шакллана боради. Унинг атрофидагиларга айниқса ўз ўзига бўлган муносабати, қизиқишлари, кадриятлари йўналиши кескин ўзгаради. Унинг ўз шахсига бўлган эътибори кучаяди. Ўсмирлик даврида шахс эгоцентризми бошқа даврдагиларга қараганда энг юқори даражага етади. Бу даврда ўсмир ўз шахсиятини бошқалардан устун кўядиган, ўзига кўпроқ бино кўядиган

бўлиб қолади. Шу даврда ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам шунчаки катталарга тақлид қилиб эмас, балки том маънода ўзининг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўзининг юриш-туриши, кийиниши, ташқи кўринишига астойдил эътибор бериш, пардоз-андоз билан шуғулланиш каби ҳолатлар кузатилади. Бироқ бу даврдаги эндокрин системаси фаолияти, эпофиз, жинсий секреция безлари ажратиб чиқарадиган гормонлар таъсири остида ўсмир организмда ва тана тузилишида ўзгаришлар рўй беради. Унинг тана тузилиши пропорцияси бузилади (у нисбатан бесўнақайроқ бўлиб қолади), товушлари ўзгариб, дўриллаб қолади. Жинсий балоғатга етишнинг бошланиши билан юзларига хуснбузар чиқа бошлайди. Буларнинг барчаси ўсмир учун кутилмаган, унча хуш келмайдиган ҳолатлардир ва айнан ана шу ҳолат ўсмирнинг таъсирланувчанлигини, жиззакилигини ортишига олиб келади. Шу даврда ўсмирнинг ташқи кўриниши, шахсиятига оид билдирилган арзимаган ножўя гап унинг учун жиддий салбий кечинмаларнинг кечинилишига асос бўлиши мумкин.

4.4. ЖИНСИЙ БАЛОҒАТГА ЕТИШ

Жинсий балоғатга етиш ҳақида тушунча. Ўсмирлик даврида кузатиладиган характерли ҳолатлардан бири жинсий балоғатга етишдир. Жинсий балоғатга етиш қандай амалга ошади. Жинсий безлар ва у билан боғлиқ бўлган жинсий белгилар бола ҳали она қорнидалигидаёқ пайдо бўлади ва бола туғилганидан бошлаб то ўсмирлик давригача жинсий ривожланишни белгилаб беради. Жинсий безлар ва уларнинг вазифалари болани ривожланиш жараёнининг яхлитлиги билан узвий боғлиқ бўлади. Онтогенетик тараққиётнинг маълум бир босқичида жинсий ривожланиш кескин жадаллашади ва физиологик жинсий етуклик амалга ошади. Жинсий ривожланишнинг тезлашиши ва жинсий балоғатга етиш даври жинсий балоғатга етиш даври деб аталади ва у аксарият ҳолларда ўсмирлик ёшига тўғри келади. Қиз болаларнинг жинсий балоғатга етишиши ўғил болаларга қараганда 1-2 йил илгарилаб кетади. Жинсий балоғатга етиш нисбатан индивидуал характерга эга бўлиб, у вақти ва темпига кўра турли болаларда турлича кечиши мумкин.

Жинсий балоғатга етиш муддати ва унинг жадаллиги турлича бўлиб, у кўплаб омилларга: саломатлик ҳолати, овқатланиш характери, иқлим, маиший ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ. Бунда наслий хусусиятлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ноқулай маиший шароитлар, етарлича ва тўғри овқатланмаслик, уларда зарур витаминларнинг етишмаслиги, оғир ёки қайталанувчан хасталиклар жинсий балоғатга етиш даврини кечиктириб юборишга олиб келиши мумкин. Одатда катта шаҳарларда ўсмирларнинг жинсий балоғатга етишиши қишлоқ жойлардагига қараганда эртароқ амалга ошади.

Жинсий балоғатга етиш даврида гипофиз ва қалқонсимон безлар ажратиб чиқарадиган гормонлар таъсири остида ўсмирда бўйининг ўсиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши, овознинг ўзгариши, мускул

кучларининг ортиши, тананинг айрим қисмларини жун босиши, кўкрак безларининг ривожланиши кабилар кузатилади.

Жинсий балоғатга етиш босқичлари. Жинсий балоғатга етиш текис кечиниладиган жараён эмас. У маълум бир босқичларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ички секреция безларининг ва бутун организмнинг ўзига хос вазифалари билан характерланади. Бу босқичлар бирламчи ва иккиламчи жинсий белгилар мажмуи бўйича белгиланади.

Ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам жинсий балоғатга етишнинг 5 босқичи фарқланади (1-жадвал).

ЖИНСИЙ БАЛО/АТГА ЕТИШ

Жинсий ривожланишнинг тезлашиши ва жинсий бало\атга етиш даври-
жинсий бало\атга етиш даври деб аталади

Жинсий бало\атга етиш бос=ичлари



Босқичлар	Ұғил болалардаги ўзгаришлар	қиз болалардаги ўзгаришлар	Умумий ўзгаришлар
1- босқич	Иккиламчи жинсий белгилар ҳали намоён бўлмайди.	Иккиламчи жинсий белгилар ҳали намоён бўлмайди.	
2- босқич	Юзларда, кўлтиқ ости ва қов соҳаларида майин туклар ўса бошлайди	Кўкрак безлари ривожланиши, кўлтиқ ости, қов соҳасида майин туклар ўса бошлаши кузатилади	Бўй чўзилиши, ички ва ташқи жинсий аъзолар ўлчамларининг катталаниши кузатилади.
3- босқич	Бадандаги туклар қалинлашиб, дағаллашади, уларнинг майдони кенгайиб боради. Овоз тони анчагина дағаллашиб қолади.	Кўкрак безларининг ривожланиши давом этади, жинсий аъзоларни тук қоплаши қов томон кенгайиб боради	Бўй ўсиши тезлашади, жинсий аъзолар катталаниши давом этади
4- босқич	Жинсий аъзолар энига кенгая боради, баданнинг тук билан қопланиши жадаллашади, юзларда соқол, мўйловнинг майин туклари дағаллаша бошлайди, тунги поллюциялар деярли барчада кузатила бошлайди	Кўкрак безларининг ривожланиши тезлашади, баданнинг баъзи жойларини тук қопланиш соҳалари катталарниқига яқинроқ ҳолатга кела бошлайди, ҳайз даври мўътадиллаша бошлайди	Юз ва баданнинг айрим жойларига хуснбузарлар чиқа бошлайди.
5- босқич	Жинсий аъзолар ва иккиламчи жинсий белгилар тўла ривожланиб бўлади	Кўкрак безлари ривожланиши катталарниқига тенглашади, ҳайз даври турғунлашади	

**7-17 ёшлардаги ўғил ва қиз болаларда жинсий балоғатга етиш
босқичларининг кузатилиши**

Ёши	Ўғил болалар				Қиз болалар			
	I	II	III	IV-V	I	II	III	IV-V
7	100	--	--	--	--	--	--	--
8	100	--	--	--	99	1	--	--
9	100	--	--	--	90	10	--	--
10	98	2	--	--	67	32	1	--
11	94	6	--	--	39	51	8	2
12	71	25	4	--	10	42	28	20
13	33	35	26	6	1	12	38	49
14	9	27	44	20	--	4	17	79
15	2	7	36	55	--	1	11	88
16	--	1	14	85	--	--	--	100
17	--	--	4	90	--	--	--	100

Илова: Ҳар бир ёш гуруҳи бўйича мазкур босқичларнинг кузатилиши (фоизларда).

I-босқич - пубертат олди босқичи (жинсий балоғатга етишдан олдинги давр). Бу давр иккиламчи жинсий белгиларнинг бўлмаслиги (намоён бўлмаслиги) билан характерланади.

II-босқич - пубертат бошланиши. Ўғил болаларда тухумдон размери бир оз катталашади. Қовнинг жун босиши минимал бўлади. Жунлар ҳар-ҳар жойда ва тўғри бўлади. Қиз болаларда кўкрак безлари тўлиша боради. Жинсий лаблар атрофини бир оз жун босади. Бу босқичда гипофиз кескин фаоллашади, унинг генодотроп ва соматотроп вазифалари ортади. Соматотроп гормонлар ажралишининг кучайиши бу босқичда қизларда кўпроқ кузатилади. Бу эса уларда бўйнинг ўсиш жараёнларининг кучайишини таъминлайди. Жинсий гормонларнинг ажралиши кучаяди, буйрак усти безининг вазифаси фаоллашади.

III-босқич - ўғил болаларда тухумдоннинг каттайиши давом этади. Жинсий аъзонинг катталаниши бошланади, асосан у узая боради. Қовда жунлар қалинлашиб, дағаллашиб, уларнинг майдони кенгайиб боради. Қиз болаларда сут безларининг ривожланиши давом этади, жун қоплаши қов томон кенгайиб боради. Қон таркибида генодотроп гормонлар миқдорининг ортиши амалга ошади. Жинсий безлар вазифалари фаоллашади. Ўғил болаларда соматотропик гормони ажралишининг кучайиши билан уларнинг бўйининг ўсиши тезлашади.

IV-босқич - ўғил болаларда жинсий аъзо энига кенгая боради, товуш ўзгаради, юзларга сепкил чиқа бошлайди, юзларига, қўлтиқ ости ва қовларига жун чиқа бошлайди. Қиз болаларда сут безлари жадал ривожлана бошлайди, баданнинг баъзи жойларини жун босиши катталарникига ўхшаган бўлади, бироқ камроқ тарқалади. Бу босқичда андроген ва эстроген гормонлар кучли ажралиб чиқа бошлайди. Ўғил болаларда бўйни жадал

ўсишини белгилаб турувчи соматотропиннинг юқори даражаси сақланиб қолади. Қиз болаларда эса соматотропин миқдори камаяди ва мос равишда бўйнинг ўсиши ҳам секинлашади.

V-босқич - ўғил болаларда жинсий органлар ва иккиламчи жинсий белгилар тўла ривожланиб бўлади. Қиз болаларда сут безлари ва жинсий аъзоёадіеіâ жун билан қопланиши катта аёлларникидек бўлади. Бу босқичда қиз болаларда менструация турғунлашади. Менструациянинг юзага келиши жинсий балоғатга етишни бошланганидан далолат беради. Бу вақтга келиб тухумдонлар уруғланишга тайёр етилган тухум ҳужайраларини етилтириб чиқара бошлайди.

Ўсмирларда суяк склетлари ва мускул системасининг жадал ўсиши ортида унинг ички органлари - юрак, ўпка, ошқозон-ичак йўлларининг ривожланиши ҳамма вақт ҳам улгуравермайди. Юракнинг ўсиши қонтомирлари ўсишидан илгарилаб кетади, оқибатда қон босими ортади ва биринчи навбатда юракнинг ишлаши қийинлашади. Юракнинг етарлича ишлай олмаслиги эса ўғил ва қиз болаларда кўпинча бош айланиши, рангнинг оқариши ҳолатларининг кузатилишига олиб келади. Бундан бош оғриғи, тез толиқиш, вақти-вақти билан ланжланиб туриш кабилар келиб чиқади. Жинсий балоғатга етиш даври тугаши билан бундай ўзгаришлар одатда изсиз йўқолиб кетади.

Ривожланишнинг бу босқичида гипоталамуснинг фаоллашуви муносабати билан марказий нерв системаси вазифаси ҳам сезиларли даражада ўзгаради. Эмоционал жиҳатлар ҳам ўзгаради. Ўсмирнинг ҳиссиёти ўзгарувчан, қарама-қарши бўлиб қолади: ўта таъсирланувчанлик кўпинча жиззакилик, тортинчоқлик билан уйғунлашиб кетади. Ҳаддан ташқари танқидийлик ва ота-онасининг қарамоғига бетоқатлик намоён бўлади. Бу даврда баъзан ишчанликнинг пасайиши, асабийлик, сержаҳллик, йиғлоқилик (айниқса, қизларда менструация даврида) кабилар кузатилади.

Бу даврда ўсмир шахси жадал шакллана боради, катталиқ ҳисси юзага келади, қарама-қарши жинс вакилларига муносабат ўзгаради, уларга қизиқувчанлиги ортади.

Жинсий балоғатга етиш даврида ўсмир организмнинг нормал жисмоний ривожланиши муҳим роль ўйнайди. Бу даврда турли хил, сервитамин овқатларни етарлича истеъмол қилиш, шунингдек очиқ ҳавода сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш зарур.

Жинсий балоғатга етишнинг алоҳида эътибор талаб қиладиган жиҳатлари ҳам мавжуд.

Жинсий балоғатга етиш даврида ўсмир организмида, унинг руҳиятида рўй берадиган бундай табиий ўзгаришлардан хабардор бўлишлиқ, уларнинг сабаблари, кечинилиши ҳақида аниқроқ маълумотларга эга бўлишлиқ «ўсмирликдек» оғир, мураккаб даврни жиддий, салбий асоратларсиз кечинилишини таъминлайди. Бунинг учун биринчи навбатда шу ўсмирларнинг яқин кишилари, ота-онаси, ўқитувчилари ҳозирги кун ўсмир психолгияси, психофизиологияси масалаларига оид энг замонавий илмий маълумотлардан хабардор бўлиши ва ўсмирлар билан бўладиган ўзаро

муносабатларда улардан ўринли фойдалана олиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

4.5. ЖИНСИЙ БАЛОҒАТНИ ЭРТА ЁКИ КЕЧ ЮЗАГА КЕЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биз юқорида ўсмирларда жинсий балоғатга етишнинг умумий хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг индивидуаллик хусусиятларига ҳам эга эканлигини таъкидлаган эдик.

Умуман жинсий етилиш ўғил болаларда 12 ёшдан 19 ёшгача, қиз болаларда 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёшлар оралиғида рўй беради. Шунга кўра у айрим ўсмирларда эртароқ, айримларида эса кечроқ бошланиши мумкин. Жинсий етилиш эртароқ ёки кечроқ бошланган болалар одатда, маълум бир ноқулайликни юзага келтирадиган психологик муаммоларга дуч келадилар.

Бу борада алоҳида эътибор қаратиладиган 4 хил ҳолатни кузатиш мумкин:

Жинсий балоғатга етиши кечикаётган ўғил бола. Бу ўсмир, унинг ўртоқлари, тенгдошлари етилиб, катталар қаторига қўшилган айни вақтда у ҳали ҳам болалигича қолаётганини жуда яхши тушунади. У биронтаси билан гаплашиб қолгудек бўлса (айниқса телефонда), уни овозининг ингичкалиги туфайли иккинчи томон уни қиз бола деб ўйлаши мумкин. Ёки унга қиз бола деб мурожаат қилади. Унинг учун бу ўта ҳақоратдир! У спорт билан шуғулланишга жуда қизиқади, бироқ у ўз тенгдошлари билан мусобақалаша олмайди, чунки улар унга қараганда анча гавдали. Чўмилиш жойларида ечиниш, кийим алмаштириш хоналарида болалар унинг мускулларининг заифлиги, жинсий аъзоси бошқа болаларникидан кичиклигини кўрсатишиб унинг жахлини чиқаришади. Бундай вазиятларда, ўсмирда, ўзининг ҳақиқий ҳолати, аҳволининг номуносиблигини ҳис қилиш чуқурлашади: мана иккинчи йилки унинг бўйи ҳатто кўпчилик қизларникидан ҳам паст, улар ҳам бунга қараганда тез ўсишяпти. Бошқаларда кузатилаётган ўзгаришлар ва ўсишлар бунда ҳали кузатилгани йўқ. У ўзида мутлоқо нотўғри нимадир содир бўлаётганлигидан хавотирланади, бироқ бу ҳақда биронтаси билан ўртоқлашишга журъат эта олмайди. Бундай ҳолат ўта ноҳушдир. Бунақа бола кўпинча мактабда содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг манбаига айланиб қолиши мумкин, чунки унга доимо атрофдагиларнинг (айниқса тенгдошларининг) уни эркак эканлигидан шубҳаланишларини инкор этишига, уларга ўзининг «эркак» эканлигини кўрсатиб туришига тўғри келади.

Жинсий балоғатга етиши кечикаётган қиз бола. Ички соати кечикиб қолаётган қиз бола учун ҳам яшаш осон бўлмайди. У ўзининг текис кўкрагига қарайди, сўнг кўкраги бўртиб чиққан, бюсти «рисоладагидек» дугонасига назар ташлайди. Мана икки ёки уч йилдирки, унинг дугоналари ўзларида рўй бераётган менструация билан боғлиқ кечинмалар ҳақида ўзаро фикр алмашади, у эса бундай муҳокамаларда қатнаша олмайди. Уни, унинг

юз тузилиши худди «ёш боланикидек» эканлигини айтишиб жаҳлини чиқаришади. Ҳақиқатан ҳам, унинг юзи саккиз яшар боланикидек кўринади. Агар ўсмир ёши учун ўз-ўзини баҳолашда болани жисмоний жозибадорлиги, ўз чиройини баҳолашини қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унда бундай қиз, ҳатто у табиатан чиройли, гўзал бўлган тақдирда ҳам ўз нуқсонини қандай ҳис қилишини тушуниш осон. Бундай вазиятларда бу қиз энди «ҳеч қачон катта бўлмайман, ҳаммадан орқада қолдим», -деб адашаётганлигини кимдир оқилона тарзда, илмий асосланган ҳолда тушунтириб бериши лозим.

Тенгдошларидан олдин жинсий балоғатга етган қиз. Жинсий балоғатга етиши бошқалардан олдинроқ бошланган 10-11 ёшлардаги қиз бола ҳам қатор психологик муаммоларга дуч келади. Одатда, қиз болаларнинг жинсий балоғатга етиш даври ўғил болаларникидан 1-2 йил олдин бошланади, шунинг учун бу даврга ўз тенгдошларидан олдинроқ кириб борган қизлар одатда ўз тенгдошларининг аксарият қисмидан ўзининг жисмоний ривожланганлигига кўра анча илгарилаб кетади. Бироқ жисмоний ривожланишда илгарилаб кетиш унга ҳеч қандай афзаллик келтирмайди. Жисмоний ривожланишда ўз тенгдошларидан илгарилаб кетган қиз бола 2-3 йил давомида ўз тенгдошлари ва атрофидагилар билан ҳамқадам кетмаётганлиги туфайли турли ноқулайликларни бошдан кечиради. Бизнинг этник хусусиятимиз, болалар ва ўсмирлар ўртасида жинсий тарбия ишларининг йўлга қўйилмаганлиги, жинс психофизиологиясига оид маълумотларнинг аянчли даражада пастлиги, ота-оналар, ҳатто педагог-тарбиячиларнинг ҳам бу борада етарли илмий асосланган маълумотга эга эмаслиги бу ўринда жиддий муаммоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин. Жинсий етилиш даврига эрта етишган қиз бола ҳали бу ҳақда, бу даврда рўй берадиган ўзгаришлар, бу даврда ўзини қандай тутиш, нималар қилиш кераклиги кабилар ҳақида маълумотларга эга бўлмаслиги мумкин. Ўзларида кечинаётган ҳолатлар ҳақида тенгдошлари билан ўртоқлашай деса, бу ҳолатлар уларга мутлақо ёт. Мисол учун шуни ҳам айтишимиз мумкинки, республикамиз вилоятлари қишлоқ ҳудудларининг бирида илк бор менструацияни бошидан кечирган 6-синф ўқувчиси ўтирган жойида ва кийимида қон изларини кўрган синфдошлари уни бузукликда, қизлик ифратини йўқотганликда айблашиб, унинг устидан мазах қилишган. Ўзида рўй бераётган ўзгаришлар сабабини тушунмаган ва тенгдошлари ҳақоратига чидай олмаган қиз шу куниёқ ўзига ўт қўйган.

Шунга ўхшаш ҳолатлар ўсмирлик давридаги ва ундан олдинроқ ёшдаги болаларни жинс психологияси, жинсий тарбия масаласига оид билимлар билан имкон қадар эртароқ қуроллантириш нақадар муҳим эканлигини билдиради.

Тенгдошларидан олдин жинсий балоғатга етган ўғил бола. Жинсий ривожланишда ўз дугоналаридан илгарилаб кетган қизлардан фарқли ўлароқ, жинсий етилиш аломатлари ўз тенгдошларидан эртароқ намоён бўлаётган ўғил бола ўз тенгдошларига қараганда анча афзалликларга эришаётганидан хурсанд бўлади. У ўзининг тенгдошлари жисмонан кучли бўлишни

хоҳлаётган, шундай бўлишга интилаётган айтиб бир вақтда жисмонан бақувват бўла боради. Унинг ўзига ишончи спортда, жисмоний ўсишда янгидан-янги муваффақиятларга эриша бориши, мускулларининг катталаниши, шунингдек атрофдагилар ўртасида машҳурлашиб бораётгани кабилар эвазига тобора ортиб бораверади. Эрта жинсий ривожланиш бундай болани унинг ўз синфидаги шу муаммолар билан қизиқаётган қизлар билан тенг шароитга қўяди. Ҳамма нарсалар унинг фойдасига ҳал бўлади ва у тахминан 2-3 йил давомида вазиятнинг хўжайини ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жисмоний ва жинсий етилиш даври тенгдошларидан эртароқ бошланган болалар одатда ҳиссий ҳолатларининг турғунлиги, ўзига ишонганлиги ва ўз тенгдошларига қараганда атрофдагилар томонидан кўпроқ тан олинганлиги билан фарқланадилар. Шунингдек, бундай болалар келгуси йилларда ҳам, яъни улар катта бўлганларида ҳам ҳаётда кўпроқ муваффақиятга эришадилар.

Ўсмирлик даври арафасида кузатиладиган юқорида айтиб ўтилган айрим ҳолатларнинг, яъни жинсий балоғатга етишнинг эрта ёки кеч бўлиши бу саломатликнинг бузилиши ёки нормаллигини билдирмайди. Улар фақат жинсий балоғатга етиш, жисмоний ва жинсий ривожланишнинг индивидуал хусусиятларга эга эканлигининг кўринишлари ҳолос. Шунинг учун уларнинг эрта ёки кеч бошланиши ҳеч қандай хавотирланиш, кўрқиш, шубҳага асос бўла олмайди.

4.6. ЎСМИР ҚИЗЛАРДА КУЗАТИЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ўсмирлик даврининг характерли жиҳатларидан бири жинсий балоғатга етиш ҳисобланади. Қизларда менструал циклнинг бошланиши билан боғлиқ бир қатор ўзгаришлар мавжудки, улар нафақат жисмоний, балки психологик белгилар билан характерланади.

Қизларда, аёлларда кузатиладиган менструал цикл 4 босқичдан иборат бўлиб, ўртача 28 кун давом этади ва бу босқичларда шахс руҳиятида кузатиладиган ўзгаришларни шартли равишда йилнинг тўрт фаслидаги об-ҳаво ўзгаришларига қиёслаш мумкин. Жинсий безлар эстроген ва андроген гармонларини ажратиб чиқаради. Эстроген гармонлари одамда руҳий қувватни оширувчи гармонлар бўлса, андроген гармонлари аксинча, руҳий қувватни емирувчи гармон ҳисобланади. Уларнинг ажралиб чиқиш миқдори менструал циклнинг турли босқичларида турлича бўлади.

Менструал цикл тугагандан кейинги биринчи ҳафтада эстроген гармонларининг ажралиб чиқиши кўпайиб аёл, ўсмир қиз организми табиат худди қишдан кейинги баҳор кунларида яйраб-яшнаб, янги қувватларга тўлиб боргани каби яшнаб-ййраб руҳий қувватларга тўйиниб боради. Бу даврда қизларнинг ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатлари яхшиланиб, уларнинг ўзига ишончи, ўзини ўзи баҳолашлари ортиб боради. Навбатдаги иккинчи ҳафтани ҳаёт енгил ва ёқимли бўлган ёз фаслига қиёслаш мумкин. Бу даврда андроген миқдори жуда камайиб, эстроген энг кўп миқдорда ажралиб чиқарила бошлайди. Одамнинг руҳияти

хам энг яхши даражада бўлади. Бу босқичда қизларнинг ўзига ишонганлиги циклнинг бошқа даврларига қараганда энг юқори даражада бўлади. Бу кунлар, қизлар учун энг кўп қувватга, завқ-шавққа тўлган, атрофдагилар билан дўстона муносабатда бўлган ва ўз-ўзини баҳолаши кўтарилган вақтлардир. Давр ўрталарига бориб оптимизм ўзининг энг юқори чўққисига етади. Бу «ёз» кунларида қизларнинг атрофдагилар, айниқса қарама-қарши жинс вакиллари билан бўладиган муносабатлари энг аъло даражада бўлади. Табиатда иссиқ ёз ўрнини ўзининг изғирин шамоллари билан куз эгаллаганидек, менструал циклнинг учинчи ҳафтасида организм учун қувват манбаи бўлган эстроген миқдори камайиб, андрогеннинг ажралиб чиқиши кучая боради. У эстроген таъсирини камайтириб, ҳайз кўриш бошланиши олдидан руҳий сиқилишлик ҳолатини юзага келтиради, организмни қишга яъни навбатдаги менструацияга тайёрлайди. Бу даврда ўсмир қизлар руҳиятида тажанглик, жиззакилик, бефарқлик, ўз-ўзига нисбатан ҳам, атрофдагиларга нисбатан ҳам ишончсизлик ортиб боради. Ўз-ўзини баҳолаш кескин пасаяди. Бу ҳолат қизларда нафақат ноқулайлик ҳиссини, балки «Мен ҳеч кимга керак эмасман!», «Нақадар хунукман»-деган фикрларни ҳам туғдиради. Бундай фикр, бундай баҳо ўсмир қиз учун қай даражада оғир эканлигини фақат шу ҳолатни бошидан кечирганларгина ҳис қила олиши мумкин. Айни шу даврда атрофдагилар, синфдошлари, ўқитувчилар, оналар томонидан ўсмир қиз шахсиятига тааллуқли бўлган арзимаган гап ҳам унга ўта ҳақоратдек туюлиши ва фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат ҳафта давомида кучайиб бораверади. Тўртинчи ҳафта менструация цикли бошланганда эса бу ҳолатлар янада кучаяди. Бу даврда ўсмир қизларнинг ўз-ўзини баҳолаш даражаси ниҳоятда пасайиб, улар нафақат атрофидагиларни, ҳатто ўз-ўзини ҳам ёмон кўриб кетадилар. Ўзларини ўта ноқулай, ўта хунук, ёлғиз, ҳеч кимга керак эмас деб ҳис қиладилар. Айни шу вақтларда ўз руҳиятида, организмда рўй бераётган бундай ўзгаришларнинг асл сабаби ва моҳиятини тушуниб етмаган айрим ўсмирлар атрофидагилар билан бўладиган ўзаро муносабатларининг бузилишига, айрим нохуш ҳодисаларнинг содир этилишига йўл қўйишлари мумкин.

Қиз болаларда илк менструация умумий аҳволининг ёмон бўлиши, ҳолсизланиш, оғриқлар ёки кўп миқдорда қон келиши билан кузатилиш мумкин. Гоҳида иситма чиқиши, қайд қилиш, ич кетиши ёки ичи қотиб қолиши, бош айланиш каби ҳолатлар кузатилиши мумкин.

Менструация даврини албатта ётиб ўтказиш керак деган фикрлар у қадар тўғри эмас. Одам ўзини яхши ҳис қилаётган бўлса, одатдаги турмуш тарзини давом эттириши, эрталабки гимнастика билан шуғулланиши, унчалик мураккаб бўлмаган жисмоний машқларни бажариши мумкин. Фақат бу пайтда сакраш, велосипед ҳайдаш, оғир юк кўтариш ман этилади, шунингдек узоқ масофага пиёда юриш, катта сув ҳавзаларида чўмилиш, ванна қабул қилиш, офтобда қорайиш тавсия этилмайди.

Асабий зўриқиш, кучли жисмоний оғриқ, узоқ масофага кўчиб ўтиш кабилар менструал циклни бузиши мумкин. Узоқ вақт ва оғир меҳнат, кучли толиқиш менструацияни тўхтаб, узилиб қолишига олиб келиши мумкин.

Агар менструация жуда оғрикли, кўп қон кетадиган бўлса, врачга мурожаат қилиш лозим. Менструация вақтида организмнинг умумий ҳолатининг ёмонлашуви кузатилади, қизлар машғулотлардан ёки ишдан озод қилинади. Менструация вақтида қизлар ўзларини, айниқса оёқлари ва қориндан паст қисмини совуқдан сақлашлари лозим. Бунинг учун узун ва иссиқ кийимлар кийиш, совуқ тош, цемент ёки совуқ нарсаларга ўтирмаслик лозим.

Бу кунларда ўткир таомлар, қалампир, мурч, уксус, горчица емаслиги, алкагол ичимликлар (пиво, вино, шампан ва бошқалар) ичмаслиги шарт. Чунки булар қон ҳаракатини кучайтириб, менструал қон кетишига олиб келиши мумкин.

Сийдик пуфаги ва тўғри ичак йўллари ўз вақтида тозаланиб туришга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки уларнинг тўлиб, тўсилиб қолиши матканинг тўсилиб қолишига, оғриқларнинг пайдо бўлишига, ажралишнинг кечикишига сабаб бўлиши мумкин.

Менструация вақтида ўз бадани тозалигига алоҳида аҳамият бериш керак, чунки қон келаётган вақтда матканинг ички юзаси ўзига хос ярали юзага айланиб қолади ва унда микробларнинг ривожланиши учун қулай муҳит ҳосил бўлади.

Менструация ўртача 2 кундан 5 кунгача давом этади. Бу вақтда 50-150см.3. атрофида қон ажралиб чиқади. Агар менструация тўла шакланган бўлса, унда тахминан ҳар 24-28 кунда қайталаниб туради. Менструация бир хил вақт оралиғида бошланиб ва бир хил миқдордаги кунларда, бир хил жадалликда кечгудек бўлса, унинг цикли нормал ҳисобланади. Даставвал менструация 7-8 кун давом этиши, бир неча ой, йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақтга тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Фақат аста-секинлик билан унинг доимий цикли тикланади.

4.7. ЎСМИР ЎГИЛ БОЛАЛАРДА КУЗАТИЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

Жинсий балоғатга етиш даврида ўғил болаларда беихтиёр уруғ ажралиш ҳоллари - поллюция рўй бериши мумкин (лот. Pollutio - булғаниш). Поллюция кўпинча уйқу вақтида рўй беради. Биринчи поллюциянинг юзага келиши ўғил болаларда сперматозоидлар ажралиб чиқа бошлаганидан далолат беради. Уруғдонлардан ажралиб чиққан уруғ пуфакчалари ва пубертат безлари аралашиб улар уруғ кўринишида жинсий йўлларда тўпланади ва жинсий аъзо таранглашуви билан табиий равишда тунги беихтиёр ажралишлар кўринишида ажралиб чиқади.

Биринчи поллюциялар ўртача 15-16 ёшларда рўй беради. Шу фурсатдан бошлаб поллюция узоқ муддат жинсий танаффусда бўлган катта ёшдаги эркекларда ҳам рўй бериши мумкин.

Тунда уруғнинг ажралиши мутлоқо нормал, физиологик ҳодисадир. У жинсий ҳаёт билан яшамайдиган ҳар бир йигит ёки эркекда кузатилади. Шунинг учун поллюциядан хавотирланиш ҳам керак эмас. Улардан сўнг ҳеч қандай бузилиш рўй бермайди.

Поллюциялар одатда, ойда 1 - 3 марта рўй бериш мумкин. Улар бундан камроқ ҳам, 1,5 - 2 ойда бир марта ҳам бўлиши мумкин. Ўртача поллюция 10 кундан 60 кунгача оралиғида бўлади. Агар поллюция ҳар кеча ёки бир кечада бир неча марта рўй бергудек бўлса, унда врачга мурожаат қилиш лозим.

Поллюция воситасида организм ортиқча уруғ суюқлигидан ва жинсий зўриқишдан халос бўлади. Бу организмнинг мақсадга мувофиқ ва табиий реакцияси бўлиб жинсий тўхталиш учун физиологик шароит яратади.

Поллюция ҳаддан ташқари тез такрорланмаслиги учун йигитларга ётишдан олдин ўткир таомлар истеъмол қилиши, кўп суюқлик ичиши, иссиқ одеялога ўраниши, плавка ёки баданга зич ёпишиб турадиган трусуда ётиш тавсия этилмайди. Ётиш жойи ўта юмшоқ ҳам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари жинсий органларни тоза сақлаш керак.

Шуни ҳам назарда тутиш жоизки, биологик жинсий етилишни ижтимоий етилиш билан уйғунлаштириб юбормаслик керак. Менструация циклининг бошланиши билан қиз бола хомиладор бўлиши мумкин бўлгани билан унинг организми ҳали нормал жинсий ҳаётга тайёр эмас. Бу ҳолат худди шунингдек ўғил болалар, ўсмирларга ҳам тааллуқли. Ўғил болалар - ўсмирларнинг жинсий балоғатга етиши физиологик жиҳатдан ҳам бутун ёшлик даври давомида амалга ошади. Ижтимоий жинсий етуклик деб, фақат шахсининг шаклланиши ниҳоясига етиб, ахлоқий ва фуқаролик етуклиги шаклланган ёшини ҳисоблаш мумкин. Ижтимоий жинсий етуклик фақат болани дунёга келтириш имконияти билан эмас, балки уни ҳар томонлама нормал ривожланиши учун энг мақбул шароитларни яратиб бера олиш билан белгиланади.

4.8. ЎСМИРЛАРДА ДЎСТЛИК, СЕВГИ, ЁҚТИРИШ ҲИСЛАРИ

Кўпчилик учун жинсий етилиш нафақат танадаги ўзгаришларни билдиради, бу даврда инсон ҳис-туйғулари ҳам ўзгариб бораётганлигини сезиш мумкин.

Баъзида ўғил-қизларнинг кайфияти кўтарилади, баъзида эса тушкунлик ҳолатида ўзини сезиши ҳам мумкин. Ёнидаги ўртоқлари ва тенгдошларига нисбатан дўстлик, ёқтириш ёки ёқтирмаслик каби ҳислатларни ҳам бошидан кечириши ёки бўлмаса тенгдош ўғил ёки қизларга нисбатан севгига ўхшаш ҳисларни ўзидан ўтказиши ҳам мумкин. Шунинг учун унда тенгдошлари билан бўлган муносабатда мураккаброқ ва мазмунлироқ жиҳатлар ҳам кузатила боради. Бир хил қизиқишлар, машқлар, манфаатлар бирлиги асосида ўртоқлик ва дўстлик муносабатлари вужудга келади. Дўстлар билан суҳбатлашув гоҳида шунчалик ёқимли ва муҳим бўладикки, қариндошлар билан бунчалик завқли бўлмаслиги мумкин. Чунки бу даврда яқин, тушунадиган киши билан дардлашиш, сирлашиш эҳтиёжи юқори бўлади. Шунинг учун бу даврда ҳар бир ўсмирнинг орзуси чин дўст топиш ва унга ҳам дўст бўлишдир. Унда бу даврда дўстларга мухтожлик эҳтиёжи юзага

келади, ўз хис - туйғулари ва муаммоларини ўртоқлашмоқчидек кўринади ва ҳақиқатан ҳам бунга интилади. Психолог тили билан айтганда, дўст - бу «алтер Эго», яъни иккинчи «Мен» бўлиб, у ўша пайтдаги «Мен» нинг бир қисми сифатида идрок қилинади. Дўст ўсмир учун шундай одамки, у билан барча дарду-ҳасратларини муҳокама қилади, қалбидаги муаммоларини унга тўкиб солгиси келади. Шунинг учун уни хуш кўришларини ва унга маслаҳатлар беришларини хоҳлайди. Дўстлик туйғуси психологик жихатдан ўз-ўзини англаш ва бошқа одамни тушунишга ёрдам беради. Бу даврга хос иккита хусусият у ҳам бўлса, ўз тенгдошлари билан мулоқот қилишнинг эҳтиёжи ортиши ва шу мулоқотни амалга ошириш ҳисобланади. Мулоқотни кутиш - мураккаб ўзига хос ҳолат бўлиб, бунда ўсмир шартли ва шартсиз равишда қизиқарли ва муҳим, такрорланмас учрашув ва мулоқотни кутади. Шу сабабдан улар ота-оналари, атрофидаги катталар ва умуман бошқаларга диққат ва қизиқиш билан қарайдилар. Мулоқот кўпайиши натижасида дўстлик келиб чиқади ва бу дўстлик ўсмир учун ўзини мустақил ва катта одам сифатида ҳисоблай олишига туртки бўла олади. Дўстликнинг асосий шарти эса - ўзаро бир-бирини тушуниш ҳисобланади. Дўстлар гоҳида гап-сўзсиз ҳам юз ифодаси, юриш-туришга қараб ҳам тушуна оладилар. Ўсмирлик давридаги ўғил-қизларда бу хис муҳим бўлганлиги учун ўқитувчи уларда ким биландир дўст бўла олишлари учун ўзларида қайси сифатларни мужассам эта олиши кераклигини уқтириши керак. Бу хислатлар эса ушбулардир:

- ҳурмат, уни ўз хатти-ҳаракатлари ва фикрлаши билан кўрсатиш мумкин. Доимо олдида бўлиш, эътибор билан тинглаш, керак бўлса ёрдам бера олиш, кечира олиш;
- ростгўй бўлиш, ўзини бошқалардан устун, юқори қўймаслик, иккиюзламачилик қилмаслик;
- дилкашлик, бошқа одам фикрига қулоқ тутиш, ўзаро тушунишга эришиш.

Билиш керакки, дўстлар осмондан тушмайди. Бунинг учун ҳар бир одам ўзи биринчи қадамни ташлашига тўғри келади. Бўш вақтни тўғри ташкил қилиб турли тўғараклар, жисмоний машқларни ўргатадиган масканларда шуғулланилса ҳам дўст орттириш имконияти пайдо бўлади. Қиз бола билан ўғил боланинг орасида дўстлик ҳислари ва муносабатлари бўлади, буни инкор этиб бўлмайди. Бу дўстлик туфайли улар бир-бирларига ижобий таъсир этадилар, улар бир-бирларини тарбиялайдилар. Қизлар билан ўғил болалар дўстлик муносабатида бўлмасалар, ўғил болалар жохил, кўпол, шавқатсиз бўлиб қолишлари мумкин. Қизлар эса шалпайган, қарорсиз бўлишлари мумкин.

Дўстлик муносабатларини аҳамиятини ифода этувчи миллий меросимиздан бири - ҳалқ мақолларида ҳам дўстликнинг одам учун кераклиги баён этилган:

- «Дўстсиз бошим, тузсиз ошим»,

- «Дўст билан обод уйинг гар бўлса у вайрона ҳам, дўст қадам қўймас экан вайронадир кошона ҳам».

Дўстликни ифодаловчи қандай мақолларни яна келтириш мумкин? Шунингдек, ўқувчиларда дўстлик мавзусига қизиқишни орттириш учун дарсда ким кўпроқ мақол ёки ҳикматлар келтириш мусобақасини ташкил этиш мумкин.

Танадаги бўлаётган ўзгаришлар ва жинсий ривожланиш мобайнида йигит ва қизларнинг ўзаро қизиқиши кучаяди ва бу кучайиш ёқтириш, севги тарзида ҳам намоён бўлади. Агар дўстлик ўзаро бир-бирини тушунишга асосланган ўзаро муносабатлар кўриниши бўлса, севги эса қалблар яқинлигига асосланган ва ҳис-туйғуларининг намоён бўлишининг муҳим аломатидир. Севги бу нафақат ҳиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобилияти ва севимли бўла олишдир. Шу сабабдан ўсмирлар учун бу ҳиссиётнинг борлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўсмирлар бир-бирига меҳр қўйишганда асосан танлаган одамларининг ташқи кўринишлари, ақлий имкониятлари ва обрўларига эътибор берадилар. Лекин кейинчалик ёш улғайиб борган сари одамлар севги объектини танлашда унинг ташқи қиёфаси, ақли ёки қандайдир афзалликларига эмас, балки унинг инсоний фазилатларига кўпроқ эътибор беришлари кузатилади. Айтиш мумкинки, севги ҳиссини дастлабки босқичи - ўзаро ёқтириб қолиш, ёки симпатия бўлиб, бунда танлаган одамнинг ташқи қиёфа белгиларига кўпроқ аҳамият берилади. Масалан, чиройли кийинган ва ораста бўлиб кўринган қиз бола даврада кўпчиликнинг нигоҳини ўзига тортади ва натижада даврадагиларнинг кўпчилиги уни ёқтириб қолишлари мумкин, лекин шу ёқтирувчилар орасида қайси бири шу қизга ҳам маълум даражада ёксагина, улар ўртасида ўзаро ёқтириш юзага келиши мумкин бўлади. Шу тарзда ўғил-қизлар орасида ўзаро ёқтиришдан кейин бошқа босқич - севгига айланиши мумкин. Демак, ўсмирлик давридаги ўғил-қизлар кўпинча давраларда бўлишни, бировларга ёқиш учун ташқи кўринишларига алоҳида эътибор берадилар. Шунинг учун ёқимтой бўлса-ю, лекин бирор одамнинг эътиборига сазовор бўлмаса, ўсмир ўғил-қизларда хафалик ҳисси юзага келиши мумкин. Ўсмирларда севги муносабатларининг кечишида фақат қарама-қарши жинс вакили эмас, балки айнан шу даврда ота-онанинг кадрланиши ва уларга нисбатан севги-муҳаббат, яқин ака-ука ёки опа-сингилга нисбатан муҳаббат, қизиққан предмети ёки нарсасига нисбатан ҳам муҳаббат кўринишлари юзага келиши ва намоён бўлиши мумкин. Ўсмирлар ўзларининг қизиққан объектларини нуқсонсиз, идеал тарзда тасвирлайдилар ўз туйғуларини ўзлари ҳам хали англаб етмайдилар, улар ҳис туйғуларини қандай қилиб изхор этиш ва ўзларини қандай тутишни ҳам билмайдилар, уларнинг бу ҳиссиётлари кўпроқ мавҳум ўйларга олиб келади. Натижада ким тўғрисида кўпроқ ўйлаш эҳтиёжга айланади.

Агар ўсмир кимгадир нисбатан ўз ҳис - туйғуларида дўстликка қараганда бошқача эканлигини пайқаса, кучайиб бораётганини сезса демак, бу ўсмирда дўстликдан бошқача ҳиссиётни кечаётгани аён бўлади. Севиш ва севилиш ажойиб туйғу бўлиб, бунда ўзига хос ҳаяжонли дақиқаларда безовталаниш, танлаган кишиси билан бирга кўпроқ вақт ўтказиш ҳақида ўйлаш кўпаяди ва бу ҳолат асосий мақсадга айланиб қолади. Айтиш керакки

бу туйғу ўзаро хурмат, хушмуомалалик ва ишончга асосланади. Хаёлий муҳаббат оғушида инсон кўпинча бошқаларнинг камчилигини пайкамайди чунки хаёлот ва тасаввур кўпроқ ифодаланади.

Ҳар бир одамнинг севиш қобилияти қайси ёшида қандай кечиши мумкинлиги олимлар томонидан аниқланган. Бу даврларни келтирадиган бўлсак, бу уч ёш атрофидаги давр, бунда бирданига болага ўз ёши ёки каттароқ ёшдаги қиз ёки ўғил бола ёқа бошлайди. Ўша ёқтириб қолган одамига ўзининг яхши конфети, печенийси, олмасини раво кўра бошлайди. Ўзаро илиқлик муносабатлари асосида ярим болаларча муҳаббат кичик мактаб ёшидаги даврда, яъни 7-8 ёшларда ҳам кўринади. Ўсмирлик даврида ҳам қарама-қарши жинс вакилига нисбатан бу каби ҳиссиёт намоён бўлади. Бунда кўпроқ мулоқотга киришиш, севиб қолган кишига нисбатан кўпроқ қизиқиш, ёки ташқи қиёфасидаги қандайдир жиҳатини кучли ёқтириб қолиш тарзида севги ҳислари кузатилади. Ўсмирлик давридаги ўғил-қизлар ҳали тўла шаклланмаган шахс палласида эканликлари туфайли улардаги севги ҳислари ўзига хос белгиларга эга эканлиги кўринади:

Биринчидан, севги ҳислари масалалари уларни севги ҳислари пайдо бўлишидан анча олдиноқ қизиқтира бошлайди, ўқиган китоблари, эшитган кўшиқлари, кўрган фильмларидан ва катталарнинг суҳбатларидан улар севги қандай ҳис эканлигини, бу ҳисга одамлар интилиши ва кутишларини яхши биладилар. Бу сирли туйилган ҳисни ўзларида ҳам ҳис этиш, севиб кўриш, уни ўзида кечириш истаги кучайиб боради. Бу ўзига хос ўсмир организмда юз бераётган физиологик жараёнлар таъсирига ҳам боғлиқдир.

Иккинчидан, бу янги соҳада ўз-ўзини англаш, севиб кўриш ва севилиш эҳтиёжи юзага келади. Шунинг учун ўсмирлик давридаги ўғил-қизнинг севги ҳислари бу севги дебчаси бўлиб, бу ҳали жиддий парваришни тақозо этувчи нозик туйғудир.

Учинчидан, ўсмир севгисида ҳали кўп фантазия бор. Севиб қолган киши тимсолида у ҳаёлидаги кишининг энг яхши сифатларини тасаввур этади. Мулоқот олиб бориш эҳтиёжи кучлилиги, кўнгил яқинлигини ҳис этиш хохиши мавжудлиги кабилар билан характерланади. Шунингдек унда ўзига ишонч ҳислари ҳам кучсиздир, унда уятчанлик бор.

Тўртинчидан, ўсмирнинг севги ҳислари у учун ўзига хос қизиқарли китобга ўхшайди, шунинг учун у ҳаётдан узилган ва ҳаёт билан боғланмагандир.

Бу келтирилган хусусиятларни билган холда, ўсмирлар учун соф севги туйғусини ҳис қилишда адашмаслик, ҳар қандай ҳиссиётлар қурбони бўлмай, ақлу-фаросат билан ёндашишни тавсия қиламиз.

Билимларни текшириш учун саволлар?

1. *Ўсмирлик даври қайси ёшларга тўғри келади?*
2. *Ўсмир организмда қандай ўзгаришлар рўй беради?*
3. *Ўсмирлик автономиялари нима ва унинг қандай турлари фарқланади?*

4. *Менструал цикл нима ва у қандай кечади?*
5. *Жинсий балоғатга етиш дейилганда нима тушилади?*
6. *Жинсий балоғатга етишнинг эрта ёки кеч юзага келиши ўсмир руҳиятига қандай таъсир қилади?*
7. *Ўсмирлик даврида қандай ҳис-туйғулар муҳим ҳисобланади?*
8. *Ўсмирлик даврида дўстлик ҳиссининг аҳамияти қандай?*
9. *Ўсмир учун севги-муҳаббат ҳисларининг белгилари қандай бўлади?*

Ҳикматлар ҳазинасидан:

1. Донишмандлардан бири бўлмиш Хусайн Воиз Кошифий «Ким билан дўстлашиш керак?» деган саволга қуйидагича муносабат билдирган:

- дўст ақлли бўлиши керак, зеро, ақлсизлик яхшилик белгиси эмас.
- дўст хушфёъл бўлиши керак, чунки бадхоҳлар билан тил топишиш қийин.
- дўст бадфёъл бўлмаслиги лозим.
- у беғараз бўлмоғи лозим.
- дўст алдоқчи, риёкор, қаллоб бўлмаслиги керак.

Шунингдек, агар дўст топсанг, у холда ушбуларга амал қилгин:

- дўстингдан ҳеч нарсани аяма.
- унинг сирларини қалбингда сақла, ҳеч кимга ошкора қилма.
- одамлардан унинг нуқсонларини яшир, камчиликларини фақат ўзига айт, токи уларни тузатсин.
- унинг гапларига диққат билан қулоқ тут.
- ундан аччиқланма, унинг гапларидан нуқсон излама.
- дўстингга ҳурмат билан муносабатда бўл.
- унинг хушфёъллигига миннатдорчилик билдир.
- дўстингни ўзи йўқлигида доимо яхши сўзлар билан эсла.
- агар дўстингга бирор нарсани ўргатмоқчи бўлсанг, буни эҳтиёткорлик ва самимийлик билан амалга ошир.
- унинг айбларига эътибор берма, уларни кечир.
- дўстинг қувонса, қувон, қайғурса қайғурин.
- дўстингга айтадиган биринчи сўзинг унинг учун соғлиқ тиламоқ бўлсин.
- дўстингнинг гапираётган гапини бўлма.
- ўзингга нимани раво кўрсанг, дўстингга ҳам шуни раво кўр.
- керак бўлган пайтда дўстингни ҳимоя қил.

Шу кўрсатилган амалларни бажарсанг, сенинг дўстинг ишончли ва садоқатли бўлади.

Донишманднинг бу фикрларини муҳокама қилинг. Бу қоидаларни амалга ошириш одамларга ёрдам берадими ёки йўқми? Фикрингизни билдиринг.

2. Бир донишманд:

- Гапирмоқдан эшитмоқ маъқул,- дебди.

- Нима учун? - деб сўрашибди ундан.
- Шунда донишманд:
- Бўлмаса худо битта тилу иккита қулоқ бермас эди-да, - дебди.

Бу ҳолатни таҳлил қилинг.

3. Абдулла Қаҳҳор ушбу хикматли сўзни айтиб кетган: «Танингда филнинг кучи, чумолининг ғайрати бўлсин». Бу билан адиб нима демоқчи?

ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ЯХШИЛИК КЎРАДИ

Бир вақтлар кемада саёхатга чиққан икки дўст денгизга тушиб кўрдилар. Шу вақт тўлқин кучайиб кетди.

Йўловчилар ҳаммаси бақириб чақира бошладилар.

Кема дарғаси дархол денгизга ўзини ташлаб дўстлардан ёшроғини қутқариб қолди. Бошқасини қутқаришга эса ҳаракат қилмади, иккинчи дўст чўкиб кетди. У ердагиларнинг бир қанчаси дарғага:

■ Дарға, агар тезроқ ҳаракат қилганингда иккинчи одамни ҳам қутқарса бўларди. Жуда имилладинг,- дедилар .

Дарға бундай жавоб берди:

■ Менга яхшилаб қулоқ солинг. Бу йигитни қутқаришни хоҳлаган эдим, қутқардим. Чунки у менга аввалдан яхшилик қилиб келган. Бошқасини чўкиб кетишини хоҳлаган эдим, у чўкиб кетди. Чунки унинг кўп ёмонлигини кўрганман. У мени ранжитган, кунглимни оғритган. Шунинг учун унинг чўкиб кетишини истагандим, - деди.

Нима учун шундай бўлди? Фикрингизни билдиринг.

V БОБ. МУҲАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ

5.1. ШАРҚ ВА ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ СЕВГИ-МУҲАББАТ ВА ДЎСТЛИК ҲИССИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Кишилик жамияти юзага келибдики, инсонлар орасидаги ижобий ва салбий муносабатлар барча кишиларнинг диққат марказида муҳим масалалардан бўлиб келган. Шунинг учун бу масалалар қадим замонлардан бошлаб халқ оғзаки ижоди намуналарида, достон, кўшиқ ва эртакларда, донишмандларнинг фикр ва қарашларини ўзига хос равишда муносабат билдириш ва таҳлил қилиш объекти бўлиб келган.

Қайси мутафаккир ёки олим, шоир ёки ёзувчининг асарларини олиб кўрманг, уларнинг ҳеч қайсиси ўз ижодий фаолиятида инсон ҳиссиётларининг энг кучли ва сирлиси, сержило ва сеҳрлиси ҳисобланган муҳаббатни четлаб ўта олмаган. Инсоният бор экан, муҳаббат одамни сирли туйғулар оламига етаклаган, уни енгиб бўлмас ғовлардан ўтишга ва чўққиларни забт этишга ундаган, уни рағбатлантирган, унга бахтиёр онларни тухфа этган. Ҳатто ўлим тўшагида ётган кишига ҳам умид бағишлаб, ҳаёт нашъасини сурдирган, оддий кунларига камалак жилоларини арғумон этган, унинг атроф-муҳитни ҳамда ўзлигини идрок қилиши учун туртки бўлган. Шахс руҳиятида ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлган қудратни кашф этган. Кўҳна ва ҳамиша навқирон ҳисобланган бу инсоний туйғу ҳаммага баробар азиз ва муқаддасдир.

Шарқда қадимги Хитой илмий қарашларида Конфуций таълимоти, Ҳиндистонда Будда, Ислом оламининг муқаддас Қуръон ва ҳадисларида инсонлар орасида яхши инсоний муносабатларини қарор топтириш лозим эканлиги айтиб ўтилган. Деярли бир даврда, бошқа-бошқа жойда Ҳиндистонда Будда, Хитойда Конфуций таълимотларида бир ғоя, қараш шаклланишини кузатиш мумкин: “Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга раво кўрма”. Конфуций меросида асосан одамлар орасидаги муносабат, инсонпарварлик, дўстлик, инсонни севиш жиҳатларига кенг ўрин берилган: “Одамларни севиш ва илиқ муносабатда бўлиш деганда ўзини инкор этиш эмас, балки бошқа одамларни ҳам, ўзини ҳам бир хил кўриш керак” эканлиги талқин этилган.

Ислом оламининг муқаддас китоби Қуръонда инсоний муносабатларни тушуниш учун инсонлар томонидан фақат яхшилик, эзгулик, дўстликни амалга ошириш кераклиги (79-оят, Нисо сурасида), инсонлар орасида фақат ва фақат яхши муносабатлар амалга ошириш лозимлиги (160-оятда), бундай муносабатларни амалга ошириш эса яхшилик аломат эканлиги 63, 98, 139-оятларида баён этилган.

Ҳадисларда эса яхши инсоний муносабатларни қай йўсинда олиб бориш лозимлиги тушунтирилади: “Ораларингда салом беришни тарқатинглар, бир-бирларинга муҳаббатларинг зиёда бўлади” (142-ҳадис); шунингдек катта ёшдагиларга эътиборли бўлиш (373-ҳадис); илм аҳлига

эътиборли бўлиш (141-ҳадис), ота-оналар ва фарзандларга меҳрли бўлиш каби муносабатлар асосий мавзу сифатида ёритилади.

Яхши инсоний муносабатлар ва у билан боғлиқ ахлоқ-одоб, тартиб-қоидалар Ўрта Осиё мутафаккирларининг ўрганиш, кузатиш ва муносабат билдириш масалаларидан бўлиб келган.

Шарқ олими Абу Али Ибн Сино ўзининг “Донишманднома” асарида ҳар бир киши бахтли бўлиши учун ўзидаги ахлоқи, одоби, юриш-туриши ва атрофдагиларга муносабатини ижобий қилиши кераклигини уқтиради. Буюк олим Абу Али ибн Сино ўз асарларидан бирида кучли муҳаббатни изоҳлар экан, уни касаллик сифатида таърифлайди ва «даволаниш» йўллари кўрсатиб ўтади: муҳаббат ўтида қийналиб азоб чекаётган икки қалбни бирлаштиришни маслаҳат беради. Шунингдек у яна маълум объектив сабабларга кўра, яъни динидаги, саломатлигидаги, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидаги ва шу каби тафовутларга асосланиб қалбларни бирлаштириш имкони бўлмаса, унда одамнинг рухий хусусиятларига кўра турлича даво чораларни қўллашни тавсия этган. Масалан, ҳиссиётни бошидан кечираётган одамни севгилисидан совутиш, ҳиссиётни заифлаштириш, ҳиссиётни бошқа шахсга кўчириш, чалғитиш, органик эҳтиёжларни қондириш орқали муҳаббат ҳисларни сусайтириш шулар жумласидандир.

Абу Райхон Беруний эса инсоннинг ташқи қиёфаси, унинг ахлоқий қиёфаси билан узвий боғлиқлигини, кишидаги олижаноблик ва орасталик инсонлар билан муомаласида муҳим узак эканлигини асослайди.

Юсуф Хос Хожиб инсонлар билан дўст бўлиш учун асосий калит “бу тилдир, тил туфайли киши ўз илми, ақлига жило беради. Сўзни ўйлаб сўзлаш, унинг улуғ бўлишига олиб келади, ёки ўйламай сўзланса, унинг каддини туширади” каби фикрлари орқали инсоний муносабатларда муомалага юқори эътибор бериш кераклигини уқтиради.

Хожи Ахмад Яссавий ҳикматларида эса ҳар бир инсоннинг орзуси инсонлар билан яхши муносабатда бўлиш, дўст орттириш, севиш ва севилиш эканлиги кўрсатиб берилган.

Файласуф шоир Умар Хайём рубоийларда икки киши орасидаги муносабатларда бир-бирига дўстлик, меҳр кўрсатиш, эътибор бериш шу инсонларнинг шахс сифатида ривожланишига катта замин яратиши ифодаланади.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида ахлоқ-одобга лойиқ инсон икки фазилатига эга бўлмоғи лозимлиги ва бу фазилатлар таркибида муомала одоби, инсонларнинг ўзаро бир-бири билан хуш мулоқотлиги, дўстлиги кабиларни киритади. Мутафаккирнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиши учун йўналтириладиган одат маҳсули бўлишига етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-харакатларда меъёр қай даражада сақланганлиги билан белгиланади. Одобни эса у бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағални камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ходиса сифатида таърифлайди.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида: “Шундоқ кишини дўст тутингинки, сенга унинг суҳбатидан роҳат етсин. Шунда уни қабул қил,

чунки ошиқлик бошқа ва дўстлик бошқадир”, - дейилган бўлса, “Хотамнома” асарида эса сахийлик, тўғрилик, ростгўйлик, севги ва садоқат, одамлар ўртасидаги дўстлик ва мурувват, тинчлик ва фаровонлик каби эзгу ғоялар тараннум этилган.

Алишер Навоийнинг “Махбуб-ул-кулуб” асарида киши хулқ-атворида намоён бўладиган одоб ва тавозе дўстлик пайдо бўлишида энг асосий шарт сифатида қарайди: “Тавозе - кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозе - дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшанда ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади.”

Шарқ мутафаккирлари асарларининг тахлили шуни кўрсатадики, уларнинг бой ва сермазмун мерослари ўзига хос энциклопедия ҳисобланади. Бу меросни биз ўқиб, ўрганиб шу кунларда ҳам уни ҳаётга тадбиқ этиш кераклигини тан оламиз.

Қадимги юнон файласуфи Афлотун (Платон) ўз диалогларида инсондаги ҳислардан бўлмиш севги-муҳаббатнинг маъносини тушунтириб дейди: “Муҳаббат ҳисси мангу, негаки у на туғилганини, на мағлубиятини, на кўпайганини, на камайганини билади”.

Афлотун муҳаббат ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, одамлар унинг ҳақиқий аҳамиятини англаб етмасликлари, “агар улар муҳаббатнинг ҳақиқий кучини ва қудратини англаб етганларида эди, улар унинг учун буюк ҳайкаллар қуриб, катта қурбонликлар келтирар эдилар...”, дейди. Афлотун қарашларига кўра севги ва муҳаббат туйғулари инсондаги тана гўзаллигини кўриш билан чекланмайди, бунинг учун қалб гўзаллигини ҳам тушуниш лозим эканлиги, муҳаббат йўлида ўзига хос билимлар ва йўл эгалланиши кераклиги уқтирилади. Деярли йигирма олти аср аввал айтилган бу фикр ва қарашлар бизнинг давримизда ҳам ўз ижтимоий аҳамиятини, қадрини ва қимматини йўқотмагандир.

Арасту (Аристотель), қадимги юнон файласуфи биринчи навбатда муҳаббат туйғусида оила ва жамият учун фойда қидиради, масалан, оилада муҳаббатнинг мақсади дўстлик эканлигини уқтиради. Арасту фикрича, севгидаги дўстлик ҳиссий интилишга нисбатан эътиборлироқдир, севги шу туфайли аксарият ҳолда дўстликдан келиб чиқади. Агар у кўп ҳолда дўстликдан келиб чиқса, демак, дўстлик севгининг мақсади эканлиги аён бўлади.

Қадимги рим сўз устаси, файласуфи Марк Тулий Цицерон эса бу туйғуни қандайдир мавҳумлик деб қарайди. Бу инсонда телбалик, ақлсизликни вужудга келтиради, шунинг учун ундан сақланиш лозим эканлигини уқтиради. Цицерон: “агар муҳаббат табиий ҳиссиёт бўлганида эди, у ҳолда ҳамма севарди, доимо севарди, ўйламасдан, уялмасдан, тўйинмасдан севарди”.

Юнон ахлоқпарвар файласуфи Плутарх қарашларида инсонийлик ва маърифат ғоялари мужассамлашган. Унинг фикрлари асосан оилавий муносабатларни барқарор олиб боришга, шахснинг ўзини билиб олиб бошқаларга муносабат кўрсатиши кераклигига қаратилгандир. Унинг

фикрича, севиш севилишга нисбатан анча маъкулдир, чунки, севиш орқали киши кўп нуқсонлардан, хатолардан халос бўлиши, атрофидагиларни бошқача тушуниши ва бошқача муносабатда бўлишга қодир бўла олишига куч топа олади.

Ғарб файласуф мутафаккирларининг қарашлари ва асарларида, диний қарашларда севги, дўстлик каби эмоционал муносабатлар ва ҳиссиётлар мавзуси марказий ўринни эгаллаган. Бироқ уларда илгари сурилган илмий ғоялар бу ҳисларнинг инсон учун аҳамияти ёки зарарини таъкидлаш билан, шу тушунчаларга таъриф бериш даражасида қолган.

5.2. МУҲАББАТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Шуниси таассуфланарлики, ҳозирги кунга қадар муҳаббат тушунчасига ягона илмий таъриф, тавсиф берилмаган, бевосита унга бағишланган илмий асарлар ниҳоятда кам. Кишилар онгида бўлгани каби бадий асарларда ҳам муҳаббат ҳақидаги турлича, кўпинча бир-бирига зид фикр ва таърифларни учратиш мумкин.

Баъзи муаллифлар эса муҳаббат ҳисларини соф руҳият компоненти сифатида баён этиб, ундаги физиологик компонентни инкор этадилар. Физиологик компонент ҳайвонларга хос бўлган органик эҳтиёжларни кондиритдан иборат инстинктнинг ифодаланиши сифатида идрок этилади. Шу сабабли ҳам улар одам ҳайвоний ҳирсдан, жинсий интилишлардан озод бўлиши керак деб ҳисоблашади ва муҳаббат ҳисларига бир ёқлама ёндашишади. Классик асарларда жумладан қадимги ҳинд трактатида муҳаббатга бир мунча тўлиқ таъриф берилади: «Ақл майли ҳурматни туғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни туғдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб севги муҳаббатни туғдиради». Вольтер: «Севги-муҳаббат - бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танага бир вақтнинг ўзда ҳужум қилинадиган энг кучли, завқли ҳис-туйғулардан биридир», - деб таъриф беради. Бу таърифларни ўзаро таққослаш ва руҳий таҳлил қилиш, севги муҳаббатда зарурий руҳият компоненти билан бир пайтда физиологик компонент ҳам ҳисобланади.

Қадимги юнонлар севги-муҳаббатни қандай йўналишда кетишига қараб икки турга - «эрос» ва «агапе»га бўлганлар, ваҳоланки, улар муҳаббатнинг икки муҳим томонидир, яъни «эрос» - муҳаббат объектига эга бўлишга, уни ўзиники қилиб олишга қаратилган бўлса, «агапе» - ҳиссиётни бошидан кечираётган шахснинг ҳиссиёт объектига ўзини бағишлашдир. Ана шу ҳиссиёт ҳар бир одамда учрайди. Шу ҳиссиётларда қайси бири устунлик қилишига қараб, кишидаги муҳаббатни, аниқроғи ҳиссиётни бошидан кечираётган шахсни ва унинг муҳаббатдаги истикболини ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин. Башарти «агапе» устунлик қилса, ҳиссиётнинг умри узок бўлиши ва аксинча «эрос» устун бўлса, тез орада ҳиссий қониқиш содир бўлиб, бундай одамдаги муҳаббат ҳисларининг умри ниҳоятда қисқа бўлиши мумкинлиги кузатилади.

МУЩАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ

+адимги юнонлар севги-мушаббатни =андай ё'налишда кетишига =араб икки турга – “ерос” ва “агапе” га бо'лган, я'ни “ерос”-мушаббатга эга бо'лиш, “агапе” – щиссиётни бошидан кечираётган шахснинг щиссиётга о'зини баг'ишлашидир.

Севги-мушаббат туйг'уларининг назарий
бо'линиши

EROS

Севги-мушаббат туйг'уларининг назарий
бо'линишиётг+адимги юнонлар севги-мушаббатни =андай
ё'налишда кетишига =араб икки турга – “ерос” ва “агапе” га
бо'лган, я'ни “ерос”-мушаббатга эга бо'лиш, “агапе” –
щиссиётни бошидан кечираётган шахснинг щиссиётга
о'зини баг'ишлашидир.ан мотив мушаббат об'ектига
жисмонан эга бо'лиш, бунда жинсий интилиш етакчилик
=илади

LYUDUS

Kuchli

Севги щислариНИ унчалик чу=ур бо'лмаган мушаббат
о'йини сифатида идрок =илинадиган, севги щислари
об'екти осон алмашиниши мумкин бо'лган тури.

PRAGMA
(L+S)

Людус ва цоргелардан иборат доимо онг назоратида
бо'лган, севган шахснинг манфаатларини ко'злаган
ма=садлари асосида юзага келган севги щислари дидир

MANIYA
(E+L)

Ерос ва людусдан иборат бо'либ, севган киши севги
об'ектидан тобелиги билан тавсифланади

AGAPE
(E+S)

Ерос ва цоргелар йиг'индисидан иборат кучли
ифодаланадиган, севган киши мушаббат об'ектига
щамма нарсасини баг'ишлашга тайёр бо'лган щислар
туридир.

Севги-муҳаббат туйғуларини Д.А.Ли бир неча турларга бўлади:

1. ЭРОС - кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат объектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.
2. ЛЮДУС - севги ҳисларини унчалик чуқур бўлмаган муҳаббат ўйини сифатида идрок қилинадиган, севги ҳислари объекти осон алмашиши мумкин бўлган тури.
3. СТОРГЕ - ташқи кўринишидан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат-дўстлик тури.
4. ПРАГМА (Л+С) - людус ва сторгелардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севган шахсининг манфаатларини кўзлаган мақсадлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.
5. МАНИЯ (Э+Л) - эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги объектидан тобелиги билан характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турнинг фарқи севган шахсда ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.
6. АГАПЕ (Э+С) - эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланадиган севган киши муҳаббат объектига ҳамма нарчасини ва ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган ҳислар тури ва ҳоказо.

Кузатишларга кўра эркакларнинг севги муҳаббат ҳисларида кўпроқ қисмини эрос ва людус, аёлларда эса прагма, сторге ва мания турлари ташкил этади.

Ўсмир ва ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларда кўпроқ мания тури, катта ёшдагиларда эса бошқа турлар кузатилади.

Бир шахсининг ҳаётида муҳаббатнинг юқоридаги бир неча турлари алоҳида кузатилиши мумкин. Баъзиларда эса фақат битта тур учрайди. Бизнинг фикримизча, муҳаббат турлари севган ва севилган кишиларнинг ёшига, ҳуснига, маълумотига, маданий савиясига, жамиятда тутган мавқеига, ҳаёт тарзига, дунёқарашига, қайси муҳитда тарбия кўрганлигига, характерига, жинсий ҳулқига, қарама-қарши жинс ҳақидаги тасаввурига, нерв системасига, миллий психологик хусусиятларига боғлиқ. Баъзи йигит ва қизларда севги ҳислари бир турда бошланиб, маълум вақтдан сўнг ўзга турига ўтиши мумкин. Масалан: «Эрос» турида бошланиб «агапе»га айланиш ёки «людус» тарзида юзага келиб, «сторге» турига ўтиши мумкин.

Агар муҳаббат турига назар ташлайдиган бўлсак, эркин муҳаббатнинг шаклланиши ўрта асрларга тўғри келади. Хусусий мулкчиликнинг равнақи, антагонистик синфларнинг мавжудлиги, аёлларнинг ҳуқуқсизлиги эркин муҳаббатнинг равнақ топишига тўсқинлик қилади. «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Ромео ва Жульетта» кабиларни эркин муҳаббатнинг юзага келиши ва унинг тақдири ҳақидаги илк асарлар деб айтиш мумкин.

Тараққий ётган жамиятда янги тартибларга асосан юзага келган оила, эркак ва аёл ўртасидаги мавжуд тенгсизликларни йўқотиш муҳаббатнинг юқори даражада равнақ топишига зарурий шарт-шароит яратади.

Лекин афсуски, баъзи ёшлар «эркин ҳаёт», «эркин муҳаббат» каби руҳият омилларини нотўғри тушуниб, маънавий ахлоқсизликка майл қўйишяпти, инсонлар ўртасидаги энг нозик бўлмиш жинсий муносабатлардан эса «бойлик орттириш», «гўзал ҳаёт» кечириш манбаи сифатида фойдаланишмоқда. Бу ахлоқий тубанлик, носоғлом дунёқараш оқибатидир. Бу ҳол баъзи оилаларда маънавий тарбия масаласи унутиб қўйилганлигининг, айрим таълим-тарбия муассасалари ва уларнинг педагогик жамоаларининг ўз вазифаларини етарли даражада удралай олмайганликлари натижасидир.

5.3. МУҲАББАТ ВА ЁШ

*Севги одат бизнинг кунларда,
Севги бизга олтин зарурат.*

Уйғун

Муҳаббат онтогенезига назар ташланганда сеvги ҳиссининг илк куртакларини боғча ёшидаги болаларда ҳам кўриш ва буни ҳар бир тарбиячидан сўраб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин табиийки, бу ҳали тўлақонли муҳаббат бўла олмайди. Болаликдаги сеvги ҳисларида физиологик компонент, яъни жинсий интилиш деярли бўлмайди. Улардаги ҳиссиётнинг аксарият қисми руҳий компонентдан иборат.

Мақтаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муҳаббат ҳислари эса бир мунча фарқ қилади.

Ўспиринлик ёшидаги қиз болаларда руҳий компонент жинсий компонентдан устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиёт дивергенцияси - бўлиниши кузатилади. Яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошидан кечирсалар, жинсий интилишни катта ёшли аёлга нисбатан ҳис этадилар, улардаги ҳиссиёт икки объектга бўлинади. Бу фақат ўғил болаларга хос бўлиб, қизларда бундай ҳол кузатилмайди.

Ўсмирлик ёшида ўғил болаларда гиперсексуаллик натижасида уларнинг ҳиссиётида жинсий интилиш устунлик қилади ёки унинг аҳамияти кескин ортади. Қиз болаларда эса руҳий компонентнинг устунлиги сақланиб туради.

17-25 ёшлардаги йигит-қизларда ўз жуфтини топишга интилиш ва хирс кескин ортади. Севиш ва севилишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёшлар ёрини тезроқ қидириб топишади ва оила қуришади, баъзан бундай ёшлар қисқа вақт ичида ажралишга ҳам улгуришади.

25 ёшдан кейин қизларнинг оила қуриш имкониятлари анча камайиб боради. Унда бўлғуси куёвга (йигитга) нисбатан талабчанлик ошиб, танқидий қараш кучаяди. Энди унда ҳисларга берилиш камайиб, унинг ўрнига бўлғуси ёрига бутунлай бошқача қарай бошлади. Бундай руҳий ўзгаришлар йигитларда ҳам кузатилади, аммо қизлардан фарқли равишда уларнинг оила қуриш, уйланиш имкониятлари камаймайди, аксинча бирмунча ортади. Чунки бу ёшда уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртини ёки ўрта-махсус

билим юртини битириб, маълум бир ихтисосни эгаллаган, меҳнат фаолиятини бошлаган бўладилар. Яъни оилани мустақил тебратиш имконига эга бўладилар.

Муҳаббат ҳислари эркак ва аёлларда ўзига хос шахвоний хирс уйғотади.

Эркак кишида деярли доимо физиологик компонент устунлик қилади. Жинсий интилиш, жинсий ҳаёт улар ҳиссиётида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Йигит севган қизининг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор беради.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга қизлар ҳам бефарқ қарашмайди. Бу хусусиятларнинг йигит томонидан идрок этилиши аёл учун катта аҳамиятга эга. Аммо шу билан бирга аёлларнинг эркаклардан фарқ қилувчи томонларидан бири шундаки, улар кўпроқ йигитнинг бўй-бастига, хулқиға, муомаласига эътибор берадилар.

Эркакларда жинсий (физиологик) интилиш устунлик қилгани учун уларда ҳиссий қониқиш тезроқ юзага келса керак, деб тахмин қилинади. Аёлларда эса аксинча, руҳий интилиш етакчи бўлгани учун уларнинг муҳаббат ҳислари эркакларникидек тез орада сўнмайди ва нисбатан узок давом этади.

Аммо сўнгги йилларда аёллар ҳиссиётида, жумладан, муҳаббатда ҳам жинсий ҳаётнинг ва унинг асоси ҳисобланган жинсий интилишнинг аҳамияти кескин ошиб бораётганлигини кўриш мумкин.

13-14 ёшли ўғил болаларнинг 40%и, қизларнинг 26%и илк севги ҳисларини бошидан кечираётган ёки кечирган бўладилар. Бу ҳол 15-16 ёшли ўғил болаларда - 17%, қизларда 30%, 17-24 ёшли йигитларда - 10%, қизларда - 9%ни ташкил қилади.

А.Р.Лемехова (1973) қизлар ва йигитлар орасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиб, уни уч турга бўлади.²


1. Уйғун тур - бунда қиз ва ўғил болаларда ахлоқий тушунчалар шаклланган, ҳиссиёт маданияти ривожланган бўлиб, улар муҳаббатга, қарама-қарши жинсга, оилавий ҳаётга бирмунча аниқ қарашади.

2. Оилавий романтик тур - бунда муҳаббат, жинслар орасидаги муносабатлар ҳаётдан юлинган ҳолда, ниҳоятда идеаллаштирилиб олинган бўлиб, ҳаётдаги мавжуд борлиқ билан тўқнашганда эса барча тасаввурлари парчаланиб, руҳан тушкунликка учрайди.

3. Маънавий камбағал тур - бунда ёшлар муҳаббатни нотўғри тушунадилар. Муҳаббатда маънавий яқинликни, руҳий омилнинг аҳамиятини кўра билмайдилар. Муҳаббатда асосий ролни жинсий яқинлик ўйнайди, деб биладилар. Бундай тоифадаги ёшлар кўп ҳолларда жинсий ҳаётни эрта бошлайдилар.

МУҲАББАТ ЁШИ ВА БОС+ИЧЛАРИ

²А.Лемехова. Нравственная подготовка учащихся вечерней школы к личной жизни. Автореф. Канд. дисс., М., 1973.



Ўғил ва қиз болаларнинг турли ёш босқичларидаги ўзаро муносабатларни ўсиб ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагича яққол ифодаланган манзарани кўришимиз мумкин.

Боғча ёшидаги қизлар ўғил болалар билан бирга ўйнаш жараёнида жуда яқин муомалада бўладилар, бир-бирлари билан дўстлашадилар. Ҳатто баъзан болаликнинг илк севги ҳисларини ҳам бошларидан кечиришади. Бу албатта, уларнинг катталарга ҳавас қилиши, уларга тақлиди оқибатида келиб чиқади.

Бошланғич синфлардан ўсмирлик ёшигача ўғил болалар кўпинча ўғил болалар билан, қиз болалар эса қиз болалар билан яқин муносабатда бўлиши туфайли жинсларнинг бир-бирларидан узоқлашиши кузатилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб улар орасида яқинлашиш майли пайдо бўла бошлайди. Ўсмирликнинг биринчи даврида болалар ўзаро бирор нарсдан кўрққан тенгдошига «қиз боламисан, кўрқасан», «ўз сўзининг устидан чиқмаган қиз бола» каби ибораларни қўллашади. Бу иборалар уларнинг асосан ўз жинсини устун қўйишга интилиши, қиз болаларни тан олмаслигини кўрсатса, қизлар ҳам ўз навбатида ўғил болаларни назар-писанд қилмасликларини кўрамайди.

5.4. МУҲАББАТ БОСҚИЧЛАРИ

Тўлақонли севги - муҳаббатни ҳис этган ҳар бир инсон муҳаббатнинг бошланғич, алангаланган ва ўзаро ҳурмат босқичларини босиб ўтади.

Бошланғич босқич ҳақиқий, истиқболи порлоқ, бир умрлик соф муҳаббатнинг бошланиши ёки аксинча шунчаки бир ҳавас бўлиши ёки умри қисқа севгининг бирор-бир кўриниши бўлиши мумкин. Мазкур босқич муҳаббатнинг «агапе» турининг бошланиши ёки «людус» турининг ўзгинаси бўлиши мумкин.

Бу албатта, севиб қолган одамнинг дунёқарашига, унинг ўзига хос хусусиятларига, яъни тез севиб қолишига, ҳиссиётни пайдо қилган омилларга, яъни ўз шахсини тасдиқлаш, ўзгалардан қолишмаслик, бўш вақтини хурсандчилик билан ўтказиш, оила, ота-оналар исканжаси ёхуд назоратидан озод бўлиш, эркинликни қўлга олиш, оила қуриш, ҳақиқий умр йўлдошини учратиш, бир умр унга ғамхўрлик қилиш, унга ҳаётини бағишлаши ва ҳоказоларга боғлиқ.

Биринчи босқичнинг ўсиб иккинчи ва учинчи босқичларга ўтиши зарурми, йўқми?, - деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Биринчи босқичда, юқорида айтганимиздек, ҳамиша ҳам тўлақонли муҳаббат бўлавермайди. Иккинчи босқичга ўтгандагина уни ҳақиқий тўлақонли муҳаббат дейиш мумкин.

Биринчи босқич кўп кишиларда кузатилади ва иккинчи босқичга ўтмасдан сўниб қолади. Муҳаббатнинг бу босқичи эстетик дидимизга бирмунча тўғри келадиган, эстетик ва жинсий эҳтиёжларни қондириш (жинсий яқинлик шарт эмас) мумкин бўлган икки жинсни маълум вақтгача бўлган ўзаро муносабати натижасида юзага келадиган ҳиссиётдир. Бу кўпинча муҳаббатнинг «людус» турини ташкил қилади. Лекин кўчада учратиш, бирдан ёқтириб қолиш каби ҳолларни биринчи босқичга киритиб бўлмайди.

Иккинчи, яъни алангаланган босқичдан биринчи босқичга қайтилмайди. Иккинчи босқичдан фақат учинчи - ўзаро ҳурмат босқичига ўтиш мумкин холос. Демак, фақат биринчи босқичгина қайтиш характерига эга, иккинчи босқичдан бошлаб ҳиссиёт ортга қайтмас хусусият касб этади. Фақат маълум сабабларга кўра бу босқичлар «тез» босиб ўтилиши мумкин. Бу айниқса, ёшликда илк севги - муҳаббатни бошдан кечиришда ёки бирдан севиб қоладиган енгил табиатли кишиларда учраши мумкин. Буни бирдан аланга олиб тез сўнган гулханга ўхшатиш мумкин. Демак, бундай ҳиссиёт узоқ давом этмайди. Бундан муҳаббат ўткичи туйғу эканда, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Биринчи босқичнинг ўртача давом эттириш вақти ҳиссиётни бошидан кечираётган шахснинг ёшига, жинсига, ҳаёт тарзига, шахсий хулқ атворига шунингдек бир қанча ташқи ва ички сабабларга боғлиқ бўлиб, баъзида хатто бир неча соатдан бир неча кунгача. бир неча йилгача давом этиши мумкин. Бунинг аниқ ўлчови бўлиши мумкин эмас.

Қизлар ҳиссиётидаги руҳий омил йигитлардагига нисбатан кучли бўлганлиги ва оилавий ҳаёт билан оилавий бахт қизлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши сабабли севган кишисига фидойилик, унинг манфаатларини ўз манфаатидан юқори баҳолаш, севган кишисига ўзини бағишлаш

фазилатининг кучлироқ ифодаланиши сабабли кўпроқ қизларда бу босқич тезроқ ўтади.

Ҳаётда кўп қизларнинг алданиш оқибатида хомиладор бўлиб қолиши, йигитларнинг бошқа қиз билан турмуш қуриб кетиши бу босқичнинг қизларда нисбатан тез кечишини кўрсатади. Бунинг сабабини қизларнинг шунчаки енгилтаклигидан қидирмаслигимиз, бу севги муҳаббатдаги рухий жараёнга боғлиқ эканлигини тушунишимиз лозим.

Биринчи босқични нисбатан тезроқ босиб ўтган қизлар учун иккинчи босқич йигитлардагига нисбатан узоқ давом этади. Бунинг сабабини кўйидагича тушунтириш мумкин:

- аввало қизларда рухий омилнинг жинсий омилга нисбатан устунлиги кўпинча жинсий ҳаёт уларда ҳиссиётнинг иккинчи босқичида бошланади. Йигитларнинг ҳиссиётида жинсий омилнинг кучлилиги сабабли рухий қониқиш тезроқ кечади, чунки рухий омил миқдорининг ўзи камдир

- жинсий ҳаёт кечириш билан ҳис-туйғулар йигитлар учун оила қургандан сўнг пайдо бўладиган янгилик эмас, чунки уларнинг баъзилари уйланмасдан олдин ҳам анча мунча тажрибага эга бўладилар.

Қизлар эса оила қурганларидан яъни жинсий ҳаёт кечира бошлаганларидан сўнг илгари уларга батамом номаълум бўлган ҳис-туйғулар оилавий ҳаётнинг аҳамиятини янада оширади, Эрга бўлган меҳр муҳаббат янада ошади. Шу боис қизларда иккинчи босқичнинг умри узаяди.

Учинчи босқич иккинчи босқичдан ҳиссиётнинг кучи ва ташқи ифодаланишининг бирмунча сусаяйиши билан муҳаббат объектини идеаллаштирган тарзда эмас, балки севгилининг шахсидаги ютуқ ҳамда камчиликларини объектив идрок қилиниши билан фарқ қилади.

Аксарият севишганлар ва эр-хотинлар учун иккинчи босқичдан учинчисига ўтиш улар орасидаги муносабатларни сақланиб қолишига шубҳа туғдиради. Бу шубҳа босқичдан босқичга ўтишда эмас, балки ҳар бир севишган жуфтларда муқаррар юзага келадиган севгини ўзаро ҳурмат босқичига ўтишини олдиндан билмаслик ўтишдаги ҳиссий ўзгаришларни нотўғри талқин этиш, «муҳаббат объектини танлашда адашдим шекилли», каби янглиш фикрларни юзага келишидадир.

Аксарият ёш оилаларда шундай вақтда эр-хотин орасида келишмовчиликлар кўпаяди ва кўпчилик ёшлар бундай вазиятда оиладан четда янги севги-муҳаббат объектини қидириб қолишади. Айрим оилалар эса бу ўзгаришларни нотўғри талқин этиб, ажралиб ҳам кетишади. Шунинг учун ёшлар муҳаббат ҳисларини турли босқичларда бўладиган ўзгаришларни олдиндан билишлари ва ўз ҳиссиётларини олдиндан қурбон қилмасликлари керак.

Учинчи босқич умрнинг охиригача давом этиши ёки турли ва четдан бўладиган таъсирларга кўра барҳам топиши мумкин.

Агар эр-хотинларнинг бирида «янги муҳаббат» туғилиб қолса, турмуш бузилиб кетиши мумкин. Ўртада «янги муҳаббат»га сабабчи учинчи шахс пайдо бўлмаса оила бузилмайди. Чунки одам қариганда ёлғиз қолишдан, ўғил-қизлар, келинлар, набиралар, таниш-билишлар олдида гап-сўз

бўлишдан, обрўни йўқотишдан кўрқади. Бундай тўсиқларни енгиб ўтиш учун эса албатта ўртада муҳаббат бўлиши керак. Акс ҳолда оилавий бурч зўрма-зўраки бажариб борилади холос.

Узоқ йиллар учинчи босқичда яшаган эр-хотинлар иккинчи босқичга қайтишлари мумкин эмас.

Иккинчи босқич конкрет севгилиси билан бир маротаба бошдан кечирилиб шу шахс билан иккинчи босқичга қайтиш бўлмайди.

Алангаланган босқични одам ўз ҳаётида бир неча маротаба ҳис этиши мумкин, аммо ҳар бирида янги севги бўлади.

Учинчи босқични узоқ йиллар давомида бирга яшаган оилаларда кузатиш мумкин. бунда эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрга бўлган ҳиссиёти кескин кучаяди. Яъни ҳиссиётда умрнинг айрим ёшларида кўтарилиши кузатилади. Бу айниқса ташқи сабабларга кўра маълум вақт айрилиқда яшаганда. Оилавий ҳаётдаги майда чуйда нарсалар илгариги аҳамиятини йўқотганда, ўртадаги севги муҳаббат ҳислари қайта тикланади. Ва ҳатто зўрайиб кетади. Баъзан эса бу ҳол катта фожеаларни бошдан кечириш яқин кишиларини йўқотишдан сўнг ҳам бўлиши мумкин. Эр-хотинлардан бирининг оиладан ташқари жинсий муносабатда бўлганидан сўнг ҳам ўз турмуш ўртоғига бўлган ҳиссиётининг кучайиши кузатилиши мумкин.

Эр-хотин ўртасидаги ҳис-туйғуларининг сусайишига ўта фаол жинсий ҳаёт кечириш, оилада бўлиб турадиган майда чуйда келишмовчиликлар ҳам сабаб бўлади. Никоҳгача бир-бирларига яхши кўриниш дилни ром қилиш мақсадида чиройли кийиниш пардоз андозга зўр бериш, хулқ атворнинг фақат яхши томонларини кўрсатишга уриниш, тўйдан кейин сал вақт ўтмай маълум бўлиб қолади. Яъни инсоннинг асли намоён бўла бошлайди. Ҳатто бир-биримизсиз яшай олмаймиз деганлар бир - бирини ҳақорат қилишгача боради. Буларнинг бари ўртада чин севги бўлмаганидан ёки уни асрай олмаганликдан далолат беради.


5.5. МУҲАББАТ ВА МИЖОЗ

Севги муҳаббатнинг пайдо бўлишини бевосита миждоз тоифасига боғлаш хато бўлар эди, аммо миждоз билан ҳиссиётнинг ифодаланиши орасидаги ўзаро боғлиқликни инкор этиб бўлмайди.

Холерик ва сангвиник тоифадаги ёки уларнинг аралашувидан иборат тоифадагилар ўзгалар билан тез ва осон тил топишади. Бу тоифадаги эркак ва аёллар ўзларига дўст топишда унчалик қийналмайдилар. Шунингдек, бундай тоифадаги одамлар флегматик ва мелонхоликларга нисбатан тез ва осон севиб қоладилар. Чунки уларда ҳиссиёт ташқи томондан кучли ифодаланган ва шу сабабли ҳам ҳиссий қониқиш осонроқ ва тезроқ содир бўлади. Бундайлар юқоридаги айтиб ўтилган босқичларни бирмунча тезроқ босиб ўтишлари ҳам мумкин.

Флегматик ва мелонхоликлар эса ўзгалар билан тил топшишлари анча қийин. Улар дуч келган кимса билан дўстлашиб кетавермайдилар. Аммо дўстликнинг қадрига етадилар ва арзимаган сабаб учун дўстликдан

кечмайдилар. Бу тоифадаги кишиларда ҳиссиёт ниҳоятда чуқур ва пинҳона кечадики, буни бошқаларнинг ташқи томондан сезиши қийин. Буни худди дарёнинг чуқурлигини унинг саҳтига қараб билиб бўлмаганига ўхшатиш мумкин.



Муҳаббатнинг қай даражада ифодаланиши. Миждо туридан ташқари ўша одам яшаётган шароит . муҳит, теварак атрофдагилар қараши, социал ахлоқий ва миллий мезонларга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан баъзи миллатларда қизларнинг никоҳгача жинсий ҳаёт кечирганлигига ёки бу борада маълум тажриба орттирганлигига бирмунча одатий ҳодиса сифатида қаралса, бошқа жойларда бундай қизларга нафрат билан қаралиб, уларнинг бу ишлари шармандалик ҳисобланади. Жумладан, Кавказ ва Ўрта Осиё мамлакатларида маҳаллий миллатлар учун қиз боланинг никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлиши ахлоқсизлик, - деб қаралади. Ҳатто Ўзбекистоннинг баъзи қишлоқларида «қиз йигит билан юрар эмиш» - деган миш-миш гапларнинг ўзи шу қизга совчиларнинг келмаслигига, қизлик обрўсининг тушишига, турмушга чиқиш имкониятининг кескин пасайишига олиб келади.

5.6. МУҲАББАТНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ҳиссиётдаги айрим босқичларга кўра муҳаббат турини, босқичини ва умуман севги ҳисларининг бор-йўқлигини аниқлаш, Ибн Сино каби «оғир хасталик»ка ташхис қўйиб, уни даволаш чораларини кўриш мумкин. Бу ҳиссиётларнинг айримлари аслида биринчи босқичдаёқ кузатилади ва иккинчи босқичида ниҳоятда кучли, ҳамда ҳар томонлама ифодаланади. Улар қуйидагилардан иборат:

«Биргалик» эффекти. Бундай ҳолларда муҳаббат ҳисларини бошдан кечираётган шахснинг онгида, тасаввурида, хаёлида доимо севиқли ёри гавдаланиб туради. Нима иш қилмасин ва қаерда бўлмасин, ҳатто ёридан жуда узоқ масофада бўлсада, хаёлан у билан гаплашади, яшайди.

Идрокнинг идеаллашиши. Бундай ҳолларда севиқган инсон идеаллаштирилган ҳолда идрок этилади. Такрорланмас даражадаги шахс

МУҲАББАТ БЕЛГИЛАРИ:

1. «Биргалик» эффементи
2. Идрокнинг идеаллашиши
3. Альтруизмнинг кескин ифодаланганлиги
4. Муҳаббат кучига чексиз ишониши
5. Севгилисида боиқалар кўрмаган жиҳатларн кўриши
6. Ҳаётга нисбатан муҳаббат кучайиши

сифатида, ҳар томонлама мукамал шаклланган, ниҳоятда чиройли, ақли, одобли ва ўзга ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган йигит ёки қиз сифатида намоён бўлади. Фейл-атворидаги салбий томонлар ёки бирор жисмоний нуқсонлар камчилик сифатида эмас, балки бетакрор, ноёб фазилат сифатида қабул қилинади. Севгилиси ва у билан боғлиқ барча нарсалар (унинг қарама-қарши жинсдаги тенгдошларидан ташқари) ва яқин кишилари ҳам фақат ижобий жиҳатдан идрок этилади.

Альтруизмнинг кескин ифодаланганлиги. Бу босқичда альтруизмнинг оғирлик маркази муҳаббат тимсоли бўлган қиз ёки йигитга йўналган бўлади. Альтруизм ниҳоятда кучли бўлганда инсон севган киши учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. У севган кишисини манфаатини ўзининг манфаатидан устун қўяди ва буни биринчи даражали зарурат ҳисоблайди.

Муҳаббат кучига чексиз ишониш. Бундай ҳолатда муҳаббат хисларини бошдан кечираётган шахс ўз севгилиси билан бирга бўлишни, бўш вақтларини бирга ўтказишни, тезроқ у билан оила қуришни ва умрининг охиригача бирга бўлишни орзу қилади, шунга интилади, у кўпинча бу режасини амалга оширади. Бундай олий бахтга эришиш йўлида турли тўсиқлар учраши муқаррардир. Чунки ҳаёт битмас-тугунмас, турли-туман қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлардан, жумладан ота-оналарнинг қаршилиги, севгисининг ўзга киши билан никоҳда эканлиги, иккалаларининг ҳам никоҳ ёшида эмаслиги, ижтимоий ва иқтисодий етукликка эришмаганлиги, уй-жойинг йўқлиги, бирининг ўзга шахардан ёки қишлоқдан келганлиги, ўзга миллатга мансублиги ва ҳоказолардан иборатдир.

Юқоридаги сабаблар севги ҳиссиётини бошидан кечираётган ёшлар учун тўсиқ бўла олмайди ва улар бу тўсиқларнинг барига эътиборсизлик билан қарашади. Уларнинг фикрича муҳаббат барча нарсага қодир, барча тўсиқларни енга олади, айна вақтда муҳаббатлари ҳақиқий бўлса улар барча қийинчиликларга биргаликда бардош беришади. Ҳақиқатан ҳам чин муҳаббат бу тўсиқларнинг сўзда ёки тасаввурда эмас, балки ҳаётда амалда

енгиб ўтади ва оила қуришда, ҳаётий қийинчиликларни енгиб ўртишда катта омил ҳисобланади. Лекин ёшлар фақат икки нарсани олдиндан кўра билмайдилар: 1) муҳаббатнинг ҳиссий кучи учинчи босқичга ўтгандан кейин бир мунча сусайишини; 2) ҳиссиёт кучи сусайиши билан ҳаёт қийинчиликлари аҳмиятининг кескин ошиши ва севишганларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатишини, кўпгина севишганлар ўз муҳаббатларини бошқаларникидан устун қўйишади ва умрларининг охиригача шундай қолади, деб ўйлайдилар.

Севгилисида бошқалар кўрмаган жиҳатларни кўриш, ўзгалар аҳамият бермаган хислатларни сезиш, ҳали яққол ифодаланмаган қобилиятни аниқлаш, унинг қандай мутахассис бўлиб етишишини олдиндан кўра билишнинг барчаси муҳаббат зийраклигининг намоён бўлишидир. Бу, албатта, севган одамнинг қандай кўз билан қарашига боғлиқ. Бу қарашнинг ўзига хос руҳий томони шундаки, у башарти ижобий томонларини бўрттириб кўрсатса, салбий томонларга эътибор бермайди. Шулар туфайли кўпинча севгилисининг ота-онаси ҳам кўра билмаган истиқболини айтиб бера олади.

Севган одамда ҳаётга нисбатан муҳаббат кучаяди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: уларда руҳий жиҳатдан кескин ўзгариш содир бўлади, дунёни ўзгача тасаввур қилишади, ҳаётни чуқурроқ идрок эта бошлайдилар, ўзгаларни қалбдан тушуниш, уларга ҳамдардлик билдириш кучаяди, илгари яққол ифодаланмаган раҳмдиллик ҳислари пайдо бўлади ва ортади. Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш, теварак-атрофдаги гўзалликни кўра олиш - эстетик идрок қилиш кучаяди. Ахлоқий қарашлар юксалади, олдинги ёмон одатларини ташлайди (бу муҳаббатнинг тарбиявий таъсири ўзгаларга бўлган ҳурматнинг ошиши туфайлидир), ижодий фаолияти ва иш қобилияти ортади (чунки муҳаббат киши фаолиятига кучли таъсир қилади) ва ҳ.к.

5.7. СЕВГИНИНГ ФАСЛИЙ ЎЗГАРИШИГА ТАЙЁР БЎЛИНГ

*О, Муҳаббат, кўҳна афсоналар эшигин бузиб,
Менинг юрагимга кирган азиз жон!
Келишинг қон ютиб кутдим, лекин
Кетмогинг қон қусиб истадим, чунон...*

(Шамсия)

Табиатда йил фаслларининг ўзгариб туриши, ҳар бир фаслнинг ўзига хос такрорланмас гўзалликлари борлигини биламиз. Табиатдаги ўзгаришларни орзиқиб кутамиз, улардан завқланамиз. Лекин ўз руҳий оламимизда содир бўладиган ўзгаришларни кўра билмаймиз. Бу эса бизнинг ҳиссиётларимизга, оилавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ўринда сўз муҳаббатдаги фасллар ўзгариши, ундаги энг мураккаб ва хавфли бўлган иккинчи босқичдан учинчи босқичга ўтиш ҳақида боряпти. Ўтиш ҳар қандай давр учун маълум бир инқирозлар билан кечгани сабабли бу босқичда ҳам қатор қийинчиликларга, турмуш уринишларига рўбарў келиш мумкин. Чунки айнан шу даврдан бошлаб севгилисини идеаллаштириб идрок қилишга

мойиллик камайиб боради. Энди шахс қандай бўлса, шундайлигича, реал, аниқ ва холисона идрок қилинади. Мехр-муҳаббатнинг йўналиши ўзгариб фарзандлар томонга оғади ва турмуш ўртоғига нисбатан эса камайиб боради. Рухий тўйиниш - эр-хотиннинг бир-биридан тўйиб қолишидан, оиладаги турли икир-чикирлардан низолар келиб чиқа бошлайди.

Эр-хотин қанчалик ёш бўлса, бу давр шунчалик оғир ўтади. Ўзаро келишмовчиликлар кўпаяди. Уларнинг ёшлиги, ҳаётий тажрибаларининг йўқлиги оқибатида «муҳаббатимиз ўлди» ёки «муҳаббатда, умр йўлдоши танлашда адашдим, мен ҳали ёшман хатоимни тўғрилаб оламан», деб оилавий ёнғинни аланга олдириш билан аҳвол янада оғирлашади. Куёв ўзича: «Кўча тўла хотин», - деса, келин: «Эр қуриб қолибдими, кўчага чиқсам сон мингта эр, хоҳласам эртагаёқ биронтасига тегиб оламан»- деган ҳаёлга боришлари мумкин. Натижада тўйинишга учраган ҳиссиётларни ва ўзаро муносабатларни руҳий жиҳатдан таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқариш ўрнига салбий муносабатлар юзага келади ва икки ёш ҳам бу муносабатнинг қулига айланиб қоладилар.

Бунда албатта, келин ёки куёвнинг ота-онасидаги камчиликлар, дўсти ёки қариндошининг тўйдан аввал оғоҳлантиргани ёки тўйдан олдин севишганлар орасида бўлиб ўтган майда-чуйда гаплар куёв ва келин маълумотидаги тафовутлар: «Саводсиз бўлмаса шу ишни қилармиди?», «Олий маълумотли хотин олгандан кўра уйланмасдан ўтган яхши»; ёш орасидаги тафовутлари: «Хотининг педагог бўлса, бир умр тарбиялайди», «Эринг санъаткор бўлса, оилавий ҳаётинг саҳнага айланади, хотининг санъаткор бўлса, вафосизлик соя каби ажралмайди»; миллий тафовутлар: «Ўз миллатим билан турмуш қурганимда шундай хорланмас эдим»; ота-онага алоқадорлик: «пияниста отанинг ўғли ким бўларди?», «ит эмганига тортади» ва шу каби ўзини оқлаб, бор гуноҳни умр йўлдошига ағдаришга интилиш салбий муносабатларнинг шаклланишига имкон яратади.

Бундай муносабат шакллангандан сўнг оилавий ҳаётдаги ҳар қандай келишмовчилик ва низолар худди шу муносабат заминиде ҳосил бўлаётгандек идрок этилади. Бу муносабатга алоқадор бўлмаган воқеалар хотирада сақланмайди, унга алоқадорлар эса узоқ муддатгача хотирада сақланиб қолади. Ундан сўнг эр-хотин салбий муносабатлар қулига айланадилар. Бу эса аста-секин оила пойдеворини емириб, унинг барбод бўлишига олиб келади. Энди ўзаро эр-хотинлар эмас, балки улар орасида юзага келган салбий муносабатлар курашади. Эр-хотин эса мазкур муносабатларнинг жасур жангчиларига айланадилар. Улар орасидаги жанг муҳаббат тамомила барбод бўлгунича давом этаверади. Лекин барча оилаларда ҳам ўтиш даври юқорида ифодалангандек кечавермайди.

Юқорида севишганлар ўртасидаги салбий муносабат ва унинг оилавий муносабатга зарбасини айтиб ўтдик холос. Аммо муносабатлар ижобий ҳам бўлади. Муҳаббатнинг биринчи босқичида ҳиссиётли инсон ижобий муносабатлар таъсирида ва айниқса, иккинчи босқичда ўзининг юқори нуқтасига етади. Аммо баъзи эр-хотинлар (кўпинча аёлларда) учинчи босқичга ўтишда ва ўтгандан сўнг атрофдаги эр-хотинларга ҳавас билан

карайдилар, уларни ўз эрларига ўртак қилиб кўрсата бошлайдилар. Бунда аксарият аёл кишининг ўз ҳаётига холисона кўз билан қарамасдан чиқарган хулосалари устунлик қилади. Бундай аёл ва эркак ўз эри ёки хотинига уларнинг ҳамкасблари, дўстлари, таниш-билишлари кўзи билан қараб кўришлари керак. Шунда улар ўз умр йўлдошларида қанчадан-қанча ижобий хислатларни кўрадилар, улардан бошқаларда бўлмаган, бироқ ўзлари қадрлай билмаган қимматли томонларни топадилар.

Халқимизда «олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ», деган мақол бор. Бу энг аввало оилавий ҳаётга, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир. Шунинг учун доимо ўртадаги севги-муҳаббатнинг кадр-қимматини арзимаган сабабларга кўра йўқолишига йўл қўймаслик, кўнгилсизликларнинг олдини олиб яшаш керак. Акс ҳолда кейинги афсус ва пушаймонлар бир умр руҳий азоб беришини, йўл қўйилган бу хатони бир умр тузатиб бўлмаслигини ёддан чиқармаслик керак.

Ҳаёт мураккаб жараён, унда нималар бўлмайди, дейсиз. Арзимас сабаблардан жанжал чиқаришга, уни авж олдиришга ҳаракат қилмаслик керак. Бизда «эр-хотиннинг уриши - доқа рўмолнинг қуриши», деган ибратли гап бор. Хусусан, ўртада фарзандлар пайдо бўлгандан кейин жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Барбод бўлаётган муҳаббат туйғусини ҳеч бўлмаганда норасида гўдаклар ҳурмати учун, улар тақдирини ўйлаб ҳам асраб қолиш шарт. Лоақал оила сақлаб қолинмаганида ҳам севги-муҳаббат ҳисларининг нафратга айланиб кетмаслигига йўл қўймаслик зарур.

Оилавий ҳаётдаги хурсандчиликларни, ўтиб кетган ширин дамларни, илиқ муносабатларни эслаш ҳам арзимас низоларни рўёбга чиқишининг олдини олади. Бу ўринда эр-хотин бир-бирларининг хулқ-атворларидаги ижобий хусусиятларини эслаб туришлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунини эслатиб ўтиш керакки, муҳаббатнинг иккинчи - алангаланган босқичи умрини узайтиришга, ўзаро ҳурмат босқичига инқирозсиз, низоларсиз ўтишга ёшларни тайёрлаш зарур. Бу эса оиланинг тотув яшашига ёрдам беради. Бунинг зарурий шартлари ўта маданиятли бўлиш, оилавий турмушга ижодий ёндошишдир.

Умуман оилавий ҳаётда, жумладан, ёш оилаларда келишмовчиликларга, қўйди-чиқдиларга олиб келувчи сабаблар кўп. Шулардан бири - рашк туйғусидир. Баъзан рашк оғир ва кутилмаган оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз қуйида рашк туйғуси, унинг кўринишлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу ҳақда билиб қўйиш ва маълум тасаввурга эга бўлиш, Сиз ёшлар учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

5.8. РАШК ҲИСЛАРИ

Севишганлар ёки оила қураётганларнинг ўзаро муносабатларини характерловчи вазият, шароитлардан бири бу - рашкдир. Севишли одамидан ажралиб қолиш, уни йўқотиб қўйиш хавфини ҳеч қачон бошдан кечирмаган одам рашкни қандайдир тушунарсиз ақлсизликдек тасаввур қилиши мумкин.

Севиқли одамидан ажралиб қолиш нима эканлигини бир марта бўлса ҳам бошидан кечирган одам эса рашкчини осонгина тушунади ва унга маълум даражада ҳамдардлик билан муносабатда бўлади. Олдинги вақтларда, айниқса собиқ иттифоқ даврида (40 - 60 йилларда) айрим салмоқли адабиётларда, рашк - бу «ўтмишнинг жирканч қолдиғи», «хусусий мулкчилик асосида туғилган паст ҳиссиёт»дир, одамнинг шахсий эркинлигини ва бошқа одамлар шахсиятини ҳурмат қилиш даражасига эришилса, рашк ҳақидаги гаплар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, чунки бунақа шароитларда унинг юзага келиши учун ҳеч қандай асос бўлмайди, деб ёзилар эди.

Ҳақиқатан ҳам, рашк аксарият ҳолларда хусусий мулкчилик психологияси изларини ўзида намоён қилади, айрим одамларда «рашк қиладимиз - демак севади!» - деган қараш ҳозир ҳам мавжуд. Кўпчилик одамлар учун рашк - севгининг ўзига хос зарур «зиравор»ларидан биридир.

Ҳозирги вақтларга келиб бу ўтмиш «қолдиғи» аста-секинлик билан қайта оқланмоқда. Нафақат бадиий адабиётларда, балки публицистик ва илмий асарларда ҳам бу ҳиссиётнинг яшашга, мавжуд бўлишга ҳаққи борлиги тез-тез қайд этилмоқда. Ўз навбатида А.И.Герцен рашк ҳақида гапириб, «Рашкни бир ёқлама қатъий йўқ қилиб юбориш, шу билан бирга аёлга, эркакка бўлган севгини жинсга бўлган севги билан аралаштириб, уни бутунлай йўқ қилиб юборишдир»,- деган эди. Севувчи ва шу севган одамига нисбатан ҳеч қачон рашкчини ҳис қилмаган, севган одами хулқига нисбатан беэътибор муносабатда бўлган бирорта одамни топиш қийин, рашк бу севгини ҳимоя қилувчи восита сифатида вужудга келган. Шунинг учун ҳам уни фақат севги билан биргаликдагина йўқотиш мумкин. Атоқли шоиримиз Уйғун айтганидек:

Рашким учун нолима жоним,

Рашк севгига соқчи доимо....

Умуман олганда, албатта рашкчи одамларга ҳавас қилиб бўлмайди. Ўзидаги бу ҳисни енга олмайдиган одамлар - доимо хавотирда, ҳадикда яшайдиган бахтсиз одамлардир. Уларнинг икки карра бахтсизлиги яна шунда ҳамки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам жабрланувчи, ҳам азоб берувчи, ҳам зўравон, ҳам кулдирлар.

Ишончсизлик, доимо хиёнат, шубҳаланиш муҳитини юзага келтирар эканлар, бундан уларнинг ўзлари биринчи бўлиб азобланадилар. Улар арзимаган баҳона туфайли ёки унинг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар ёлғиз ёки ошкора жанжалларни юзага келтиришга доимо тайёр бўлишади. Бу эса уларнинг уйда, ишда ва бутун ҳаётида бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатларига, жумладан жинсий муносабатларига ҳам жиддий таъсир қилади ва кўпинча аянчли психологик хасталиклар, шикастланишларга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳар икки жинс вакиллари ўз жуфтига рашк қилиш учун ҳеч қандай сабаб, асос, баҳона яратиб қўймасликка ҳаракат қилиши, айниқса «севгининг уйқу» даврида кўпроқ илиқлик, сабр-тоқат, чидамлилиқни намоён қилишлари лозим бўлади.

Психологлар рашкни золимона рашк ва «иззат-нафси паймол қилинганликдан» бўладиган рашкларга фарқлайдилар. Золимона рашкни одатда худбин (эгоист), қайсар, золим, ҳиссий совуқ ва бегоналашиб кетган, ётсирайдиган, етарлича авторитар одамлар юзага келтирадилар. Бундай одамлар одатда турмуш ўртоқларига фақат бир буюмдек, ўз манфаати, фароғатини қондириш объекти, ўз мулкидек қарайдилар. Уларда бошқа одамнинг шахсий хусусиятларини сезиш, ҳурмат қилиш қобилиятлари ривожланмаган бўлади. Иззат-нафси, шаъни камситилганликдан бўладиган рашк-бу одатда ҳаяжонланадиган, ҳар нарсадан гумонсирайверадиган, ўзига ишонмайдиган, хавф-хатар ва нохушликларни бўрттиришга мойил, нуқсонлар комплексидан жабрланувчи одамларга хосдир. Уларнинг рашки унчалик ғазабли, қаҳрли бўлмаслиги, бироз юмшоқроқ намоён бўлиши мумкин. Бироқ унинг ҳам ўз моҳиятига кўра оилавий бахт учун захри, зарари кам эмас.

Баъзан «ундалма» деб номланувчи рашк ҳам фарқланади. Бундай рашкнинг мабаи бўлиб, ўзининг турмуш ўртоғига вафосизлигини унга кўчириш ёки ўзининг ишончсизлиги турмуш ўртоғига доимо хиёнат қилишга тайёрлиги қабилар хизмат қилиши мумкин. Бу, айниқса никоҳдан олдинги «бой» сексуал тажрибанинг хавфли асоратларидан ҳисобланди.

Лов этиб ёнган рашк мумкин бўлган барча «факт»ларнинг «қулоғидан» тортиб, турмуш ўртоғининг энг арзимаган, беозор ҳатти-ҳаракатлари, қилиқларини ўзининг ёвуз, золим, тубан нурлари, ранглари билан талқин қилиб, арзимаган нарсаларни шубҳа ботқоғига булғаб, улардан ўзининг намоён бўлиши учун қўшимча қувват манбаи сифатида фойдаланади. Ишдан озгина кечикиб қолиш, дўстлар даврасидаги беозор имо ишора ёки сўз аллақачон унутиб юборилган болалик иштиёқлари ва шу қаби ҳаёт икир чикирларининг ҳаммаси ғоят даражада пухталиқ билан ўз турмуш ўртоғига қарши, уни айбловчи актларнинг қалин томларига йиғилади.

Қизиғи шундаки, бундай рашкка қарши кучли асосланган таъсирлар ҳам, уни тўхтатиб қолишга уринишлар ҳам қайтанга уни кучайтиради ва янада қиздириб юборади. Худди қопағон итни занжирга боғлаб қўйилса баттар дарғазаб бўлиб «тартиб бузувчиларига» ташланиши ва дарғазаб хуриши, ичиб олган жанжалкаш одамнинг қўлидан тутиб турилса ўз тажовузкорлигини янада кучли намоён қилганидек, рашк ҳам шунга ўхшаш ҳолатни намоён қилади. Айнан шунинг учун ҳам умуман «тақиқланган мева»нинг мазаси одамлар учун шу қадар ширин туюлса керак, балким.

5.9. РАШК ҲИСЛАРИДАН ХАЛОС БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Рашк ҳисларидан қутилишда психологлар қуйидаги йўллари тавсия этишади:

1. Рашк хисларини бошдан кечираётган шахс яхшилаб мулоҳаза қилиши, ўз рашк хисларига танқидий қараши, рашк хисларини юзага келтираётган сабаблар реалликдан анча йироқ бўлиб аксарият ҳолларда рашк қилувчи шахс ўзини тасаввур ҳаёли эканлигини тушуниб етиши.

Ҳақиқатни тушуниб етган шахс тегишли хулоса чиқариб рашк хислари азобидан қутулиш имконига эга бўлади. Мазкур услубни қўллаш ҳар бир инсон қўлидан келавермайди. Бунинг учун шахс етарли етарли ақл, кучли аналитик тафаккур эгаси бўлиши керак.

2. Рашкни юзага келтирувчи шахсни ижобий сифатларини ўзида мужассам қилиб, ўз «рақибни»ни соғлом рақобатда маънавий, ахлоқий, ақлий, маданий жиҳатдан мағлуб қилиш йўли орқали ўз севгилисини қайтариш (агар шундай реал рақибни ўзи бўлса). Бу услубни қимматли томони шундаки, севгилисини қайтара олмаган тақдирда ҳам шахсда ижобий ўзгаришлар, қимматли сифатлар шаклланади. Улар эса йўқотилган севгилдан кўра афзалроқ муҳаббат объектини учратишга хизмат қилади.

3. Рашк хислари асосли фактларга таянган, аввалги тавсияларимиздан фойдаланиш имкони бўлмаган шахслар азоб берувчи рашк хисларидан қўйидагича қутилишлари мумкин. Рашк қилаётган кишингиз шахсини муҳаббат кўзойнагини ечиб, танқидий кўз билан ўрганинг. Оқибатда унинг шахсида қатор камчилик ва нуқсонлар борлигига иқроп бўласиз. Шунча камчиликлари бўлган, Сизга бевафолик қилаётган шахс учун азоб чекишингиз ўринлими? Бу шахс сизнинг беғубор, муқаддас севги хисларингизга лойиқми? Мазкур вазият ўз вақтида кўзингизни очиб, уни ҳақиқатан ким эканлигини тўғри идрок қила олишингизга миннатдор бўлинг. Сиздек вафоли, ахлоқ-одобли инсонни қадрига етмаган шахс севги муҳаббатингизга лойиқ эмаслигига ишонч хосил қилинг. Агар юқоридаги фикрларимиз Сизни ҳолатингизга тўғри келса, демак рашк қилувчи шахсни объектив баҳосини бериш натижасида уни идрокингизда қадрсизлантиради. Қадрсизланган шахс одатда рашк қилинмайди ва сиз рашк хисларидан халос бўласиз.

Билимларни текшириш учун саволлар:

Севги ҳақида қандай мулоҳазалар, ривоятлар, таърифларни биласиз?

Севгининг қандай турлари мавжуд?

Севги ҳисси ва ёш ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?

Йигит ва қизларда севги туйғусининг ифодаланишида қандай тафовутлар мавжуд?

Қизлар ва йигитлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қандай турлари фарқланади?

Муҳаббат босқичлари қандай намоён бўлади?

Муҳаббат ва инсон миждози ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?

Муҳаббат белгилари қандай намоён бўлади?

Севгининг фаслий ўзгариши нималардан иборат?

Рашк ҳисси нима? Унинг севгига қандай таъсири бор?

Мавзуга оид жумбоқлар:

1. Аввал соғ кўзларга рангли парда қошлаб, сўнгра уни яхши, равшан, реал кўрадиган қилувчи хасталикнинг номини топинг.

(севги-муҳаббат)

х х х

2. Энг кўп тарқалган кўз касаллигини топинг.

(севги-муҳаббат)

х х х

3. Қайси оғир хасталикдан кишилар тузалишни истамайдилар?

(севги-муҳаббатдан)

х х х

4. «Муҳаббат - бамисоли баланд тоғ чўққиларига ўхшайди. Улар забт этилганидан сўнг пастга тушишдан ўзга чора қолмайди» иборасини психологик таҳлил қилинг ва муҳаббат ҳисларига хос хусусиятларни санаб ўтинг.

х х х

5. «Муҳаббат - бу эркак кишини ягона аёл билан қониқиш ва чекланишга бўлган интилиши» иборасини психологик таҳлил қилиб, моҳиятини очиб беринг.

х х х

6. «Муҳаббатда бахтли бўлиш учун кўришдан қолиш шарт эмас, фақат вақти-вақти билан кўзни юмиб туриш керак» иборасини психологик таҳлил қилиб, моҳиятини очиб беринг.

Афоризмлар:

• Муҳаббат энг қадимий ва навқирон тушунча. У шунгача қариган эмас, бундан кейин ҳам қаримайди. У ҳамиша офтоб янглиғ қалбга яқин, аммо ҳар бир замон, ҳар бир авлод ва ҳар бир қалб уни янада янги, мазмунли, кўркам ва файзли бўлишига ўз ҳиссасини кўшади.

Т. Қораев

• Муҳаббат инсониятни ҳайвонот олаmidан суғуриб олган кучдир

З.Фрейд

• Муҳаббат деган нарса жуда оз кишига насиб бўладирғон бир

дури бебаходир.

А.Қодирий

Муҳаббат омон бўлса, хаёл бўлса омон

Ватан омондир, гўзаллик омон!

Ҳақиқат омон бўлса, аёл бўлса омон -

Шу халқ омондир! Инсонлик омон!!!

Фахриддин Хонкелдиев

• Яқин одамга нисбатан бўладиган севгининг икки тури мавжуд. Агар биз бошқа одамга нисбатан бўлган ўзимизнинг севги ҳиссимизни севсак - бу севги, агар биз бошқанинг бизга нисбатан бўлган севгисини севсак - бу дўстлик.

В.Ключевский

• Муҳаббатнинг минг қирраси бор, ҳар бири ўз нури, ўз ғуссаси, ўз бахти ва ўз тотли бўйига эга.

Константин Паустовский

• Аёлнинг ўзга аёллардан фарқи бизни севиб қолишимизга сабабчи бўлса, уни ўзга аёллар ўхшашлиги (умумий томонлари) севги ҳисларимизни тез ўтиб кетишига имкон беради.

Жак Деваль

• Хушторингиздан ҳеч қачон у сизни нима учун севишлигини сўраманг: агар у бу ҳақда ўйлаб кўргундек бўлса, балким сизда севишга арзигулик хислатнинг ўзи топилмай қолиши мумкин.

К. Мелихан

Энг яхши кун - бугун

Энг катта хато - умидсизликка берилиш

Энг катта ожизлик - нафрат

Энг катта тинчликни бузувчи - кўп гапирадиган одам

Энг хавфли одам - ёлғончи

Энг катта ҳаёт - ҳамжихатлик ҳисси

Сен беришинг ёки олишинг мумкин бўлган энг катта совға - севги!

х х х

• Севиш дегани - бу ўзимиздаги ва атрофимиздаги минглаб тўсиқларни енгиб ўтиш деганидир.

Ж.Ануй

• Эркак киши аёлни чанқоқдан азоб чекиб сувга интилаётган йўловчидек севади. Ундан ўз ҳирсини (эхтиёжини) қондириб бўлганидан сўнг у ўзи талпинаётган предметга қизиқишини йўқотади.

• Аёл киши эркакни иссиқдан толиқиб салқинга интилаётган йўловчидек севади. У ҳатто ўзи хоҳлаган нарсага эришса ҳам у севгига тўймайди.

Сюй Сюэмо. Ўрта аср хитой афоризми

Нокас киши ҳеч маҳрами жон бўлмас,

Шўра ер узра боғу-гулистон бўлмас,

Ким дарди дилоромни севмаса жондек,

Ҳаргиз ўзганинг дардина дармон бўлмас.

Ҳофиз Хоразмий

- Рашк бу бошқалардан кўра ўзига кўпроқ азоб бериш санъатидир.

А.Дюма

- Рашкдан мақсад - хотинни ёмон йўлга киришининг олдини олишдир.

Аҳмад Дониш

- Қалбида олови йўқ аёлнинг ўзи йўқ, уни фақат ёқа билиш малакасига эга бўлмаган эркаклар бор.

Ғ.Шоумаров

Мавзуга оид латифалар:

Бир эркак бошқасидан сўраяпти:

- Агар сен, сени ҳали ҳам кечирадиган, сенга жуда меҳрибон бўладиган, сен учун ҳамма нарсага тайёр аёлни учратиб қолсанг. Сен унга нима дейсан?

Иккинчи эркак бир оз ўйланиб турдида ва жавоб берди:

- «Ассалому алайкум ойижон!».

х х х

- Хотинимнинг туғилган кунига нима совға тайёрлаб қўйишни билолмаяпман. У унчалик қиммат бўлмаса ва шу билан бирга хотинимни хурсанд қилса.

- Унга ўнта имзосиз ишқий мактуб ёз!

х х х

Йигит қизга деди:

- Жонгинам, сизсиз ҳаёт менга қоронғу. Агар турмушга чиқсангиз осмондаги юлдузни олиб бер, десангиз олиб бераман.

- Юлдузнинг ҳеч ҳожати йўқ, - деди қиз.

- Маошингизнинг бир тийинини нари-бери қилмай олиб келиб турсангиз, керакли нарсани ўзим сотиб олавераман.

х х х

- Яхши қиз, мен билан кинога тушишни истамайсизми?

- Истамайман.

-Сиз ўйламанг, мен ҳар қандай қизни ҳам кинога таклиф қилавермайман.

- Мен ҳам ҳар қандай йигитга йўқ деявермайман.

VI БОБ. НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аввал ғиштин қийшиқ кўяркан меъмор
Юлдузга етса ҳам кулар бу девор.
(М.Бедил).

6.1. НИКОҲГА ЕТУКЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Оила деб аталмиш муқаддас макон, «оила қасри»нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Агар шу пойдевор етук, мустаҳкам бўлса, унинг устида қурилган иморат ҳам кўркем, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган бўлади.

Ҳеч бир девор ёки уй пойдеворсиз бўлмаганидек, Сизнинг қуражак оилангизнинг ҳам ўзига хос пойдеворлари бор. Улар шу оиланинг юзага келишига, қурилишига асос бўлган никоҳ олди омилларидир.

Агар шу никоҳ олди омилларининг оилани юзага келишига таъсири ноўрин бўлса, у шошилиқ, бўш, қийшиқ қурилса, унинг устига ўрнатилган оила иморатининг девори ҳам қийшиқ ва омонат бўлиб бораверади ва у шу иморатнинг бир куни келиб қулаши, бузилиб кетиши хавфини туғдиради. Бундай пойдевор устига қурилган иморат қулаб тушмагани, бузилиб кетмагани тақдирда ҳам унда истиқомат қилувчиларга хотиржамлик, тинчлик, қувонч бахш эта олмайди. Улар доимо қандайдир бир хавотирда, ҳадикда, ноқулайликда, хижолатда яшашларига тўғри келади. Ҳўш, шу пойдеворлар яъни никоҳ олди омиллари нималардан иборат?

Гап никоҳ олди омиллари ҳақида борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади.


Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб борувчи, касб-ҳунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб борувчи мавжудоддир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан

маълум бир умумқабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу кабилар сифатидагина фойдаланилади.

Масалан, барча ўқув юртлари (мактаб, лицей, коллеж, институтлар) учун битириш имтиҳонлари (давлат имтиҳонлари тизими, диплом ишлари химояси тизимлари кабилар) мавжуд бўлади ва улар ёрдамида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган ўртача билимлар ва малака йиғиндисини аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса уларга кейинчалик яна ўқишни давом эттириш ёки маълум бир мутахассислик бўйича ишлаши мумкинлиги ҳақида маълум бир ҳуқуқ беради. Шу нуқтаи-назардан олинганда «етуклик» - ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига етилганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга етуклиги масаласи эса ўта мураккаб бирон-бир қатъий меъёр билан ўлчаб бўлинмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир.

Шу келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ никоҳ олди омиллари қай даражада мураккаб характерга эга бўлган муаммолардан эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда никоҳ олди омилларининг турлича шакллари, кўринишлари фарқланади. Қуйида Сизнинг эътиборингизга уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни ҳавола этамиз.



Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги; уларнинг оила қуриш мотивлари; уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари; уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда

бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фаркланади.

Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Масалан, одамнинг жинсий етуклиги ўзига хос омилларга эга. Клиник кузатишлар маълумотларига кўра, ҳозирги замон қизларида жинсий етуклик (балоғатга етиш) 12-14 ёшгача, ўғил болаларда эса 14-16 ёшга тўғри келади. Албатта, бу етуклик баъзи бир болаларда эртароқ, бошқа бирларида кечроқ рўй бериши мумкин. Бу кўрсаткичлар ± 2 ёшга фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2-3 йил керак бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Жинсий етилиш қатъий жинсий эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади. Бу даврга келиб болаларда иккиламчи жинсий аломатлар намоён бўла бошлайди. Жинсий секреция безларининг фаоллиги ортади. Қиз болаларда ойлик циклари (менструация), ўғил болаларда поллюциялар рўй бера бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, уларда пубертат давр бошланади. (Бу давр ҳақида ва унинг хусусиятлари ҳақида 4-мавзуда батафсил маълумотлар берилган). Демак бу даврга келиб болаларнинг моддий ва маънавий қизиқишларининг ўсиб бориши билан бир қаторда жинсий эҳтиёжлар шахс фаоллигининг кучли манбаларидан ҳисобланиб, у турли психологик ва ижтимоий шаклларда намоён бўла бошлайди.

Жинсий майлнинг, жинсий эҳтиёжнинг юзага келиши одамни биологик ривожлана бошлашининг ўзига хос босқичидир. Улар бола руҳиятининг ривожланишига, уни шахсининг шаклланишига, ҳаёт фаолиятининг бошқа жиҳатларига катта таъсир кўрсатади.

Жинсий ҳаётнинг кўплаб муаммоларини нафақат ёшларга, балки узоқ вақт оила қурган, фарзандли бўлган катта ёшлиларга ҳам тушунтириб ўтиш лозим бўлади, чунки уларда ҳам шу асосда кўплаб жиддий низолар юзага келиши мумкин. Жинсий муносабатлар масаласи ўта нозик масаладир, бу борада кўпинча «ёлғон, бачканаларча уятчанлик»ка дуч келинади. Баъзи бир ота-оналар ва ўқитувчилар ҳатто маориф раҳбарлари ҳам мактабда жинсий тарбия бериш масаласига эътироз билдирадидлар ва «Жинсий тарбия, жинс масаласига оид барча зарур маълумотлар биология курсларида берилган, бунинг устига «ота-боболаримиз бундай жинсий саводхонликсиз ҳам бинойидек яшаганлар»,- қабалида мулоҳаза юритадилар. Албатта бундай нуқтаи-назар ўта қолоқ, бугунги кун никоҳ-оила муносабатлари талабларини, ҳозирги замон оиласи вазифаларини ҳисобга олмай чиқарилган хулосалардир. Айнан шунақа йўллар билан ёшларга жинсий тарбиядек ўта нозик ва зарур масалалар юзасидан берадиган ҳар қандай санитар-гигиеник

оқартув маълумотларнинг аҳамияти бутунлай камситиб келинмоқда. Бу эса миллионлаб ўсмирларнинг жинсий балоғатга етишиш вақтида ғафлатда қолишларига ва бунинг оқибатида айрим ҳолларда ҳаётда тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишига олиб келишига сабаб бўлмоқда.

Ҳеч нима билан асосланмайдиган хавотир, ҳадик, гоҳида эса ҳақиқий ваҳима заминида ўсмир хулқида турли хил оғишлар, нерв-физиологик бузилишлар юзага келиши мумкин. Буларнинг барчаси санитар-гигиеник тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва жинсий тарбияни берилмаганлигининг натижасидир. Бу масала айниқса бизнинг этносимизда ўта жиддий моҳият касб этадиган масаладир.

Жинсий тарбия масаласига кўпинча ё алоҳида эътибор талаб қилинмайдиган ва ҳеч қандай қийинчиликни юзага келтирмайдиган, ҳар бир ёш гуруҳи учун осонгина ўзлаштириш мумкин бўлган, ёки ўта шахсий, интим, кўпчилик орасида, айниқса болалар орасида муҳокама қилиб бўлмайдиган масала тарзида қаралади. Шу каби мулоҳазалар қатор мамлакатларда, айниқса собиқ иттифокда жинсий тарбияга оид материалларни, бунга тааллуқли тадбирларни мактаб дастуридан чиқариб ташланишига асос бўлган. Бу ўринда жинсий тарбияни, организмнинг фаолияти ҳақидаги бугунги кунда ҳар бир одам ўзлаштириши, билиши зарур бўлган санитар-гигиеник, психогигиеник маълумотлар билан узвий боғлиқ тарзда қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Оилавий ҳаётда эса жинсий ҳаёт психологияси ҳақидаги билимларга эга бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир. Турли мутахассислар томонидан берилган маълумотларни комплекс таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир тўртинчи ажралишган эр-хотинларда (ажралишларнинг 29%ида) жинсий мутаносибликнинг у ёки бу тарзда бузилиши (эр-хотиннинг жинсий номуаносиблиги) сабаб бўлмоқда.

Албатта, ўзаро севги, ишонч ва ҳурмат ҳислари, қизиқишлар ва ниятларнинг умумийлиги ҳислари қисқа вақт оралиғида юзага келган ва шунга кўра шошилиш оила қурган жуфтларга жинсий ҳаёт психологияси борасидаги билимлар ўз-ўзидан ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бундай тезликда, қисқа вақтда (совчилар, қариндошлар орқали бир-икки ҳафтадаёқ) юзага келган оилалар миқдори айниқса сўнгги йилларда бизнинг миллат вакиллари ўртасида ортиб бормоқда. Ёшларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ёқтириши ва ижобий эмоционал ҳислари комплексисиз бу билимларнинг самараси паст бўлади. Улар фақат эр-хотинлар бир-бирларини ёқтирганлари, бир-бирлари учун жозибали бўлган ҳолатлардагина, эр-хотинларининг интим ҳаётини мувофиқлаштиради. Бошқа томондан никоҳдаги жинсий ҳаёт психогигиенаси муаммоларидан қандайдир «бўлмағур, уят нарса» сифатида воз кечиш ҳам керак эмас. Чунки, кўпчилик ҳолларда жинсий ҳаёт психогигиенаси соҳасидага илмий билимлар ёш эр-хотинларга йўл қўйилиши мумкин бўлган аянчли хатолардан қутулишга ва шу билан ўз никоҳларини сақлаб қолишларига ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтаи-назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ унинг

психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга жинсий етуклиги дейилганда унинг физиологик нуқтаи-назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди, бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса шубҳасиз алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараён дир.

Ёшларни никоҳга жинсий етуклик масаласидан ташқари юқорида келтириб ўтилганидек яна бир нечта ижтимоий етуклик турларини фарқлаш мумкин. Булар: жинсий, фуқаролик, касб-хунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етукликлар дир. Буларнинг орасида ёшларнинг жинсий (физиологик) етуклиги бошқаларига қараганда анча эрта амалга ошади, қуйида бу масалаларга боғлиқ равишда яна қандай муаммолар мажмуининг юзага келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Фуқаролик, ҳуқуқий етуклик бу одамнинг ҳуқуқий жиҳатдан балоғатга етиш ёши билан, у ҳуқуқий жиҳатдан оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда бу 18 ёш деб кўрсатилган. Бу вақтда у Конституцияда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдалана оладиган бўлади. 18 ёшни шахснинг ҳуқуқий етуклик ёши деб ҳисоблаш мумкин.

Касб-хунар етуклиги - бу ҳам анча мураккаб тушунча дир. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Бироқ одам у ёки бу билим юртини (коллеж, лицей, техникум, институтни) битирганидан кейин ўзи танлаган касби бўйича бир неча йил ишлаб кўриши керак бўлади ва шундан кейингина унинг касб-хунар етуклиги ҳақида гапириш мумкин.

Шу билан бирга баъзи бир касблар бўйича 19-20 ёшлардаёқ касб-хунар етуклигига эришиш мумкин бўлса, бошқаларда масалан хирург-врачликда кечроқ 29-30 ёшга етганда бунга эришиш мумкин.

Шахсни етуклигининг яна бир жиҳати **ижтимоий-иқтисодий** етуклик дир. Бунда одамнинг ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан мустақил таъминлай ола билишлиги назарда тутилади. Ёшларни оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларнинг айримлари 18-19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин, бошқалари эса 25-30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар.

Бу етуклик жиҳатлари орасида шахснинг маънавий ва **ахлоқий** етуклиги ҳақида гапириш энг мураккаб дир. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Шундай қилиб, «етуклик» тушунчаси ўзича кўплаб жиҳатларни мужассамлаштиради. Шунини айтиб ўтиш жоизки «етуклик» тушунчаси, албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан узвий боғлиқ дир. «Ҳаётий билимларни ўзлаштириш», «Ҳаёт

университетларидан» ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Бунга мавжуд ижтимоий шароит, жамоатчилик ва ижтимоий тартибнинг таъсири катта. Маълумки олдинги вақтларда, айниқса уруш йиллари болалар катталар ҳам ҳамма вақт удалай олавермаган ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечирганлар. У вақтларда 12-14 ёшданок болалар оналарига оилани таъминлашда ёрдам берганлар. Шунингдек шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, кам фарзандли ва кўп фарзандли оилаларда, нуклеар ёки кўп табақали оилаларда ўсаётган болаларнинг ҳам оилани моддий, ижтимоий таъминотига ҳисса қўшиш, бу ишлар билан шуғулланиш муддатлари ва миқдори турличадир. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турлича жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир бир ёш, вақт оралиғини кўрсатиши мутлақо мумкин эмас. Бунинг устига ҳаётни, бизни ўраб турган атроф оламни билиш ўз навбатида чексиздир.

Шунга қарамай ижтимоий ва иқтисодий етукликнинг маълум бир минимум чегараларини белгилаб олиш мумкин, яъни шундай ҳаётий тажриба, билимлар «минимуми» мавжудки, уларсиз бирон бир ёшни, йигит-қизни том маънода етук деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мана юқорида келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ «етуклик» тушунчаси нақадар кенг тушунча эканлиги кўрсатиб турибди. Шунга қарамай биз ундан фойдаланишга мажбурмиз. Чунки у никоҳнинг мустаҳкамлигини белгилаб берувчи муҳим шарт-шароитларни, вазиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Гап шахснинг **психологик етуклиги** ҳақида боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу хушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини орттириб баҳолаб, ўз олдиларига эришиб бўлмайдиган мақсадларни кўйиб олиши ҳолларига дуч келинади. Айниқса, оилавий ҳаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз кўпроқ хатога, ўзларини орттириб баҳолашга, оилавий ҳаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутиш ҳоллари кўпроқ кузатилади. Натижада муваффақиятсизликлар, пушаймон бўлишлар, асаб бузилишлар юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни кўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билишлиги, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гормоник муносабатларнинг ўрганилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли

муносабатда бўла олиш - шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёшлар оила кураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Албатта бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар олдинги ҳаёти давомида унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади. Психологик етуклик, шахс хулқини турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қарашини, позициясини бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида химоя қила олишидир.


Никоҳ олди омиллари орасида энг характерлиларидан яна бири оила кураётган ёшларнинг ёш хусусиятларидир. Чунки бу кўрсаткичлар ҳам никоҳ мустаҳкамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қуйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамыз.

6.2. НИКОҲ ЁШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Демографик нуқтаи-назардан олинганда, оила қуриш маълум бир кишиларнинг эмас, балки бутун бир авлоднинг оила қуриши назарда тутилади. Бу ўринда тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, авлод ёш жиҳатдан қанчалик катта бўлса (унинг ёши қанчалик юқори бўлса), у биз кўриб чиқаётган жиҳатларнинг ҳар бири бўйича кўпроқ етук бўлади. 20-24 ёшдаги ёш гуруҳини ўзига бирлаштирган ёш гуруҳи, 20 ёшдан кичик бўлган авлодга қараганда кўпроқ ҳаётини тажрибага эга бўлади. Биринчи авлод вакилларида ижтимоий-иқтисодий етуклик даражаси юқорироқ бўлади, чунки айнан шу ёшда кўпчилик ёшлар ўрта ёки олий ўқув юртларини тамомлаган, у ёки бу касб ҳунарни эгаллаган бўладилар. 25-29 ёшларда эса 20-24 ёшдагиларга қараганда, ижтимоий-иқтисодий ва касб-ҳунар етуклиги бўйича янада юқорироқ даражага эга бўладилар. Ҳозирги замон демографиясида кенг фойдаланиладиган ушбу кўрсатиб ўтилган каби статистикалар ва ёш гуруҳлари ёшларнинг ижтимоий етуклигининг турли жиҳатларини ижтимоий психологик таҳлил қилиш учун жуда ноқулай ҳисобланади. Чунки ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ёшларнинг катталашуви, вояга етиши жуда жадал амалга ошмоқда. Юқоридагича гуруҳлашга кўра бир демографик ёш гуруҳига кирган 20 ва 24 ёшлиларнинг етуклиги сифат жиҳатидан турли даражага эгадирлар. 25 ва 29 ёшдагилар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. 29 ёшга келиб касб-ҳунар етуклиги ниҳоясига етади ва бу даврга келиб аксарият ёшлар оила қуриб бўлган ва хатто фарзандли бўлишга ҳам улгуришади. Шундай қилиб, 29 ёшдаги ёшлар 25 ёшдагиларга қараганда ҳаётини тажрибаларига кўра ҳам ва

бошқа асосий компонентларга кўра ҳам сезиларли даражада фарқланиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»да эркак ва аёллар учун минимал никоҳ ёши сифатида 18 ёш кўрсатилган. Бу ёшни маҳаллий ҳокимият қарорига кўра алоҳида истисноли ҳолатларни ҳисобга олиб аёллар учун бир ёшга қисқартириш мумкин.



Турли мамлакатларда урф-одатлар ва миллий анъаналарга боғлиқ равишда эркак ва аёлларнинг турлича минимал никоҳ ёши белгиланган. Масалан, эркаклар учун у 14 ёшдан (Ирландия, Испания ва Лотин Америкасидаги айрим давлатларида) 21 ёшгача (Польша, Австрия, Германия ва айрим Скандинавия давлатларида) бўлган давр орасига тўғри келади. Аёллар учун минимал ёш одатда ёки эркаклар билан тенг деб, ёки улардан бир неча ёш кичик деб белгиланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларни вояга етиш масаласи, уларнинг никоҳга етуклиги кўрсаткичлари айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши ва нотурғундир. Одамнинг ахлоқий ва маънавий қиёфаси, унинг шахсий таъби, диди, одатлари ҳаёт давомида бир неча бор ўзгариши мумкин. Ҳозирги даврда билимлар ва ҳаётий тажрибани йиғиш ғоят юқори жадалликда амалга ошиб бормоқда. Шунга кўра 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган даврни оила қуриш учун гармоник давр деб деб ҳисоблаш қийин. Чунки бу даврда ёшларнинг ўзига бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб объектив шароитларни, қарама-қарши ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, ёшларда жинсий етилиш 14-16 ёшларда, ҳуқуқий етуклик - 18 ёшда, касб-ҳунарни эгаллаш ва касбий етуклик кўп ҳолларда 28-30 ёшларга келиб юзага келиши мумкин. Ота-оналарга боқиманда бўлмаслик даражасида иқтисодий мустақилликка эришиш эса, одатда 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган вақт оралиғида амалга ошади.

Кўпинча катта авлод вакиллари, ёшларни етук эмасликда, ҳаётга тайёр эмасликда айблайдилар, лекин айти пайтда бундай етилмасликнинг объектив сабаблари ва шарт-шароитларини эътибордан четда қолади. Ёшларни ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга тўлиқ киришиб кетишлари учун уларга кенг кўламдаги рақобат бардош билимларни, касб-хунар кўникмаларини бериш зарур бўлади. Ёшлар эгаллашлари лозим бўлган билимлар ҳажми ҳар ўн йилда икки мартага ортиб бормоқда. Ижтимоий, маънавий ишлаб чиқариш ва илмий техник тажрибани келгуси авлодга узатиш жараёни шу даражага борганки, у ҳар бир ёшни ҳаётга тўла иқтисодий тайёрлаш учун камида 12-15 йил ўқишини тақазо қилади. Баъзида бу муддат камлик қилиб, у 18-20 йилгача узайиши мумкин (ўрта мактаб + коллеж (лицей) + олий ўқув юрти + аспирантура).

Ижтимоий, иқтисодий, маънавий, илмий ва техник тараққиёт жараёнларининг кечиши ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва касб-хунар, техник етуклигининг кечикиб кетишига олиб келмоқда.

Масаланинг иккинчи томони, ёшларни ижтимоий етилиши босқичлари ва фазаларида объектив қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни амалга оширишда бу ҳаётий ҳақиқатни доимо назарда тутиш лозимлигидир.

Қуйида шундай қарама-қаршиликларнинг бири ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бунинг учун бундан 70-100 йиллар олдинги даврдаги вазиятларни бугунги кунлармиз билан солиштириб кўрамиз. У вақтларда мамлакатимиз аҳолисининг 80-85%ини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган ва бутун аҳолининг деярли шунча қисми деҳқончилик, чорвачилик, косиблик ва бошқа хунармандчилик билан машғул бўлган. У вақтларда деҳқон, чорвадор, косиб-хунарманд йигит 16-17 ёшида жинсий балоғатга етган ва бу вақтга келиб у унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик ёки чорвачилик малакаларининг деярли барчасини эгаллаб улгурган ва бу соҳада мустақил фаолият олиб боришга тайёр бўлган. Агар у 18-22 ёшида уйланса, оила курса, унда унинг жинсий балоғатга етиши, меҳнатга тайёрлиги ва оилавий ҳаётни бошлаш омиллари ўртасида унчалик катта фарқ бўлмаган.

Бугунги кунларимизда эса биз мутлақо бошқача вазиятни кузатамиз. Акселерация жараёни ва бошқа омиллар туфайли болаларда жинсий балоғатга етиш, уларнинг бундан 70-100 йил олдинги тенгдошларига қараганда 2 йилларга эрта рўй бермоқда. Шу билан бир вақтда махсус таълим олиш, касб-хунар эгаллаш ва иқтисодий мустақилликка эришиш камида 22-25 ёшга ва ундан кейинга сурилиб кетяпти.

Ёшларнинг жинсий балоғатга етишиши ва уларнинг тўла иқтисодий мустақилликка эришиш вақти ўртасида камида 5 йилдан 10 йилгача узилиш юзага келиб қолмоқда. Бу ҳолат, олдинги авлодларда кузатилмаган бир қатор мураккабликларни ва уларга боғлиқ равишда рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Келтириб ўтилган ушбу никоҳ олди омиллари билан бир қаторда никоҳ мустақамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан яна бири - оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ қуриш мотивлари ва

уларнинг ўзига хос хусусиятларидир. Қуйидаги мулоҳазалар ана шу хусусда боради.

6.3. НИКОҲ ҚУРИШ МОТИВЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Никоҳ олди омилларидан яна бири - шу никоҳ қурилишига асос бўлган **никоҳ мотивларидир**. «Мотив» ибораси психологияда маълум бир ҳуққ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосни билдиради. Хўш, оилалар қандай мотивлар туфайли юзага келиши мумкин? Психологик адабиётларда бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирган ҳолда учта классификацияга фарқланади. Булар: **севги туфайли** оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар.

Мотивларнинг иккинчи классификацияси **моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли** оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётган эканлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда: «Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бойбадавлат яшайман» ёки «Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега эришаман», - деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар. Шу каби ҳисобга олинадиган нарсаларни кўплаб санаб ўтиш мумкин.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири - **стереотип бўйича** оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила қураётган эканлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари сўралса, одатда «Ҳамма тенгдошларим уйланаётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!» кабилида жавоб берадилар.

Хўш, шу санаб ўтилган учала мотив: **севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича** қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлади, яъни қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлайди?

Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни, яъни севги мотивини танлаб жавоб беришади. Чунки улар севги туфайли оила қуриш никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустаҳкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, севгининг оила мустаҳкамлигида-ги ўрни бекиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, севги - бу ута қудратли кучдир. У туфайли инсон нималарга қодир эмас?! Инсоният ўз тараққиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам севги туфайлидир. З.Фрейд таъкидлаганидек: «Севги - бу инсониятни ҳайвонот олаmidан суғуриб олган кучдир!». Инсон яратган буюк мўъжизаларнинг барчаси севги туфайлидир.

Бу айтилганлардан кўриниб турибдики севги туфайли оила куриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди.

Албатта, севишиб турмуш қурган жуфтларнинг аксарияти энг бахтли оилавий ҳаёт кечирадилар. Лекин статистик маълумотларга қараганда, оилалар ажралишининг кўпчилик қисми ҳам худди шу севишиб оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Хўш, нега энди севишиб оила қурган жуфтлар оилавий ҳаётларида ҳамма вақт ҳам бахтли бўлавермайдилар? Нега кечагина бир-бирларини севиб, бир-бирларисиз яшай олмаслигига тўла амин бўлган ёшлар бугун никоҳларини бекор қилиш ҳақида судга ариза бераяптилар? Уларнинг севгисига нима бўлди? Севги - ўзи нима? У бор нарсами ёки йўқми? Бу ўринда ҳақли равишда «Севги оилавий ҳаётнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берадими ёки халақит қиладими?», деган савол туғилади. Бу каби саволлар азал-азалдан ёшларни, умуман инсониятни қизиқтириб келган саволлардир. Бу ҳақда ўтмиш мутафаккирларимиз, олиму, шоир, ёзувчиларимизнинг асарларидан, халқимизнинг доно маънавий меъросларида баъзан бир-бирига қарама-қарши бўлган кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин.

Севги, агарда у ҳақиқий бўлса, севишганлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, тушуниб, бир-бирларини эъзозлаб, авайлаб, керак бўлса бири иккинчисининг бахти, шодлиги, қувончи, манфаати учун ўз манфаатидан воз кечиб, ўта нозик бўлган туйғу *севгини* ҳар қуни, ҳар доим парвариш қилиб яшасалар, унда севги уларнинг муносабатларини янада яқинлашишига, уларнинг оилавий ҳаётининг мустаҳкамланишига ва биргаликдаги ҳаётларида энг олий завқ-шавқларни ҳис қилишларига асос бўлиши мумкин. Бу эса албатта, ёшлардан сабр-тоқат, чидам, ўз севгисини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, «жафо чекиш»ни талаб қиладди. Шундагина севги ўзининг лаззатли меваларини бериши, ўзининг куч-қудратини кўрсатиши мумкин. Албатта ҳар бир йигит-қиз ўзаро оила ришталарини боғлар экан, улар ўз ҳаётларидаги бу муҳим воқеага умид, орзу билан ёндашуви табиий.

Агар севишганлар оила қурганларидан кейин «мурод-мақсадимга эришдим» деб севгисини ҳимоя қилишни, уни парвариш қилишни унутса, унинг учун курашмаса, қаровсиз қолган ҳар бир нозик ниҳол нобуд бўлганидек, энг нозик туйғу бўлган севги ҳам нобуд бўлади. Шундан сўнг севги номи билан қилинган орзу-ниятлар саробга айланади, ёшларнинг оила, никоҳ, севги фонида шаклланган тасаввурлари «нотўғри» бўлиб чиқади. Оқибатда оилавий ҳаётдан кутган нарсалари қолиб кетиб, мутлақо кутмаган нарсаларига дуч келишлари кузатилади. Бундай ҳолатда севги ёшларнинг бахтига, уларнинг оилавий ҳаёти мустаҳкамлигига халақит бериши мумкин.

Навбатдаги мотив моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришдир. Бу мотивнинг оила мустаҳкамлигига таъсири унинг кейинчалик қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Оила қуришдан олдин ёшларнинг ҳисобга олган, кўзда тутган нарсаларининг ҳаммаси рўёбга чиқаверса, бу мотив маълум даражада никоҳ мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Афсуски, оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам ёшлар

кутганидек бўлавермайди. Бу ўринда Л.Н.Толстойнинг: «Бадий асарларда, романларда, киноларда сюжет воқеалар ривожланиб-ривожланиб бориб, охирида ҳаммаси тўй билан, яхшилик билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма нарса тўйдан кейин бошланади», - деган фикрини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётда кутилган ҳисобга олинган нарсаларга ҳамма вақт ҳам эришиб бўлавермайди. Ниманидир ҳисобга олиб оила қурган ёшларнинг оилавий ҳаётда ана шу ҳисобга олганлари амалга ошмай қолгундек бўлса, унда уларнинг оилавий ҳаёти ғурбатга, турган-битгани азобга, низо-жанжалга айланади. Улар учун бундай оилада яшагандан кўра яшамагани афзал кўринади. Бу ҳам охир-оқибат оилаларнинг инқирозига ва «ҳисоб» пойдевори устига қурилган иморатнинг қулашига олиб келади.

Статистик маълумотларга кўра, юридик жиҳатдан энг мустаҳкам, турғун оилалар стереотип бўйича оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Бундай оилаларда ажрашишлар миқдори олдинги икки мотив асосида қурилган оилаларга қараганда жуда кам кўрсаткични ташкил қилади. Чунки улар «ҳамма қатори» оила қуришган. Қарашса-ки «ҳамма бинойидек яшайпти» - булар ҳам яшайверишади. Бу мотив асосида қурилган оиладаги эр-хотинлар ўта бахтли ҳам, ўта бахтсиз ҳам бўлмайдилар. Лекин биргаликдаги ҳаёт туфайли эр-хотин ўртасида бир-бирларига мослашиш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат юзага келиб, улар ривожланиб юқорида айтганимиздек, севги-муҳаббат даражасига ўсиб етиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, бу тоифа оилаларни нафақат расмий, юридик жиҳатдан, балки эмоционал, психологик жиҳатдан ҳам турғун бўлишини таъминлаши мумкин.

Энди юқорида берилган саволни яна такрорласак: қандай мотив асосида оила қурган маъқул? Севишибми? Моддий ёки ўзга манфаат асосидами? Стереотип бўйичами? Бу ўринда ёшларимиз энди бир оз ўйланиб қолишлари мумкин. Севги туфайли дейилса, унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришнинг оқибатлари маълум. Стереотип бўйичами? Унда эҳтирос, жўшқинлик етишмаяптику? Ёшлиқ ғурури, жўшқинлик буни қабул қила олмайди.

Бундай саволларга, бундай ўйларга жавобни бугун ёшларнинг мактаб, лицей, коллеж парталарида ўтирган вақтида, беришнинг айби йўқ. Чунки Сизнинг оила қуришингизга ҳали бир неча йил бор. Шу фурсатни бой бермасдан яхшилаб ўйлаб, фикр-мушоҳада юритиб олишингиз мумкин. Лекин ёдда сақлангки: бу масалаларни оила қуриб бўлингандан кейин ўйлагандан кўра ҳозир яхшилаб ўйлаб, энг мақбул бир фикрга келиб олган маъқул. Чунки бу масалалар ва бу саволларнинг ечими мактабда ўтиладиган бошқа фанлар бўйича бериладиган топшириқ, вазифа, масалаларнинг ечимини топишдан ҳам мазмун, ҳам моҳият, ҳам кўлам жиҳатдан кескин фарқ қилади. Бу фанлардан берилган жумбоқларни ечиш ёки еча олмаслигингиз Сизнинг ҳаётингизда ва тақдирингизда унчалик ҳал қилувчи роль ўйнамаслиги мумкин, лекин ўзингизнинг бўлажак оилангизга оид муаммоларни ҳозирдан тўғри ҳал этиб боришга ўрганишингиз ва уларнинг

энг мақбул жавобларини топишингиз келгусида Сизни ўзингизнинг ва яқинларингизнинг тақдирини ҳал қилиёшида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бифарқлик, бештиборлик, таваккалчилик билан йўл тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу масала нафақат Сиз учун шахсий аҳамиятга эга бўлган, балки жамият, давлат, халқ, миллат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Сиз бу масалани ўзингиз учун муваффақиятли ҳал этиб, мустаҳкам оила қуриш билан бирга бутун бошли яхлит организм-жамиятнинг соғлом бир хужайрасини яратган бўласиз.

Сизларга ҳам оила қуришда албатта, севиб-севилиб оила қуришингизни тилаб қоламиз, негаки фақат севги туфайлигина инсон ўзига ато этилган энг олий, инсоний завқ-шавқлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Оилавий ҳаётдаги завқ-шавқлар эса ўз-ўзидан, ғойибдан берилмайди. Бунинг учун курашиш, интилиш, севгининг «қаҳратон қишу», «жазирама ёзларига», азоб-уқубатларига бардош бериш, унинг синовларидан муваффақиятли ўтиш ва уни берилган умрнинг охиригача парвариш қилиб, сақлаб қолишга ва умрнинг якунида уни фарзандларга, келажак авлодга энг муқаддас мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир одам у хоҳ она бўлсин, хоҳ ота бўлсин, ўз фарзандларига уларнинг отасини, онасини севишдан-да ортиқроқ мерос қолдира олмайди. Фарзандларингизга қандай мерос қолдиришни ҳозирданок, ҳали ўзингиз фарзанд эканлик вақтингизданок, қатъий ўйлаб олинг.

6.4. НИКОҲГАЧА ТАНИШИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

Никоҳ олди омиллари классификациясида қайд этиб ўтилган омиллардан яна бири ёшларни оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганликлари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб оила қуришларидир. Бу омиллар никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

Албатта, оила қуришдан олдин бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини маълум бир муддат бўлажак эр ёки хотин сифатида билиб юрсалар, бир-бирларининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида адекватроқ тасаввур ва маълумотларга эга бўлсалар, бу тасаввур ва маълумотлар уларга биргаликдаги ҳаётларида бир-бирларини тушуниб, бир-бирларига мослашиб кетишларига ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги ёшларимизга жуда яхши маълумки, оила кодексига биноан никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг бир ой (аниқроғи 33 кун) муҳлат берилади. Мабодо, шу фурсат мобайнида улар ўз ниятларидан қайтиб қолгудек бўлсалар, уларнинг талаби қондирилиб, кўзда тутилгандек, никоҳ қайд қилинмайди. Ҳеч бир яширадиган жойи йўқки, республикамизда истиқомат қилаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам никоҳдан ўтишга оид мавжуд қонун-қоидалардан етарли даражада хабардор эмаслар ва айрим ҳудудларда ҳамма вақт ҳам бу қоидаларга амал қилинавермайди. Лекин ёшларимиз

айниқса, Сиз - ўқувчи ёшларимизга никоҳ-оила муносабатларининг қонуний жиҳатларидан ҳам хабардор бўлиб қўйиш фойдадан холи эмас.

Хўш, шу фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари томонидан берилган 33 кун муҳлат ёшларимизнинг бир-бирларини мумкин қадар билиб олишлари учун етарлими? Бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини тўла билиб олишлари учун қанча вақт керак?

Бу ерда гап бирор-бир буюмни, техника ёки компьютерни эмас, одамни билиш ҳақида кетаяпти. Психологларнинг таъкидлашича, одам бу энг мураккаб билиш объектидир. Уни ҳеч қачон ва ҳеч ким мутлоқ ва батафсил била олмайди. Чунки у ҳар куни ривожланишда, шаклланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлган мураккаб биологик, физиологик, психологик, ижтимоий психологик, ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган энг олий ва шу билан бирга энг мураккаб мавжудоддир. Унинг сир-синоатлари коинот сир-асрорларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Шунинг учун бир йил, ўн йил бирга ўқиган ёки болалиқдан бирга ўсган бирон-бир ўртоғингизнинг хулқида, хатти-ҳаракатида кузатилади-ган айрим ҳолатлар ҳозиргача ҳам Сизни ҳайрон қолдириши ёки одамлар бир умр бирга яшаб бир-бирларида кутилмаган ҳолатларни, хулқ-атвор ифодаланишини кўриши мумкин.

Булардан кўриниб турибдики, одамни тўла-тўқис билиб бўлмайди. Лекин бирга турмуш куриб, яхши яшаб кетиш учун лозим бўлган минимум билимларга эга бўлиш учун бўлажак турмуш ўртоқлар бир-бирларини қанча вақт билишлари керак? Кўпчиликда «қанча кўп бўлса шунча яхши-да», деган жавоб хаёлга келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, никоҳгача танишиш муддатининг қисқалиги - мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг ўтказган тадқиқотларимиз оила қургунга қадар бир-бирларини бир ой ва ундан кам вақт билган эр-хотинлар миқдори ажрашиб кетган эр-хотинлар орасида кўпчиликни ташкил қилишини кўрсатди. Шунингдек, бир-бирларини оила қургунга қадар 5-10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак эр-хотинларга бир-бирларига нисбатан ҳиссийликнинг ўтмаслашиб қолишига олиб келиши ҳам мумкин экан.

Психологик адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билишлик муддати энг мақбул муддат деб кўрсатилади. Бу вақтда йигит-қизлар бир-бирлари ҳақида нисбатан билиш мумкин бўлган билимлар, маълумотлар минимумига эга бўлишга улгуришлари мумкин. Албатта бу вақтни ҳам идеал вақт деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ерда муҳими ёшлар бир-бирларини қандай жадалликда, қандай мақсадда, қандай восита, усуллар ёрдамида ва қандай «кўз» билан ўрганишлигидадир.

Маълумки севишганлар нафақат бир-бирларига, ҳатто оламга ҳам «рангин кўзгу» орқали қарайдилар. Севиклисининг ҳатто камчиликлари, нуқсонларини ҳам фазилат деб қабул қиладилар. Тўйдан кейин эса ҳатто айрим фазилатлар ҳам камчиликдек кўринади. Шунинг учун ёшларимиз бир-бирларига (айниқса, камчиликларига) тўйдан олдин иккала кўзлари билан, тўйдан кейин эса яримта кўз билан қарашлари лозим. Яъни тўйдан олдин

бир-бирларини яхшилаб, синчиклаб ўрганишга ва тўйдан кейин айрим камчиликларига ҳам эътибор бермасликка одатланишлари лозим.

6.5. БЎЛАЖАК ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ ТАНИШИШ ШАРТЛАРИ

Никоҳ олди омиллариининг характерлиларидан яна бири ёшларнинг танишиш шартларидир. Улар ҳам ўз навбатида турли-туманликка эга. Кимдир ўқиш, иш жойида, кимдир ўзи, кимдир бирор-бир ўртоғи, дугонаси, қариндоши, кимдир совчилар ёрдамида, кимдир кўчада, жамоатчилик жойларида, транспортда, турли маросимлар, тўйлар, кечалар, ўтиришлар ва ҳоказо шарт-шароитларга кўра танишишлари мумкин. Албатта буларнинг ҳаммасида шу ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, маданияти, тарбияси, шу ёшлар яшаган ҳудуд, ундаги миллий урф-одатлар, анъаналар, этник хусусиятлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш оиланинг юзага келиш шартлари орасида кенг тарқалганларидан бири совчилик туфайли оилаларнинг юзага келишидир. Чунки бизда деярли барча оилаларнинг юзага келиши йигит томонидан келинникига совчилар бориши билан бошланади. Бунда ёшлар бир-бирларини олдиндан билишлари, севишлари, шунчаки учрашиб қолиши ёки совчилар орқали қидириб келин топишидан қатъий назар албатта, келинникига совчилар бориши никоҳнинг юзага келишидаги этник шарт, расм-русум, урф-одатлардан бири ҳисобланади. Буларнинг барчасини никоҳ мустаҳкамлигида ўзига хос ўрни бор.

Агар ёшлар ўзлари совчилар ёрдамисиз бир-бирлари билан танишган, бир-бирларини топишган бўлсалар, бунда улар биринчи навбатда, танлаган одамнинг ўзларининг кўнглига, дидига, идеалига мос келиши ёки келмаслигига эътибор берадилар. Бу албатта, келгуси ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилар ҳисобланади. Лекин бу ўринда ҳамма ёшларимиз ҳам ўзларига ва бўлажак турмуш ўртоғига адекват баҳо бера олмасликлари, ўз «тенги»ни топишда адашишлари, бу борада уларнинг «ёшлиги» ҳаётий тажрибаларининг етишмаслиги кабилар уларга халақит бериши ҳам мумкин. Агар улар соғлом фикрлай оладиган, юқорида айтиб ўтганимиздек, оилавий ҳаётга психологик етук бўлсалар, уларнинг хатога йўл қўйиши, адашиши эҳтимоллари кам бўлади. Агар шошма-шошарлик қилсалар, «етти ўлчаб бир кесмасалар» шак-шубҳасиз омадсизликка учрашлари мумкин.

Умуман ўзларига жуфт танлашда психологик етукликка асосланган ҳолда, етук нигоҳ билан ва масъулият билан ёндошиб ўзлари мустақил равишда жуфт танлаши ёшларда кейинчалик ўз қарорлари учун масъулиятлиликини ҳис қилиш, ўз оиласи мустаҳкамлиги учун курашиш, ҳатти-ҳаракат қилишни, унинг муваффақияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни таъминлайди. Ёшларимизни қарорларининг етуклиги, қатъийлиги улардаги оилавий ҳаёт учун, ўз оиласи учун масъулиятлилики,

жавобгарликнинг юқори бўлиши ҳисси ҳам оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Халқимизнинг этник хусусиятларига хос бўлган никоҳнинг юзага келиш шартларидан бири - совчиликдир. Совчилик ҳам азал-азалдан шаклланиб келган миллий кадриятларимиздан биридир. Унинг ҳам ўзига яраша талаблари, шартлари, масъулияти мавжуд. Совчиликка борилганда совчилар бўлажак эр-хотинлар, қудаларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг бир-бирларига қай даражада мос келишлик жиҳатларини пухта ўрганиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Совчиликда суриштириш орқали бўлажак келин-куёв, унинг оиласи, авлоди ҳақида ҳар томонлама маълумотлар олишга ҳаракат қилинади. Умуман совчиликнинг миллий, этник, анъанавий амалларига, талабларига риоя қилиш ҳам никоҳ мустаҳкамлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам совчилик масалаларига ўтмишда катта эътибор берилган ва совчиликка энг тажрибали, мулоҳазакор, оқил одамлар танланган.

Бироқ ҳозирги вақтда совчилик талабларига амал қилмаслик, уни қўпол бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Ҳозирги вақтда совчиликка борилар экан, танланажак келинни, бўлажак қайнона ёки совчи бўлиб борган одамнинг дидига қай даражада мос тушиши, унинг ота-онаси, ҳар иккала оиланинг моддий ижтимоий ҳолати, мавқеи қабилага кўпроқ эътибор берилиб, бу жараёнларнинг бош сабабчилари, бўлажак келин ва куёвнинг мафаатлари, уларнинг бир-бирларига мос келиши ёки келмаслиги жиҳатлари унутилиб қўяётганлик ҳолларини ҳам қузатишимиз мумкин. Бундай вазиятларда шубҳасизки, ёшларнинг ўзларини оилавий ҳаётлари ҳақидаги масалаларини ҳал этишдаги иштироклари, уларнинг фикри, бунга нисбатан муносабатлари ҳисобга олинмай қолиши мумкин. Бу эса уларга қурилажак оила мустаҳкамлиги, унинг манфаати учун масъулиятлилик, жавобгарлик ҳисларининг шакланмаслигига, оилавий ҳаётда қийинчилик, мураккаблик, турли тўсиқларга (уларнинг бўлиши муқаррар) дуч келиб қолинганда, жавобгарликни совчилар, бу оиланинг юзага келиш масаласини «ҳал қилган» бошқа бир одам зиммасига юклаш, уни айблаш ҳолларини юзага келтириши мумкин. Бу каби ҳолатлар шубҳасиз, ёш оила мустаҳкамлигига жиддий хавф туғдиради.

6.6. ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир этувчи никоҳ олди омилларидан яна бири - ёшларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларидир. Уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош гарови ҳисобланади. Афсуски, ҳамма вақт ҳам ёшларимизнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки у аксарият ҳолларда реалликдан тубдан фарқ қилади.

Ҳинд афсоналаридан бирида ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг реалликка нисбатини қиёслашга мос келадиган ажойиб бир ривоят мавжуд

Ривоятда айтилишича, туғилганидан кўзи ожиз бўлган тўрт нафар кўрга «Қаршингларда фил турибди, сизлар уни умуман кўрмагансизлар, лекин уни бориб ушлаб, пайпаслаб ўрганиб чиқингларда, сўнг фил қандай махлуқ эканлигини айтиб беринглар», - дейилган. Кўрлар бориб филни «ўрганиб» қайтишганларидан сўнг улардан фил қандай ҳайвон эканлиги сўралганда, улардан бири: «Фил - бадани дағал, дарахтга ўхшаган ҳайвон» - дебди, иккинчиси уни инкор этиб: «Йўқ, фил ердек юмалоқ, одамнинг қулочи етмайдиган юмалоқ бир ҳайвон» - дебди. Учинчиси эса, уларни икковларини ҳам инкор қилиб: «Фил ичи тешик узун, йўғон ичакка ўхшайдиган ҳайвон» - дебди. Тўртинчиси эса: «Фил ёйиқ япалоқ катта баргга ўхшаган ҳайвон» - деб жавоб берган эканлар ва уларнинг ҳар бири ўз фикрини маъқуллаймак, ўтказаман деб бир-бирлари билан жанжаллашиб қолган эканлар. Чунки уларнинг бири филнинг оёғига, иккинчиси - қорнига, учинчиси - хартумига ва тўртинчиси - қулоғига тўғри келиб қолиб ўзларининг имкониятлари доирасида филни тасаввур қилган эканлар. Худди шу тўртта кўзи ожиздек ёшларимиз ҳам оилавий ҳаётни бутун борлиғича, тўла, яхлит тасаввур қила олмайдилар, бунинг имкони ҳам йўқ. Оқибатда оилавий ҳаёт ҳақида турли тасаввурларга эга бўлган ёшларимиз оила кургудек бўлсалар, ўз тасаввурларини реалликка айлантириш, яъни жуфтига ҳам шундай эканлигини уқтиришга ҳаракат қиладилар. Ва улар ҳам юқоридаги кўзи ожизлардек ҳар бири «ўзича ҳақ» бўла туриб, бир-бирлари билан жанжаллашиб, келиша олмай қолишлари мумкин.

Эсини танигандан бошлаб эртақлар руҳида, бадий фильмлар, романлар, афсона, ривоятлар руҳида тарбияланган ёшларимизда ҳамма вақт ҳам оилавий ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурлар шаклланавериши мумкин эмас. Оммавий ахборот воситалари орқали, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар орқали ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида берилаётган материалларда, оилавий ҳаётни бир ёқлама, фақат ижобий томондан талқин қилиш ҳоллари ҳам кўп кузатилади. Бу каби ҳолатлар ҳам ёшларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг нотўғри шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўпчилик ёшларимиз, айниқса муваффақиятли оилаларда тарбия топган ёшлар, оила қуриш арафасида бўлар эканлар аксарият ҳолларда ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун ўз ота-онаси оиласини идеал қилиб оладилар. Чунки улар шу оилада тарбияланар эканлар, «эсларини таниганларидан буён» ота-онасининг низолашиб тортишганларини, бир-бирларини ҳурматсиз қилганларини эслай олмайдилар. Бундай оилаларда ота-оналар ҳам ўзларининг ўзаро муносабатларидаги нохуш жиҳатларини фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Ёки уларнинг ўзаро муносабатларида рўй бериши мумкин бўлган низоли дамлар, бир-бирларига мослашиш жараёнлари никоҳнинг бошида, ҳали фарзандлари дунёга келмасларидан олдин бўлиб ўтиб кетган. Болалар эса улар турмушининг фақат яхши, тинч-тотув, аҳил-иноқлик, бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли, ибратли жиҳатларидангина хабардор бўладилар. Шундай оила қуришни тасаввур қилган ёшларимиз, оила курганларидан сўнг ўзлари

кутгандек турмуш кечира олмасалар, никоҳнинг дастлабки энг нозик, мураккаб, кийин, янги ижтимоий вазиятлар, шароитлар, ролларга мослашиш, бир-бирларига мослашиш жараёнларида юзага келган қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммолар олдида эсанкираб қолиб, оила куришда «адашганликлари»дан шубҳаланиб қолишлари мумкин.

Шунинг учун ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт, эр-хотин муносабатларини фақат бир ёқлама ва фақат яхши томондангина кўрсатавериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бутун борлигича: баланд - пасти-ю, ширин-аччиғи, роҳат-фароғати-ю, азоб - уқубати, қоронғу кечалари-ю, ёруғ кундузлари билан кўрсатган маъқул. Шундагина ёшларимизда оилавий ҳаёт ҳақида нисбатан адекватроқ тасаввур шаклланиши мумкин.

Бу борада оиладаги катта ёшли оқил кишилар ёшларга ҳаётда кўприк бўлмоғи, уларнинг босиб ўтган кўп қиррали ҳаёт йўли фарзандларига сабоқ бўлиши керак. Улар ёшларимизни мустақил, етук бир шахс сифатида қабул қилиб, оилавий ҳаётнинг паст-баландлари ҳақида тўла тўқис маълумотлар бериши мақсадга мувофиқдир. Токи ёшларимизнинг оилавий ҳаётлари пойдеворига кўяётган илк ғиштлари тўғри ва мустаҳкам қўйилсин.

Билимларни текшириш учун саволлар?

Никоҳ олди омиллари дейилганда нимани тушунасиз?

Никоҳга, оилавий ҳаётга етуклик нима? Уни қандай жиҳатлари фарқланади?

Никоҳ ёши нима? У қандай белгиланади?

Никоҳ мотивлари нима? Унинг қандай турлари фарқланади?

Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатининг никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсири бор?

Бўлажак эр-хотиннинг танишиш шартлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигидаги аҳамияти нималардан иборат?

Ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир қилади?

Ҳикматлар ҳазинасидан:

1. Инсон покиза бўлмоғи лозим.

Бир кун Ҳазрат Умар (Р.А.)нинг хузурига бир хотин келди ва қўли билан кўрсатиб:

-Ё Амирал-Мўминин! Бу киши менинг эрим бўладилар. У билан қурган турмушимизни ўйлаб кўрдим. Уч ойдирки, булар билан тотув яшаш учун кўп ҳаракат қилдим. Аммо эримда бунга рағбат кўрмадим. Уч ой давомида бир-биримизни тушуна олмаслигимизга ақлим етди. Биз ажрашамиз, - деди.

-Ҳазрат Умар (Р.А) қаршисида индамай турган одамдан сўради:

-Хотинингга нима дейсан, - деди.

У одам:

-Ё Амирал Мўминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ. Мен ажралишни истамайман, - деди.

■ Хазрат Умар ахволни яхши тушунди. У одамнинг кийиниши яхши эмас ғалати эди. Хазрат Умар у хотинга:

■ Хозир уйингга кетгинда, бир оздан кейин келасан.

Биз эринг билан суҳбатлашиб оламиз, - деди.

Хазрат Умар (Р.А.) ул одамни ҳаммомда ювинтириб, уқалаб, тоза кийимлар кийгизишни, чиройли кўринишга келтиришни буюрди. Ул одамни покиза бир холга келтирдилар. Пича вақт ўтгач, хотини келди. Эрини башанг кийимларда, чиройли бўлиб кетганини кўрган аёл беихтиёр қувониб кетди.

Хазрат Умар (Р.А.):

■ Хоним мана эрингиз. Энди хушчақчақ, суюниб уйингизга боринг, - деди.

■ Хотин эрининг кўлидан ушлаб, «юринг кетамиз», деди. Халифа Хазрат Умар (Р.А.)га улар раҳмат айтиб уйларига кетдилар.

Мўминларнинг Халифаси Хазрат Умар (Р.А.) у ерда хозир бўлганларга:

■ Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, сизни кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сизни покиза ва яхши кийинганингиздан завқ оладилар, сизларни ясанган холда кўришни истайдилар, - деди.

Бу ҳикоятдан қандай хулоса чиқариш мумкин?

ГАПНИНГ ТАГИДА ГАП...

➤ Оила оркестрида эр сўзсиз биринчи скрипка, фақат шarti - дирижёр хотин бўлса.

➤ Хотин бамисоли ушлагичсиз жомадонга ўхшайди, кўтариш оғир, бироқ ташлаб юбориш мумкин эмас.

➤ Бошида эркак аёлни қандай қилиб гапиртиришни билмайди, сўнг уни қандай қилиб ўчиришга ақли етмай қолади.

➤ Аёл учун ҳаммаси муҳаббатдан бошланади, эркак учун эса ҳаммаси муҳаббат билан тугайди.

Донолар дейдики:

* Чинакам бахтиёр бўлиш учун қуйидаги хислатлар лозим: илмдан орттирилган фазилат, ташқи кўринишдан топилган ҳақиқат, ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор, молу мулкдан зиёда саломатлик.

* Содда ва табиий ҳолда умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради.

* Муҳаббат муҳаббатни жалб қилади. Бошқаларнинг ўзингизга муҳаббатли бўлишини истасангиз, аввало ўзингиз уларга муҳаббат боғланг.

* Ўтган ишлар учун пушаймон қилиб ўтиришдан, келажак учун йўл-йўриқлар излаш маъқул.

* Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз; зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг - бахтнинг ўзи келади.

* Эй, фарзанд.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалам айтибдилар : саккиз нарса саккиз нарсага тўймайди.

1. Кўз қарашга.
2. Ер сувга.
3. Аёл эркакка.
4. Олим илмга.
5. Гадо сўрашга.
6. Очкўз дунё жамлашга.
7. Денгиз сувга.
8. Ўт ўтинга тўймайди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, саккиз нарса саккиз нарсага зийнатдир.

1. Иффатли, покиза бўлмоқлик, яъни харомдан сақланмоқлик фақирлик зийнати дир.

2. Шуқр қилмоқлик, яъни Аллоҳнинг амрига бўйсунмоқлик неъматнинг зийнати дир.

3. Сабр қилмоқлик, яъни бало-офатга дуч бўлганда Худонинг ғазаби келадиган гаплар айтиб дод-фарёд чекмаслик балонинг зийнати дир.

4. Ҳалимлик, мулойимлик илмнинг зийнати, яъни илмли киши кўпол ва бадфеъл бўлмаслиги лозим.

5. Ўзини хору ҳас тутмоқлик таълим олувчининг зийнати дир, яъни толиби-илм устози, ўртоқлари орасида манмансирамаслиги лозим дир.

6. Кўп йиғламоқ - кўрқувнинг зийнати, яъни Худонинг ғазабидан ва охират аҳволидан кўрқувчи инсон кундузлари ҳам кулиб, кечалари йиғламоғи лозим дир.

7. Миннатни тарк қилмоқ эҳсоннинг зийнати дир, яъни эҳсон қилувчи киши эҳсон олувчи кишидан ҳурмат талаб бўлмаслиги лозим дир.

8. Тавозелик - намознинг зийнати дир.

Мавзуга оид афоризмлар:

Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидур.

СУҚРОТ.

Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

Ж.МАДЗИНИ.

Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади; улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

М.БАРРЕС.

Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демак дир.

Ж.Ж.РУССО.

Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса - ғамгин бўлиб қолар эди.

П.БУАСТ.

Хотин-қизларнинг ахлоқ масаласидаги қатъийликлари-бамисоли ула-элик, бу билан улар ўз хуснларини оро берадилар.

Ф.ЛАРОШФУКО.

Муҳаббат бобида аёллар эркаларга нисбатан анча сермулоҳазакордирлар, чунки муҳаббат аёл учун чин маънодаги улуғ туйғу ва бутун ҳаётининг мазмунидир.

У.ИРВИНГ.

Табиат аёлга шундай дейди: урдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

П.БОМАРШЕ.

Ўз муҳаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг энг олижанобидир.

СТЕНДАЛЬ.

Ҳар бир киши ўзида севилишдек бир эҳтиёж сезадик, бу туйғу уни кўзи ўнгида юксакликка кўтаради, аммо одамни турлича: биринчи беадад меҳр-шафқат билан, яна бирини эса доимий жиддият билан севмоқ керак.

Ж.САНД.

Эркак билан аёл муҳаббати- бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат ҳиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

Г.МОПАССАН.

Эркак киши танлаган қайликқа қараб, у одамнинг кимлиги, ўз кадр-кимматини биладими-йўқми, осонгина билса бўлади.

И.ГЁТЕ.

Агар қалбимиз соф бўлса, «аёл» сўзи биз учун улуғворликка лиммо-лимдир.

Э.СЕНАНКУР.

Ўз севганингни соғиниб аҳволинг танг бўлиши, кўрарга кўзинг йўқ одам билан яшашдан юз чандон енгилроқдир.

Ж.ЛАБРЮЙЕР.

Аёл ишончини суистеъмол этиб, муҳаббатини оёқ ости қилган, ожизгина вужудини қийнаб, кўзидан алам ёшларини оқизган одам, менинг наздимда, аблах ва разилдир.

Ш.НОДЬЕ.

Тан гўзаллиги ошиқларни шайдо қилиши мумкин, уларни бир умр мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги талаб қилинади.

К.КОЛТОН.

Аёлларда гўзал бўлмоқликнинг биргина, лекин жозибадор бўлмоқликнинг эса юз минг имконияти бор.

Ш.МОНТЕСКЬЕ.

Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

А. ФРАНС.

Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг хузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин.

ПИФАГОР.

Кимда йўқдир қалбда оташ, кимда йўқдир эҳтирос,
Мен уни сувсиз, куруқ дарёга қилгайман қиёс.
Барча дарёлар шошар, уммонни кўзлаб, ҳар қачон,
У қочар уммон қолиб, гўёки саҳролар томон.

МИРЗА ШАФИЙ.

Чинакам севиш - ўзи ҳақида ўйлашни унутишдир.

ЖАН ЖАК РУССО.

Иззат-ҳурматсиз севги узоққа бормайди, юксакликка ҳам кўтарила олмайди, у бир қанотли фариштадек гап.

АЛЕКСАНДР ДЮМА.

Ҳар кўнгилниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

АЛИШЕР НАВОИЙ.

Бегона аёлни севмоқ - саримсоқ емоқнинг ўзи. Буни ҳар қанча беркитганинга қарамай, охир-оқибатда ҳиди билинади.

Олтин ва аёллар, нақ оловнинг алангасига ўхшайдилар, уларга боқсанг - тананг қизийди, тегсанг - қуясан.

Кўп билиш ва севмагандан, оз билиш ва кўп севиш яхши.

КАБИР.

Ёмон кўрган кишинг билан яшагандан, яхши кўрган кишингни соғиниб яшаш анча енгил.

Қайнота куёвни хуш кўрмайди, келинни ёқтиради; қайнона куёвни хуш кўради, келинни ёқтирмайди; дунёда ҳамма нарса мувозанатлашади.

Эркак киши бегона сирни ўзиникига қараганда ишончлироқ сақлайди, аёл киши эса ўз сирини бегона сирга қараганда яхшироқ сақлайди.

ЖАН ЛАБРЮЙЕР.

Муҳаббатнинг давоси никоҳ.

АНТОНИЙ УНЕКОВСКИЙ.

Никоҳ - ҳаёт мактаби бўлиб, унда ўқувчи роли кўпроқ эркакларга тушади.

ЮЗЕФ БУЛАТОВИЧ.

Уйланиш - бу бамисоли лоторея, аммо унда ютуқсиз чиптани йиртиб ташлаш имконияти йўқ.

ЛОРЕНС ПИТЕР.

Одам сабрли ва яхши ахлоқли бўлмаса, ҳалол мол топиб, ҳалол касб қилмаса, бундай одамнинг уйланмагани яхшироқдир. Ундай одам уйланса дунё ва охиратига зарар етказди.

АҲМАД ДОНИШ.

Уйланишдан, хотин олишдан ҳамманинг мақсади бир хил эмасдур. Баъзилари айш-ишрат қилиш, шахват нафсини қондириш учун уйланадилар: баъзилар хотин олган бой бўларкан деб, унинг молига қизиқарканлар. Яна бир хил одамлар фарзандталаб бўладилар. Баъзи бир одамлар гуноҳдан сақланиш учун уйланадилар. Яна бир қанчалари уй-рўзғор, саранжом-саришталиклари учун уйланадилар. Хотиннинг молига кўз тикиб уйланган кишидан кўра ахмоқроқ киши йўқдир.

АҲМАД ДОНИШ.

VII БОБ. ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ

7.1. ОИЛАДА МУЛОҚОТ

Одамлар ўртасидаги мулоқот ва унинг умумий қонуниятлари одам турмуш тарзининг барча жабҳаларида бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Одамнинг ақли, иродаси, ҳиссий маданияти, тарбияланганлиги, назокатлилиги ва шу кабиларнинг барчаси мулоқот туфайли шаклланган хислатлардир. Шу билан бирга уйқусизлик, бош оғриғи, неврозлар, инсультлар, инфарктлар ва бошқа турли касалликлар, шунингдек ичкиликка, гиёҳванд моддаларга ружу қўйиш, ҳатто ўз жонига қасд қилиш кабилар ҳам шу мулоқотнинг натижасидир. Ривоятларда айтилишича, доно Эзоп ўз хўжайинининг «Менга аввал, дунёдаги энг мазали, ширин таомни келтир ва ундан сўнг аксинча энг бемаза, ярамас таомни келтир», - деб буюрганида, у ҳар иккала сафар ҳам қайнатилган тилни келтирган экан. Демак, тил, мулоқот инсон ҳаётида ундан қандай фойдаланиш, уни қандай ишлатиш, қандай ташкил қилишга қараб, унинг учун энг азиз, энг қадрли бўлиши ёки аксинча энг фожиали бўлиши ҳам мумкин.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида одамлар кундалик мулоқотининг тезлашуви, аҳоли зичлигининг ортиб бориши, одамлар турмуш тарзининг жадаллашуви, уларнинг руҳий зўриқиш ва таъсирланувчанлигининг кучайиб бориши каби ҳолатлар бугунги кунда одамларнинг мулоқот маданиятининг юқори даражада бўлишини тақазо этади.

Мулоқот маданияти. Мулоқот маданиятига биринчидан, ўз-ўзини билиш ва бошқа одамларни тушуна олиш қобилияти, яъни уларнинг психологик хусусиятларини тўғри баҳолай олиш, иккинчидан, уларнинг хулқи ва ҳолатларига нисбатан мос (адекват) муносабат билдира олиш, учинчидан, ҳар бир одамга нисбатан унинг шахсининг индивидуал хусусиятларига энг маъқул келадиган мулоқот шакли, усули ва стилларини танлай билиш киради. Мулоқот маданиятини ошириш учун одамда илк ёшлиқдан бошлаб бошқа одамларга ҳурмат ва самимият билан муносабатда бўлишни, уларга ҳамдардлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик қилиш қобилиятларини шакллантириб бориш керак бўлади.

Мулоқот энг аввало одамни одам томонидан идрок қилишидан бошланади, унда дастлабки ўзаро баҳолаш амалга ошади, дастлабки ҳиссий-интеллектуал муносабатлар шаклланади ва шундан сўнг тегишли мулоқот шакли амалга оширилади. Бу жараёнда одам ҳақидаги маълумот, идрок этилаётган одамнинг ҳаётий тажрибаси, у ёки бу муносабат шаклини ёқтириши ёки ёқтирмаслигини юзага келтирадиган бевосита эмоционал муносабатлар муҳим роль ўйнайди.

Мулоқотда буйруқ оҳангининг устунлиги, дўқ-пўписа оҳангида кескин шаклда муомалада бўлиш, суҳбатдош номига тез-тез билдирилиб туриладиган эътирозлар, унинг ҳатти-ҳаракати ва фикрларидан норозиликни ифодалаш, йўл бермаслик ва тажовузкорликни намоён қилиш, оилада ўзаро рақобат (ёки ҳукмронлик-бўйсинувчанлик) муносабатларини юзага келтиради. Бефарқлик, эътиборсизлик, қўполлик, бемехрлик, беҳурматлик

кабилар оиладаги самимий мулоқотга путур етказади. Агар аксарият ҳолларда илтимослардан, маслаҳатлардан, ўзаро келишувли савол-жавоблардан, ўз ният-истакларини, ҳатти-ҳаракатларини хотиржамлик билан баён қилиш усулидан фойдаланилса, агар оилада ўзаро ёрдам, ўзаро тушуниш, бир-бирларига ён бериш одат бўлса, унда бундай оилаларда дўстона муносабатлар ўрнатилади, оилавий ҳаёт учун энг мақбул бўлган психологик муҳит юзага келади.

Одамлар ўртасида бир-бирларини тушунишнинг етишмаслиги кўпинча мулоқотдаги тўсиқ, шахслараро муносабатларни бузилишининг сабаби бўлиб ҳисобланади. Бизлар бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатларимизда нима учундир, ўзимизнинг фикр-ўйларимиз, ниятларимиз суҳбатдошимизга аён деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари ҳамма одамлар ҳам болалигидан бошқа одамларнинг эмоционал ҳолатларини ҳис қилиш, уларни кўриш, улар билан ҳисоблашиш, уларни тушунишга интилишга ўргатилавермайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолатларда ҳатто бир-бирига энг яқин, бир-бирига зид манфаатларга эга бўлмаган одамлар ҳам ҳаётда бир-бирига нохушликларни етказиши мумкин. Албатта, бу ишларни улар бир-бирларига ёмонлик, ёвузлик қилиш ниятида, ёки ўзлари ёвуз одамлар бўлганликлари учун эмас, балки, шунчаки бир-бирини тушунмаганликлари «нима қилаётганликларини билмаганликлари» учун содир этадилар. Шунга ўхшаш ҳолатлар одамларнинг ўзаро муносабатлари, мулоқотларида ўзига хос тўсиқ вазифасини бажаради.

7.2. МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТЎСИҚЛАР

Ижтимоий психологлар мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларнинг қуйидагиларини фарқлайдилар: *психологик, вазиятли, мазмуний* ва *мотивацион* тўсиқлардир.

Психологик тўсиқ - бу шеригига маъқул тушмай қолиш, тушунилмай қолишдан кўрқиш, у томондан инкор этилиш ва калака қилинишдан ёки кескинликдан кўрқиш, энг эзгу ҳисларини ва ниятларини самимий изҳор этишига жавобан кўполлик билан жавоб берилиши мумкинлигидан хавотирланиш кабилар туфайли интеллектга оид, меҳрибонликка оид, кучга оид шахсий имкониятларини намоён қилиш ва амалга оширишга ҳалақит берувчи, ўзига ҳос ички психик тормоздир.

Вазиятли тўсиқлар - бу суҳбатдошларнинг бир хил вазиятни турлича тушунишлари, унга турлича ёндашишлари билан боғлиқ.

Мазмуний тўсиқлар - одатда суҳбатдошини тушунмаганлик туфайли, унинг мазкур жумласи қандай маънода айтилгани, у қандай фикрни илгари сураяпти, нимани назарда тутаяпти, нимага олиб боради ва шу каби мулоҳазаларга бориш туфайли юзага келади.

Мотивацион тўсиқлар - шундай вазиятларда юзага келадики, бунда гапираётган одам ё ўзи баён қилаётган фикрнинг мотивини етарлича англай олмайди ёки у атайин уларни (асосий мотивни) яширишга ҳаракат қилаётган бўлиши мумкин.

Булардан ташқари мулоқотга тўсиқ бўлиб, суҳбатдошларни психологик маданиятликлик нуқсонларидан бири, яъни уларнинг на эшитишни ва на тинглашни билмаслиги, «тескари алоқанинг» йўқлиги хизмат қилиши мумкин. Одамлар ўртасидаги суҳбат кўпинча уларда ақлнинг етишмаслиги туфайли эмас, балки уларнинг худбинлиги туфайли: ҳар бири ўзи ҳақида ёки ўзини қизиқтирадиган масалалар ҳақида гапиришга интилишлиги туфайли қутилганидек амалга ошмай қолиши мумкин. Оқибатда битта «ақлли» диалог ўрнига, иккита беҳуда, ҳатто зарарли монолог амалга ошади. Шунинг учун ҳам мулоқотга, суҳбатлашиш санъатига ўрганиш, ижтимоий-психологик маданиятни эгаллаш, ўзи, ўз кайфияти ва ҳиссиётларини бошқара олиш, билим ва малакаларини ишлаб чиқиш, ўз гапи билан суҳбатдошини қизиқтира олиш қобилиятини ривожлантиришга эришиш керак. Бироқ, бунинг учун биринчи навбатда ҳар қандай мулоқотнинг умумий қондаси: бошқа одамларнинг, ўз суҳбатдошларининг эҳтиёжлари, хоҳишларини қондира оладиган одамгина ҳурматга эриша олишлигини ёдда тутиши лозим.

7.3. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Ёш оилаларда эр-хотин муносабатлари ўзига хос ҳудудий, этник, жинсий, ёш ва индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлган эр-хотин муносабатлари шаклланишининг энг нозик ва ҳал қилувчи шакли ҳисобланади. У ёки бу ёш оилага хос бўлган эр-хотин муносабатлари бошқа бир эр-хотинга мос келмаслиги мумкин. Чунки ёш оилани юзага келтирган эр-хотинлар турли хил шахслараро муносабатлар тизими, турлича таомилга эга бўлган оилаларда тарбияланган, шахс сифатида шаклланган индивидлардан ташкил топади. Лекин шунга қарамадан махсус психологик тадқиқотларда ва улардан олинган натижалар асосида ёзилган илмий психологик адабиётларда ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий механизмларга оид тегишли маълумотлар келтириб ўтилган.

Умуман ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг қай тарзда ривожланиши аввало шу ёш оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ олди омилларининг характериға, шу оилаларнинг юзага келиш шарт-шароитлари билан узвий боғлиқдир. Булар ҳақида олдинги мавзуда қисман тўхталиб ўтдик.

Албатта, ёш оила юзага келар экан, улар бир-бирларини севиб турмуш куришганми, қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик, совчилик, ҳисоб туфайлими ёки стереотип бўйичами, қандай бўлишидан қатъий назар никоҳнинг илк кунларида уларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ўзаро муносабатларида, эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабатларда эмоционал кўтаринкилик, ҳиссий ранг-баранглик даражаси юқори бўлади. Бир-бирларини маълум бир муддат севишиб оила қурган жуптларда бундай эмоционал кўтаринкилик даражаси ниҳоятда юқори бўлади. Чунки улар бир неча йил кутиб, интилиб яшаган, висол дамларига ниҳоят етишган

бўладилар. Бундай жуфтлар никоҳи бошида эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабатларда эмоционал кўтаринкилик, бир-бирларига эмоционал интилиш жуда юқори даражада бўлади. Нафақат севишиб оила қурганлар, балки деярли барча мотивларга кўра оила қурган ёшларда ҳам никоҳнинг бошида эр-хотин ўзаро муносабатларида бир-бирига яқинлик, бир-бирини кадрлаш, хурмат қилиш нисбатан юқори бўлади. Уларнинг бир-бирларига, ўз никоҳларига, ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари ҳақидаги ният, орзу, умидлари эзгу, ижобий бўлади. Чунки ҳеч ким ва ҳеч қачон эртага бўлажак турмуш ўртоғим, янги оиламнинг янги аъзолари билан низо-жанжалга бораман, улар билан уришаман ва охир-оқибатда оилам бузилиб, ажрашиб кетаман, деб оила қурмайди (Айрим ҳолларда мажбуран оила қурганлар бундан мустасно). Инсон оила қурар экан аҳил-иноқ яшаб, мурод мақсадга етишишни орзу қилади, никоҳ арафасида ва никоҳ кечаси ҳам барча яқин биродарлар, қариндош-уруғлар, тўйга таклиф буюрган меҳмонлар ёшларга эзгу ниятлар билдирадилар. Шунингдек, ёшлар оила қуриш арафасида ва никоҳларининг дастлабки кунларида турмуш ўртоғи тимсолида, ўзининг шу орзу-истакларига, мурод-мақсадларига етишишда ёрдам берувчи, уни қўллаб-қувватловчи, уни ҳар сония, ҳар онда тушунувчи ўз табиатига яқин одамини тасаввур қилади ва унга имкон қадар шундай ижобий, илиқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилади.

Бироқ, ҳаётда, айниқса оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам одам кутганидайин бўлавермайди. Оилавий ҳаётнинг ўзига яраша нотекикликлари, паст-баландликлари, мураккабликлари, муаммолари бўлади. Шундай мураккабликлардан бири ёш эр-хотиннинг янги ижтимоий статусга, мавқега: эр, куёв, уйланган, оилали йигит, хотин, келин, турмушга чиққан аёл ролларига, ўзлари учун янги бўлган ижтимоий муҳитга, янги оилага мослашиш жараёни билан боғлиқ. Хўш бу янги шароитларга мослашиш жараёни кимда қандай кечади?

Албатта бу жараён эркакларда аёлларга нисбатан енгилроқ кечади. Чунки улар, ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аксарият ҳолларда эрнинг уйида, унинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан яшайди. Яъни йигит уйланганидан кейин ҳам ўз оиласида, ўз яқинлари ва ўзи учун олдиндан одат бўлиб қолган оилавий, шахслараро муносабатлар тизимида қолади. Аёл кишининг эса никоҳдан кейинги ҳолати, олдингисидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, у ўзи учун деярли янги бўлган, олдингисидан тубдан фарқ қиладиган муҳитга тушади. У ўзига хос шахслараро муносабатлар тизими, роллар тақсимоти, ўзига хос «почеркка» эга бўлган ўзининг қизлик оиласидан, бошқа бир оилага, бошқача бир шахслараро муносабатлар тизимига эга бўлган янги оилавий муҳитга тушади. Ундаги мавжуд «почерк» олдингисига мос тушмайди, бундаги оилавий роллар тақсимоти ҳам олдингисига ўхшамайди, у ердаги маълум бир ишни бажариш тартиби, у ёки бу ишга қўйиладиган талаблар ҳам олдингисига ўхшамайди. Бунинг устига ёш оилада ёш келин зиммасига юклатиладиган вазифалар ҳам уни қизлик вақтида бажарадиган ишларидан ҳам миқдор, ҳам мазмун жихатдан тубдан фарқ қилади. Янги ижтимоий

шароитга мослашиш жараёнининг ўзбек оилаларида аёл киши учун қийин кечишининг асосий сабабларидан яна бири унда ёш келин юқорида айтиб ўтилган вазиятларга тушиши билан бирга уларда бу янги оилада келин ўзини «бегона» деб ҳис этишидир, яъни ундаги «бегоналик эффекти»нинг мавжудлигидир.

Юқорида келтириб ўтилганлардан кўриниб турибдики, ёш оила юзага келганидан сўнг унда эр-хотин муносабатларининг «кутилганидек» ривожланишига ҳалақит қиладиган кўплаб ижтимоий психологик, этник, худудий, жинсий омиллар борки, ёшларимиз буларнинг барчаси ҳақида олдиндан ҳабардор бўлишлиги ва уларнинг салбий таъсирларини юмшатиб, ижобий жиҳатларини ривожлантиришга тайёр бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, энг эзгу ниятлар билан оила қурган ёшларда эр-хотиннинг шахсий муносабатлари бахтга қарши яхшидан ёмонга қараб ривожлана бошлайди. Чунки никоҳнинг бошида кузатиладиган эр-хотин ўртасидаги кўтаринки эмоционал яқинлик аста-секинлик билан пасайиб, улар ҳиссиётларининг ўтмаслашуви рўй беради. Бу ҳолатлар албатта ҳар қандай оилада шахслараро муносабатлар ривожланишининг ўзига хос динамикасини ташкил қилади. Бу ҳолатдан воҳиф бўлиш ва унинг ўзгаришларига тайёр туриш ёш оилаларда юзага келиши мумкин бўлган айрим кўнгилсизликларнинг одини олишга асос бўлади.

7.4. ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Эр-хотинларнинг оиладаги мулоқоти, шахслараро мулоқотнинг умумий қонуниятларига бўйсуниб билан бирга, даставвал ишдан ташқари, бўш вақтларини биргаликда ўтказиш билан шартланган ўзига хос хусусиятларига ҳам эга. Ҳамкасблар, ўртоқлар, дўстлар ва севишганлар ҳамма вақт ҳам бирга бўлиш имкониятига эга эмаслар, қайтанга, ўз мулоқотларини ўзлари хоҳлаган вақтларида бир оз камайтириб, ҳатто узиб (тўхтатиб) қўйишлари ҳам мумкин (учрашувга бориши лозимлигини «унитиб» қўйиш, кутилмаганда «жуда банд» бўлиб қолиши мумкин ва ш.к). Эр-хотинлар эса кўпинча бундай имкониятлардан маҳрумдирлар. Улар бир хонадонда, кўпинча бир хонада бирга бўлишга «маҳкум» этилган. Албатта бу гаплар кўпчилик ёшларимизда (айниқса бир-бирларини севувчи ёшларда) тушунмовчилик, ишонмаслик, эътироз туғдириши мумкин, чунки улар, ўзинг учун азиз, севимли бўлган одам билан бирга бўлиш, унинг ёнида бўлиш «мажбурияти» бу энг орзиқиб кутилган орзунинг рўёбга чиқиши-ку деб ҳисоблашлари мумкин. Бироқ бу «маҳкумлик» билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмас. Турли аҳоли пунктларида маҳаллаларда, кўни-қўшнилар ўртасида кўпинча фақат аёллардан ёки фақат эркаклардан иборат «компаниялар» ҳам беҳудага юзага келавермайди.

Қадимий, афсонавий Спарта қонунчилигида эр-хотинларни ишқий муносабатларини совуқлашиб кетишидан сақлаш мақсадида уларнинг мулоқотлари имкон қадар чегаралаб қўйилган. Унга кўра эрлар хотинларидан

ажратилган ҳолда, яъни эр ва хотин бошқа-бошқа яшаганлар ва улар фақат овлоқ жойлардагина, «бегона кўзлардан» яширин тарзда учрашиб туришлари мумкин бўлган. Бу тадбир нафақат Спарта жангчилари ўзларининг жанговор руҳларини йўқотмаслиги, ўзларининг ёш хотинлари билан машғул бўлиб қолмасликлари учунгина эмас эди. Бунда «тақиқланган мева» эффектидан фойдаланилган. Учрашишларнинг қийинлиги, худди тузсиз таомга туз, зираворлар қанчалик маза берганидек, эр-хотинларнинг бир-бирларига ҳиссий яқинлигини сезиларли даражада кучайтиради, никоҳ ришталарини мустаҳкамлайди. Ёки Шекспирнинг қаҳрамонлари Ромео ва Жулетталар ҳам, агар улар унаштирилганларидан сўнг барча қулайликлари билан алоҳида «кошона» берилганда эди, улар ўзларини бошқача тутган бўлишарди.

Доимий мулоқот бир хиллик кўринишини юзага келтиради, табиийки, бундан ҳаётдаги кундалик икир-чикирлар кўпаяди, айтилиш вақтида чуқур ҳиссиётлар ўз объектининг яқинлиги туфайли кундалик одатлар шаклини олади. Одамлар бир-бирларидан бир оз муддат айри яшашса ҳаммаси жойига тушади: муҳим тўсиқлардек туюлган нарсалар арзимаган майда чуйдаларга айланиб қолади, қисқа муддатли ҳижрон таъсирида чуқур ҳиссиётлар кучаяди ва яна ўзига яраша кучга эга бўлади.

Эр-хотин мулоқоти, муомаласининг ўзига хос нозик жиҳатларидан яна бири уларнинг бир-бирлари билан етарли даражада интим муносабатларда бўлишлигидир. Бу албатта уларнинг ўзаро муносабатида шубҳасиз ўз изини қолдиради. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бизни болаликдан оқ олган ўзига хос тарбиямиз жинсий муносабатлар, жинсий мулоқотга номаъқул уят, гўёки ахлоқсиз ҳодисадек қарашга мажбур қилади. Биз жинсий мойилликни узоқ вақт бир ёқлама паст, шармандали, одам ҳиссиёти учун ноўрин нарса деб атаб келганмиз (баъзилар ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди). Нима учун шундай бўлган? Чунки у ҳайвонлар учун ҳам одам учун ҳам умумий. Бироқ, очлик ҳам, чанқоқлик ҳам ҳайвонларда қандай бўлса, одамда ҳам шундай бўлади. Аммо бизнинг ахлоқ ва одатларимиз, маънавиятимиз доирасида улар ҳақида нафақат ошқора гапириш, балки уларга бўлган эҳтиёжларни бошқаларнинг иштирокида, кўз ўнгида қондириш мумкин, яъни улар одамларга хос деб қабул қилинган. Нима бўлган тақдирда ҳам биз ўзимизнинг «ҳайвоний» табиатимиздан бари-бир қутула олмаймиз. Бунда ҳаммаси бу ҳисларнинг юзага келишига эмас балки, уларни қачон, қаерда, қандай шароитда ва қандай тарзда намоён қиламиз, биз уларга сўзсиз буйсунадиган қуллармизми ёки мулоҳазакор ва меҳрибон хўжайинларимизми, мана шунга боғлиқ.

Одамлар оила қуришар, никоҳдан ўтишар эканлар, табиийки, сексуал муносабатларга киришадилар.

Энди никоҳдан кейин бу «мумкин». Бироқ болаликдан жинсий алоқа, жинсий акт ҳақида қандайдир бир «ёмон» нарса деб тасаввур қилиб тарбияланганлик, айрим эр-хотинларга онг остида бўлсада, халақит қилади ва бу баъзан уларнинг бир-бирларига ахлоқсиз қилиқларни қилишда ўзига хос шерик деб қарашга мажбур қилади.

Вақт ўтиши билан эр-хотинларнинг бир-бири олдидаги «сир асрорлари тобора очилиб» бораверади. Афсуски, шу бир-бирлари учун ошкоралашиб бориши фақат маълум бир зарурий чегарадагина амалга ошади. Озода, мулойим, эҳтиёткор йигит энди ўзига қарамайдиган, бефаросат, кўпол эрга айланади. Озода, бежирим, дид билан кийинадиган, камтарин, нозик қиз, бўлажак келин энди беўхшов кийинган, ўзига қарамайдиган, вайсақи хотинга айланади. Унинг олдинги жозибаси, гўзаллиги гўёки «йўқолади».

Ҳар бир халқда, ҳар қайси замонда гўзалликнинг ўзига хос белгилари, эталонлари бўлади. Гўзаллик ва гўзал эмаслик ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан сўзсиз ўзгаради. Бироқ, умумхалқ томонидан қабул қилинган ва эътироф этилган гўзаллик эталонлари билан бир қаторда индивидуал, шахсий, хусусий эталонлар ҳам бўлади. Айтишларича, бойўғли қушларнинг орасида энг гўзаллари унинг болалари эканлигидан мақтанар экан, чунки «уларнинг ҳаммасининг қулоқлари узун, боши катта, умуман ўта гўзал» экан. Ким билади, бу борада қабутар нима деган бўлар экан. Айнан шу сабабга кўра халқ ичида типратикон ўз боласини юмшоғим, кўнғиз боласини оппоғим дейди, - деган мақол бор. Шунинг учун маълум бир намунага ўзини уриш, ўзини ўшандай бўлишга мажбурлаш керак эмас. Ҳар жойнинг ҳам ўз тошу-тарозуси, ўлчами мавжуд. Хотинини севувчи эр учун унинг хотини (ёки эрини севувчи хотин учун унинг эри) умумий эталонга мос келадими ёки йўқми, бундан қатъий назар кўпинча энг гўзал, чиройли, келишган одам деб тасаввур қилинади. Айнан мана шу гўзалликни ўзига хос «зираворлар»: кийимлар, соч турмаги, ҳатти-ҳаракат, имо-ишоралар, қилиқлар, сўзлар ва шу қабилар билан сақлаб қолиш керак бўлади. Уни нафақат «халқ ичида» балки уйда ҳам сақлаш керак.

Интим муносабатлар . Бу нафақат сексуал муносабат, нафақат жинсий алоқа, балки анча очик, яқин, маънавий мулоқотдир. Интим (француз тилида - intime - «яқин», «қулай», «кўнғилдан», лотинчада intimuz - «чуқур», «чин дилдан») мулоқотлар дейилганда, психологияда шундай мулоқотлар тушуниладими, унда одам бошқа одам олдида қандайдир бир ижтимоий ролни (раҳбар ёки ходим, сотувчи ёки врач ва шу каби) бажарувчи эмас, балки айнан «ягона» шахс сифатида - нодир, такрорланмас мавжудод сифатида намоён бўлади, бунда у мутлоқо ошкора, очик, ҳеч нарсадан кўркмай, ўзининг ички олами, ўзининг барча хусусиятларини уялмасдан намоён қила олади. Бундай мулоқотда суҳбатдош одамлар ўртасида чуқур ва кенг ўзаро ошкоралик (жисмоний, психологик, шахсий, маънавий) амалга ошади. Бунда суҳбатдошларнинг танаси, фикри, ҳиссиёти, характери ва ҳаётий режалари, кадриятлари ва фикрлари очилади.

Интим муносабатларга севги, дўстлик, душманлик, ёлғизлик қабиларни киритиш мумкин. Бироқ интим мулоқотлар нафақат исталган мулоқотлар сифатида, балки хавфли, «кўрқинчлироқ» мулоқотлар сифатида ҳам идрок қилиниши мумкин. Бу мулоқотлар тушуниш ва ҳамдардликка, ўзаро қўллаб-қувватлаш, далда бериш, бир-бирини тушунишга бўлган эҳтиёжларни қондиради. Шу билан бирга эр-хотин ўртасидаги мулоқот жараёнида

томонлар ўз ҳиссиётларини, ички кечинмаларини жиловлашга, фош бўлиб қолишдан, пинҳоний туйғуларини очилиб қолишдан ҳайиқиш ҳисси намоён бўлади. Шунинг учун айрим одамлар мулоқотда кўпчилик томонидан қабул қилинган мулоқотлар даражасида қолишга ҳаракат қиладилар. Бунинг боиси, аввало одамнинг ички кечинмаларини ошкора қилиб қўйишдан кўрқиш ёки жуфти олдида ўзини «фош» қилиб қўйишни хоҳламаслик, ўзини пинҳоний, ҳатто ўзи ҳам ўзида кўришни истамайдиган хислатларни фош қилиб қўйишдан кўрқидир. Одамларнинг «ташлаб кетилишдан» кўрқиши ҳам шу билан боғлиқ (ўзини борлиғини ошкора қилиб қўйганидан сўнг сен жуфтинг учун қизиқарли бўлмай қоласан, у сени барча хислатларингни билиб, кўриб бўлганидан сўнг, сенга қизиқмай қўяди ва сени ташлаб кетиши мумкин), «жиддий танбеҳлар»дан кўрқиш (бунақа эркин, ошкора, очик мулоқотда ўзинг ҳақингда шеригинг ёки бирор-бир муҳимроқ масала ҳақида бирор-бир ножўя гапни «гапириб», «лаққиллаб» қўйишинг мумкин). Булардан ташқари мулоқотларнинг интимлигидан (яқин бўлишдан) кўпинча ўзининг ажратувчи (деструктив), бузувчи импульсларидан кўрқиш ҳам ушлаб қолиши мумкин. Интим мулоқотларда биз хулқнинг ижтимоий меъёрлари, ижтимоий тақиқларга энг кам даражада боғлиқ бўламиз ва шунинг учун ўзимизга энг яқин одамга нисбатан бўлган муносабатларимизда биз ўзимизни шундай тутишимиз мумкинки, бошқа ҳеч бир одамга нисбатан ўзимизни бунақа тута олмаймиз. Ниҳоят, мулоқотларнинг интим бўлишдан, айрим одамларни бошқа одамнинг индивидуаллигига ҳаддан ташқари ортиқча киришиб, қўшилиб кетиш, бошқа одамга «аралашиб», сингиб кетиш туфайли ўзининг индивидуаллигини йўқотиб қўйишдан кўрқиш ҳам ушлаб туради. Шунинг учун «бирлашишдан олдин ва бирлашиш учун дастлаб чегарани, алоқаларни яхшилаб белгилаб, аниқлаб олиш» ўз индивидуаллиги ва шахсини мустаҳкамлаб олиш лозим.

Эр-хотинларнинг оиладаги мулоқотининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у маълум даражада кундалик, маиший прозаик фонда амалга оширилади. Бошқа одамлар, бошқа эркалар ва аёллар билан бўлган мулоқотда биз кўтаринкиликни, уйда эса унинг ошхонасини кўрамиз. Булар эса бир-бирларидан жуда узоқ ва одамларга турлича талабларни қўядиган тушунчалардир.

Психологлар мулоқотнинг ўзига хос уч хил коммуникатив позициясини фарқлайдилар. Булар: «ота ёки она» «катта одам», «бола». Уларнинг ҳаммаси бир одамда мужассам бўлиши мумкин.

«Ота ёки она» позициясида бўлиш-бу ўзининг бошқалардан устунлигини англаш, рағбатлантириш ва жазолаш ҳуқуқига эгаликни ҳис қилиш демакдир. «Ота ёки она»нинг мурожаати одатда панд-насихатли, эътирозга ўрин қолдирмайдиган, узил-кесил бўлади, у ўзи буни доимо намоён қилавермасида, бироқ ўзига ҳурматни талаб қиладди. У тартибни назорат қилишни ва одамларни бошқаришни, жуфтига, «оталарча» («оналарча») унга ҳомийлик қилиб худди заифроқ одамга ёндошгандек ёндошишни ёқтиради.

«Катта одам» позицияси одамнинг атрофидагилар билан тенг даражада мулоқотда бўла олишни билдиради. Атрофдагиларга ўз ҳукмронлигини ҳам ўтказмайди ёки ўзига нисбатан маъқулловчи» муносабатни ҳам кутмайди.

«Бола» позициясида одам хафагарчиликка юқори сезгирликни, кўнгли бўшлиқ, осон ишонувчанлик, ўйинқароқлик, инжиқлик, бошқалардан меҳр олишни иташ, сезишни, кучлироқ одам томонидан паноҳ тутишни ва шу кабиларни намоён қилади.

Агар шу позициялар ўзаро мувофиқ келса ва ўзаро мос бўлса, масалан кимдир жуфтига нисбатан бўлган муносабатда «оталик» ёки «оналик» позициясини тутса-ю, иккинчи томон эса бажонидил «болалик»ни намоёйиш этса - бу яхши, агар иккита «катта одам» позицияси ўзаро тўқнаш келса, бу ҳам яхши, бироқ оилада иккита «ота» («она») дуч келиб қолинса, унда уларнинг мулоқотида зўриқиш, низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар.

Низоли вазиятлар одатда узоқ вақтлар давомида етилади, шунинг учун оқил ва тажрибали одамлар уларнинг дастлабки аломатларини ўз вақтида пайқаб, уларга лозим даражада муносабат билдириб, уларни бартараф қилиши ёки мумкин қадар заифлаштириши мумкин.

7.5. ЭР-ХОТИНЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Биз юқорида оилада шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологиясига тегишли масалаларга қисман тўхталиб ўтдик. Энди эса мазкур масалада ёш оила меъзонлари ҳақида фикр юритсак. Психолог ва социологларнинг фикрича, келин-куёвларнинг ёши 30дан ошмаган 1-никоҳдагилар ёш оила ҳисобланади. Одатда ёш оила тушунчаси оилавий ҳаётнинг дастлабки 10 йилини ўз ичига олади.

Никоҳдан ўтиб оила қурилгандан сўнг у бир неча босқичларни босиб ўтади. Шулардан энг кўп қузатиладигани социал ва психологик жиҳатдан катта аҳамият касб этадиган ҳам айнан шу ёш оила босқичига тўғри келади. Бу босқичда эр-хотинларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланади, фарзандлар дунёга келади, уларни тарбиялаш, вояга етказиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар амалга оширилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан ёш оилалар, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ва уларда ижтимоий, Иқтисодий ва маънавий қўллаб қувватлаш янги оиланинг барқарорлигини таъминлашга имкониятлар яратиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, эр-хотиннинг бахтиёр, тинч-тотув яшашларида уларнинг ўзаро қовушуви муҳим роль ўйнайди. Ўзаро қовишишларни шартли равишда учта таркибий қисмга ажратиш мумкин:

Биологик қовишув.

Психологик қовишув.

Социал (ижтимоий) қовишув.

Тўйдан кейинги дастлабки «асал ойи»³ одатда, осойишта, ширин, тотувлик билан ўтади. «Қолган ойлар ва йиллар ҳам худди шундай яхши, бахтли давом этиши учун нималарга эътибор бериш керак?», «Юқоридаги қовушув турларидан энг муҳими ва асосийси қай бири?» деган саволлар туғилади. Қуйида биз ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Биологик қовушув. Биологик шахобчанинг руҳий шахобчага нисбатан бир мунча турғунлигини, кам ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш зарур. Яъни шаклланган мижоз тоифасини ўзгартириб бўлмаслигини ва бунга интилишнинг самарасизлигини унутмаслик лозим. Мижоз тури жиҳатидан келин-куёвлар турлича бўлиши, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши зид тоифаларга мансуб бўлиши мумкин. Лекин буни оила мустаҳкамлиги учун хавфли омил деб ҳисоблаш хато бўлади. Кўп ҳолларда бундай оилалардаги эр-хотинлар бир-бирларида етишмайдиган психологик хусусиятларни тўлдириб турадилар. Шу билан бирга холерик турга мансуб бўлган эр-хотинлар ўртасида салга низо-жанжаллар чиқиши муҳим омил бўлиши мумкин. Қайлиқларнинг мижоз жиҳатдан турмуш қуришлари турли кўринишлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, ХХ (холерик куёв - холерик келин), ХС (холерик-сангвиник), ХФ, ХМ, СС, ФФ, ФМ, ММ, ва бошқа мураккаб қовушувлар. Бу ерда энг муҳими мижоз тури эмас, балки улар ўртасидаги ҳиссиёт кучи, психоло-педагогик билим савияси, оилавий ҳаётни мустаҳкамлашга интилиш, тарбия ва маданий савия даражаси, ўзаро муносабатлардаги маданиятдир.

Билимларни текшириш учун саволлар:

- 1. Оиладаги мулоқот билан оиладан ташқари шахслараро мулоқотларнинг ўртасида қандай фарқ мавжуд?*
- 2. Мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қандай тўсиқларни биласиз?*
- 3. Оилавий муносабатлар нима?*
- 4. Ёш оилада эр-хотин муносабатлари қандай ривожланади?*
- 5. Эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги нималардан иборат?*
- 6. Интим муносабатларга нималар қиради? Улар қандай намоён бўлади?*
- 7. Мулоқотнинг қандай коммуникатив позициялари фарқланади?*
- 8. Эр-хотинлик муносабатларидаги мослашув, қовушув қандай амалга ошади?*
- 9. Никоҳгача бир-бирларини яхши билмаган ҳолда бир-бирларини тўлиқ тушуниб, никоҳдан сўнг қанча кўп билган сари бир-бирларини шунчалик тушунмайдилар (тушунишни истамайдилар). (Г.Шоумаров) Мазкур иборадаги парадоксни психологик таҳлил қилиб, илмий асослаб беринг?*

³ Қадимги юнонларда никоҳдан ўтиб оила қурган ёшлар ихтиёрига эчки ва асалариларни топшириб, бир ойга тоққа кўчириб юборардилар. Бир ой давомида ёш келин-куёв эчки сути билан асални истеъмол қиладилар ва табиат кучоғида яшайдилар. Бундан кўзда тутилган мақсад - улардан туғилажак фарзанднинг соғлом бўлишини таъминлаш бўлган.

Мавзуга оид афоризмлар:

- Аёл қалбини очадиган калит камдан-кам эркакларда бўлади. Аксарият эркаклар қалб қулфини лом билан очадилар.

Леонард Дживецкий

- Эрини севадиган хотин эри учун ҳар нарсага тайёр. Фақат икки нарсадан воз кеча олмайди. Бу - эрини тарбиялаш ва унинг хатти-ҳаракатларини танқид қилишдир.

Джон Пристли

- Гўзал аёлни севмаслик жинойт ҳисобланса, уни севиш жазодир.

Вал. Девятый

- Ҳеч бир аёл ақлсиз эркакни ақлли қила олмайди, аммо энг ақлли эркакни ҳам ақлу-хушини олиб қўйишга қодир.

Ванда Блоньская

- Аёллар эркакларни бахтли қилишнинг битта йўлини, бахтсиз қилишнинг эса мингта йўлини биладилар.

Генрих Гейне

- Соф ёлғизлик - бу сени тушунмайдиган одам билан яшаш.

Элберт Хаббард

- Ақлли аёл учун эркак муаммо эмас, аксинча муаммонинг ечимидир.

Сари Габор

- Эркак киши ўзини ёмон ҳис этса, аёл кишини қидиради. Агар жуда яхши ҳис этса, яна янгиларини қидиради.

х х х

- Эркак бўйнига аёллар қанчалик кўп осилса, эркак ўзини шунча енгил ва мағрур ҳис этади.

х х х

- Бўйдоқнинг уйлангандан фарқи нима?

Бўйдоқ уй ишларининг ҳаммасини ўзи қилади, уйланганнынг эса хотини мажбур қилади.

Константин Мелихан

- Эркак киши аёлни ҳар томонлама ўрганиб бўлгач, ундан ақл қидира бошлайди. Шунинг учун бўлса керак ўта ақлли, зехнли, истейдодли аёллар оила қуришга қийналадилар.

х х х

• Эркаклардаги муҳаббат ҳисларини узоққа чўзилмаслигининг сабаби улар севгидан эс-хушларини, шу жумладан хотирасини йўқотишади. Шу сабабли ҳам улар севгилисини тез унутишади.

(Г.Шоумаров)

х х х

• Эркак кишини қўлда ушлаш учун, аввало аёл ўзини қўлда тута билиши керак.

х х х

• Одам Ато билан Момо Ҳаво жуда бахтли ҳаёт кечиришган, чунки уларда қайноналар ва қайнона-келин муносабатлари бўлмаган. Аммо улар бир масалада зерикишган, яъни ғийбат қиладиган одам бўлмаган.

х х х

• Аёл киши эркакни жаннатдан олиб чиқиб кетган. Аммо эркакни жаннатга олиб кирадиган ҳам аёлдир.

х х х

• Эркак кишини жаннат боғидан олиб чиқиб кетган ҳам ва уни ҳаётини жаннат ёки дўзахга айлантиришга қодир бўлган ҳам аёлдир. Шуни билган ҳолда турмуш ўртоғингни танлашда адашма!

Мавзуга оид латифалар:

Эр ишдан келиб кечки овқатни еяпти. Тўсатдан бошини кўтариб хотинидан сўради:

- Нима учун сен менга шакарсиз кофе бердинг?
- Шунчаки, мен сени овозингни эшитишни хоҳлаган эдим холос.

х х х

- Оламда нима гаплар бор, дўстим?
- Хеч нимадан хабарим йўқ. Чунки хотиним бир ҳафта бурун байрам кутгани онасиникига кетган.

х х х

Ҳаёлпаршонлик:

- Қизим, нега менга бунчалик дағдаға қиляяпсан?
- Вой кечирасиз ойижон, ҳаёлпаршонлик, мен сизни қайнонам деб ўйлабман.

х х х

Ёш куёв хотинига дашном берди:

- Турмуш қурганимизга хали бир кун ҳам бўлгани йўғу, жанжал қиляяпсан.

- Ахир, мен буни нақ икки йил кутдим.

х х х

- Бемор аёл эрига деди:

- Холингизга ачинаман. Ўлиб қолсам нима қилар экансиз-а дадаси?
- Аввал ўл... Кейин нима қилишни ўзим биламан...

х х х

- Доим мени «ёмонсан» деяверасиз. Бир ёстикқа бош қўйганимизга ҳам ўн беш йил бўлибди. Сиз учун наҳот бирон кун ҳам яхши бўлмаган бўлсам? - деди хотин навбатдаги жанжалдан сўнг.

- Нега энди, уйланмасимдан олдин яхши эдинг, - деди эр.

х х х

Дарғазаб хотин кеч келган эрига:

- Уйга тонгги соат тўртда кириб келсангиз! Бу ишингизга бирон нима дейишга сўз тополмайман!

- Эр енгил тортиб:

- Худога шукур...

х х х

- Йўқ! Бунақа эр билан яшаб бўлмайди!

- Ундай бўлса ажраш.

- Бекорларни айтибсан! У мени ҳаётимни барбод қилса-ю, яна мен уни бахтиёр қиларканманми?

х х х

- Бу уйда ўзи ким хўжайин?! - бақирди бор овози билан эр.

- Мен! - дағал жавоб берди хотини. - Нима эди?

- Йўқ, ҳеч нарса, ҳаммаси жойида, шунчаки сўрадим - қўйдимда...

Мавзуга оид ривоятлар:

1. Танноз хотиннинг тузалиши

Бир одам жуда нозли қизга толиб бўлди. Анча ноз-истиғнолардан кейин турмуш курдилар. Ул аёлда тарбия жуда оз эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас эди. Иши фақат нозланиш эди, холос. Турмуш курганларига бир неча кун ўтгандан сўнг ноз билан:

- Вақт ўтиб сатанглигим тутади. Ул вақтда менга ҳеч нарса демагил. Иш қилмайман, заҳмат чекмайман. Агар осмон бошимга узилиб тушса ҳам у кунда бирор иш қилмайман,- деди.

Эри ақлли одам эди. Бир оз сукут сақлаб, хотинининг гапига тушунгандай бўлиб:

- Дуруст, сатанггинам, мени ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. Ул вақтда сен менинг ғазабимга дучор бўлма,- деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг сатанглиги орта борди. Ул одам қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Секин-секин ишлари эр жонига тега борди.

Бир куни уйига келиб:

- Хоним, шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман,- деди.

Хоним ҳар вақтдагидек жойидан қимирламади. Ул одам гапини такрорлади. Яна ҳеч сас йўқ. Ул одам қайтарди.

Хотин:

- Бугун дангасалигим тутиб турибди, ҳеч иш қилмайман,- деди.

Ул одам белидан камарини ечиб, хотинини, «мана сенга, мана сенга дангасалик», деб савалади.

Хотин бақирди:

- Вой дод! Вой белим, вой кўларим! Вой ўламан!

- Жаҳлим чиқди хоним, чида, эшаклигим тутиб кетди,- деб яна камар билан савалай бошлади, эркак.

Шундан кейин хотинининг ақли кириб:

- Бўлди, афандим, менинг дангасалигим кетиб қолди,- деди.

Шундай қилиб, на эрда эшаклик қолибди, на хотинда дангасалик, таннозлик қолибди. Хасталиклардан халос бўлибдилар.

2. Бундай қайнона дўстларга муборак бўлсин

Турмушларининг янгилигида, бахтли ширин ойларни ўтказётган кунларида ёш келинчак ва куёвлар рўзгорнинг баъзи эҳтиёжларини олишни хошлайдилар. Эр кечкурун севиқли хотини хуш кўрган нарсаларни олиб келди.

Қайнонаси уларни кўргани меҳмон бўлиб келган эди.

Куёв олган нарсаларини хотинига бир-бир кўрсатиб, «буни бундай, бунисини бундай олдим», деди қувониб. Хотини бепарволик билан:

- Ҳеч нарсани тушунмадим, - деди.

Йигитнинг кўнгли оғриди. Қошлари керилди, секин-аста хафа бўла бошлади. Шу пайт хушфёъл, тажрибали, аччиқ-чучукни тотган, ҳаёт мактабини ўтаган ақли қайнона орага тушиб, қизига:

- Эй, менинг жоҳил, ўз кадрини билмаган қизим! Эр келтирган нарсаларга ҳам бепарво бўладими? Сен бу ёмон одатни қаердан ўргандинг? Отанг бирор нарса олиб келганида бепарво бўлганимни ҳеч кўрганмисан? Агар мен отангга шундай муомала қилсам, у менинг таъзимимни берарди ва шу заҳоти уйдан ҳайдаган бўларди. Менинг хушфёъл, вазмин куёвим, болам, ҳақиқатан сиз жуда сабрли экансиз, деб жоҳил қизига насиҳат қилди.

Шундан кейин бу жоҳил, тарбиясиз ёш келин эри олиб келган нарсаларга бепарволик қилмабди. Йигит қайнонасини дуолар қилибди, чунки улар ҳузур кўриб яшабди. Хотинининг совуқ муомаласи, тумтайган суратидан кутилибди.

3. Сенинг бир кўзинг кўрар экан

Ўтган замонларда бир кўзи ожиз, бой-бадавлат йигит уйланибди.

Йигит уйига меҳр кўйган, яхши фёлли эди. Ҳар оқшом уйига кучоғини тўлдириб нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб олиб, ҳурмат кўрсатар эди.

Орадан йиллар ўтибди. Ул одамнинг иши бирдан орқага кетибди-ю, бир куни уйига қўллари бўш келибди.

Хотини ақли оз, фёлли ёмон ва тарбияси яхши эмаслигидан, эри уйига кирар-кирмас

- Вой афандим, сизнинг бир кўзингиз кўрар экан-а!.. - деб юборибди.
Кўпни кўрган ул одам:

- Хоним, шу кунгача кўрмаганмидинг? - деб совуққонлик билан жавоб берибди. Бефаҳм хотини унга:

- Шу пайтгача кўлингизга қараб, кўзингизга қарашга вақт бўлмаганди, - дебди.

- Хоним, - жавоб берибди ул одам, - эрингнинг икки кўзи кўрдир. Кўр бўлмаса, бош оғриқ килиб, сен каби ақли қисқани олармиди?

VIII БОБ. ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР, АЖРАЛИШ, УНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

8.1. ЭР-ХОТИН НИЗОЛАРИ

Оилавий низоларнинг энг характерлиларидан бири бу эр ва хотин ўртасидаги низолардир. Хўш, энг эзгу ниятлар билан, бир-бирларини севиб оила қурган ёшлар нега оила қуришгандан кейин уларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжаллар рўй беради? Улар нима учун урушадилар? Умуман эр-хотинлик ҳаётида низоларсиз, уруш жанжалларсиз ҳам яшаса бўладими? Бу каби саволларни яна кўп давом эттириш мумкин.

Халқимизда бир гап бор: Ошсиз уй бўлиши мумкин, лекин низосиз уй бўлмайди. Фақат, низонинг низодан фарқи бор. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ҳақиқатдан ҳам илк болалиқданок кўплаб эртақлар эшитиб, кейинчалик ўзлари ҳам уларни турли китоблардан ўқиб ўсган ёшлар ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётларини адекват тасаввур эта олишлари мушкул. Чунки эртақларда ҳам, кинофильмларда ҳам қаҳрамонлар бир-бирларига етишгунларига қадар не не машаққатларни, захматларни бошларидан кечириб, бу йўлда дуч келган қора кучларни енгиб, охир-оқибатда висолга эришадилар, эл-у юртга «қирқ кеча-ю, қирқ кун аёқлаб тўй бериб, мурод мақсадларига эришадилар». Деярли барча эртақлар, фильмлар, айниқса бизнинг ёшларимиз, қизларимиз севиб тошмоша қиладиган ҳинд фильмлари, аксарият ҳолларда шу тариқа яқунланади. Бунга сизлар ҳам кўп марта лаб гувоҳ бўлгансизлар.

Бундан ташқари аксарият муваффақиятли оилаларда тарбия топган йигит - қизлар ўз ота-онаси оиласини, уларнинг турмуш тарзини, бир-бирларга нисбатан бўлган ўзаро муносабатларини ва қатор шу қабиларни ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун идеал деб олишади ва улар ҳам оила қуришганларидан сўнг ўғил болалар худди ўз отасидек ва қизларимиз ўз оналаридек «ота», «она», «эр», «хотин» бўлишни орзу қиладилар. Чунки улар ўз ота-оналари мисолида, бир-бирларига нисбатан салбий муносабатда бўлувчи, бир-бирлари билан низолашиб турувчи эр-хотинларни кўрмаганлар. Мабодо бундай вазиятлар ва низолар юзага келиб қолгудек бўлса ҳам, уларнинг ота-оналари бу ҳолатни фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали намунавий аҳил, бахтли оилалар ҳақида бериб бориладиган материалларда ҳам аксарият ҳолларда эр-хотинлик муносабатларини бир ёқлама, фақат яхши томондан кўрсатиш анъаналари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ёшларда оилавий ҳаёт ҳақида бир ёқлама ижобий тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлади.

Шундай эртақмонанд тасаввурлар, орзулар оғушида оила қурган ёшлар, ўзларининг оилавий ҳаётларида дастлабки муаммоларга дуч келишлари биланок, уларнинг оилавий ҳаётлари ўзлари кутганларидек бўлмаётганлиги, турмуш ўртоғини танлашда «хато қилганлиги», улар олдинги (тўйдан олдинги) ҳолатига нисбатан маълум даражада (албатта) «салбий» томонга ўзгариб қолганлиги қабиларни «тушуна» бошлайдилар. Шунингдек, ёш оилада эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари, айниқса, ёш ўзбек оиласида

унинг этник, ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш келин ва куёвнинг янги ижтимоий шароитларга мослашиши жараёни билан боғлиқ қийинчиликлар эр-хотин муносабатларида низоли вазиятлар ва низоларни юзага келтириши мумкин.

Афсуски, бундай жараёнлар деярли ҳар бир оила учун муқаррар бўлган ва аксарият ёшлар оила қуриш арафасида ўз никоҳларидан кутмаган жараёнлардир.


Хўш бу жараёнлар, яъни эр-хотин низолари керакми? Улар эр-хотиннинг ўзаро муносабатларига қай даражада таъсир этади? Ўтмиш донишмандаридан бири ҳақли равишда эр-хотин низоларини гармдорига қиёслаган экан. Гармдори аччиқ, лекин у меёрда бўлса иштаҳани очади, меёридан ортиб кетса, оғиз, лаб, тилни куйдириши, нохуш ҳиссиётларни юзага келтириши мумкин. Низоли вазиятлар ҳар қандай оилада у ёки бу даражада юзага келади. Оила қандай бўлишидан қатъий назар низолардан мутлақо ҳоли (ҳимояланган, кафолатланган) бўла олмайди. Чунки оиладаги шахслараро муносабатлар одатда низосиз бўлмайди. Бу низолар маълум даражада эр-хотин муносабатларини ривожлантирувчи катализатор вазифасини ўтайди. Лекин низонинг низодан фарқи бор. Улар келиб чиқиши, ташқи ифодаланиши, такрорланиб туриш тезлиги (сони) ва ниҳоят оқибатларига кўра бир-бирларидан фарқланади. Бирор-бир махсус меъзон йўқки, шунга асосан низоларнинг қайталаниши, кучи, даражаси ва бошқа маълумотлари (кўрсаткичлари)ни аниқ белгилаб бериш (олиш) мумкин бўлса. Бунда ҳамма нарса субъектнинг ўзига, унинг шахсий, психологик хусусиятларига, ёшига, жинсига, унинг қўйилишига, низонинг қандай идрок қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Маълумки, бир-бирларига айнан ўхшаш, мос икки одамнинг бўлиши мумкин эмас, чунки шахс ва унинг индивидуаллиги такрорланмасдир. Шундай экан икки ва ундан ортиқ шахсдан (индивид)дан ташкил топган оила ҳам икки, уч карра такрорланмасдир. Бир оила учун меёрида бўлган шахслараро муносабатлар тизими, иккинчи бир оилага мутлақо мос келмаслиги, ёки бирон бир оила учун у қадар аҳамиятга эга бўлмаган низо ва унинг сабаби бошқа оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида жиддий оқибатлар олиб келиши мумкин ва ҳоказо.

Шундай экан жамики оилаларга хос бўлган низолар ва уларнинг сабабларини ягона бир ўлчам ёки характеристика билан кўрсатиб бериш масаласи ҳам мантиққа тўғри келмайдиган ишдир. Лекин турли тоифадаги оилаларни ўрганиш, улар аъзоларининг ўзаро муносабатларини таққослаш ва шу кабилар асосида айрим нисбий хулосаларга, мулоҳазаларга келиш мумкинки, шу нисбийликдан ҳар бир одам ўзи учун нисбатан «тегишли» хулосалар чиқариб олиши лозим бўлади. Шунинг учун, биз қуйида оилавий муносабатлар, оиладаги низолар ҳақида фикр юритар эканмиз, уларнинг барча оилаларга мутлақ тегишли бўлишлигини (эканлигини) даъво қилолмаймиз. Қуйидагилар ҳам бизнинг нисбий мулоҳазаларимиздир.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал

қилиш учун биринчи навбатда уларни кимлар ўртасида юз бераётганлигини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.




Оилавий низоларда кимлар иштирок этаётганига кўра уларни қуйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- * эр-хотин ўртасидаги низолар;
- * қайнона-келин ўртасидаги низолар;
- * қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- * овсинлар ўртасидаги низолар;
- * ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.

Албатта, бу рўйхатни янада давом эттиравериш мумкин, лекин биз ҳозирча шу юқорида келтирилганлар билангина кифояланиб, оилавий ҳаётда рўй бериш эҳтимоли нисбатан юқори бўлган низоларнинг энг асосийси бўлмиш эр-хотин ўртасидаги низоларнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман оилада эр-хотин ўртасидаги низоларнинг юзага келиши ва ривожланиши тахминан 1-расмда келтирилган схемадагидек бўлиши мумкин.

Биринчи расмдан кўриниб турибдики, ҳар қандай оилада эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар. Лекин шу низоларнинг характери, уларнинг оқибатларига кўра турли оилалар ва улардаги оилавий муносабатлар бир-бирларидан фарқланади. Шундай экан биз даставвал муваффақиятли ва муваффақиятсиз оилаларда рўй берадиган низоларни кўриб чиқайлик. Расмда кўриниб турганидек муваффақиятли оилалардаги низолар бириктирувчи ва муваффақиятсиз оилалардаги низолар эса ажратувчи характерга эга. Шунинг учун ҳам психологик адабиётларда низолар шартли равишда «конструктив» («бириктирувчи») ва «деструктив» («ажратувчи») низоларга фарқланади. Улар, ўзларининг юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг хал этилиши, кечиниши, иштирокчилари, оқибатлари ва бошқаларнинг характерига кўра бир-бирларидан фарқланади.



1 - чизма. Эр-хотин муносабатларида низоларнинг ривожланиш йўли.

Бириктирувчи низоларнинг юзага келишига асос бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг, бутун оиланинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса бунинг оқибатида оиланинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўз ечимни топади. Бундай низоларга оиладаги тартиб, интизом, озодалик, оила бюджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бола тарбияси ва бошқа шу каби тоифадаги низолар мисол бўла олади. Улар асосан эр-хотин ўртасидагина юзага келади, уларнинг иштирокчилари ҳам фақат эр-хотинларнинг ўзларигина ҳисобланадилар.

Бундай низоларнинг муваффақиятли ҳал этилишида эр-хотинларнинг бир-бирларини янада яқинроқ билиб, тушуниб, бир-бирларининг салбий ва

ижобий хусусиятларини ўрганиб бориш, бир-бирларига мослашиш, муаммоларни хал этиш борасида ҳамкорлик қилиш каби оилавий ҳаёт мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилувчи жараёнлар амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, бундай низолар «эр-хотиннинг уруши - дока рўмолнинг қуриши» каби низолар тоифасига киради. «Дока рўмолнинг қуриши» эр-хотин ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиради.

Ажратувчи низоларда уларнинг юзага келишига асос бўлган муаммо ва унинг ечими эр-хотинлардан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши кўпинча, иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Масалан, эрни ёки хотинни шахсан ўзи учун бирон нима харид қилиши, эрнинг ёки хотиннинг иши туфайли, ўзбек оиласи учун характерли бўлган низолардан бўлмиш эр ёки хотиннинг қариндош уруғлари билан бўладиган муносабатлар туфайли юзага келадиган низолар шулар жумласига киради. Бундай низоларнинг ҳал қилиниши, яъни бир томон манфаатларининг қондирилиши кўпчилик ҳолатларда иккинчи томон манфаатларининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Бундай вазиятларда манфаати бой берилган томонда норозилик, эътироз сақланиб қолади ва бу кейинчалик яна кучайиб навбатдаги низони юзага келишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ажратувчи низоларда, низо хал этилгани билан, низоли вазият сақланиб қолаверади.

Шунингдек ажратувчи низолар уларни юзага келтирган сабаблар бевосита эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари доирасидан ташқаридаги омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Уларнинг сабабчилари ва иштирокчилари ҳам баъзан эр-хотиндан ташқари учинчи одам бўлиши мумкин, уларнинг ҳал этилиши ҳам эр-хотинларнинг ўзларигагина эмас, балки шу учинчи (бошқа) одамга боғлиқ бўлади. Буларнинг оқибатида низоларни янада кучайиши, сонининг ортиши кузатилади.

Ажратувчи низолар, аксарият ҳолларда «чегараланмаган» низолар бўлиб, ўз характери, иштирокчилари, ҳал этилиши ва оқибатларига кўра эр-хотин муносабатлари доирасидан четга чиқади. Бундай эр-хотин низоларига оиланинг бошқа аъзолари: қайнона, қайнсингил, овсинлар, ва бошқалар ҳам аралашади.

Ижтимоий психологияда гап, сўз, низо ҳақидаги маълумот бир оғиздан чиқиб, кишиларнинг кенг томонига қараб ҳаракатлана бошлайди. Унинг кўлами маълумот манбаидан узоқлашиб, ундан хабардор бўлган ва унга жалб этилган иштирокчилар сони ортиб борган сари кенгайиб бораверади.

Эр ёки хотин бир-бирлари билан уришиб қолганларидан сўнг бу ҳақда учинчи бир одамга гапирадиган бўлса, имкон қадар шу низода ўзини айбсиз, ҳақ қилиб кўрсатишга, шу учунчи одамни унинг манфаатларини ҳимоя қилишига оғдириб олиш мақсадида бир ёқлама гапиради. Бунда субъект фойдаланадиган гап-сўзлар, оҳанг, имо-ишора, мимика, урғу ва бошқалар деярли барча вербал ва новербал воситалар рўй бериб ўтган ҳодиса (низо-жанжал)нинг асл ҳолатига қараганда бўрттириброқ идрок этилишини таъминлайди. Низо ҳақида қанчалик кўп одамга гапириб бераверилган сайин

у аянчли тус олган холда авж олиб борверади ва оқибатда фожеали натижаларга ҳам олиб келиши мумкин

Шундай экан, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган низоларга бирдек салбий жиҳатдан қарайвериш ҳам, ёки уларни бирдек оқлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ёшларимиз оилавий ҳаётда рўй берадиган бириктирувчи низоларга тайёр бўлишлари, уларни бириктирувчилик, эр-хотинни бир-бирларига мослашувларига, уларнинг ўзаро муносабатларининг ривожланишини таъминловчи, уларнинг ҳар иккаловининг ҳам, яъни «биз»нинг манфаатига қаратилган низоларнинг бириктирувчанлик имкониятларидан самарали фойдаланишга, уларни салбий оқибатларга олиб келувчи низоларга айлантириб юбормасликка ўрганишлари лозим. Албатта ажратувчи «мен» характеридаги «чегараланмаган» низоларни олдини олиш, унинг оқибатларидан воқиф бўлишлари ҳам мақсадга мувофиқ.

1-чизмада кўриниб турганидек эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида юзага келадиган конструктив низолар аксарият ҳолларда эр-хотин ўртасида юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларнинг ҳал этилиши, уларнинг ўртасида ҳамкорликнинг юзага келиши ва охир-оқибат эр-хотин муносабатларининг мустаҳкамланишига олиб боради.

Ажратувчи низоларда юқорида айтиб ўтганимиздек, бир низонинг ҳал этилиши (яъни эр-хотинлардан бирининг манфаатининг қондирилиши) навбатдаги низонинг юзага келишига асос яратар экан, ўз навбатида бундай «мен» характеридаги, «чегараланмаган» низолар туфайли эр-хотин муносабатларида низолар «эскалацияси» шаклланиб қолади ва оилавий ҳаёт эр-хотин учун «узлуксиз жанг майдони»га айланиб қолади. Бундай низоли муҳит нафақат шу оиладаги эр-хотиннинг руҳий оламига, уларнинг асаби, соғлиғи, ижтимоий ҳолатигагина эмас, балки шу оилаларда дунёга келиб шундай муҳитда тарбияланаётган фарзандларнинг руҳий оламига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бундай оилаларда ҳукм сурган низоли вазият, доимий жанжаллар меҳр-оқибатсизлик, ўз асоратини фақат шу оилаларнинг ўзидагина қолдирмай, балки шу оила фарзандлари томонидан тузилажак кейинги авлод оилаларига ҳам ўз асоратини олиб ўтиши мумкин.

Эр-хотин муносабатларида низоларнинг ривожланиш йўли тасвири берилган 1-чизмадан кўриниб турибдики, янги юзага келган оилаларда эр-хотин муносабатларининг у ёки бу тарзда ривожланиши оқибатида шартли равишда тўрт хил оилалар шаклланиб боради. Булар: ўзаро муносабатлари мустаҳкамланган оилалар; муносабатлари вақтинча мустаҳкамланган оилалар; янги низолар юзага келиб ва такрорланиб турадиган (низоли) оилалар; ва ниҳоят муносабатлар узил-кесил бузилиб ажралишиб кетган оилалар.

Буларнинг орасида энг мақбули - 1-тоифа оилалар. Ёшларимизнинг ҳар бири шундай мустаҳкам оила қуришга интилишлари лозим. 2-тоифа оилалар муносабатлари вақтинча мустаҳкамланган оилалар. Бундай оилаларда бўлиб ўтган низолардан сўнг эр-хотинлар ўз вақтида бўлиб ўтган низолар, зиддиятлардан тўғри хулоса чиқаришиб, ўз хатоларини вақтида англаб етиб, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилсалар, уларда ҳам ўзаро

хамкорлик юзага келиши мумкин. Агарда қулай шарт-шароитлар юзага келмаса, эр-хотинлар ўз хатоларини тушуниб етиш ва уларни тузатиш борасида етарлича билим, тажрибага эга бўлмасалар, ёки бу хатоларни бартараф қилишни хоҳламасалар, шунингдек уларнинг катта ёшдаги қариндош-уруғлари, яқинлари ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларга умумий йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бермасалар, ва аксинча ёш оила ҳаётига ноўрин аралашгундек бўлсалар (афсуски бундай ҳолатлар ўзбек оилаларида тез-тез учраб туради), бундай ҳолларда вақтинчалик эришилган зўришларнинг пасайиши кейинчалик яна янги низоларнинг юзага келиши билан авж олиб кетиши мумкин.

Учинчи тоифа оилалар низодан кейинги вазият характериға кўра: **«низолар қисман ҳал қилинадиган → зўриқишларнинг кучайиши → янги низонинг юзага келиши → улар яна қисман ҳал қилиниши»** занжиридаги оилалар бу тўрт тур оилалар ичида энг характерлиси ва жиддий эътибор талаб қилинадиганидир. Чунки айрим оилалар (4-тоифа) эр-хотин муносабатлари ёмонлиги, низолар чуқурлашуви, зўриқишлар кескинлашуви (ҳатто айрим ҳолларда арзимаган нарсалар) туфайли бузилиб кетиши мумкин. Албатта ажралиш ҳодисаси бу никоҳ оила муносабатлари учун аянчли. Айниқса, бундай ҳолларда оилада фарзандлар бўлса, улар отасиз ёки онасиз қолишади. Ажралишдан сўнг ҳар икки томоннинг ижтимоий аҳволи кескинлашади. Лекин биринчи маротаба оиласи бузилган одам келгуси сафар ўз хатоларини тузатиши, балким кейинчалик «ўз тенгини топиб» бахтли ҳаёт кечириб кетиши ҳам мумкиндир.

Бироқ 3-тоифа оилаларнинг ўзбек этноси учун характерли яна бир жиҳати шуки, ўзбекларда, шунингдек, тожик, қирғиз, қозоқларда ҳам оилаларнинг бузилиб кетиш ҳолларига бошқа, европа халқларида бўлганига нисбатан салбий муносабатларда бўлиш анъаналари кучли. Яъни ажралиш жамоатчилик фикриға кўра қораланади. Бунинг устиға ўзбек оилаларида қариндош-уруғчилик никоҳлари бошқа қардош миллатлар оилалариға қараганда кўпроқ учрайди. Мабодо бундай оилаларда эр-хотин муносабатлари кутилган тарзда ривожланмаса, яъни улар низо-жанжалли, бир-бирларини тушунмайдиган, бир-бирларига мос тушмайдиган, психологик қовуша олмайдиган бўлсалар ҳам «оила бузилмасин», «қариндош-уруғчилик узилмасин» қабилида иш тутиб, қандай қилиб бўлмасин оилаларни сақлаб қолишға ҳаракат қилинади.

Ҳозирги вақтда никоҳ-оила муносабатлари заминида юзага келадиган нохуш ҳодисалар, ҳар хил асаб бузилишлар касалликларнинг келиб чиқиши, ҳар хил жиноятлар, қотилликлар, ўз жонига қасд қилиш, хиёнат, болалар тарбиясининг бузилиши ва шу каби қатор кўнгилсизликларнинг аксарияти шу 3-тоифа оилалариға тўғри келади. Шунинг учун ҳам нафақат ёшларимиз балки фаолияти бевосита никоҳ-оила муаммолари билан боғлиқ бўлган мутасадди ходимлар, маҳалла, ҳокимият вакиллари, катта ёшдагилар ҳам ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик хусуиятлари, эр-хотин низолари, оилавий низолар психологияси ҳақида тегишли маълумотларға эга бўлишлари мақсадға мувофиқдир. Ёшларимиз эса эр-хотин низоларини

жиддий, аянчли оқибатларга олиб келувчи: ажратувчи «мен» характеридаги «чегараланмаган» турларидан огоҳ бўлиши, ўз ҳаётларида шу тоифа низоларнинг юзага келтирмаслик, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида зарур бўлган билим ва маълумотларга эга бўлишлари лозим.

8.2. ОТА-ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР

Бундай келишмовчиликлар учун замин бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқни ҳисобга олинмаслиги;

Ёшларнинг бўш вақтини мустақил ташкил этиши, дўстлар танлашдаги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдоши танлашда мустақиллик учун ота-оналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги;

Ота-оналар ичкиликка ружу қўйиши ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб, бузуқчилик қилиши;

Баъзи болаларни меҳнат қилишга ўргатилмаганлиги ва бунинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиши;

Айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши ва ҳоказо.

6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридаги каби камчиликлар натижасида оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Фарзандлик бурчини бажармаслик у ёқда турсин, ҳатто, ичиб келиб, ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онасини шарманда қилаётган суюқоёқ фахшпарастлар борлигига нима дейсиз?

Баъзи ота-оналар болаларда 3, 6, 13-14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар. Бу ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қўшилмалар юзага келади. Бу эса уларнинг катталар, жумладан ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Буни сезмаган баъзи ота-оналар «болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди», деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар. Бунга қарши ўзларича чоратадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмайд қоладилар. Боланинг ота-онадан бешиш ҳоллари кузатилади.

8.3. ҚАЙНОНА - КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР

Оилага янги тушган келинларнинг кўпчилиги юзага келадиган баъзи кийинчиликларни осонлик билан енгиб, келинлик вазифаларини кўнгилдагидай эплаб кетадилар, қайноналарини рўзғор ташвишларидан халос қиладилар, тезда уларнинг меҳрига сазовор бўладилар. Қайноналар ҳам

бундай келинни «қизим» деб бағриларига оладилар, билмаганини ўргатадилар, қийналганида ёрдам берадилар, ҳаётий йўл-йўриқ кўрсатадилар. Уларга уй-рўзғор ишларида ва болалар тарбиясида яқин кўмакдошга айланадилар. Бироқ ҳаётда қайнона-келин орасида турли тўқнашувлар ҳам содир бўлиб туради. Гап қайнона-келин ўртасида борар экан, шуни айтиб ўтишимиз лозимки, бу масала азал-азалдан одамларнинг, инсониятнинг атоқли намоёндаларининг диққат эътиборида бўлиб келган муаммолардан биридир. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шарқ мутафаккирларидан бири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул вақое» (Нодир воқеалар) номли китобда қайнона келин-низолари ҳақида ёзар экан шундай дейди: «Қайнона-келин низолари бундан олдинги оилаларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Улар доимо уришаверадилар. Улар нима учун уришадилар? Чунки улар нима учун уришишаётганликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Шунинг учун урушадилар». Демак бу ўринда қайнона-келин низолари, сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш алоҳида аҳамиятга молик масала эканлиги кўриниб турибди. Бундай келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввур шаклланган бўлади. Айниқса ёшлар қайнонани олдиндан фақат салбий қиёфа сифатида тасаввур қиладилар. Кейин эса оила қуриб, тасаввуридаги эмас, балки ҳаётдаги қайнона билан яшай бошлайдилар. Оқибатда улар ўз тасаввуридаги қайнонага хос бўлган камчилик ва иллатларни ҳаётдаги қайнонадан ахтара бошлайдилар. Борини-ку топишлари аниқ, ҳатто йўғини ҳам топишга ҳаракат қиладилар. Чунки тасаввурлари уларни алдаганини тан олишни истамайдилар.

Ҳаётда камчиликсиз одам бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Идеал қайнона, идеал келин ҳам бўлиши мумкин эмас.

Келинлар ўзлари тушган янги оила аъзоларига илк таассурот асосида баҳо беришга ошиқмасликлари лозим. Акс ҳолда, пашшадан фил яшаш ҳам ҳеч гап эмас. Келинлар оғир босиқ, сабр-тоқатли бўлишлари иложи борича ўзлари тушган хонадон аъзоларининг яхши томонларини кўришга интилишлари, эри шу хонадон аъзоси эканлигини унутмаслиги лозим. Ана шунда бу оила тинч-тотув бўлади. Зотан, келин бу хонадонга беш кунлик меҳмон эмас, балки бир умрлик аъзо бўлиб келганлигини унутмаслиги керак.

2. Қайнона-келиннинг дунёқарашлари ва уй-рўзғор тутишлари орасида келишмовчилик пайдо бўлади ва кескинлашади.

Икки авлоднинг дунёқараши, ҳаётий тамойиллари ўртасида тафовут бўлиши табиий ҳолдир. Аммо аксрият ҳолларда қайнона-келинлар кўп жихатдан бир-бирининг акси бўладилар. Айрим ҳолларда эса қайнона-келин андишани йиғиртириб қуйиб, ҳар бирлари ўз гапларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун катталар ёшларни кийиниши, соч турмаклаши, ёқтирган куй ва ашулаларини тинглаши ва шу каби бошқа маласалаларда уларни ўз ҳолига қўйишлар

лозим. Ёшлар ҳам ўз навбатида иложи борича ота-оналарини тушунишга интилишлари уларни гашига тегадиган ноўрин қилиқ ва одатлардан қайнонага хуш келмайдиган салбий «хойи-хаваслардан» ўзларини тийишлари керак.

3. Баъзи келинлар келинлик ва оналик вазифаларни бажаришга тайёр бўлмайдилар.

Шундай келинлар бўладики, улар на овқат пиширишни, на кир ювишни, на катталар билан муомала қилишни биладилар.

Келин келинлигининг биринчи куниданоқ ҳамма нарсани кераклигича билиши ва катта тажрибага эга бўлган қайнонаси даражасида туриши жуда қийин. У даражада билмаса ҳам майли-я, лекин билишни истамаса қийин. Шунинг учун никохгача оналар қизларига ош-овқат пиширишни, мева сабзавотлардан қишга шарбат, тузлама, мураббolar тайёрлашни уй-жойни сарамжон саришта тутишни, дид билан меҳмон кутишни, тежамкорликни, оила бюджетини иқтисод қилишни, уй анжомлари, жихозларидан асраб-авайлаб фойдаланишни ва шу каби уй-рўзгор ишларини ўргатишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки эл орасида «қиз бировнинг хасми, бошқа оилага тушиши бор» деган хикмат бор. Шунга қараб қизларни пухта тайёрлаш керак.

Қайноналар ҳам келинлардан ҳадеб камчилик ва қусур ахтармасдан, уни ўз фарзандидай кўриб, билмаганини сабр-тоқат билан ўргатиб бориши лозим. Камчиликларини юзига солавермасдан, яхши томонларини гапириб туришлари керак. Яхши сўз, ҳам ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Қайноналар келинларида ҳосил қилинган кўникма ва малакаларнинг ўз ўгли учун ва келажакда ўз набиралари учун хизмат қилишини эса тутишлари керак.

4. Айрим ҳолларда қайнона-келин болалар тарбияси масаласида келиша олмай қоладилар. Айрим оилаларда болалар ё бобо-бувилар ёки ота-оналар томонидан меъёридан ортиқча эркалиб юборилади. Натижада ота-оналар билан бобо-бувилар ўртасида «болага ким тарбия бериши керак» деган масалада келишмовчилик келиб чиқади. Аслида улар ҳам, булар ҳам болаларни келажакда яхши кишилар бўлиб етишишини истайдилар, танлаган йўллари эса турлича, бироқ улар бир битимга келиб олишмаса бола тарбиясининг ҳолига вой деяверинг. Бунинг учун улар боладан ҳали жойда бир мурасага, яқдил қарорга келиб олишлари лозим. Ана шунда бобо-бувилар ҳам, ота-оналар ҳам аҳиллик билан бола тарбияси борасида ўзаро мос чора-тарбирларни белгилаб олишлари лозим. Бунда бола қандай муҳит ва шарт-шароитда, даврда ўсаётганини, мижози турини ҳисобга олиш зарур.

5. Баъзан катта хонадонда овсинлар қайнона илтифотини қозониш йўлида бир-бириларидан рашк қилишлари асосида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Оилада икки ва ундан ортиқ келин бўлса, қайнона уларнинг ҳаммасига бир хилда қарай олмаслиги табиий ҳолдир. Келинлардан биронтаси қайнонанинг дидига яқинроқ, баъзиси узоқроқ бўлади. Аёллар ўта руҳий сезгирликлари

туфайли буни тезда сезадилар. Натижада «ўғай» келин билан қайнона ўртасида келишмовчилик бошланади. Бундай ҳолнинг олдини олиш ва овсинлар орасига совуқчилик туширмаслик учун қайнона ўз келинларига мумкин қадар бир ҳилда муносабатда бўлиши (аммо бу ерда ҳар бир келиннинг муомаласи, муносабатини, қайнонага бўлган меҳрини ҳисобга олиш инкор этилмайди) рашк қилишларига имкон яратиб қўйишдан эҳтиёт бўлишлари керак. Бу ўринда шахсан келинлардан ҳам ақл идрок, мулоҳазалилик ва сабр-тоқат талаб қилинади.

6. Баъзи ҳолларда қайнона келиннинг ёш хусусиятларини, қизиқишини, орзу-ҳавасларини, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмайди.

Қайноналар орасида умр бўйи уй бекаси бўлганлари ҳам бор. Улар ишлаш билан уй-рўзғор ишларини баровар олиб боришни ўз бошидан ўтказмаган. Ана шундай қайноналар ёшлигида ўзларини рисоладагидай келин бўлганман деб биладилар, Қайнота-қайноналарини қандай иззат қилганликларини «уларнинг сояларига кўрпача солганларини» (ростми-ёлғонми, барибир) тез-тез эслашни яхши кўрадилар ва келинларининг ҳам «ўзларидай» бўлишини истайдилар. Баъзан эса уни ўғли орқали очикдан-очик талаб қиладилар. Бунга келинларининг имкони борми, йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай қайноналар «эҳтиёжини» қондириш имкониятига эга бўлмаган келинлар уларнинг ғазабига учрайдилар. Келини ҳақида бўлар-бўлмас гапларни ўғилларининг қулоғига қуядилар. «Ўғлимга айтиб сени кўйдириб юбормасам, юрган эканман»- дея дўқ-пўписа қиладилар. Баъзи ҳолларда мақсадларига эришадилар ҳам. Бундай қайноналар ўғиллари, набиралари бахтидан кўра ўз ҳузур-ҳаловатларини кўпроқ ўйлайдилар. Бунинг олдини олиш учун ўғилдан ғоят тадбиркорлик талаб қилинади.

7. Айрим келинларнинг янги оилага мослашиши қийин бўлади, оқибатда қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос муҳити, қонун-қоидалари, анъаналари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари тушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Янги тушган келин ўзи билан ўз туғилиб ўсган уйининг муҳитини, одат-кўникмаларини ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда келин билан қайнонанинг оилавий муҳитлари мос келмай қолади.

Ота-оналар иқтисодий, моддий, ижтимоий савияси орасидаги тафовут ҳам аксарият келин-куёв орасидаги муносабатларни кескинлашувига таъсир қилиши мумкин.

Бунда иқтисодий омил шу билан ифодаланадики, келин янги тушган хонадонда қизлик хонадонидagi иқтисодий мўл-кўлчиликни кўрмасдан, ўз турмушидан совуши мумкин.

Шунинг учун ҳам донолар «Қиз берсанг ўзингдан бир поғона баландга бер, сенинг хонадонингда кўрмаганини янги хонадонда кўриб, янги хонадонга кўникиши осон кечади. Қиз олсанг ўзингдан бир поғона пастдан ол. Шунда келин ўз уйида кўрмаган мўл-кўлчиликни сенинг хонадонингда кўриб, бу муҳитга тез кўникади» деганлар.

Маданий ижтимоий омил. Куёв маълумотли, маданиятли оиладан бўлиб, келин аксинча деҳхон, ишчи ёки савдогар оиладан бўлса, ёки эр-хотиндан бири шаҳардан, иккинчиси хишлоҳдан бўлса бу ижтимоий-маданий тафовутлар ҳам эр-хотин ўртасидаги ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Келин-куёвлар ижтимоий келиб чиқишида ҳам, ихтисодий таъминланганликда ҳам бир-бирига муштарак бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Борди-ю, келин бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг янги оилага мослашиши янада қийин бўлади. Масалан, ўзбек халқида кекириш тўйганлик - шукроналик белгиси ҳисобланиб келган. Рус халқида эса бу одат ўта одобсизлик ҳисобланади. Шу сабабли янги оилага мослашиш ҳам осонликча кечавермайди. Бунинг устига келин учун бу оила янги, айти пайтда «бегона»дек туюлади.

Келиннинг янги оилага мослашиши унинг мижози турига ҳам боғлиқ. Масалан, кўпроқ холерик мижозга мансуб бўлганлар тез мослашадилар. Бироқ енгилроқ, тезроқ ва андишасиз келинларни янги оилага мослашиши қийинроқ кечади.

Янги шароитга осон мослашадиган ҳамда уни осонгина ўзлаштиришга тайёр бўлганлар сангвиник мижоздир.

Флегматик мижоз эса вазмин, оғир карвон бўлгани учун янги оила шароитига секинлик билан мослашади. Бир мослашиб олганидан кейин эса уни ўзгартиришни сира-сира истамайди, унча-мунча гап-сўзга парво қилмайди. Меланхолик мижозлар ҳам шунга яқин. Аммо сал нарсадан уларнинг руҳи тушиб кетади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Руҳий жиҳатдан эса ниҳоятда сезгир бўлишади.

Ҳар бир мижоз турининг юқорида берилган қисқача шартли характеристикасини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олган қайнона-келинларнинг тил топиб кетишлари осон кўчади.

Баъзи қайноналар ўғлини келинидан қизғонади ва оқибатда келини билан келишолмасдан қолади. Бундай низолар, одатда камфарзанд ёки ёлғиз ўғил отасиз оилада ўсган тақдирда кўпроқ учрайди.

8.4. ҚАЙНОНА-КУЁВ ОРАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Келишмовчиликлар қайнона билан куёв орасида ҳам бўлади. Ичкуёв баъзи ҳолларда келин хонадонига моддий жиҳатдан қарам бўлади (ҳеч бўлмаганда уй-жой масаласида). Қайнона ҳамиша ҳам зийрак ва андишали бўлавермайди. Куёвнинг психолгик хушёрлиги ошади, эрки эса бирмунча қисилади. Буниси етмагандай, баъзан қайноналар куёвга ноўрин гапларни айтиб юборади, кесатади (қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилида). Бетайин қайнонанинг ёшларнинг оилавий ҳаётига бундай қўпол равишда аралашishi туфайли турли низоларни юзага келтиради. Бундан келин ҳам оғир аҳволга тушади. Бир ёқда эри, иккинчи томонда тукқан волидаси ўртада қозилик қилишга ҳаракат қилади. Бундай қобилият эса

хаммада ҳам бўлавермайди. Келин оқибатда ё онаси, ёки эри томонига ўтади. Ҳар иккала ҳолда ҳам оила барбод бўлиши мумкин.

Шундай ҳолларнинг олдини олиш учун қайнона ёшлар ҳаётига камрок аралашмоғи керак. Баъзи қайноналар қизини (айниқса, рус оилаларида) куёвидан ёки аксинча ўғлини келинидан рашк қилади. Оқибатда эса яна низолар пайдо бўлади. Бунда биринчи ҳолда рашк қиз онанинг ёлғиз фарзанди эканлигидан келиб чиқади. Илгари қизи фақат онаси билангина маслаҳатлашган, дардлашган бўлса, улар орасига куёв киради. Қизнинг бутун диққат эътибори куёвга - эрига қаратилади. Бунда қайнона куёвни рақиб деб билади. Унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини кузатади. ҳолларда баъзи қайноналар нима сабабдан куёвининг қасдига тушиб қолганини ўзлари ҳам била олмайдилар, бунга турли баҳоналар топадилар. Аслида эса бунинг битта-ю-битта сабаби бор - рашк, фақат қизини қизғанишдир. Қизининг олдида унинг обрўсини туширмоқчи бўлади, камситади. Бундай ҳолатни келин эрнинг уйида яшаган жуфтларда ҳам кузатиш мумкин. Бунда юқорида баён қилинганидек, қайнона ўғлини келинидан қизғонади.

Бунинг олдини олиш учун турмушга чиққанларидан сўнг, айнақса онаси билан бирга турадиган бўлса, ундан ўз диққат-эътиборини, фарзандлик меҳр-муҳаббатини дариг тутмаслиги, ёлғизлатиб қўймаслиги лозим. Қайноналар ҳам аввало, ўз ёшликларини эслашлари, қолаверса, қизининг куёвига, ўғлининг хотинига меҳр муҳаббати, эътибори улар оиласи бахт-саодатининг, иқболининг гарови эканлигини унутмасликлари керак. Айрим қайноналар онгсиз равишда куёвини ўз эри билан таққослайдилар. У бадавлатликда, жамиятда эгаллаган мавқеи ва бошқа бир жиҳатлари билан фарқ қилиши мумкин. Натижада қайнона назарида куёвнинг обрўи пасаяди, қараб турибсизки, яна келишмовчиликлар чиқишига сабаб бўлади.

8.5. АЖРАЛИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

*Термулиб тўймади нигоҳларимиз,
Сўровин қўймади сўроқларимиз.
Худойим не эди гуноҳларимиз,
Иккимиз икки ён айрилиб кетдик...
Ишқимиз ишқ бўлиб нима кун кўрди?
Ўртада йиллар ва йўллар югурди.
Бироқ тақдир ҳукм ўқиб улгурди,
Иккимиз икки ён айрилиб кетдик...*

(Шамсия)

Гап никоҳ-оила муносабатлари ҳақида борар экан, шубҳасиз жиддий муҳокама қилинадиган масалалар қаторида никоҳ-оила муносабатларининг бузилиши, эр-хотинларнинг ажралиш муаммоси туради. Нима учун оилалар бузилади? Ажралиш ўзи нима? Ажралиш бу яхшими ёки ёмонми? Оилаларнинг ажралишига йўл қўйиш керакми?

Ажралиш муаммоси ҳозирги замон инсоният жамиятининг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун чет элларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ажралиш муаммосини ўрганишга кенг илмий жамоатчилик эътибори қаратилиб келинмоқда. Бу муаммони турли соҳа мутахассислари: юристлар, демографлар, иқтисодчилар, социологлар, психологлар ва бошқа фан соҳалари мутахассислари ўрганмоқдалар. Уларнинг эътибори бу ҳодиса сабаблари, омиллари, мотивларини ўрганиш, уларни бартараф этиш, ажралишларнинг салбий асоратларини камайтириш масалаларига қаратилган. Чунки оилаларнинг бузилиши туфайли нафақат шу ажралишган эр-хотин ва уларнинг фарзандлари, балки жамият ҳам кўп зарар кўради. Ажралишлар кўплаб нохуш ҳодисалар: нотўлиқ оилалар сонининг ортиши, болалар ва ўсмирлар ўртасида қонунбузарликнинг кўпайиши, педагогик назоратсиз қолган болалар сонининг ортиши, ёлғизлик, собиқ эр-хотинлар ва қариндошларнинг ўзаро муносабатларининг ёмонлашуви кабиларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу ўринда ҳақли равишда агар ажралишлар шу қадар салбий оқибатларни юзага келтирадиган бўлса, уни расмий равишда тақиқлаб қўйса бўлмайдими? - деган савол юзага келиши мумкин. Албатта мумкин, масалан, дунёнинг айрим давлатларида, жумладан, Италия, Нидерландияда яқин-яқин замонларгача ажралиш ҳуқуқий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб жараён эди. Бироқ, бу усул ҳам оила мустаҳкамлигини таъминлашда қутулган натижаларни бермайди. Балки ажралишни таъқиқлаш, ажралиш эркинлигини бермаслик, ўз навбатида никоҳ ёшининг ўсишини, оила қурмаслик, никоҳгача ва никоҳдан ташқаридаги жинсий алоқа, психологик носоғлом оилалар миқдорининг ортиши никоҳ-оила муносабатлари замирида юзага келадиган жиноятлар, қотиллик, хиёнат кабиларнинг ортишига олиб келади. Албатта буларнинг ҳам шахс, инсон руҳияти, оилада бола тарбияси, қолаверса жамият учун зарари олдингилардан кам эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ажралиш эркинлиги деярли барча давлатлар никоҳ-оила қонунчилигида қайд этилган. Бу ўринда муҳими ажралишни тақиқлаш ва унга расмий равишда ҳалақит қилиш эмас, балки ажралишларнинг олдини олиш, унга олиб келадиган сабаблар ва омилларни бартараф этишдир. Шундай қилиб ажралиш фожеами ёки фожеадан қутулишми? Айримлар агар оилада фарзандлар бўлмаса бу фожеадан қутулишдир, эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари мақсадга мувофиқ равишда шаклланмаётган бўлса, уларда ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, бир-бирларига нисбатан эмоционал яқинлик, меҳр-оқибат бўлмаса, оила ўз вазифаларини бажармаётган бўлса, бундай жуфтлар ажралиб кетгани маъқул деб ҳисоблайдилар.

Ажралишларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлари мавжуддир. Бу хусусиятлар оилаларнинг бузилишига олиб келадиган сабаблар, уларнинг амалга ошиш жараёни, оқибатлари, ажралишгача ва ундан кейинги даврлардаги эр-хотинларнинг аҳволи кабиларда ифодаланади. Шундай хусусиятлардан бири ажралиш ниятини билдириб расмий ташкилотларга мурожаат қилувчи ажралиш ташаббускори ким эканлигида намоён бўлади. Шарқ оилаларида, айниқса ўзбек ва қишлоқ

оилаларида ажралиш ташаббускори кўпроқ эркаклар бўладилар ва аксинча, Европа халқлари оилаларида, ёш оилаларда ва урбанизациялашув даражаси юқори бўлган шаҳар оилаларида ажралиш ташаббускори кўпроқ аёллар бўлади.

Биз Сизга ажралишларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдиришдан олдин ўзбек оилаларида ажралишларнинг ўзига хос характери, яъни бошқа (айниқса чет мамалакатларидан) миллатлардан фарқ қилувчи жиҳатларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу қуйидаги объектив омилларга боғлиқ бўлиши мумкин: биринчидан, қишлоқ жойларда ажрашган аёл эркакка нисбатан жамоатчилик томонидан кўпроқ танқидий муҳокама қилинади. Иккинчидан, қишлоқ жойларда ажралишгандан сўнг аёлларнинг аҳволи эркакларга нисбатан ёмонлашади, негаки ўзбек миллатидаги ўзига хос урф-одатлар ўзбек аёлининг уй-жойларни эрига қолдириб, ўз ота-онасиникига (унинг ака-укалари ўз оиласи, хотини, болалари билан яшаётган ва ажрашган аёл учун аҳволни янада жиддийлаштирувчи жойга) бориб яшашга мажбур бўладилар. Учинчидан, қишлоқ аёлларида ажралишгандан сўнг қайта оила қуриш имкони ниҳоятда камдир. Мана шу объектив сабабларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлардаги ўзбек аёллари муаммоли (эр-хотин орасидаги муносабатлар ниҳоятда зиддиятли, низоли, улар орасидаги меҳр-окибат етарли ифодаланмаган оила) никоҳга ҳам кўникиб яшайверадилар. Баъзи аёллар, аслида эри билан бирга яшамаётган бўлсаларда (ҳатто йиллаб), эрларидан «ўч олиш» мақсадида, унинг бошқага уйланишига йўл қўймаслик учун расмий равишда, суд орқали ажралишга кўнмайдилар. Қишлоқ жойлардаги ажралишган эркаклар аёлларга нисбатан бир мунча имтиёзли вазиятда бўладилар: улар ажралишгандан сўнг ўз яқинлари томонидан кўпроқ қўллаб қувватланади. Боласи йўқ бўлган ҳолатда эса ажралишган эркак учун турмушга чиқмаган аёлга уйланиш сезиларли даражада муаммо туғдирмайди. Бундан ташқари у ажралишдан сўнг олдинги шароитда - ўз (ота-онасининг) уйида қолади ва навбатдаги янги оила қуриш имконига эга бўлади. Шунинг учун қишлоқ жойларда ажралишларнинг ташаббускорлари кўпроқ эркаклар бўладилар.

Агар ажралиш «озодлик» деб ҳисобланадиган бўлса, унда ҳозирги замон никоҳ-оила қонунчилигига кўра бу «озодлик» «кимга қанчага тушади?» Шаҳар жойларда истиқомат қиладиган Европа халқларига мансуб бўлган ёш оилаларда бу қуйидаги формула тарзида бўлиши мумкин.

Аёллар учун:

Ажралиш = озодлик + бола + алимент ± уй + ёлғиз оналарга бериладиган имтиёзлар + янги оила қуриш муаммоси.

Эркаклар учун:

Ажралиш = озодлик - бола - алимент ± уй + янги оила қуриш имконияти.

Агар ажралишларнинг аёл ва эркакка кўрсатадиган асосий таъсирларини санайдиган бўлсак, улар қуйидагича бўлади:

Жамият учун- Нотўлиқ оилалар сони кўпаяди, оилалараро ёки қариндошлараро адоват юзага келади, бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади, фоҳишабозлик ортади, тери-таносил касалликларнинг ортиши кузатилади, шахснинг ижтимоий фаоллиги сусаяди.

Эркак учун - ёлғизлик ҳиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, турли касалликлар.

Аёллар учун - ёлғизликни ҳис қилишнинг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, неврозлар, стресслар, турли хасталиклар, ўз жонига қасд қилиш.

Юқоридагилар билан бирга, ўзбек оилалар ажралишганда ўзгача хусусиятлар ҳам кузатилади. Психолог олим Фаҳриддин Рўзиқулов ажралишнинг асоратлари мавзусида ўтказган махсус тадқиқот натижаларига кўра аксарият ҳолда ажралиш қурбони аёл бўлади. Яъни ажралиш эркакларга нисбатан аёлларни келгуси оилавий бахтига, болаларнинг тарбиясига, оила бюджетига, аёлнинг саломатлигига, ўз ота-онаси билан бўлган ота-она ва фарзанд муносабатларига, ажралишган аёлнинг руҳиятига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга аёл учун катта ҳаётий муаммоларини - қайта оила қуриш ва ёлғизлик муаммосини келтириб чиқаради. Бу қишлоқ ва шаҳар аёлларида деярли бир хил ифодаланади. Аммо шаҳарлик аёллар шаҳар турмуш тарзида жинсий хулқ жиҳатдан бир мунча эркин бўлганлари ҳамда ўз касб фаолиятлари билан фаол шугулланганлари туфайли қишлоқ аёлларига нисбатан ёлғизликдан камроқ жабр кўрадилар.

Нотўлиқ оиладаги болалар тарбияси. Нотўлиқ оила ҳақида гапирилганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, нотўлиқ оилалар ҳам турлича юзага келади. Оилалар эр-хотинлардан бирининг вафот этганлиги туфайли ёки уларнинг ажралиши туфайли нотўлиқ бўлиб қолиши мумкин. Албатта оилада ота ёки онанинг вафот этиши бу улкан фожеа, аввало, бу фожеа ҳеч кимнинг бошига тушмасин, лекин бундай оилаларда марҳумнинг руҳи ҳурмати, унга нисбатан, унинг шаънига ижобий муносабатлар сақланиб қолади. Бироқ эр-хотиннинг ажралиши сабабли юзага келган нотўлиқ оилаларда «тирик етим» болалар қолади. Биринчидан, «тирик етимлик» жамоатчилик ўртасида, айниқса болалар жамоаларида (боғчада, мактабда, тенгдошлар даврасида) нисабатан кучлироқ қораланади. Иккинчидан, бундай оилаларда ота ёки она томонидан, уларнинг яқинлари томонидан собиқ турмуш ўртоғи шаънига, унинг шахсиятига салбий бўёқлар берувчи муносабатлар шаклланади. Собиқ эр-хотинлар томонидан бир-бирларини қораловчи фикр-мулоҳазалар кўпроқ билдирилади. Булар албатта, бу тоифа нотўлиқ оилалардаги ўзаро муносабатларнинг шаклланишида қатор нохушликларни юзага келишига асос бўлади.

Ажралиш фақатгина ажралган эр-хотинлар эмас, балки ажралиш оқибатида отасиз яшаётган фарзандларга ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Айниқса ажралиш натижасида отасиз ўсаётган қиз боланинг ҳис-туйғуларига, отасига бўлган меҳрига, қиз болада шаклланидиган ота образига

ва отасиз ўсаётган қизнинг руҳиятига кучли салбий таъсир қилади. Бу эса нафақат қиз боланинг болалик даврида балки келгусида ўзи мустақил оила қурганда ҳам ўз асоратини ифодалаш мумкин. Кўп тадқиқот натижаларининг кўрсатишича ва ривоятларда ифодаланишича ҳамда Ф.Рўзикулов тадқиқотларида илмий жиҳатдан ўз тасдиғини топганлиги асосида ўз отасига меҳр ва ҳурмати етарли равишда шаклланмаган қиз келажакда оила қурганда турмуш ўртоғига ҳам ҳурматини етарли равишда ифодалай олмайди.

Мазкур тадқиқот натижаларига кўра ажралишган оиладаги ва отасиз ўсаётган ўғил боланинг ўқишига ва тарбиясига салбий таъсир этиши кучли бўлар экан.

Шу билан бирга ажралиш келин-куёвларнинг ота-оналарини руҳиятига, саломатлигига, қудалар орасидаги муносабатига, қариндошлар ва жамоа орасидаги обрўси ва оила бюджетига салбий таъсир қилади. Ўзига хос хусусиятларидан бири куёв томонга нисбатан кўпгина мезонлар бўйича келин томон, яъни келиннинг ота-оналари руҳан кўпроқ жабрланар экан.

Маълумки, ўзбек оилаларида ажралишлар миқдори бошқа миллатлар, масалан рус оилалариникига қараганда икки марта кам. Лекин ҳар бир ажралишган оилага тўғри келадиган «тирик етим» болалар сони ўзбек оилаларида 2-2,5 мартага кўп. Шу билан бирга, «ажралиш маданияти»ни қуйи савияда эканлиги ва ўзига хос миллий хусусиятлари билан ифодаланиши ўзбек оилаларида кўпроқ салбий оқибатларга олиб келади. Шунга кўра ажралишларнинг салбий асоратлари ўзбек оилаларида бошқа миллатлар оилаларидагига нисбатан кучлироқ ифодаланади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ажралиш муаммосини илмий асосда ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда ажралиш омиллари ва сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки аксарият ҳолларда маҳаллаларда никоҳни бекор қилиш борасида ўтказиладиган суд ишларида ажралмоқчи бўлган оилани бузилишининг асл сабабини аниқлаб никоҳни бекор қилиш ишларида оддий хатоларга йўл қўйилмоқда.

8.6. АЖРАЛИШЛАРГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Кўпинча ажрашаётганлардан ажралиш сабабини сўралса, улар қандайдир ҳамма учун стандарт бўлиб қолган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилишади. Масалан, «характеримиз мос тушмади», «ўзга шахснинг аралашуви», «қўполлик», «моддий қийинчилик», «ичкиликбозликка берилиш», «яшаш шароитининг ноқулайлиги», «ота-оналарнинг ноўрин аралашуви» ва ҳ. к. Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, вазиятга қараб, бундай кўрсаткичлар баъзиларда сабаб, баъзилар учун эса баҳона вазифасини ўтайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, оиладаги маънавий-руҳий иқлим қанчалик мустаҳкам ва эр-хотинлар бир-бирини қанчалик яхши тушунсалар бу «сабаблар» (баҳоналар) оиланинг инқирозига асосий сабаб бўла олмайди. Ёшлар (эр-хотин) ўртасидаги муносабат қанчалик нохуш бўлса бу баҳоналар

шунчалик кучли ва салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳолатлар ажралишларнинг сабаби бўлиб қолиши мумкин.

Ўзбек оилаларида: «турмуш ўртоғининг қўполлиги», «турмуш ўртоғига нисбатан қўпол муносабатда бўлиш», «турмуш ўртоғининг ота-онаси ва бошқа қариндошларининг аралашуви», «турмуш ўртоқлардан бирининг оилани умумий масалаларига бефарқ қараши» кабилар кўпроқ сабаб бўлса, Европа халқлари оилалари учун эса ажралиш сабаблари сифатида аксарият ҳолларда, ичкиликбозликка берилиш, эр-хотин хиёнати, характерларнинг мос келмаслиги кабилар қайд этилади.

Ажралишларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўзбек оилаларида ажралишларнинг мотивлари сифатида кўрсатилган таъсирлардан асосийлари, юқорида қайд этилганидек, «турмуш ўртоғининг қўполлиги», «ота-оналар ва бошқа қариндошларнинг аралашуви», «бир-бирига нисбатан бефарқлик», «эр-хотиндан бирининг оилавий масалаларга нисбатан бефарқлиги» кабилар ажралиш сабаблари сифатида кўрсатилган.

Шундай қилиб, ажралиш муаммоси ҳозирги пайтда жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Оилаларни ажралишларининг мавжудлиги бизнинг республикамизда ҳам кенг жамоатчилик диққатини ўзига қаратиб, бу муаммонинг ечимини топиш учун керакли чораларни кўришга даъват этмоқда. Чунки юқорида қайд этилганидек, ажралишлар натижасида миллионлаб одамлар - энг аввало, фарзандлар, аёллар, қолаверса эркаклар ва ҳатто ажралишганларнинг яқинлари ҳам «маънавий жароҳат» оладилар.

Буларнинг барчаси ўзбек оиласида ажралиш масаласига жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини ва унинг олдини олиш, салбий асоратларни камайтириш чора-тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан қандай хулоса чиқармоғимиз ва шахсий ҳаётимизда нималарга амал қилмоғимиз, нималарга эътибор бермоғимиз лозим?

1. Турмуш ўртоқ танлашда шошилманг ва адашманг. «Никоҳ олди омиллари» ва ўзга мавзулардан тегишли хулоса чиқариб иш кўринг.
2. Ҳаёт тақазоси билан ва тажрибали кишилар маслаҳатларига кўра ажралишингиз муқаррар бўлса, вақтни чўзиб ўтирманг ва фарзанд кўришдан сақланинг.
3. Ажралиш, Сизга, Турмуш ўртоғингизга, Ота-оналарингизга, (агар бўлса) Фарзандларингизга имкони борича салбий таъсир қилмаслиги чораларини кўринг.

Сизнинг ажралишингиз қариндошлар орасига совуқчилик тушурмаслиги, улар орасидаги муносабатларнинг бузулишига олиб келмаслиги зарур.

4. Ажралишган турмуш ўртоғингиз билан ижобий муносабатни сақлаб қолинишини таъминланг. Бу аввало Сизнинг фарзандларингиз, ота-онангаиз, қолаверса шахсан ўзингизнинг манфаатингиз эканлигини унутманг.

Эр-хотин ажралиши болалари отасиз ёки онасиз ўсишига, ота ва онадан ажралишига олиб келмаслиги керак.

5. Ажралиб кетган эрингиз ёки хотинингиз ҳақида фарзандларингизга салбий маълумотлар бериб, у ҳақда салбий тасаввур шакллантиришдан сақланинг, чунки бундай тасаввурнинг шаклланиши болангизнинг келгуси ҳаётига, шахсий оила муносабатларига, қайнона-келин муносабатларига ва фарзанд - ота-она муносабатларига салбий таъсир қилади.

6. Ажралиш энг сўнгги чора! У фақат Сизнинг эмас, балки яқинларингиз тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатишини унутманг. Шу сабабли бу юзасидан асосиз енгил қарорлар чиқаришдан сақланинг. Бу борада катта ҳаётий тажрибага эга бўлган яхши кишилар билан маслаҳатлашинг.

Имкониятингиздан келиб чиқиб шу соҳа мутахассиси бўлган психолог билан маслаҳатлашинг.

Ким билан маслаҳатлашишдан қатъий назар қарорни ҳар томонлама ўйлаган ҳолда ўзингиз чиқаринг ва қарор маъсулиятини ўз бўйинингизга олинг.

Билимларни текшириш учун саволлар:

1. *Оилавий низолар яхшими ёки ёмонми?*
2. *Оилавий низолар қандай турларга фарқланади?*
3. *Эр-хотин низоларининг хусусиятлари нималардан иборат?*
4. *Бириктирувчи ва ажратувчи низолар қандай низолар?*
5. *Эр-хотин муносабатларида низолар қандай ривожланади?*
6. *Чегараланган ва чегаралмаган низолар қандай низолар?*
7. *Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар қандай характерда бўлади?*
8. *Қайнона-келин ўртасидаги низолар қандай юзага келади ва уларнинг сабаби нима?*
9. *Қайнона-куёв низолари қандай хусусиятларга эга?*
10. *Ажралиш ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари нималардан иборат?*
11. *Қандай сабабларга кўра оилалар бузилади?*
12. *Ажралиш қандай оқибатларга эга?*
13. *Ажралишнинг олдини олиш ва ажралиш юзасидан нималарга амал қилишимиз зарур?*

Мавзуга оид афоризмлар:

- Инсоният ўзининг пайдо бўлиши ва бахтли дақиқалари билан тунги соатлар олдида қарздордир.

Ғ.Шоумаров

- Никоҳ узуги бу оила занжирининг биринчи ҳалқасидир.

Жарко Петан

- Никоҳ шундай бир романки, унинг бош қаҳрамони биринчи бобдаёқ ўлади.

Лоренс Питер

- Нима учун эркак ва аёл орасида маълум масофа сақланиши тавсия этилади? Чунки иккиси яқинлашган сари бир-бирини яхши кўра олмайди, бу эса муқаррар равишда кўнгилсиз тўқнашувларга олиб келади.

Ғ.Шоумаров

- Аёлларнинг портлашига ишонмасангиз, биттасини ташлаб кўринг.

Джералд Либерман

- Рашк касаллик каби кечга борганда кучаяди.

Поль Лотан

- Севги-муҳаббатга куч қолмаганда ҳам рашк қилиш учун куч топилади.

Мария Домбровская

- Эр-хотин меҳмонларни яхши кўришарди, чунки меҳмон бўлмаган куни уйда жанжал бўларди.

- Тиббиёт фани кузатувларига кўра: бўйдоқларнинг аксарияти ақлдан озиб ўладилар. Уйланганларнинг аксарияти эса бу ёшга етишга улгурмайдилар.

А.Чехов

- Ёмон хотин ҳаётни заҳарлайди, яхшиси эса жонга тегади. Улар орасидаги фарқ ана шунда, холос.

Леонард Джевецкий

- Беладонна: Италияда бу гўзал аёлдир, Англияда эса кучли заҳардир. Икки тил асосидаги бу ўхшашлик кишини ҳайратга солади.

Амброз Бирс

- Дунёда аёл кишини мендан кўп биладиган эркакнинг ўзи йўқ, мен эса ҳеч нарса билмайман.

Сеймур Хикс

- Уйланишга қарор қилиш эркак кишининг ҳаётида сўнгги мустақил қабул қилган қароридир.

Ванда Блоньская

- Эркак кишини уйдан ҳайдаш яхши эмас, у қайтиб келмаслиги ҳам мумкин.

Мавзуга оид латифалар:

- Хотинимни санаторияга юбориш учун олган путёвка менга жуда кимматга тушди, бироқ у ўзини тўла қоплади.
- Хотининг даволаниб, тузалиб кетдими?
- Йўқ, у уйга қайтмади.

х х х

Эр хотинига мурожаат қилаяпти:

- Луиза, агар мен сендан олдин ўлсам, сен фақат Карелга турмушга чиқ.
- Нима учун айнан Карелга?
- Фақат Карелга, бошқа ҳеч кимга эмас! Бошқа ҳеч ким менга ҳаётда унчалик ёмонлик қилмаган.

х х х

- Икки хотинлик нима билан жазоланади?
- Иккита қайнона билан!

х х х

- Худойимей! Башарангга нима қилди?
- Унга учар тарелка тегди.
- Учар тарелка?! У қаёқдан келиб қолди?
- Тасаввур қила олмайман, хотиним уларни қаёқдан харид қилар экан...

х х х

Эр хотини билан узоқ вақт тортишиб охири, ноилож бўлганидан:

- Хўп!... майли, ҳаммаси сен айтгандек бўла қолсин...
- Энди кеч бўлди! Мен у фикримдан аллақачон қайтдим! Бошқасини ўйладим!

Мавзуга оид ривоятлар:

1. Ўрта ёшдаги бир хожа тарбиялаган ёш хоним

Бир вақтлар Ускудорда истиқомат қилувчи ўрта ёшлардаги бир зот биринчи хотини вафот этгач, ёш хонимга уйланди. Бу зотнинг ахлоқи, гўзал одати, табиатини ҳамма яхши кўрар эди. Айни замонда фикри тиник, карашлари қатъий, илм-ирфон соҳиби эди.

Аввалига ёш хоним хожасининг феъл атворини жуда яхши кўрар, унга кўлидан келган барча ҳурмат, илтифотини кўрсатар хожасига нисбатан ўз вазифаларини чиройли бажаради. Хожасига олий даражада ҳурмат изҳор қиларди. Ёш хоним қисқа вақт ичида барча кўшнилари билан танишди, кўшнилари уни у эса кўшнилари ҳурмат қиларди. Аммо ўша маҳаллада ёмон феълли, ҳасадгўй бир хотин бор эди. Бу ёш хонимнинг хожасига нисбатан ҳурмати бўлгани ва ширин турмушлари ул хотиннинг рашкини келтирарди. Ёш хоним билан кўшни бўлганларидан бери уни хожасига нисбатан итоатсизликка ташвиқ қиларди:

-Қизим, сен жуда ёшсан, гўзалсан, шундай катта ёшдаги кишига турмушга чиққансан. Сен ёш, ўзинг каби чиройлик эрга турмушга чиқмабсан,-деб жувоннинг бошини айлантларди. Ёш хоним, «мен хожамдан жуда маманунман, феъли ахлоқини севаман» деса ҳам, ёмон аёлдан қутула олмайди. Бир куни ул жувон ташвиқотлар таъсириданми, «эримдан ажралишаман» дейди. Ёмон феълли, ҳасадгўй аёл:

- Кўлингдаги қимматли ашёларингни аста-секин сотсанг хожага ёмон кўринадан унинг сендан кўнгли совийди - деб кўнглини бузади.

Ёш аёл уйидаги қимматли нарсаларни бирма-бир сота бошлайди. Ҳар куни эри оқшомда уйига келганида, бугун қимматли фалон нарсани,

эртасига - бугун бундай қимматли нарсани сотдим деяверади, ниҳоят уйда ҳеч нарса қолмади. Аммо чиройли, хушхулқли, илм-ирфон соҳиби бўлган ул зот хотинига: «жонинг соғ бўлсин янгисини олармиз», - дер эди. Хоним уйда сотиладиган ашё қолмаганидан кейин, ҳожатхонадаги ҳар куни фойдаланиладиган ўттиз йиллик обдастани тошга уриб синдирди. Кечқурун эри келганида ул хоним:

- Ҳожатхонадаги обдастани тошга уриб синдирдим, парча-парча қилиб ташладим - деди.

- Ана холос! Бу нимаси! - деб хожанинг кўзларига ёш келди.

- Мен сизга ҳайронман - деди хоним. - уйдаги шунча қимматли нарсаларни йўқотганимда жаҳлингиз чиқмай, «ўзинг соғ бўлсанг бас» деган эдингиз. Энди ҳожатхонадаги оддий кўза синганида, кўзингиздан ёш тўқдингиз, нега?

- Хоним, ул кўза ўттиз йилдир-ки менинг энг маҳрам ерларимни кўради. Ҳозир янги бир кўза олиб, унга маҳрам ерларимни қандай кўрсатаман? - деб жавоб берди хожа, ёш аёлига.

- Ёш хотин бир онда ғафлатдан уйғонди ва кечирим сўраб эрининг кўлларини ўпди, оёғига йиқилди. «Мени афв этинг, сизнинг амрингиздан ҳеч чиқмайман, сизга нисбатан озгина бўлсада, итоатсизлик қилмайман» деб ёлборди.

Вазифа: Психологик таҳлил қилинсин.

2. Ақлли хотинлар эрлар бахти

Бир одам жуда ақлли, одобли ва яхши тарбия олган қизга уйланди. Ул одам хонимидан жуда мамнун, уйларида ғалва-ғавғо йўқ.

Бу йигит бир кун дўстларининг хузурига борди. У ахлоқсиз одамларнинг хотинларини «ундай урдим, бундай урдим», деб мақтанганларини эшитди. Йигит ҳайрат билан улардан сўради:

- Нега хотинларингизни урасиз? Ҳеч гуноқи йўқ хотинни қандай уриб бўлади?

Дўстлари:

- Дунёда бундан осон иш йўқ. Уйга бир қадок қийма гўшт олиб келсан. Қиймали суюқ овқат тайёрлаб келса, «бошқа овқат ейишни хоҳлайман», дейсан, деб ақл ўргатишибди.

Йигит эртасига кечқурун уйига келиб, дастурхон олдига ўтирди. Хотини қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди. Ул хотинига жеркиб:

- Мен картошка билан қийма ейишни хоҳлайман,- деди.

- Қийма ҳам бор,- деди хоними.

- Мен ток баргига ўралган қийма хоҳлардим.

- У ҳам бор.

Хожасининг одатларини жуда яхши билган одобли хотин эри хуш кўрадиган барча нарсани кўлидан келганча ҳаракат қилиб, тайёрлаган ва унинг кўнглини олган.

Йигит эртасига яна дўстлари олдига чиқди. Улар дарҳол қизиқиб сўрадилар:

- Нима бўлди? Хотинингни калтакладингми?

Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

- Сен бахтли экансан, хотининг ақлли, чакқон аёл экан-дебдилар.

3. Маҳкамада хотинининг юзини очишни истамаган одам

Бир вақтлар уйланган бир одам, ойлар ўтди, йиллар ўтди, хотинининг мақрини бермади, шу бурчини адо эта олмади.

Бир куни хотини билан келиша олмай қолдилар. Хотини ўша замон маҳамасига шикоят қилиб, ҳозининг ҳузурига борди ва эридан маҳрини талаб қилди. Аёл юзида чиммат (парда) бор эди.

Қози ул аёлга:

- Икки шоҳид лозим, - деди.

Аёл:

- Шоҳидларим бор, улар шу ердалар, - деди.

Қози:

- Жуда яхши, юзингизни очинг, сўнг ҳукм чиқазаман, - деди.

Шу ерда бўлган эри дарҳол ўрнидан туриб:

- Бунга (яъни юзини очишга) ҳожат йўқ. Мен завжам (хотиним)нинг маҳрини беришга сўз бераман, оз-оздан бўлса ҳам бераман, - деди.

Қози:

- Яхши, лекин шу кунгача нега бермаган эдинг, - деб ҳайрон бўлди.

Ул одам:

- Билмадим, қози жаноблари, лекин сиз ҳозир аёлимнинг юзини очишни буюрганингизда ақлимни йиғиб олдим. Шу пайтгача хотиним - бекамнинг юзини мендан бошқа ҳеч кимса кўрмаган. Энди ҳам кўрмайди, - деди.

Аёл эрининг бу муомаласидан жуда мамнун бўлди ва:

- Эй Қози жаноблари, шоҳидлар олдида Сизга ушбуни айтмоқчиманки, мен ҳам эримдан маҳр ҳаққимдан воз кечдим. Уни тасдиқлашингизни сўрайман, - деди.

IX БОБ. РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

9.1. КОНТРАЦЕПТИВ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Эркаklar ташиқот қилди тинмасдан, Ағёр тўлди, қўйни тошга, дейишиди,

*Ҳар хил мақолалар йиғаверишиди.
Газета ўқишга қўли тегмасдан
Хотинлар йилига туғаверишиди.*

*Журналистларга-ку мавзу топилди,
Ҳамма туғаверса ким қилар ишни?!
Пилла топширилди,
Ғўза чопилди.
Аёллар йилига туғаверишиди.*

*Олимлар ўйланди,
Ўйларга толиб,
Китоблар титишиди чўк тушиб олиб.
Кўймоқчи бўлишиди режага солиб...
Аёллар йилига туғаверишиди.*

*Кимдир ваҳма қилди қай кунни ёниб:
Бола босиб кетди бутун дунёни!..
Барибир минг азоб ичра тўлғониб,
Аёллар йилига туғаверишиди.*

*Тили бошқа, кўнгли бошқа, дейишиди.
Ўнта бўлса - ўрни бошқа дейишиди,
Аёллар йилига туғаверишиди.*

*Чирқираб Шокирлар дунёга келди,
Барнолар, Ботирлар дунёга келди.
Шу мўмин юрт учун керак бўлганда
Ўлмоққа қодирлар дунёга келди.*

*Келишиди кимгадир ёқса - ёқмаса,
Ҳали тили чиқмай пахта теришиди.
Кучук боқшисинми, бола боқмаса?!
Аёллар йилига туғаверишиди.*

*...Балки сен осмондан тушгандирсан ҳам,
Майли, билма қадрин, етма додига.
Фақат бир илтимос, эй азиз одам,
Кўйгил, қанча туғса ўзи билар, сен
Туғишни ўргатма АЁЛ зотига!*

Муҳаммад Юсуф

Севимли шоиримиз Маммад Юсуф юқорида келтириб ўтилган шеърда аёлларимизнинг газета, журнал, китоб ўқишга қўли тегмасда йилига туғаверишганлари ва шу билан бирга пиллаларни топшириб, ғўзаларни чопиб, бошқа ҳамма ишларни бажариб улгурганликлари, олимлар оилани режалаштириш чора тадбирларини ишлаб чиққанларига ва кимларнингдир "ҳамма ёқни бола босиб кетди"-деганига қарамай, "Ўнта бўлса - ўрни бошқа" - деб йилига туғаверишганини, бунинг оқибатида "шу юрт учун керак бўлганда ўлмоққа қодирларнинг" дунёга келишлигини таъкидлаганлар. Бунда Аёл зотини бежиз бош ҳарфлар билан ёзмаган.

Дарҳақиқат, Аёл зоти муқаддасдир. Шунинг учун ҳам инсоният ўзи учун муқаддас бўлган ҳар бир нарсани аёл номи билан атаган: Она - Ватан, Она - тил, Она - халқ! Дунёдаги барча гўзалликлар ва тугалликлар, халқ санъатининг энг ноёб дурдоналари аёлларга аталган. Ҳаётнинг мазмуни ҳам, лаззати ҳам аёл номи билан боғлиқ. Аёл мўтабар зот. У фарзандга ҳаёт бағишловчи она сифатида беназир ардоқда. "Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай ўзини фидо қилишни ҳам билади". Ҳазрат Навоий айтганларидек: "Уйнинг оройиши андин, уйликнинг осойиши ондин". Аёл беназир хилқат. Унинг латофати, унинг меҳри олдида тош ҳам эрийди. Тошбағир одамлар ҳам аёлга шавқат қилади. Агар у **аёллик** ўрнида турса.

Хўш ҳозирги вақтда барча аёлларимизни ҳам "ўз ўрнида"- деб айта олишимиз мумкин-ми? Улар ўзларининг маънавий, ахлоқий, руҳий ва тиббий саломатликлари, соғломлиги нуқтаи назаридан "Шу мўмин юрт учун керак бўлганда ўлмоққа қодир", унинг истиқболи, равнақи, хавфсизлигини таъминлашга тайёр муносиб ўғлонларни, соғлом авлодни дунёга келтириш ва уларни комил инсонлар қилиб тарбиялашга тайёрмилар? Ҳозирги туғаётган

аёлларнинг ва туғилаётган болаларнинг ҳаммаси ҳам соғломми? Албатта бу каби масалалар, саволлар бугунги кунларимизда, айниқса бизнинг этнос мисолида жуда муҳим бўлган муаммолардан ҳисобланади. Чунки ўзбек оилалари кўп болалилиги, кўп авлодлилиги ва авлодлараро муносабатларнинг мустаҳкамлиги билан фарқланиб туради.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида, одамлар кундалик ҳаёти кундан-кунга урбанизациялашиб бораётган айни даврда, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан кенг фойдаланиб борилаётган бир пайтда, оналар хасталиклари, болалар ўлими, заиф ногирон болақларнинг туғилиши миқдорининг ортиб бораётганлиги, оналар ва болалар саломатлигининг ёмонлашуви каби қатор нохушликларнинг ҳам кузатилаётганлиги бевосита оила масалаларига, оналар ва болалар саломатлигига, оилани режалаштириш масалаларига алоҳида эътибор беришни, ёшларни, хали оила қуриб улгурмаслариданоқ уларни оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш билан бир қаторда, уларга оилани оқилона режалаштириш масалаларига оид илмий асосланган билимларни ўз вақтида ва юқори савияда беришни тақозо этади.

Гап оилани режалаштириш ҳақида борганда, айрим одамлар уни оилада туғилиши лозим бўлган болалар сонини режалаштириб, чеклаб қўйишни тушуниши ҳам мумкин. Оилани режалаштириш дегани бу "Аёл кишига қачон ва қанча бола туғишни белгилаб, кўрсатиб бериш, ўргатиш" - дегани эмас. Қачон ва қанча фарзанд кўриш масаласини ҳал қилиш бу биринчи навбатда аёлнинг ўзига ҳавола, бу аёлнинг ҳуқуқи, уни аёлнинг ўзи ҳал қилиши керак ва унга ҳеч ким ўргатиши, аёл учун уни белгилаб, чегаралаб бериши керак эмас. Шоир айтганларидек бу масалада аёлга ўргатиш керак эмас. Лекин аёлларимиз бу масалани оқилона ҳал эта оладиларми, уларнинг ҳаммаси ҳам фарзандни дунёга келтиришдек, фақат аёлнинггина қўлидан келадиган ўта нозик масалани мақсадга мувофиқ ҳал эта олиш борасида етарли билимларга эгами? Бу билимлардан хабардор бўлиш, уларни ўзлаштириш, бу борадаги махсус адабиётлар, газета журналлар ўқиш учун аёлларимиз вақт топа олишадиларми? Бу каби саволларнинг ўринлилиги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил қилишда уларга оилани режалаштириш масалаларига оид билимларни бериб беришни янада далзарблаштириб юборади. Шу каби муаммоларни назарда тутган ҳолда биз мазкур мавзуда ёшларимиз эътиборини оилани режалаштиришнинг ижтимоий-психологик жиҳатларига қаратишни лозим топдик.

Оилани режалаштириш масаласи юқорида тўхталиб ўтганимиздек фақат оилада туғилажак болалар сонини чеклаш кабиларнинггина эмас, балки ўз ичига кенгроқ масалаларни қамраб олади. Бунда асосий эътибор оилада оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш кабилар назарда тутилади.

Маълумки, онанинг фарзанд кўриш ёши, уни фарзандларининг сони, болаларни туғилиши орасидаги муддат ва аёл ва бола саломатлиги ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Албатта 16-18 ёшларда аёл киши организми соғлом фарзанд кўриш учун хали тўла етилган бўлмайди. Эрта фарзанд

кўриш ёш она саломатлигига ҳам ва ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин.

Ҳомиладор бўлиш, ҳомилани етилтириб ва болани дунёга келтириш билан боғлиқ жараёнларда она организми ўзидан жуда кўп миқдорда қувват сарфлайди, "толикади". Кўз ёрган аёл организми ўзини яна тўлиқ тиклаб олиши учун, яъни у навбатдаги фарзанд кўришга тўла тайёр бўлиши учун, унга камида 3-4 йил вақт зарур бўлади. Демак, ҳар 3-4 йил оралиғи билан фарзанд кўриш она организми учун ҳам, туғилажак фарзанд учун ҳам нормал муддат ҳисобланади.

Олдинги вақтларда (бу ҳақда бувиларимиз, мўтабар онахонларимиз гувоҳлик беришлари мумкин) оналар болаларини 3-4 ёшга киргунларига қадар кўерак сути билан боққанлар. Бу эса, бир томондан болаларнинг она сутига эмин-эркин тўйиб ўсишларини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан бола эмизаётган аёлнинг навбатдаги ҳомиладорликдан сақлаган.

Она сутининг бола шахси шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамияти бекиёсдир. Она сути таркибида, айниқса оғиз сути таркибида махсус иммунитет гармонлар бўлиб, улар бола организмни ҳар-хил касалликларга қарши кураша оладиган, болани ўз ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ соғлом, бақувват бўлиб ўсишини таъминловчи ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланган. Она сутининг яна бир бебаҳо ҳислати шундан иборатки, у болани ақлий имкониятларининг ортишида, яъни бола интеллектуал коэффицентининг (IQ) юқори бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Агар аёллар "йилига туғаверишса", яъни бола 3-4 ойлик бўлмасиданоқ она ҳомиладор бўлиб қолгундек бўлса, ҳомиладор аёлнинг сути ўз хусусиятини йўқотади. У бола учун зарарли бўлиб қолади. Бундай вазиятларда аксарият оналар боласини кўкрак сути билан озиқлантиришни тўхтатадилар. Оқибатда болалар ўзларининг саломатлиги ва ақлий ривожланиши учун энг муҳим неъмат бўлмиш "ОНА СУТИ"дан бебаҳра қоладилар. Бу ўринда нафақат онанинг, балки боланинг ҳам манфаатини, унинг саломатлиги кўзлаган ҳолда оилани режалаштириш, туғилишлар ўртасидаги ўртасидаги муддатни узайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзининг бор имкониятларини олдинги боласига "сарфлаб бўлган" она организми, бир-бир ярим йил ичида дунёга келадиган навбатдаги боланинг ҳомилада ривожлантириши, унинг дунёга келиши ва ҳаётининг дастлабки кунлари, ойларида олиши лозим бўлган физиологик, жисмоний, эмоционал-психологик қувватни бера олмайди. Бундан ташқари хали ёшига етмаган болани парвариш қилиш ҳам оналардан кўп вақт, куч, эътибор, эмоционал зўриқишларни талаб қилади. Ёш бола тарбияси билан боғлиқ равишда она кечинадиган салбий руҳий эмоционал ҳолатлар, асабийлик, эмоционал зўриқишлар, шубҳасиз ҳомиладаги боланинг ривожланишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Хали тўла тикланиб улгурмаган оналардан "йилига туғилаверган" болалар аксарият ҳолларда нимжон, нозик, ҳар хил касалликларга осон бериладиган бўлиб бораверади. Бундан оилаларда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари ҳам туғилишлар

оралиғидаги фарқ 3-4 йил бўлган оилалардагига қараганда кўпчиликни ташкил қилади.

Юқорида келтириб ўтилган каби фактларнинг мавжудлиги шубҳасиз оилани режалаштириш масалаларини тўғри йўлга қўйиш, бу борада нафақат аёлларнигина эмас балки эркекларни, айниқса никоҳ қуриш ёшидаги ёшларни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш, уларни оилани режалаштириш масалалари борасидаги тегишли илмий асосланган билимлар билан ўз вақтида қуроллантиришни тақозо этади.

Умуман олганда оилани режалаштириш масаласи бу кеча ёки бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Оилани режалаштириш масаласи инсоният тарихи, никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиш тарихи билан боғлиқ бўлган кўхна муаммоладан биридир.

Никоҳ-оила муносабатлари тарихига оид адабиётларда қайд этилишича, илк ибтидоий жамоа тузумлари даврларидаёқ оилани режалаштиришнинг, унда жинсий ҳаётнинг психогигиеник қоидаларга амал қилишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Масалан, ушбу қўлланманинг никоҳ-оила муносабатлари эволюцияси масалаларига бағишланган иккинчи мавзусида қисман тўхталиб ўтганимиздек, оилавий муносабатларнинг ижтимоий бошқарила бошланишининг маълум бир босқичларида, турлича табулар (тақиқлашлар) мавжуд бўлган. Бундан бир неча ўн минглаб йиллар муқаддам, полигам оилаларда ҳукм сурган шундай табулардан бири, қабиланинг аъзоси бўлмиш эмизикли аёл билан жинсий ҳаёт кечиришни тақиқлашга қаратилган табудир. Бунинг боиси шундан иборат бўлганки, у даврларда қабил аъзоларининг асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган, эркеклар асосан овчилик билан шуғулланиб ўз ўлжалари билан қабил аъзоларини боқишганлар. У давр одамининг тушунишича, агар эркек киши овга чиқишдан олдин эмизикли аёл билан жинсий ҳаёт кечирса, унга сут хиди юқиб қолади, сут хиди эса ов вақтида шу овчи ва унинг шериклари турган жойга бошқа йиртқичларни «чақириши» мумкин, оқибатда овга чиққан эркекларнинг ўзлари бошқа бир йиртқичроқ ҳайвонга ўлжа бўлиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ибтидоий даврларда эмизикли аёллар билан жинсий ҳаёт кечириш тақиқланган. Бу эса ўз навбатида оилани режалаштиришнинг ўша даврларнинг ўзига хос қонунлари «Табий танланиш» ва «Яшаш учун кураш» таъсири остида шаклланган усуллари билан бўлган. Бу ҳақиқатан ҳам илк ибтидоий одамларнинг авлоддан-авлодга, наслдан - наслга ривожланиб, такомиллашиб боришини таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қилган. Чунки шу табулар туфайли оналар болаларини улар то 3-4 ёшларга кириб, ўзлари мустақил озуқа топиб яшаб /яшаш учун курашиб/ кетгунларига қадар кўкрак сути (ОНА СУТИ) билан озиқлантиришга «мажбур бўлганлар». Бу эса оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам авлоддан - авлодга соғломлашиб, токомиллашиб боришларини таъминлаган илк ижтимоий омиллардан бири бўлган. Кейинчалик инсоният жамияти тараққиёти, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, турли инсоний хулқ-атвор меъёрларнинг юзага келиши ва шаклланиши билан бирга, оилани режалаштиришга оид талаблар, меъёрлар, уларга нисбатан

бўлган муносабатлар ҳам такомиллашиб борилаверди. Шунингдек, бу масала Қуръонда ҳам ўз ифодасини топган. Яъни, 2-сура 233-оятда ёзилишича «Она фарзандини икки йилдан кам бўлмаган муддатда кўкрак билан боқиши шарт». Бу эса бир томондан она организмнинг хомиладорликлар орасида тўлиқ тикланиш имконини берса, иккинчи томондан болани кўпгина касалликлардан сақланишини таъминлаган. Бу эса оилани режалаштиришнинг жамият тараққиётида қандай ижтимоий, иқтисодий ахамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Албатта ҳозирги вақтга келиб оилани режалаштириш, болаларнинг туғилиши ва улар орасидаги даврни шу туғилажак боланинг ота-онаси, биринчи навбатда онаси, аёл киши хоҳлаганидек ташкил қилишнинг ўзига хос ижтимоий қабул қилинган анъанавий ва замонавий усуллари, воситалари мавжудки, улар дунё миқёсида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Оилани режалаштиришда яъни унинг энг асосий йўналишлари бўлмиш боларнинг туғилишини режалаштириш, кутилмаган хомиладорликдан сақланишда фойдаланиладиган воситалар контрацептив воситалар дейилади. Уларнинг анъанавий ва замонавий усуллари фарқланади. Ҳозирги вақтда турли оммавий ахбоорт воситалари, кенг оммага мўлжалланган кўплаб илмий оммабоп, илмий услубий қўлланмалар, рисоаларда, тиббий адабиётларда оилани режалаштиришнинг бу усул, воситалари ҳақида мунтазам материаллар бериб борилмоқда. Уларни янада кенгроқ тарғиб қилиш учун «Қизил олма» каби реклама-тарғибот хизматлар кенг йўлга қўйилган.

Кутилмаган хомиладорликдан сақланишнинг анъанавий усулларига хайз циклини назорат қилиш (даврий сексуал абстенция), бола эмизиш (лактация), жинсий алоқани олдиндан тўхтатиш кабилар киради. Замонавий усулларга презервативлар, диафрагма ва сервикал қалпоқчалар, спремацит воситалар ва гармонал сақланиш воситалари киради. Бу усулларнинг ҳар бирини ўзига хос афзалликлари ва нуқсонлари мавжуд. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида маълумот бериб кетамиз.

9.2. ДАВРИЙ СЕКСУАЛ АБСТИНЕНЦИЯ (ҲАЙЗ ЦИКЛИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ)

Аксарият мамлакатларда (масалан, Япония, Маврикия, Перу, Филиппин оролларида) аҳолининг оз қисми - 15-20 %га яқин эр-хотинлар турли анъанавий ва замонавий абстиненция усуллари қўллайдилар ёки жинсий алоқани вақтидан илгари тўхтатадилар.

Таъсир қилиш механизми: Таквим усули хайз циклининг давомийлигини ҳамда хомиладор бўлиш эҳтимоли юқори даражада бўлган даврни аниқлаш билан биргаликда айни шу кунлар жинсий алоқа қилмаслик усулидир. Цервикал шиллиқ ва овуляция вақтини белгилаш усули эса (Беллингсов усули) уруғланиш кунини, цервикал шиллиқ миқдори ва консистенциясини назорат қилиш билан аниқлашдан иборат. Базал

хароратни ўлчаб боришда хароратни ҳар куни ўлчаб, харорат кўрсаткичларини мунтазам қайд қилиб бориш ва уруғланиш вақтини белгилаш учун хароратнинг кўтарилиши аниқланади.

Симпато-терминал усулга хароратни ўлчаш усули билан бирга ёки бир неча табиий усулларни биргаликда қўллаш киради.

Самараси ва афзалликлари: Мазкур усуллар хомиладорликдан сақланиш учун жуда ишончли ҳисобланмасада, бироқ бошқа йўллардан фойдаланишни истамаган эр-хотинлар учун қулай ҳисобланади. Бу усулнинг афзаллиги - организмнинг бошқа тизимларига умуман таъсир қилмайди.

Камчиликлари: Эр-хотин ҳар бир хайз цикли мобайнида ками билан 14 кун жинсий алоқадан тийилиши керак. Бундан ташқари, юқоридаги усулларни тўла эгаллаб олиш учун улар бир неча ой давомида ўз устида ишлаши ҳамда тажриба қилиб кўриши зарур.

Эмизиш, қин инфекциялари, иситма чиқиши каби ҳоллар цервикал симптомларни ўзгаришига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида, уруғланиш эҳтимоли юқори бўлган кунларни қайтадан ҳисоб-китоб қилиб, аниқлаш кераклигини тақазо этади.

Текширишлар анъанавий усуллар замонавий усулларга нисбатан ишончсиз эканлигини кўрсатди. Шунинг эътиборга олган ҳолда юқори самарага эришмоқ учун оилада эр-хотинларнинг биргаликда даврий равишда жинсий алоқадан воз кечиш туриши лозим бўлади. Бу ҳолат эса инсондан ўта талабчан ва руҳий турғун бўлишини талаб этади.

Тавсиялар: Юқорида келтирилган усуллардан аёлларнинг тўғри фойдаланишлари учун уларга тўғри маслаҳат бериш лозим. Бу усулни то аёллар ўзларида овуляция, яъни уруғланиш эҳтимоли юқори бўлган кунларни адашмай ҳисоблай олгунларига қадар самара бермайди. Хомиладорликдан сақланишнинг анъанавий усулларининг самарасини ошириш учун аралаш усуллардан фойдаланиш, яъни бир вақтнинг ўзида эркак ва аёллар учун мўлжалланган механик воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бола эмизиш (лактация)

Бола эмизиш ҳозиргача туғруқлар орасидаги танаффусларни чўзишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Аксарият ривожланаётган мамалакатларда бу усуллар бошқа усуллардан кўра муҳимроқдир.

Таъсир қилиш механизми: Болани эмизиш физиологияси тухумдонлар вазифасининг нисбатан камайиши ва ановуляция содир бўлиши билан боғлиқдир. Ановуляция туғруқдан кейинги 4-21 ойдан то 24 ойгача давом этади.

Самараси ва афзалликлари: Болани эмизиш туғилишни назорат қилишнинг энг муҳим самарали усуллари билан бирига айланиши мумкин. Эмизиш дарида хомиладор бўлиб қолиш ҳар 100та аёлдан фақат 2-12тасидагина кузатилганлиги бу усулнинг бошқа усулларга самараси жиҳатидан тенглашишига далил бўла олади.

Камчиликлари ва самарасизлиги: Баъзи аёллар кўкрак сути билан эмизишда тажрибаси бўлмаганлиги сабабли ушбу усулнинг самарасиз чиқиши ҳоллари содир бўлади. Кўкракда аҳён-аҳёнда эмизиш, қўшимча овқатлантириш каби

омиллар ҳайз циклининг қайта тикланишига олиб келади. Натижада аёлнинг хомиладор бўлиб қолиш хавфи туғилади.

Тавсиялар: Эмизикли давр аменореясини тез-тез ва қисқа ёки узоқ муддатли эмизиш билан сақлаб қолиш мумкин.

Жинсий алоқани олдиндан тўхтатиш

Тараққий этган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган усул

Таъсир қилиш механизми: Жинсий олат шахват тўкилишидан олдин чиқариб олинади.

Самараси ва афзалликлари: Бу усулнинг самараси паст ҳисобланади. Аммо эркак ўзини бошқара олсагина бу усулнинг самараси бирмунча ортади.

Нохуш таъсирлари: Юқорида келтирилган усул ҳеч қандай кўнгилсиз тиббий оқибатларга олиб келмайди-ю, лекин эр-хотин орасида жинсий қониқмаслик ҳолларига сабаб бўлиши мумкин.

Тавсиялар: Хомиладорликдан сақланишнинг бошқа усулларида фойдаланиш имкони бўлмаган ҳоллардагина бу усулдан фойдаланиш маъқулдир.

Презерватив

Презерватив фақат бир мартагина ишлатилиши шарт. Жинсий алоқа вақтида презерватив йиртилиб кетса, аёл дарҳол қин ичини кучсиз кислотали эритма (ачиган сут, сирка, лимон кислотилари) билан ювиб ташлаши лозим. Ушбу усулнинг самараси спермицидлар билан биргаликда қўлланганда ортади.

Ҳозирги вақтда ишончли ва самарали бўлиб ҳисобланган хомиладорликдан сақланиш усулларида яна бири - бу эркак ва аёллар учун мўлжалланган презервативлардир. Улардан кўпроқ ривожланган мамлакатларда фойдаланишади. Айниқса, ОИТС (СПИД) касаллигининг бутун дунё миқёсида кенг тарқалганлиги натижасида бу усулдан фойдаланувчилар сони кун-сайин ортиб бормоқда.

Таъсир қилиш механизми: Аёл қинига сперматозоиднинг киришига тўсқинлик қилиш унинг асосий механизми бўлиб ҳисобланади. Презервативлар латексдан ишланган бўлиб, кўпчилиги спермицид билан (шахватни ўлдирадиган модда) шимдирилган бўлади. Улар эркакларнинг олоти таранглашганидан кейин кийгизилади. Аёлларга ишлатиладиган презервативлар эса бевосита жинсий алоқадан олдин қин ичига тиқиб қўйилади.

Самараси ва афзалликлари: Хомиладорликдан сақланишдан ташқари, жинсий алоқа орқали юқадиган турли касалликлар, хусусан, ОИТСдан ҳимоя воситаси ҳам бўлиб, у етарли даражада ишончли ва афзал усулдир. Улар арзон, ишлатиш учун қулай, организмга зарарли таъсири бўлмайди.

Камчиликлари: Презервативлар жинсий фаолликни ўзгартириб, жинсий қониқиш ҳиссини камайтириши мумкин. Ишлатилган презервативдан қайта фойдаланиш асло мумкин эмас.

Нохуш таъсирлари: Қин шиллик деворининг яллиғланиш эҳтимоли

бўлиши мумкин.

Тавсиялар: Ҳар қайси аёл ва эркек, бирон-бир таносил касаллигига дучор бўлган бўлса, ёхуд биттадан ортиқ жинсий алоқада бўлиб турса. Унда латексдан қилинган юқори сифатли презервативлардан фойдаланиши керак.

Диафрагма ва цервикал қалпоқчалар

Диафрагма-резинадан тайёрланган гумбазсимон, теваараги эгилувчан ҳалқадан иборат бўлиб, жинсий яқинлашувдан олдин қинга киритилади. Цервикал қалпоқча бачадон бўйнига кийгизилиб, сперматозоидларнинг бачадон бўйнига ўтишига тўсқинлик қилади.

Таъсир қилиш механизми: Диафрагма ва қалпоқча бачадон бўшлиғи ҳамда шаҳват-сперма орасида тўсиқ вазифасини ўтайди. Диафрагма ва қалпоқча билан биргаликда спремацидларни қўллаш ҳам шаҳват фаоллигининг ниҳоятда пасайишига сабаб бўлади Самараси ва афзалликлари: Диафрагма ва цервикал қалпоқчаларнинг самараси бошқа турдаги тўсиқли усуллар каби ишончли ва афзалдир. Ушбу усулдан ҳам туғиш ёшидаги аёллар ва номунтазам равишда жинсий алоқада бўладиган аёлларнинг доимий равишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бу организмнинг бошқа системаларига таъсир этмайди.

Эркеклар презервативдан кўра қулайроқ ва устунроқ томонларидан бири, алоқа пайтида ўз-ўзини бошқариш ва жинсий яқинлашувдан анча олдин қинга киритиб қўйиш имкониятига эгалигидир.

Камчиликлари: Диафрагма ва қалпоқчалар мутахассис врач томонидан, ҳар бир аёл бачадонининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга тегишли катта-кичикликда танланиши, ундан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилиши керак. Бу усул айниқса, анъанага кўра жинсий органларга қўл билан тегиш ман этилган гуруҳларга тааллуқлидир.

Нохуш таъсирлари: Жинсий алоқадан сўнг диафрагма қин ичига 6 соат, қалпоқча эса 24 соат давомида қолиши мумкин. Агар бундан кўпроқ вақт қолиб кетадиган бўлса, қўнгилсиз асоратлар қолдиради: аллергия реакциялар, микротравмалар ва баъзида инфекция токсик шокни келтириб чиқариши мумкин.

Тавсиялар: Туғруқдан сўнг, бола тушиши ёки сунъий олдириш ва кичик тос соҳасида ўтказилган ҳар хил жарроҳлик муолажалари, бачадон ўлчамининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг учун диафрагма ва цервикал қалпоқчаларнинг ўлчамлари юқоридаги каби ҳолатлардан сўнг, албатта қайта тикланиши даркор. Шунингдек, бу усулдан қуйидаги сабабларда: спермицид ёки диафрагма ва қалпоқчаларга нисбатан шахсий сезгирлик кучайганда, қин автономияси ўзгарганда, жинсий яқинлик пайтида оғриқ ҳисси пайдо бўлганида, анамнездаги инфекция-токсик шок ҳолати кузатилганда ҳамда туғруқдан сўнг дастлабки 12 ҳафта давомида фойдаланиш ман этилади.

Бачадон ичи спирали

Бачадон ичи спирали - атрофида мис сим ўралган кичкина пластмасса

мосламадир. У врач томонидан аёлнинг бачадонига ўрнатилади. Бачадон ичи спирали ҳозирги вақтда энг кенг тарқалган, кўпчилик аёллар томонидан фойдаланилинаётган восита ҳисобланади.

Унинг афзаллиги шундаки: у узоқ муддат давомида хомиладор бўлиб қолишдан сақланиш имкониятини беради.

Камчилиги: у бачадон яллиғланиш хавфини ошириши мумкин. Ундан фойдаланадиган баъзи аёлларда ҳайз қони одатдагидан кўпроқ ва узоқроқ бўлади. Тери-таносил касалликлари, жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлардан химоя қилмайди.

Инъекцияли контрацептивлар

Инъекция (укол қилдириш) усули ҳар 2-3 ёки ҳар ойда укол қилдириш орқали амалга оширилади. Бу усул одатда 35 ёшдан катта аёлларга тавсия этилади.

Бу усулнинг самараси шундан иборатки, укол қилдирилгандан кейин, кўрсатилган муддат ичида қутилмаган хомиладорликдан сақланишнинг бошқа усулларида фойдаланишга ҳожат қолмайди. Уколни албатта медицина ходими қилиши керак.

Салбий асоратлари: Инъекция ҳайз мунтазамлигининг бузилишига олиб келиши мумкин. ОИТС, ЖАБЮКлардан химоя қилмайди.

Спермацид воситалар

Замонавий спермацидлар қатор мамлакатларда ишлатилади. Улар крем, ғалвирак, кўпик ҳосил қилувчи таблеткалар, тампонлар, желе, эритмалар кўринишида маълум ва турли презервативларга қўшимча мослама сифатида ишлаб чиқарилади.

Таъсир қилиш механизми: Маълумки, қин ичида доимий махсус муҳит мавжуд. Жинсий яқинлашувдан 10-15 дақиқа олдинроқ қинга юборилган спремацидлар, айнан шу муҳитни ўзгартириш ҳисобига шаҳват фаолиятни тўхтатади. Ғалвирак ўз таркибида замонавий спермацид - ноноксинол - 9ни тутиб, бевосита спермазоид мембранасини бузади ва натижада унинг фаолиятини заифлаштиради. Мазкур восита қинга киритилиб, бачадон бўйнига бириктирилишидан аввал, спермацид фаоллигини ошириш мақсадида сувда ҳўлланади.

Самараси ва афзалликлари: Келтирилган бу усул айниқса катта ёшдаги аёллар ёки номунтазам жинсий яқинликда бўладиган аёллар учун жуда қулай ва энг мувофиқ усулдир. Бу усул организмнинг бошқа системаларига таъсир қилмаслиги, тиббиёт ходимларига мурожаат қилмасдан фойдаланиш мумкинлиги билан афзал ҳисобланади. Ғалвирак қин ичида 24 соат давомида сақланиши мумкин бўлиб, таркибида спермацид бўлиши таносил касалликларидан муҳофаза қилиш таъсирига эгадир.

Камчиликлари: Жинсий алоқа вақтида турли ноқулайликлар туғдириши мумкин. Ғалвирак бошқа воситаларга нисбатан қимматроқ. Шунинг учун бу воситадан истаганча фойдаланиш чекланган. Бу усулнинг оз самара бериши уни бошқа хил тўсиқли усуллар билан биргаликда қўллашга мажбур этади.

Нохуш таъсирлари: Қин девори яллиғланиши ёки умуман аллергия

реакциялар кўринишида асоратлар кузатилиши мумкин.

Тавсиялар: Юқорида таърифланган бу усулнинг самарасини ошириш мақсадида уни презерватив, диафрагма, цервикал қалпоқчалар билан биргаликда қўллаш мумкин. Ғалвирак ҳар бир жинсий яқинлашувда қайта ишлатилади. Ва кин ичида 24 соатгина туриши мумкин, холос. Спермацидлардан туғруқдан кейинги дастлабки 6 ой давомида, хомила олдириш, хомиланинг тушиши ва ҳайз кўриш вақтида фойдаланиш қатъиян ман этилади.

9.3. ГОРМОНАЛ САҚЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ

Мураккаб гормонал сақланиш воситалари (МГСВ). Гормонал сақланиш воситалари таркибига аёллар тухумдонидида ишлаб чиқариладиган гормонларнинг, яъни эстроген ва прогестероннинг, синтетик аналоглари киради.

Ҳозирги даврда гормонал воситалар таркибини асосан кам дозали эстрогенлар (ЕЕ), яъни этинилэстрадиол ва гестагенлар - 19 - нортестостеронлар, яъни норэтинодрел (I-авлод), норэтистерон, этинодиол диацетат, ленестренол, левоноргестрел норгестрел (II-авлод), дезогестрел, гестоден, норгестимат (III-авлод) ва 17 - гидроксипрогестерон, медроксипрогестеронцетат ва бошқалардан ташкил топган. Улар бир қатор хусусиятлари билан бошқа воситалардан афзалроқдир. Учинчи авлод гестагенлари прогестерон рецепторларига оз миқдорида ҳам кучли таъсир қилиб, овуляцияни тўхтатиш хусусиятига эга бўлиши билан I ва II-авлод гестагенларидан фарқ қилади. Мутахасисларнинг фикрича, ушбу воситаларнинг аҳамияти сўнгги ўн йиллик ичида юқори поғонага кўтарилди.

Сабаби бу воситалар кўпгина ижобий хусусиятларга эга. Аввало бу воситалар микрограммларда қўлланади., липид модда алмашинувини бузмайди., андроген фаоллиги ниҳоятда кам бўлади ва қолаверса, юрак қон томири системасида патологик ўзгаришларни келтириб чиқармайди.

Бўйида бўлишдан сақловчи гормонал воситаларнинг турлари жуда кўп. Улар таркибидаги гормонларнинг нисбати ва дозасига кўра бир, икки ва уч фазали воситаларга бўлинади.

Бир фазали воситаларнинг ҳар бир таблеткаси бир хил нисбатда эстроген ва гестагендан ташкил топган, улар: марвелон (ЕЕ 0,030 мг ва 150 мг дезогестрел), ригевидон (ЕЕ 0,030 мг ва 0,150 мг левоноргестрел), микрогинон-28 (ЕЕ 0,30 ва 0,150мг левонорэргесрел) киради.

Икки фазали воситаларнинг биринчи ўнта таблеткаси фақат эстрогенлардан иборат бўлиб, колган 11 дона таблетканинг таркиби эса ҳам эстроген, ҳам гестагенлардан ташкил топган. Бунга антеовин киради.

Уч фазали воситалардаги таблеткалар таркибида эстроген ва гестрогенлар миқдори ва нисбати ҳайз циклининг фазаларига муносиб бўлади. Баъзи МГСВлар 28та таблеткадан ташкил топган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда сўнгги 7та таблеткалар таркибида гармон бўлмай, уларда темир моддаси, витаминлар бўлади ҳамда организмни умумий

қувватлантириш мақсадади қўлланилади. Бундай воситалар қаторига триквилар, трирегол, тризистон киради.

Таъсир қилиш механизми: Гормонал воситаларнинг таъсирида бутун ҳайз цикли давомида тухумдонлардан ишлаб чиқариладиган эстрогенларнинг миқдори ниҳоятда кам бўлиб эрта фолликул фазасига тўғри келади, натижада овуляция рўй бермайди. Бунинг оқибатида бачадон бўйни шиллиғининг зижлашуви ва қуюқлашуви юз бериб, спрематозоиднинг бачадон ичига ўтишини чеклайди. Шунингдек, эндометрийнинг функционал ва морфологик ўзгариши имплантация жараёнига тўсқинлик қилади. Гормонал ўзгаришлар таъсирида бачадон найининг ҳаракатланиши ва бачадон танасининг қисқариши нотабий тус олади, шунингдек сперматозоид ҳамда тухум хужайраларининг тўғри йўналиши бузилади.

Самараси ва афзалликлари: Гормонал сақланиш воситаларини мунтазам тўғри қабул қилиш усулнинг самарадорлигини таъминлайди. Гормонал воситалар юқори самарадорлиги, қабул қилишнинг қулайлиги, организмнинг олдинги ҳолатини тиклаш мумкинлиги ва ниҳоят хавфсизлиги билан ажралиб туради.

35 ёшгача бўлган аёллар организмга воситаларнинг таъсири уларнинг хомиладорлиги ва ўтишига қараганда анча хавфсиз ҳисобланади. Хомиладорликни олдини олувчи орал контрацептивлар бир қатор контрацептив бўлмаган хусусиятларга ҳам эгадир. Гормонал воситалар қутилмаган хомиладорликдан 100 фоиз сақловчи усулгина булиб қолмай, балки ягона даволаш хусусиятларига эга бўлган асосий восита ҳамдир.

Ушбу воситалардан фойдаланишда: ҳайз ва ҳайз ўртасидаги оғриқларнинг камайиши, ички жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиш касалликларига чалиниш эҳтимолини, хусусан тухумдон ва эндометрий хавфли ўсмаларининг (рак 50%гача) қисқариши, хавфсиз ўсмаларнинг, хусусан киста ва сут безларининг фиброаденомаси касалликларининг камайиши ҳамда ҳайз циклининг тўғри тартибга солиниши, темир етишмовчилиги анемиясининг кесин камайиши кузатилади.

Камчиликлари: Хомиладорликдан сақланиш учун мўлжалланган барча воситалар сингари, гормонал таблетка - препаратлар ҳам ўз камчиликларига эга. Уларга: гормонал препаратларни олдиндан эҳтиёждан кўпроқ миқдорда жамғариб олиш, уларни сақлаш, мазкур препаратларнинг қимматлиги, уларни ҳар куни мунтазам равишда қабул қилиб туриш шарти, қабулдан сўнг баъзан қўшимча нохуш таъсирларнинг пайдо бўлиши, ОИТСдан ҳимоя қилмаслиги ва депрессия ҳолатлари келиб чиқиши киради.

Гормонал воситаларни қўллашда бир неча қарши кўрсатмалар мавжуд бўлиб, бу воситалардан 35 ёшдан ўтган аёллар, кашандалар, оғир қандли диабет, гипертония касалликларига дучор бўлган аёллар фойдаланишлари асло мумкин эмас.

Нохуш таъсирлари: Гормонал воситаларнинг қўшимча таъсирларини келтириб чиқариш хусусияти аёл организмда жинсий гормонларнинг камайиши ёхуд кўпайиши билан изоҳланади. Энг кўп учрайдиган асоратлар таркибига сут безларининг қаттиқлашуви, кўнгил озиши, бош

айланиши, қусиш, тана вазнининг ортиши, жинсий иштиёкнинг сўниши ёки кучайиши, баъзида депрессия, бош оғриғи, тери қичиши аломатлари, ҳайз ўртасида қонли ажралмаларнинг пайдо бўлиши киради.

Тавсиялар: Замонавий 3-авлод гормонал воситаларидан фойдаланишда уларнинг таркибидаги гормонлар миқдорининг камлиги сабабли, кўпгина аёлларга манзур бўлмоқда. Бу усулни илк бор қўлламоқчи бўлган ҳар бир аёл унинг таърифномаси ҳақида маълумотларга тўла эга бўлмоғи лозим. Шу билан бир қаторда, мутахассис врач томонидан бу усулни қўлланиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида текширилиши ҳамда бу усулдан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилиши, аёлга мос келадиган хили танланиб берилиши керак.

Биринчи марта гормонал препарат ҳайз циклининг 1-кунидан бошлаб 21кун давомида, кунига 1 таблеткадан бир хил вақтда истеъмол қилиб борилади. Мабодо, баъзи сабабларга кўра бирон кун таблетка ичилмай қолса, дарҳол кўш доза қабул қилиниши лозим бўлади. Воситани қўллаш давомида, дастлабки уч ой мобайнида аёл мутахассис врач назорати остида бўлиши, кейинчалик, шахсий эҳтиёжга қараб шифокор қабулига бориб туриши керак.

Билимларни текшириш учун саволлар:

- 1. Оилани режаслаштириши қандай ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий аҳамиятларга эга?*
- 2. Муқаддас китоблар ва ўтмиш мутафаккирлари асарларидан, оилани режаслаштириши масалаларига оид билдирилган қандай фикр мулоҳазаларни биласиз?*
- 3. Оилани режаслаштириши деганда нимани назарда тутилади?*
- 4. Нима учун хомиладорликни олдини олиши керак?*
- 5. Хомиладорликни олдини олишнинг анъанавий усулларига нималар киради? Уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари нималардан иборат?*
- 6. Хомиладорликнинг олдини олишнинг яна қандай воситалари мавжуд?*
- 7. Гормонал сақланиши воситаларига нималар киради ва уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари нималардан иборат?*

X БОБ. ОИТС (СПИД) ВА ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

10.1. ОИТС (СПИД) ВА ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИ БИЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳозирги даврда ўта жиддий ижтимоий ва психологик муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай касалликлар ўз ижтимоий мохиятига кўра муайян бир мамлакатда кенг тарқалгач, шу мамлакат аҳолиси соғлиғига етказадиган зарари, уларнинг асоратларини йўқотишга кетадиган куч ва маблағлар, жамиятга етадиган маънавий зарарлар ва унинг энг ашаддий оқибатларидан бири янги авлодни дунёга келтирадиган жараёнларга салбий таъсири билан ўлчанади.

Таносил касалликларининг ижтимоий муаммолар туркумига мансублигини ва бу касалликларни тарқалиш сабабларини кўриб чиқиш уларга ечим топишни осонлаштиради. Бу борада бир қатор фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бунда бир-бири билан боғлиқ бир қанча сабабларни айтиб ўтиш жоиздир. Бундай сабабларнинг энг аҳамиятга моликларидан бири демографик ўзгаришлар бўлиб, бунда аҳоли сонининг ортиши, жинсий мойилликнинг эрта юзага келиши, болаларни, ёшларни кўпайиши ва улар ўртасида жинсий таълим-тарбиянинг суст кўйилганлигидир. Яна бир муҳим сабаб хулқ ва ахлоқдаги ўзгаришлар ҳисобланади.

Бунга меъёрдаги жинсий талаб ва шартларнинг сусайиши, тақиқларнинг камайиши, эр-хотин ўртасидаги ўзаро ишончнинг бузилиши, жинсий муносабатда аёллар устунликларининг ошиши киради. Жинсий тарбияни тўғри ва оқилона йўлга қўйилмаганлиги ҳам муҳим сабаблардан бири ҳисобланади. Бунда ота-оналарнинг болаларга таъсирининг сусайиши, жинсий алоқа тўғрисидаги тушунчаларни ўзгариши, ёшлар ўртасида алкоголизм, наркомания, фоҳишабозликни авж олиши, оилаларнинг ажралиши ва юқорида баён этилганидек, оналарни бир ўзи яшашни афзал деб билишлари ва ёшлар ўртасида гомосексуализм (бесоқолбозлик)ни, орогенитал жинсий алоқаларнинг кўпайиши, турли-туман миллий ахлоқий тушунчаларга зид видеофильмларни ёшлар ичига кириб келиши ҳисобланади. «Соғлом танда соғ ақл» - деган халқ ҳикмати жуда ўринли ва топиб айтилган. Дарҳақиқат, соғлом инсон тўғри фикрлайди, ўзи ва жамият учун муносиб хатти-ҳаракатлар қилади, натижада бундан шахснинг ўзи ҳам, оиласи ҳам, жамият ҳам катта манфаат кўради. Агар инсон носоғлом бўлса, унинг маънавий ахлоқий фикрлашлари ҳам мантиксиз, шуурсиз, бемаъни бўлишидан ташқари, унинг иш қобилияти (ҳатто фикрлаш қобилияти ҳам) сусаяди. Оилага ва жамиятга келтирадиган фойдасидан зиёни кўпроқ бўлади.

Табиийки, юқорида баён қилинганларнинг барчаси ижтимоий муаммо бўлиб, бундан жамиятга, шахснинг ўзига ва оиласига манфаат келмайди. Айни пайтда юқоридагидек Давлат ва жамият талаби ва руҳига зид келадиган хатти-ҳаракатлар, ахлоқсизликлар, беномусликлар, мувофиқликлар содир бўладигани, буларнинг барчаси юқоридаги касалликнинг келиб чиқиши, илдиз отишига олиб келади.

Ҳозирда таносил касалликлардан захм ва сўзак давлат томонидан текин даволанади. Уларни овқати, дори-дармонлари ҳам касалхонадаги ўринлари, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳаммаси бепул бўлиб, давлат

бюджети ҳисобидан беморлар касалдан (санация) «тозаланишади». Агар касаллик илк даврда аниқланса, уларнинг асоратларидан инсон ҳоли қолади, даволаниш сифатли кечади. Аммо касалликлар кеч аниқланса ёки авлодларга ўтса, албатта бу ҳолатларда беморни буткул ва асоратсиз даволашни шубҳа остига қўяди.

Бу ҳолат мамлакат иқтисодига, одамлар руҳиятига катта зарар етказди. Масалан, бундай касалликка чалинган одамлардан дунёга келган бола туғма захм билан туғилса, у келажакда жамиятга фойда келтириш ўрнига, аксинча фақат зиён етказиши мумкин холос. Уни даволаш, келажакда соғлиғини назорат қилиниши учун мамлакатнинг кўплаб маблағи сарф қилинади. Беморларнинг ўзи касал бўлишидан кўра бошқаларни зарарлашлари энг ашаддий ижтимоий муаммодир. Касалликка чалинганлар кўпинча ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам соғлиғи ҳақида қайғуришмай тартибсиз жинсий алоқа билан шуғулланишади, бу эса ўз вақтида жамият тараққиётига путур етказди. Баъзи бир шахслар 2 ва ундан ортиқ таносил касалликларига чалиниб уларни умр бўйи ўзи билан олиб юриши ва бошқаларга ҳам юқтириши мумкин. Шундай беморлар борки, жинсий алоқаларда тартибсизлик туфайли бир вақтнинг ўзида уларда 2-3та таносил касалликлар аниқланади. Бу эса жамиятга жуда катта зиёнدير, касаллик сони қанча кўп бўлса, уларнинг салбий асоратлари ҳам шунчалик аянчли бўлади ва жамият учун жиддий ижтимоий муаммоларни туғдиради.

Бундан келиб чиқадиган амалий хулоса шуки, жинсий касалликни ўзига юқтириб олганлар энг аввало давлат ва жамиятга, иккинчидан оиласига, атрофидаги одамларга энг мудхиши ўзидан кейин соғлом насл қолдиришни хавф остига қўядилар.

Шу боисдан ҳам жойларда фуқаролар, маҳалла жамоатчилиги, ўқув муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, соғлом оилалар ўз сайёи ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда енгилеқлар, такасалтанглар, алкоголизм, наркоманлар, фоҳишабозлар, қўшмачилар, айниқса жинсий касалликларни ташувчи кишиларни давлат ва жамият манфаатларига ёт унсурлар сифатида уларга қарши кескин курашмоқлари керак. Зотан бундай қилишни динимиз ва эътиқодимиз манфаатлари ҳам талаб қилади.

10.2. ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УНГА САБАБ БЎЛАДИГАН ОМИЛЛАР

Таносил касалликларига турли-туман омиллар, ўз белги ва хусусиятлари билан кечувчи юқумлилиқ жараёнлари киритилган. Бу касаллик табиатини диққат билан ўрганилса унда битта умумийлик борлигини кўрамиз. Яъни бу касалликлар асосан юқиш орқали кўпаяди. Бошқача қилиб айтганда, соғлом кишининг касалликка чалинган киши билан лоақал бир марта кечган жинсий алоқаси муқаррар тарзда касалликнинг юқишига олиб келади.

Ҳозирда «венерология» фанида («венера»- севги тожи демакдир) 20 дан ортиқ шу гуруҳга кирувчи турли касалликлар маълум ва улар асосан

жинсий алоқа орқали юқади. Шу туркум касалликларига венерологияда захм (сифилис), сўзак (гонорея), трихамониаз, юмшоқ шанкер, венерик линфагрануломатоз, донованоз хламидиоз, ликомлазмаз, гарднереллиоз, гениталь учук (герпес), ўткир учли кондилималар, кандидозлар, гепатит В, кўтир, битлилик, гиардиаз амердиаз амебиаз юкумли (кантагиоз) моллюск, цитемелегалия ва ОИТС (одамда иммунтанқислик синдроми СПИД) киритилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш жамиятининг маълумотиға кўра захм, сўзак, трихамониаз, хламидиоз дунёда энг кўп тарқалган таносил касалликлари ҳисобланиб, эпидемик жиҳатдан фақат грипп ва безгақдан сўнгги ўринда туради.

Шу жамиятнинг хабарига кўра ҳар йили дунё бўйича 200 млн одамда сўзак, 250 млн. трихаминоз, 200-250 млн.ида хламидиоз, 100млн. микоплазмоз ва 50 млн. аҳолида захм касалликлари қайд этилган.

Таносил касалликлари бир ўсиб бир камайиб туради. Биз захм ва сўзакнинг 50 йил ичида юртимизда қандай тарқалганлиги ҳолатини таҳлил қилганимизда, шу касалликларни бир хил шароитда, ёнма-ён тарзда 5 марта ўсгани ва камайганлигининг гувоҳи бўлдик. Лекин уларнинг ўсиб ва камайиб бориш жараёнига турли вақтларда турлича омиллар сабаб бўлган. Масалан, 1947-1953 йиллардаги ўсишда 2-жаҳон урушидан сўнгги жинсий алоқаларнинг тартибсизлиги сабаб бўлган. Бу вақтда эркакларни камлиги ва аёлларнинг кўплиги ҳам аҳамиятга эга бўлган. Яна шундай мисолларга 1966 йилдан кейинги «Тошкент зилзиласи»дан сўнгги ўсишдаги ҳолатга келсак, бунда 1972 йилда шу ўсишнинг чўққиси кузатилган, яъни захмнинг ўсиши 100 минг аҳолига 44ни ташкил қилган буни тиббиётда интенсив кўрсаткич дейилади. Бу пайтда ҳам зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида хашарга келган одамларнинг миграцион жараёни кучайганлиги сабаб бўлган. Бу вақт турли турли жойдан келган ишчи-қурувчилар орасидаги «эркинлик» яъни жинсий бетартибликлар, уларнинг орасида эса тушунтириш ишларининг етарли даражада олиб борилмаганлиги ва улар келган вақтларида турли тиббий текширувлардан ўтказилмаганлиги ёки текширувнинг тўлиқ бўлмаганлиги касаллик тарқалишининг асосий сабабларидан бўлган.

Захм ва сўзакнинг республикамиздаги ҳозирги 5-чўққиси аввалгиларига ўхшаш бўлмаган ўзига хос сабабларга боғлиқлиги аниқланди. Бу 5-ўсиш захм бўйиша асосан 1991 йилдан бошланган бўлиб, бу вақт юқоридаги интенсив кўрсаткич (ҳар 100 минг аҳолига) 1,8ни ташкил этган. Шу вақт ичида 1997 йил шу кўрсаткич 47,3га етди. Лекни 1998 йил ҳисобига бу кўрсаткич 45,5гача камайди. Аммо бу пасайиш ҳеч кимни сусткашликка йўл қўймасликка ундаши лозим. Агар сузак бўйича юқоридаги кўрсаткични таҳлил қилсак, 1997 йилда юртимизда 100 минг аҳолига 26,7 касаллик, 1998 йилда эса бу кўрсаткич 27,5 тага ўсган.

Республикамизда юқорида қайд қилганимиздек, трихомониаз ҳам ўсган. Агар 1997 йили ҳар 100 минг аҳолига 85,5 бўлган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 100 тагача ўсган. Бу касаллик ҳам ўзининг ашаддий асоратлари

билан жинсий алоқа билан юқувчи касалликлар туркумига киради. Ҳозирда республикада асосан мана шу касалликлар юқори даражада учрайди. Кўпинча шу туркумга кирувчи касалликлар, яъни венерология фанига маълум бўлган касалликларни барчаси ҳам юртимизда учрамайди.

Юртимизда хламидиоз, микоплазмоз ва гарднерилез касалликларининг диагностикаси кам йўлга қўйилган, лекин аниқланган касалликлар миқдори камчиликни ташкил қилган.

XX аср «вабо»си деб юритиладиган жинсий йўл билан юқувчи касалликлардан бири ОИТС катта ижтимоий муаммони ташкил этади. Авваллари бу касаллик 1995 йилгача йилига биттадан қайд этилган бўлса, 1996 йилда 3 та, 1997 йилда эса 8 та иммунитет танқислиги вируси мавжуд бўлган одамлар топилди. Ҳозирда қўшни МДҲ давлатлари тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, агар захмнинг ҳар 100 минг аҳолига бўлган кўрсаткичи 150 дан ўсса, унда ОИТСни кўпайиш эҳтимоли ошади. Бу ҳозирда ўзига хос индикаторлик вазифасини бажараяпти.

Шу боисдан юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳар бир ўсишнинг ўзига хос сабаблари бўлади. Бу ўсишда жинсий алоқа орқали юқувчи касалликлар учун энг асосий сабаблардан бири миграцион жараён дир. Шу билан бирга касаллик ўсишида янги омиллар пайдо бўлди. Булар майда, ўрта бизнес билан шуғулланувчилар, олиб сотарлар ва уларнинг хотинлари ҳисобланади. Яъни бунда уй бекалари бўлган ўйнаш ва фоҳишаларнинг ролини алоҳида таъкидлаш керак. Буни қуйидаги рақамлар кўрсатади. Масалан, 15-17 ёшли беморларни Тошкент шаҳри бўйича 1998 йилда 44 таси захм билан касалланишган. Улар орасида 37 таси қизлар дир. 18-20 ёшли касалларнинг 68%ини аёллар ташкил қилади, 21-50 ёшлиларнинг эса 53%и аёллар дир.

Ҳозирда касалликларнинг аниқланиши, асосан кеч амалга оширилмоқда. Бу эса ўз вақтида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг суи олиб борилаётганлигидан далолат беради. Масалан, захмни 67,4% (1998 йилда) республикада кеч аниқланган.

Юқоридаги фикрларни тасдиқловчи мисоллардан яна шуни таъкидлаш жоизки, авваллари касалликлар асосан шаҳарликлар орасида кўп учраган бўлса, ҳозирда эса қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам кўпайган. 1998 йилда захм билан қишлоқ аҳолиси орасида 34% дан ортиқроғи касалланган. Аҳолининг шу қатламида сўзак 30%ни ташкил этган, лекин булар орасида аёлларнинг касалланиши эркакларга нисбатан камчиликни ташкил этади. Ҳозирда жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларнинг тарқалиши авж олиб турган бир вақтда ҳар бир инсон ўзининг қадамини ўйлаб босса, ўринли бўлади. Шундагина бу ихтимоний касалликлар тарқалишининг олдини олинади.

10.3. ЖИНСИЙ АЛОҚА ОРҚАЛИ ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Кейинги йилларда таносил касалликларининг олдини олиш борасида кўпгина ишлар қилинганлигига қарамасдан, уларнинг йил сайин ошиб бориши бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Касалликлар паст кўрсаткичга эга бўлган пайтда уларнинг олдини олиш юзасидан туркум ишлар сусайганлиги сабабли касаллик кучайганда бу соҳадаги фаолият таъсирчанлигини кенг таҳлил қилишни ошириш, бу соҳада янги илғор чора-тадбирларни қўллаш зарур бўлиб қолади.

Ҳозирда таносил касалликларининг ўсиши бошқа вақтдагилардан фарқ қилганлиги сабабли тушунтириш ишларини, касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларининг янги йўналишларида изланиш ва тахминлар асосида ташкил этишни тақазо қилади.

Кундалик ҳаётда учрайдиган ҳар хил вазиятлар, порнография, ота-оналарнинг ўзаро муносабатларининг ёмонлиги, ёшлар ўртасида наркомания, алкоголизм ва фоҳишабозликнинг ривожини, ёшлар ўртасидаги гомосексуализмни авж олиши, албатта шуларга қарши чора-тадбирларни янги йўналишларини ишлаб топишга ундайди.

Юқоридаги сабаблар, албатта болаларнинг руҳий ҳолатига таъсир этади ва ўқув муассасаларида бу борадаги таълим-тарбия ишларини тўлақонли олиб борилишига халақит беради. Айти пайтда булар миллий удумларга риоя қилиш чегарасидан чиқаради.

Буларнинг ҳаммаси таносил касалликлари бўйича бирламчи профилактиканинг сустигидан далолат беради ва бу касалликларнинг тарқалишидаги асосий омиллардан бири эканлиги исбот этилади.

Шунинг учун ҳозирда ҳеч нарсани аямасдан, аҳолини таносил касалликлари ҳақидаги ахборотлар билан тўлиқ таъминлаш зарур. Бунда ҳар хил ёшга ва унинг жинсига мос адабиётлар билан таъминлаш керак. Уларда касалликларни белгилари ҳақида, уларнинг юқиш йўллари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрсатилиши ҳамда одам энг аввало ўзини ва атрофидагиларнинг соғлиғини учун қайғуриши лозимлигини тушунтириш зарур. Бирламчи профилактикани ҳозирда юртимизда паст даражада ҳисоблашади. Лекин республикада кейинги пайтларда газета ва журналларда мақолалар, радио ва телевидениеда чиқишлар бир оз авж олмоқда, аммо ёшлар ўртасида ҳар хил таносил касалликлари ҳақида махсус эшиттиришлар ҳозирча кам. Бирламчи профилактика учун ёшларга, ҳатто ўқувчи ва талабалар учун мос адабиётлар чоп этиш ва тарқатиш фойдадан холи бўлмас эди. Адабиётларнинг етишмовчилиги албатта, ёшларни бошқа номуносиб адабиётларга порнография ва беҳаё видеофильмларга мурожаат этишларига мажбур қилади. Булар албатта ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилиб, ёшларни эрта жинсий алоқага берилишига сабаб бўлади. «Кейинги пушаймон ўзингга душман», деганларидек, агар ёшлар бу жинсий хулқ билан ҳаёт сахнасига чиқсалар албатта кеч бўлади. Шунинг учун бу борада жиддий ишлар олиб бориш шарт.

Ҳозирги вақтда таносил касалликларининг олдини олиш учун барча кучларни бирлаштириш тўғри бўлади, булар ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Буларга қуйидаги йўналишлар кириритилади: касалликларни тарқатиш ҳолатининг тарғиботи, иқтисодий омилларни излаш ва ижтимоий ҳолатларни таҳлил этиш ва бошқалар бирлашиб таносил касалликларига қарши кураш самарадорлигини оширади.

Таносил касалликларини олдини олишда ҳар бир инсон онгида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳақида тушунчаларни кенгайтириш ҳам ўзига хос омиллар ҳисобланади. Агар шу қоидаларга амал қилинса, таносил касалликларининг олдини олишда шахдам қадам қўйилган бўлар эди. Бунинг учун ҳар бир инсон бегоналар билан жинсий алоқада бўлгач жинсий органларини тозалаб, хўжалик совуни билан яхшилаб ювгач, маргацовкали суяқ эритма билан жинсий органларини ювиб, қуриштиб, тоза ички кийим кийиши шахсий гигиена қоидаларига киришини тушунтириш лозим. Ҳозирда бутун жаҳонда барча ёшдагилар орасида «хавфсиз секс» тарғиботи кенг авж олган. Бунда ҳар бир жинсий алоқа олдидан энг қулай олдини олиш йўли - бу презервативлардан кенг фойдаланиш тарғиботидир. Албатта тарғиборт билан бирга улар кенг савдо тизимида эркин бўлиши ва уларнинг баҳолари арзон бўлиши лозим.

10.4. ЁШЛАРДА ЖИНСИЙ ХУЛҚ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

Жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларнинг болалар ва ўсмирлар ўртасида йил сайин ўсиб бориши уларнинг ижтимоий-психологик ҳолатлари қай аҳволда эканлигидан далолат беради десак хато қилмаган бўламиз.

Республикамизда ҳозирги вақтда аҳолининг 40%идан кўпини 17 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Бу эса ўз вақтида таносил касалликлари тарқалишининг олдини олиш борасида янгидан-янги йўл-йўриқлар излаб топишни талаб қилади.

Шулардан асосийси, ёшлар орасида жинсий хулқ тарбиясини йўлга қўйиш ҳисобланади. Бу эса барчанинг иши бўлиб, ҳозирда бу ишда бир қанча камчиликлар мавжуд. Ёшлар орасида ахлоқ нормаларининг талқини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий тарбиямиз талабларининг эътибордан четда қолаётганлиги, уларга амал қилмаслик, ота-оналар орасидаги муносабатлар, оиладаги муҳит, турли ташқи таъсирлар, табиийки болалар ва ёшлар орасида таносил касалликларининг ўсишига сабаб бўлади.

Охириги пайтларда болалар ва ўсмирлар орасида жинсий алоқалар йўли билан тарқалган касалликлар ҳолатини кўриб чиқсак, жуда ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўламиз.

Агар 1994 йилда 14 ёшли болалар ичида 15та захм касали қайд қилинган бўлса, 1995 йил 20та, 1996 йил 40та ва 1997 йилда эса бу кўрсаткич 61тага етган. 61тадан 37таси 14 ёшгача бўлган қизларда қайд қилинган бўлса, шулардан 72,5%ини қизлар ташкил этиши янада ачинарли ҳолдир.

1998 йилда 18-20 ёшлилар орасида захмнинг тарқалганлигини кўрсак, бунда яна «ёқа ушлашга» мажбур бўламиз. Бу гуруҳ ёшларнинг 62,7%и аёл-қизлар эканлиги жинсий тарбиянинг оилада, жамоатчилик орасида қанчалик оқсаётганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, 1998 йилда захм билан касалланганлар орасида 14 ёшгача бўлганлар 0,5%ни, 15-17 ёшлилар 1,7%ни ва 18-20 ёшлилар эса 77%ни ташкил қилади.

Агар захм касаллигини қишлоқ аҳолиси орасида тарқалганлигини кўрсак, бошқача кўрсаткичларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, захм 14 ёшгача бўлганларда барча касалликларнинг 0,7%ини, 15-17 ёшларнинг 1,5%ини ва 18-20 ёшлиларнинг 6,5%ини ташкил қилади. Агар шуларни жинсий томондан кўриб чиқсак, 14 ёшгача бўлган ёшларда захмнинг 65,5%ини қизларда кўрамиз. 15-17 ёшлилар орасида 62,2%ини ва 18-20 ёшлилар ичида эса 57,7%ни қизлар ташкил қилади.

Захми уч гуруҳ болалар ва ёшлар ўртасида тарқалганлик ҳолатини кузатсак, шу нарса кўриниб турибдики, асосан жинсий мойилликнинг эрта уйғониши ва фоҳишабозликнинг авж олиши омил вазифасини ўтаса, асосий сабаб бу касалликлар ва уларнинг одини олиш ҳақидаги элементар тасаввурларнинг ёшларда йўқлигидир.

Сўзакни болалар ва ёшлар ўртасида тарқалиш даражасини кузатсак, юқорида айтиб ўтилган фикрлар ўз тасдиғини топади.

Сўзак 1998 йили ҳар 100 минг аҳолига нисбатан бир оз ўсди (1997 йилда 26,7%) ва 27,5%ни ташкил қилди. Сўзак умумий касалланганлар орасида 14 ёшгача бўлган болаларда 1,1%ни, 15-17 ёшлилар орасида 4,9%ни ва 19-20 ёшлиларнинг 10,4%ини ташкил қилади. 14 ёшлилар орасидаги касалланганларнинг 84,7%ини, 15-17 ёшлиларнинг 50,5%ини ва 18-20 ёшлиларнинг 48,4%ини қизлар ташкил қилган. Бунда шуни қайд этиш лозимки, аёлларда сўзак диагностикаси бироз қийин, яъни уларда кўпинча яширин, сурункали сўзаклар учрайди.

Қишлоқ аҳолиси орасида сўзак 1998 йилда барча венерик касалликларнинг 33,8%ини ташкил қилган бўлиб, 14 ёшгача бўлган болалар орасида 0,9%ни, 15-17 ёшлиларда 1,3%ни ва 18-20 ёшлилар орасида 8,3%ни ташкил қилган. 14 ёшгача бўлган болаларнинг 81,8%ини қизлар ташкил қилган. 15-17 ёшли болалар ичида сўзак ўғил болаларда кўпроқ қайд этилган, яъни 66,6%ни ташкил қилган. 18-20 ёшли ўғил болалар орасида ҳам сўзак кўп аниқланган, яъни 57,6%ни ташкил қилган. Бу ҳолат қишлоқ аҳолиси орасида сўзакнинг қизлар орасида кам аниқланиши асосан у ерларда жинсий хулқнинг, қиз ва ўғил болаларнинг ўзаро яқин муносабатларининг чекланганлигидан, катталар томонидан қаттиқ назорат остида эканлиги билан белгиланади.

Шу ёшдагилар орасида жинсий йўл билан юқувчи касалликлар ҳақидаги билимлари кўриб чиқилганда, қизиқ натижалар олинди. Таносил касалликлари ҳақидаги билимларни синаш шуни кўрсатдики, ҳар хил касаллик ҳақида ўқувчилар турлича билимга эга эканлар. Энг яхши билим шаҳар ва қишлоқ ёшлари орасида одамлар иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) тўғрисидаги билимлар эканлиги аниқланди. Захм ва сўзак ҳақида мактаб ўқувчилари ўртасида билимлар паст даражада бўлиб, шаҳар болалари орасида қишлоқдаги ёшларникидан ҳам пастлиги исбот этилди. Бу эса шаҳарда мактаб ёшлари орасида шу нарсалар ҳақида ахборотлар олиш паст даражада эканлигидан далолат беради. Никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлиш бўлмаслиги ҳақида ўзига хос натижалар олинган. ЮНЕСКО лойиҳаси асосида қўлланма муаллифлари томонидан махсус ўтказилган

илмий тадқиқот натижаларига кўра қишлоқ мактабларидаги 9-синф қизларидан 30%га яқини никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлишликка қарши эмаслигини билдирган. Шаҳарда бу кўрсаткич 38%ни ташкил этган. Шу рақамлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур ёшда жинсий ҳаётни рад этмаган ва шу билан бирга жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш воситалари ҳақида билимларнинг ўта саёзлиги мазкур муаммони бугунги кунда нафақат ўзга давлатлар, балки Ўзбекистонда ҳам ниҳоятда долзарблигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам таълим ва тиббиёт ходимлари ёшлар орасида зарур бўлган билимларни бериб боришлари ва тушунтириш ишларини кенг тармоқда олиб боришлари ҳозирги кунда улар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бундан ташқари болаларни шу тариқа билимларини оширишда ҳар хил жамиятлар, жамоат туркумлари кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришлари керак. Шундай қилинганда бу касалликлар сони камайтирилиб, инсон саломатлигига путур етказишнинг олдини олган бўлар эдик.

Билимларни текшириш учун саволлар?

- Таносил касалликлари қандай юқади?*
- Бу касалликлар тури ҳозирда нечта?*
- Тарқалганлик ҳолати ҳозирги кунда қандай?*
- Нима сабабдан бу касалликлар ўсиб туради?*
- Олдини олиш учун асосан нималарга амал қилиш лозим?*
- Бирламчи профилактика нима?*
- Таносил касалликларининг олдини олишда қандай омилларга мурожаат қилиш керак?*
- Иккиламчи профилактика нима?*
- Шахсий гигиена нима?*
- Ҳозирда таносил касалликларининг тарқалиш ҳолати қандай?*
- Ёшлар орасида таносил касалликлари қай аҳволда?*
- Қишлоқ ва шаҳар ёшлари орасида таносил касалликларининг фарқи?*
- Ёшлар орасида таносил касалликлари ҳақидаги билимлар қандай?*
- Тўйгача бўладиган жинсий алоқага қандай қарайсиз?*

Мавзуга оид ривоят:

1. Ўзинг суймаганини бошқага раво кўрма

Саодат асрида Пайғамбаримиз (С.А.В) асҳоби ила суҳбатда эдилар. Бир йигит кириб келди ва одобсизлик билан:

- Ё, Расулуллоҳ! Мен фалончи аёл билан яқинлашмоқчиман, у билан зино қилмоқни истайман, - деди.

Асҳоби киром бу муомаладан қаттиқ хафа бўлдилар. Улар орасида ғазабланган, йигитни уриб Пайғамбаримиз (С.А.В) ҳузурларидан чиқариб ташламоқчи бўлганлар бўлди. Баъзилар дўқ қилдилар, чунки йигит ниҳоятда ҳаёсиз муомала қилганди.

Суюкли Пайғамбаримиз (С.А.В): «Ул йигитга тегманг, бери келсин»,- дедилар. Йигитни ёнларига ўтқазиб:

- Йигит, бировнинг онанг ила бундай ёмон иш қилишини истайсанми? Бу жирканч ҳаракат сенга хуш келадими? - деб сўрадилар.

Йигит шиддат билан:

- Йўқ, Расулуллоҳ, - деб жавоб берди.

Расулуллоҳ (С.А.В.):

- Ундай бўлса, бу жирканч ишни қилмоқчи бўлганинг аёлнинг авлодлари, яқинлари ҳам бундан хурсанд бўлмайдилар. Агар бу хунук ишни сенинг онанг, синглингга қилсалар яхшими? Ёки холанг, амманг ва ёки қариндошларингдан бири ила шу ишни истасалар яхши кўрасанми? - деб сўраганларида йигит ўрнидан сапчиб туриб «йўқ» деб жавоб берди.

Расулуллоҳ (С.А.В.):

- Бошқа одамлар ҳам бу ишдан хурсанд бўлмайдилар ва ҳеч бири буни яхши кўрмайдилар, - дедилар ва яна сўрадилар:

- Айт, синглинг шундай қилса суюнасанми?

Йигит:

- Йўқ, асло! - деди қатъий ва ҳеч ким билан бундай ишни хуш кўрмаслигини айтди.

Шундан кейин Ҳазрат Пайғамбаримиз (С.А.В) муборак қўлларини йигитнинг кўксига қўйиб бундай дуо қилдилар:

- Аллоҳим! Сен бу йигитнинг қалбини покиза қил. Номуси ва шарафини муҳофаза айла ва гуноҳларини кечир.

Йигит Пайғамбаримиз (С.А.В)нинг ҳузурларидан хурсанд бўлиб чиқди.

XI БОБ. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ОИД ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТЛАР

11.1. ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТЕСТЛАР

Муҳаббат деган нарса жуда оз кишига

Насиб бўладиргон бир дури бебаҳодир.
Абдулла Қодирий.

1- тест. «Севги ва ёқтириш майли шкаласи» тести

Оила куриш мотивларидан бири севги-муҳаббат ҳисобланади. Оилавий муносабатларнинг қай даражада кечиши кўпинча шу мотивга боғлиқ. Лекин ҳар қандай инсон ўз ҳис-туйғуларининг севги объекти, яъни танлаган кишисига нисбатан қандай эканлигини билиб олиши керак.

Қуйида келтириладиган тест шахсдаги ҳис-туйғуларидан севги ва ёқтиришнинг даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бунинг учун шу 14 та тасдиқларнинг ушбу жавоб вариантларидан бирини белгилайсиз.

- а) ҳа, бу шундай.
- б) эҳтимол шундайдир.
- в) у қадар бўлмаса керак.
- г) бутунлай ундай эмас.

Бунда иложи борича тез ишлашга ҳаракат қилинг.

ТАСДИҚЛАР.	а)	б)	в)	г)
1. Мен унга мутлақо ҳамма нарсани ишоним мумкин.	4	3	2	1
2. Бирга бўлган вақтларимизда бизнинг кайфиятимиз доимо мос тушади.	4	3	2	1
3. У фақат меникидир деб айта оламан.	4	3	2	1
4. У жуда ақлли киши.	4	3	2	1
5. Унинг учун мен мутлақо ҳамма нарсага тайёрман.	4	3	2	1
6. Кўпчилик ҳолларда, у одамлар билан танишган вақтларимизда уларга ёқа бошлайди.	4	3	2	1
7. Ўзимни нохуш (ёмон) ҳис қилган вақтларимда фақат у билан суҳбатлашгим, ҳасратлашгим келади.	4	3	2	1
8. Биз у билан қалбан ўхшашимиз деб ўйлайман.	4	3	2	1
9. Агар, усиз яшашга тўғри келиб қолса, унда менга жуда оғир (қийин) бўлар эди.	4	3	2	1
10. Мен унга ўхшаган бўлишни хоҳлар эдим.	4	3	2	1
11. Унга доимо яхши бўлиши учун мен ўзимни жавобгар деб ҳис қиламан.	4	3	2	1
12. У менга нисбатан яхши муносабатда эканлигига ишончим комил.	4	3	2	1
13. Унинг бошқалардан кўра, менга кўпроқ ишонишини ҳис қилиш менга ёқади.	4	3	2	1
14. У мен билган қизлар (йигитлар) орасида энг жозибали (ёқимлидир).	4	3	2	1

Бу тасдиқларнинг тоқ ва жуфт ўринда турганларининг балларини суммасини ҳисоблаш орқали ўзингиздаги ҳиссиёт турини аниқлашингиз мумкин. Бунинг учун тоқ ва жуфт тасдиқлар бўйича олган балларингизни ҳисоблаб чиқинг. Яъни, тоқ сондаги тасдиқлар орқали севги даражасини, жуфт сондаги тасдиқлар эса ёқтириш (майли) даражасини билдиради.

Қайси шкала бўйича балларингизнинг кўп эканлиги, сизнинг муносабатингизда шу ҳис-туйғу турининг устунлигини кўрсатади.

Муҳаббат энг қадимий ва навқирон тушунча. У шу кунгача қариган эмас, бундан кейин ҳам қаримайди. У ҳаминша офтоб каби қалбга яқин, аммо ҳар бир замон, ҳар бир авлод ва ҳар бир қалб унинг янада янги, мазмунли, кўркам ва файзли бўлишига ўз ҳиссасини қўшади.

Т.Қораев

2 - тест. «Бу катта севгим ёки енгил-елпи ёқтиришми?» тести.

Қуйида бериладиган саволли вазиятларга мос келган жавобни танласангиз, у ҳолда сиздаги ҳисларингизнинг қандай эканлигини билиб олиш имкони туғилади. Жавоб намунасини ўзингизга маъқулни танлаётганингизда миянгизга биринчи бўлиб келган фикрни танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини унутманг.

1. Учрашувга кета туриб, Сиз:
 - а) ўзингиз ёқтирган кўйлагингизни киясиз;
 - б) у ёқтирган кўйлакни киясиз;
 - в) кўйлақларингиз орасида энг янгисини киясиз.
2. Сиз севгилингизнинг ота-оталарига рўбару келиб қолсангиз:
 - а) Сиз бундан жуда хижолат бўласиз;
 - б) бу сиз учун ёқимли ва қизиқарли;
 - в) уларга дуч келмасам бўларди, деб ўйлайсиз.
3. Агар Сизнинг севгилингиз Сизга китоб тақдим этса:
 - а) Сиз бошқа китобга алмаштиришга тайёрсиз;
 - б) шундай китобни орзу қилардим, дейсиз;
 - в) бехосдан «Менда бу китобдан бор!», - дейсиз.
4. Агар у сизга кўнғироқ қиламан деб ваъда берган бўлса-да, лекин нечундир қилмаса:
 - а) Сиз йиғлайсиз;
 - б) кун бўйи телефон олдида ўтирасиз;
 - в) дугонангиз (дўстингиз) билан айлангани чиқиб кетасиз.
5. Агар Сиз унинг онасига ёқмасангиз, яъни унинг онаси Сизни ёқтирмаса:
 - а) Сиз унинг онаси талаблари билан ҳисоблашасиз;
 - б) унинг онасига ёқиш учун астойдил ҳаракат қиласиз (гул берасиз, яхши сўзлашасиз);
 - в) онасидан ёқтирмаслик сабабини сўрайсиз.
6. Агар Сизга у бирор жойга боришни таклиф этса-ю, сиз унинг моддий аҳволи танг эканлигини билсангиз, у ҳолда Сиз:
 - а) ҳаражатларни биргаллашиб тўлашни таклиф этасиз;
 - б) шунчаки сайр қилишни таклиф этасиз;
 - в) бирор бир мавзуда суҳбат уюштирасиз (янги фильмлар, томошалар ҳақида).
7. Жанжаллашиб қолсангиз, жанжалдан кейин Сиз ўзингизни айбдор эканлигингизни ҳис қилсангиз ҳам, Сиз:
 - а) унинг кўнғироқ қилишини, у биринчи бўлиб келишини кутасиз;

б) ундан сиз кечирим сўрайсиз;
 в) ўртоқларингизга (дугонангизга) бўлган жанжални ўзингизни айбдор кўрсатмай сўзлаб берасиз.

8. Агар сизнинг севгилингиз спортни севса, Сиз:

- а) у билан мусобақалар томоша қилгани борасиз;
- б) унинг «хобби»сини, қизиқишини маъқуллайсиз;
- в) уйда ёлғиз қолишни афзал кўрасиз, гоҳида унинг хоббиси устидан куласиз.

9. Сиз тасодифан илгари ёқтирган кишингиз билан кўчада учрашиб қолсангиз, Сиз:

- а) у билан учрашишдан воз кечасиз;
- б) унга, энди бошқа кишини севишингизни айтасиз;
- в) ўтган дамларингизни эслаб, у билан учрашувга рози бўласиз.

10. Севганингиз билан узоқ айрилиқдан Сиз:

- а) ёлғизликдан қийналмаслик учун, дугона ёки дўстларингиз билан бирга вақт ўтказасиз;
- б) ёлғизликда ўзингиз вақт ўтказасиз ва доимо (севганингизга)га мактублар ёзасиз.
- в) ундан олдинги ёқтирган одамингиз билан учрашишга ҳаракат қиласиз ва унга ўзингизни билдирасиз.

Тест натижаларини баҳолаш:

№	а	б	в	№	а	б	в
1	2	3	1	6.	2	3	1
2.	2	3	1	7.	2	3	1
3.	2	3	1	8.	2	3	1
4.	2	3	1	9.	2	3	1
5.	2	3	1	10.	2	3	1

Тест натижалари таҳлили:

15 баллдан кам: Ўзингизни ва уни алдашингиз беҳуда, сиз уни севмайсиз.

15-28 балл: Сизнинг ўйлашингизча, Сиз уни севиб қолгансиз, лекин буни аниқ ишонч билан айтиш асосли эмас.

28 баллдан юқори: Сиз ҳақиқатан ҳам уни севасиз.

*Агар севсанг, муҳаббатингга арзийдиганни сев. Севилган одам
 Птоломей ёки Афлотун даражасида бўлиши шарт эмас,
 лекин оз бўлса-да, идрок эгаси бўлмоғи керак.
 «Қобуснома»дан.*

3 - тест. «Сиз уни қай даражада севасиз?» тести

Қуйидаги тест орқали севги объектингизга нисбатан сиздаги ҳиссиёт даражасини билиб олиш мумкин бўлади. Бунинг учун қўйилган саволга жавобларнинг уchtасидан бирини танлашингиз зарурдир ва танлаш жараёнида узоқ ўйламаслик керак бўлади.

1. Сиз одамни бир марта кўриб, шу оннинг ўзида севиб қолиш мумкинлигига ишонасизми?

- а) нимага бўлмас экан, аслида шунинг ўзи ҳақиқий севги;
 б) бунақаси бўлмайди, бу севги эмас;
 в) баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради.
2. Агар Сизнинг дўстларингиз унга шубҳа, нафратли муносабатда бўлишса, сиз уни севган бўлармидингиз?
 а) сўзсиз;
 б) уйлайманки, ҳа.
 в) ҳеч қачон.
3. Сиз у билан олдин кўрган фильмингизни яна қайтадан кўргани борармидингиз?
 а) агар у буни илтимос қилса (сўраса) борган бўлардим.
 б) буни қилишдан бахтиёр бўлардим.
 в) Сиз кинодан сўнг ҳам учрашишингиз мумкин.
4. Агар у сизнинг дўстларингизга ёқмаса, унда Сиз нима қилган бўлардингиз?
 а) дўстларим билан муносабатларимни аниқлаб олган бўлардим;
 б) тўғри танлаганлигимдан шубҳаланардим;
 в) бунақасини тасаввур қила олмайман.
5. У ҳақда гапираётган вақтингизда даставвал нимани эслайсиз?
 а) қадди қоматини, ёқимли юзини, баъзан чиройли сочини;
 б) ақлини, маълумотлигини, тарбияланганлигини, ўзини тута билишлигини, гаплашганликдаги тетик манерасини, баъзан самимийлигини.
 в) нима тўғри келса шуни, чунки ўзим танлаганлигимнинг барча афзалликларини мен санаб ўтишга қодир эмасман.
6. Сизлар бирга бўлмаган вақтларингизда, у нима билан машғул бўлишлигини биласизми?
 а) ҳозирча Сиз ўзингизнинг рақибингиз (рақибангиз) йўқлигига ишонасиз, шунинг учун бунақа арзимаган нарсалар билан бошингизни қотириб ўтирмайсиз;
 б) ҳа, чунки биз доимо охириги учрашувимиздан сўнг ўтган вақтларда ҳар биримиз билан нима ҳодиса рўй берганлигини бир-биримизга гапириб берамиз;
 в) Биз иккаламиз ҳам эркинмиз, шунинг учун у нима хоҳласа шуни қилиши мумкин.
7. Бир кунмас бир кун Сизларнинг муносабатларингизга яқун ясалишини тасаввур қила оласизми?
 а) мен бу ҳақда ўйлашга журъат эта олмайман;
 б) эрта-ми кечми бу албатта рўй беради.
 в) биз бир-биримизга шу қадар боғланиб қолганмизки, бундай бўлиши мумкин эмас.
8. Ҳаёт сўзсиз гўзал, фақат икковлон бўлса?
 а) агар одам севган бўлса, акс ҳолда у буни тасаввур ҳам қила олмайди;
 б) ҳа, ёлғизликда зерикарли бўлади;
 в) биргаликдаги ҳаёт, фақат бир-бирини ҳақиқатан севувчи икки қалб учун гўзал.

9. Агар Сизлар икковингиз ёлғиз қолган бўлсангиз, ҳаётнинг «буюк» масалалари ҳақида гаплашасизларми?
 а) бунга деярли вақт етмайди;
 б) нимага керак?
 в) ҳа, кўп гаплашамиз.
10. Сизда у билан танишган вақтингиздагига қараганда бошқа одам бўлиб қолганлиги ҳақидаги тасаввур борми?
 а) Сиз уни қандай тасаввур қилганигизча қолди;
 б) у бошқача одам бўлиб чиқди, бироқ у шундайлигича сизга яна ҳам кўпроқ ёқади;
 в) албатта, у дастлабки дақиқаларда тасаввур этилганидан идеал эмас.

Тест натижаларини баҳолаш:

№	а	б	в	№	а	б	в
1	10	8	7	6.	4	7	0
2.	7	3	1	7.	9	4	7
3.	6	7	3	8.	9	1	7
4.	10	2	7	9.	2	1	7
5.	2	7	10	10.	10	7	5

Тест натижалари таҳлили:

30 баллдан кам бўлса: Балким сиз учун дўстона муносабатлар унинг шахсидан муҳимроқдир. Балким сиз уни етарли даражада билмасдирсиз, аниқроқи унинг ташқи кўринишидан қониқасиз холос. «Мана қандай ғалабага эришдим, кимни ўзимга ром қилиб олдим!», - дегандек. Баъзан бундай ҳолат ёқимли ҳамдир, бироқ эҳтиёт бўлинг, ахир Сиз бировлар учун эмас, балки ўзингиз учун жуфт танлаясиз!

31 дан 65 баллгача: Идеал севги шунақа: Сиз ўз танлаганингизнинг ташқи кўринишини ҳам, характерини ҳам севасиз, унинг нафақат афзалликларини, яхши хислатларини қадрлаб қолмай, балки яхлитлигича қабул қиласиз. Сиз уни билишга ва тушунишга интиласиз. Албатта, сизга ўз ҳаётингизни бажонидил баҳам кўришни истаган одамнингиз билан қизиқмасангиз, яна бошқа ким билан қизиқасиз. Сиз икковингиз ҳамма нарсага қодир эканлигингизни хис қиласиз.

65 баллдан кўпи: Севги - ажойиб нарса! Фақат у агар икковлон севгининг ўзини эмас, балки бир-бирлари севса узоқ давом этиши мумкин. Сиз ўз предметингиз билан шу қадар машғул бўлиб кетгансизки, одамнинг ўзини кўрмасиз, балким у ҳақидаги ўз тасаввурингизга асосланасиз. Балким сиз ўз севгилингизда, агар уни ўз фантазиянгизда яратилган идеал образгагина асосланиб қолмай, уни яқиндан билишга интилсангиз пушаймон бўлмайсиз.

*Севги барча туйғулар ичида энг қудратлисидир,
шунинг учун ҳам у ақлу хаёлни, қалб ва вужудни эгаллаб олади.*
Ф.Вольтер.

4 - тест. «Севги-муҳаббатга лойиқмисиз?» тести.

Ўзбекистоннинг таниқли ёзувчиларидан бўлган Пиримқул Қодиров таъкидлаганидек «Севги- бу шундай бир улуғ ва илоҳий сўздирки, кимдир бу сўзни бир гап билан, кимдир кўп гап билан, ва яна кимдир айтолмай қолади». Қуйида таклиф этилаётган тест биз оилавий ҳаёт кечиши ёки кимгадир кераклилик ҳисси бўлиши учун шахснинг ўзи бу ҳисга лойиқлигини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун сиз қуйидаги гапларни «ҳа» ёки «йўқ» сўзлари билан тасдиқлашингиз керак бўлади.

1. Эркак киши, менимча, ҳамиша аёлга нисбатан фаолроқ бўлиши керак.

2. Мен севимли кишимга хатто арзимас сабабга кўра ҳам шодлик бағишлашни яхши кўраман.

3. Бегона кишилар орасида севимли, мулойим бўлишдан ўзимни йўқотиб қўяман.

4. Севимли кишимга ўзимни ниҳоятда зарур, деб ҳисоблайман.

5. Ҳамкорликдаги ҳаётнинг 15 йилидан кейин хислатлар асосий нарсага айланади.

6. Мен осонлик билан ўз ҳис-туйғуларимни намоён этаман ва улар ҳақида бамайлихотир гапира оламан.

7. Фарзандларим, уйим, хислатларим бўлмаганида ҳаётимни ўзгартирардим.

8. Тақдирим билан боғлиқ бўлган киши мен учун энг азиз ва меҳрибон инсон саналади.

9. Очиғини айтганда, севги нима эканини айтишга қийналаман.

10. Мен севадиган инсон билан орамизда юз бераётган нарсалар жуда муҳим ва асосан ўзим учун.

11. Мен севгимни соғинишдан кўра, уни кўпроқ рашк қиламан.

12. Тақдир мени боғлаган инсонни жуда севаман.

13. Айрим пайтлари севган инсондан чарчаб кетаман.

14. Ҳар доим суюкли кишини шод этишга ҳаракат қиламан.

15. Баъзи ҳолларда бир-биримизни тушунмаётгандек ва турмушимизни турлича тасаввур этаётгандек туюлади.

16. Оилавий ҳаёт муваффақиятли бўлиши учун муҳим қарорларни эр-хотиндан бири қабул қилиши лозим.

Тест натижаларини баҳолаш:

2,4,6,8,10,12,14,16 - саволлардаги «ҳа» ва

1,3,5,7,9,11,13,15 - саволлардаги «йўқ»

жавобига 10 баллдан, ҳар бир савол белгисига 5 баллдан қўшинг.

Тест натижалари таҳлили:

100 - 160 балл - Сиз ҳис-ҳаяжонга бериладиган одамлар турига мансубдир. Чуқур севиш хислатига эгасиз ва вафодор бўла оласиз, ўз муҳаббатингиздан тортинмайсиз ва уни намоён эта биласиз. Аммо баъзи бир ҳолатларда муҳаббатингиз Сиз учун қайғу-алам манбаига айланиши, яқин кишингиз билан муносабатдаги қийинчиликлар- ҳақиқий фожиага сабаб бўлиши мумкин. Севгининг мураккаб санъатини ўрганиб олиш учун барча

кўрсаткичларга эгасиз, чунки сизда севиш ва шундай жавоб ҳис-туйғуларини уйғотиш қобилияти мужассам.

50 - 95 балл - Сиз таъсирчан инсонсиз. Ҳис - туйғу масаласи ҳаёт унинг ҳамма вақт ҳам биринчи ўринда турмаслигини исботлаб берган бўлса-да, сиз учун муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳолатлар бўлганки, туйғу бутунлай сизни қамраб олган, бироқ бу вазиятларда ўзингизни йўқотиш хавфи сиздан йироқ. Реализм, сабр-бардош, айрим пайтларда ғурур-айнан шулар сизнинг ҳатти-ҳаракатингизни бошқариб туради. Ўзгариб туриш хусусиятингиз севгилингиз томонидан унга нисбатан совуқлик ёки эркатойлик, деб қабул қилиниши мумкин.

5-тест. «Никоҳга маънавий тайёргарлик» тести

Текширилаётган одам қуйидаги келтирилган 16 та савол ва тасдиқларнинг ҳар бирига берилган жавоблардан бирини, яъни ўз қарашларига мос келганини танлаб жавоб бериши керак.

Бунда: бутунлай қўшиламан - 5 балл, қўшиламан - 4 балл, бирор нарса дейиш қийин - 3 балл, қўшилмайман - 2 балл, мутлақо қўшилмайман - 1 балл сифатида баҳоланади.

1. Агар одамлар оила-оила бўлиб яшашни бас қилсалар, унда ҳаёт ниҳоятда жозибасиз бўлиб қолган бўлар эди.
2. Оилавий ҳаётнинг яхши бўлишида махсус билимлардан кўра омаднинг аҳамияти каттадир.
3. Эрта бошланган жинсий ҳаёт нафақат соғлиққа, балки бўлажак оиланинг муваффақиятига ҳам катта зиён келтиради.
4. Агар турмуш ўртоғи билан юмшоқ муносабатда бўлинса, унинг ҳолати эътиборга олинаверса, унга ачинилса, ҳамдардлик қилинаверса, ўз кўзлаганингга эришиш жуда қийин бўлади.
5. Топширилган ишни охиригача бажариш - бу мен учун бурчдир.
6. Ота-оналар ва уларнинг вояга етган фарзандлари билан бўладиган низолар бартараф қилиниб бўлинмайдиган муқаррар низолардир.
7. Мен ўз тенгдошларим билан бўладиган низоларни бартараф эта оламан.
8. Хотин (эр) олдида ўз одатларидан қайтиши ёки уларни ўзгартириши керак эмас, чунки бу тобелikka олиб келади.
9. Ҳар ким ўз бахтини яратувчисидир, деган ибора оилавий ҳаётга бутунлай тааллуқлидир.
10. Мен, оила кўпроқ ҳаётдан қониққанликка олиб келишига ишонаман.
11. Агар одамда эзгулик, хушмуомалалик бор бўлса, демак оилавий ҳаёт учун жуда кўп нарса бордир.
12. Агар оилавий ҳаёт худди орзу қилинганидек яхши ташкил қилинмаётган бўлса, унда ҳеч қандай чора унинг бузилишининг олдини ола олмайди, шунинг учун яхшиси ажралишган маъқул.
13. Мен доимо ота-онамни тушунишга ҳаракат қиламан, агар уларнинг талаблари ҳақлигига ишонсам, уларга бўйсунаман.
14. Кишининг айрим бепарволиги ва енгилтаклиги ҳатто оилавий ҳаётни мустаҳкамлайди ҳам.

15. Кимки ўзини оилавий ҳаётга тўла тайёрман деса, тезда ўзини қайта баҳолашга тўғри келади. Чунки доимо ниманидир ўрганиш ва ўзида ниманидир ўзгартиришга тўғри келадиган нарсалар мавжуд.

16. Қарама-қарши жинс вакиллари билан мулоқатда бўлар экан, одамга ўзини атай хушмуомала ва сертакаллуф тутишнинг зарурати йўқ.

Натижаларни қайта ишлаш:

Тасдиқларнинг юқоридаги рўйхатдаги тартиб рақамлари бўйича тоқ ва жуфт рақамли тасдиқлар бўйича олинган баллар йиғиндилари алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқарилади.

C1 - тоқ номерлар йиғиндиси.

C2 - жуфт номерлар йиғиндиси.

Натижа қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$32+C1-C2$$

$$K=\frac{\quad}{64} \times 100 \%$$

64

Анаҳ топилган сон, яъни $\hat{E} 50\%$ аниқ бўлса - шахснинг оилавий ҳаётга маънавий тайёргарлиги паст даражада бўлади.

Агар $K 50\%$ дан кўп бўлса - оилавий ҳаётга маънавий тайёргарлик ўртача ва юқори даражада бўлади.

6 - тест. «Турмушга чиқишга тайёرمىсиз?» тести

(қизлар учун тест)

Ёшларнинг оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда яхши яшаб кетишлари кўп жиҳатдан уларнинг оилавий ҳаётга жисмоний, маънавий, иқтисодий, ижтимоий, психологик тайёргарлик ҳолатларига ҳам боғлиқ. Ўзингизни бу жиҳатлардан ўрганиб олмоқчи бўлсангиз, ушбу тест бу саволларини диққат билан ўқиб чиқиб, уларга берилган жавоблардан ўзингизга маъқуллини танланг ва ўзингизни билиб олинг.

1. Турмуш курганингиздан кейин ўз касбингизни сақлаб қоласизми?

а) 1-фарзанд туғилгач, ишга қайтаман;

б) бунга астойдил ҳаракат қиламан;

в) йўқ, менинг ишим қониқтирмайди.

2. Фарзанд кўришни хоҳлайсизми?

а) энг ками 2та;

б) йўқ;

в) турмуш ўртоғим хоҳлагани учун.

3. Давраларда турмуш ўртоғингиз бошқа аёл билан қизиқаётганини сезиб қолсангиз нима қилар эдингиз?

а) бошқа кишига ёқишга ҳаракат қиламан;

б) жанжал чиқараман;

в) бу қилиғи мени ажаблантиради, лекин мен сездирмасликка ҳаракат қиламан.

4. Сиз рашкчимисиз?

- а) ҳа;
 - б) унчалик эмас;
 - в) ўз турмуш ўртоғимга ишонаман деб ўйлайман.
5. Жанжаллашиб қолганда ким паст келади?
- а) мен;
 - б) у;
 - в) бир марта у бир марта мен.
6. Сиз ширин таомлар пиширишни яхши биласизми?
- а) бундай бўлиш учун ўқиб олиш керак;
 - б) фақат бир неча таомларнигина;
 - в) пиширишни жуда-жуда севаман.
7. Бўлажак турмуш ўртоғингиздан яширадиган сирларингиз борми?
- а) йўқ;
 - б) баъзан;
 - в) баъзи бир нарсалар борки, мен улар ҳақида айтишга уяламан.
8. Сизнинг турмуш ўртоғингиз футбол ишқибози бўлса-чи?
- а) бу қизиқишни йўқотишга ҳаракат қиламан;
 - б) у томошага кетганида мен ўз севган машғулотим билан шуғулланаман;
 - в) ўзим ҳам ишқибоз бўлиб оламан.
9. Ота - онангиз никоҳи қандай?
- а) чидаса бўладиган;
 - б) аъло даражада;
 - в) ажрашишган.
10. Сизнингча турмуш ўртоғингиз ишга шўнғиб кетиши мумкинми?
- а) ҳа;
 - б) унинг ишлари билан қизиқмайман;
 - в) мансаб ҳаётда унча керак эмас.
11. «Мода» деган тушунча сизларда ҳар хил қарашлар бўлса, сиз нима қилган бўлардингиз?
- а) ён берар эдим;
 - б) рози бўлардим;
 - в) қарашларини ўзгартиришга ҳаракат қилардим.
12. «Синаш никоҳлари»га муносабатингиз қандай?
- а) рози бўлмас эдим;
 - б) бир-бирларини янада яқинроқ ўрганиш деб тушунаман;
 - в) бу ҳақда бирон нима дея олмайман.
13. Сизнингча аёл киши турмуш қуришдан олдин бошқа эркаклар билан учрашиб юрган бўлса, яхшими ёки ёмонми?
- а) менимча бу керак;
 - б) йўқ;
 - в) вазиятга қараб.
14. Турмуш ўртоғингиз бошқа аёл билан учрашаётганини билиб (сезиб) қолсангиз, кечирар эдингизми?
- а) ҳа;

- б) йўқ;
в) вазиятга қараб.

Тест натижаларини баҳолаш:

Савол жавоб	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
а	2	3	2	1	2	1	3	1	2	1	3	3	2	2
б	3	1	1	2	1	2	2	3	3	2	2	1	1	1
в	1	2	3	3	3	3	1	2	1	3	1	2	3	3

Тест натижалари таҳлили:

14-23 балл - Балким вақт ўтиши билан сиз ҳаётга бўлган нуқтаи-назарингизни, дунёқарашингизни ўзгартирасиз. Ҳозирча сизларнинг ораларингизда низолар бўлиб туради, чунки сиз ўзингизни бўлажак турмуш ўртоғингизга ўргана олмайсиз. Асосан сабр тоқатли бўлинг, келгусида ўз турмуш ўртоғингизга ён беришга одатланишга ҳаракат қилинг.

24-32 балл - Сиз учун турмушга чиқиш бироз эртароқдир. Бу борада бироз етилишингиз лозим. Балки бу борадаги, яъни ўзингизнинг турмушга тайёргарлигингиз борасидаги иккиланишингиз бежиз эмас. Умуман никоҳ ҳар доим ҳам ажралиш эмас. Сиз турмуш ўртоғингизни тушунасиз. Балки ҳаётда сизга ҳаётингиз тажриба, ўз кучингизга ишонч етишмаётгандир. Агар ўз ҳатти - ҳаракатларингизни назорат қилиб борсангиз, сиздан яхши турмуш ўртоқ чиқишга имкониятингиз бор. Кўпроқ ўқинг, бу билимлар кўпроқ сизга куч қўшади, ўзингизни касб-хунарга йўналтиринг - бу сизнинг мустақил бўлишингизга ёрдам беради.

33-47 балл - Сизга «ҳа» деган одам бахтлидир. Сизнинг никоҳингизда қора булутлар пайдо бўлмайди (Сизнинг иштирокингизда, яъни сиз туфайли эмас, албатта). Лекин бу сизнинг қизиқишларингиздан воз кечишингизни англатмайди. Сиз жуда ақлли, фаросатли одамсиз. Бу фазилатларингиз турмуш ўртоғингизнинг шахсий қизиқишларига ёрдам беради. Шунинг билан биргаликда Сиз ўз мустақиллигингизга эришасиз.

11.2. ОИЛА ҚУРГАНЛАР УЧУН ТЕСТЛАР

Бир-бирини билиш - бу бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиш эмас, бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиш, бир-бирига ишонини демакдир.

А.Швейцар.

1-тест. «Сиз бир-бирингизни тушунасизми?» тести

Севги ўз йўлига, бироқ турмуш ўртоқлар, агар улар ҳақиқатан ҳам узок ва бахтли умр қуришмоқчи бўлсалар, унда яна бир нарса, яъни уларнинг бир-бирларини тушунишлари ҳам муҳимдир. Шунинг учун ушбу тест орқали Сиз ўз оилангизда бир-бирини тушуниш учун қандай ҳолатлар мавжудлигини аниқлаб олишингиз мумкин. Бунинг учун берилган саволга жавоб намунасининг ўзингизга маъқулини тез белгилашингиз керак бўлади.

1. Сизда орангиздаги муносабатни жиддий ҳал қилиб олиш керак, деган фикр мавжудми?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) йўқ - 0 балл.
 - в) муносабатларни ҳал қилиб олиш фойдасиз - 2 балл.
2. Агар сиз муҳим бир савол бермоқчи бўлсангиз, буни тўғридан-тўғри, ортиқча уринишларсиз амалга оширишингиз мумкинми?
 - а) ҳа - 0 балл.
 - б) ҳа, лекин бунинг учун қулай вазият талаб этилади - 1 балл.
 - в) бу ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас - 2 балл.
3. Турмуш ўртоғингиз кўпинча ўзини қийноққа солаётган муаммолар ҳақида индамайди, деб ҳисоблайсизми?
 - а) ҳа - 1 балл.
 - б) тасаввур қила олмайман - 2 балл.
 - в) унинг барча муаммоларини биламан - 0 балл.
4. Ҳар қандай вақтда ҳам турмуш ўртоғингиз билан муҳим нарсалар ҳақида гаплаша оласизми?
 - а) ҳа - 0 балл.
 - б) ҳар доим эмас, имконият бўлган вазиятни кутиш керак - 1 балл.
 - в) деярли кўп вақтда йўқ, чунки уни бўш вақти йўқ - 2 балл.
5. Сиз бир-бирингиз билан суҳбатлашганингизда гапларингизни аниқ ўйлаб гапирасизми?
 - а) ҳа, ҳар бир гапимни ўйлаб гапираман - 1 балл.
 - б) йўқ, бир-биримизга нимани ўйласак тўғри гапираверамиз - 2 балл.
 - в) ўз фикримни айтаман, лекин бошқага ҳам қулоқ соламан - 0 балл.
6. Сиз ўз муаммоларингизни турмуш ўртоғингиз билан ҳал қилганингизда унга ҳам ташвиш ортираётгандек ҳис қиласизми?
 - а) ҳа, бундай тез-тез бўлади - 2 балл.
 - б) у мени муаммоларимга эътибор бермайди - 1 балл.
 - в) у муаммоларни мен билан доим ҳал этади - 0 балл.
7. Сизнинг бирингиз бошқалар билан маслаҳатлашмаган ҳолда муҳим муаммони ҳал эта оласизми?
 - а) шундай ҳам бўлади - 2 балл.
 - б) биргаликда ҳал қиламиз, лекин ҳар биримиз ўз фикримизда қоламиз - 1 балл.
 - в) биргаликда муҳокама қиламиз ва ҳал этамиз - 0 балл.
8. Сиз умр йўлдошингиздан кўра кўпроқ дўстларингиз билан ўз фикрингизни бўлишасизми?
 - а) баъзан шундай бўлиб туради - 1 балл.

б) йўқ, мен ўз муаммоларимни турмуш ўртоғим билан муҳокама қиламан - 0 балл.

в) дўстларим мени яхшироқ тушунади - 2 балл.

9. Турмуш ўртоғингиз билан гаплашганда сиз бошқа нарсалар ҳақида ўйлайдиган ҳолатлар бўлиб турадими?

а) шундай ҳам бўлиб туради - 2 балл.

б) йўқ, мен диққат билан эшитаман - 0 балл .

в) агар уни жаҳли чиққанини сезсам диққат эътиборимни қаратишга интиламан - 1 балл.

10. Суҳбат жараёнида сиз фикрларингизни олдин айтиб олишга ҳаракат қиласизми?

а) албатта - 2 балл.

б) турмуш ўртоғим ўзини ўйлантирган муаммони айтиш учун имкон берман - 0 балл.

в) иккала миз бирга муаммоларни ҳал этишимиз зарур, деб ҳисоблайман.- 1 балл.

Тест натижалари таҳлили:

0 дан - 10 балгача: Сизларда ҳар бирингиз ўз муаммоларингиз ҳақида гапириб бериш қабул қилинган. Шунинг учун сизнинг оилангизда ўз муаммоларингиз ҳақида гапириш ёқимлидир. Сизлар ўз муаммоларингизни бўлишасиз. Сизларнинг ҳар бирингиз, ўзингизни нима безовта қилаётган бўлса, шу ҳақда гапирасиз ва шерингиз уни диққат билан тинглайди. Сизни уйдагиларингиз яхши тушунганликлари туфайли ўз муаммоларингизни бошқалар билан бўлишиш учун зарурат йўқ.

11-20 баллар: Сизлар бир-бирингиз билан ўз муаммоларингиз ҳақида маслаҳатлашмайсизлар, деб бўлмайди. Бироқ шундай масалалар борки, улар ҳақида Сиз гапирмайсиз ва уларни муҳокама қилишга журъат эта олмайсиз. Бу эса бегоналанишга олиб келади. Сиз ўзингизни тушунадиган одамни четдан қидира бошлайсиз. Чунки сиз сизни тушунадиган киши олдингизда бўлишини истайсиз ҳамда шундай кишини излаяпсиз.

Келин-куёвлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини каттароқ очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб кўрмаганга олишлари керак.
Мадлен Скюдери.

2 - тест. «Оилангизда низолар мавжудми?» тести

Оилавий ҳаёт ҳамиша байрамлар, тўйлар ва ташвишларсиз кунлардан иборат эмас. Оилавий ҳаётда гоҳида тушунмовчиликлар, низолар, зиддиятли ҳолатлар ҳам юз беради. Навбатдаги тест оилангиздаги низоларнинг мавжудлигини аниқлайди.

1. Сиз учун муҳими нима?

а) никоҳнинг ўзи оилани кишидир, деб ҳисоблаш имкониятидир - 1 балл.

- б) турмуш ўртоқсиз, никоҳсиз ҳаёт ёмон бўлмас эди - 0 балл.
2. Никоҳга етилганлик билан қараб, уни катталарнинг ўйинига ўхшайди, деб ҳисоблайсизми?
 а) ҳа - 1 балл.
 б) йўқ - 0 балл.
3. Ота-онангизга моддий боғланганмисиз?
 а) ҳа - 1 балл.
 б) йўқ - 0 балл.
4. Сизнинг никоҳ ва кутишлар борасидаги қарашларингиз мос тушадими?
 а) ҳа - 0 балл.
 б) йўқ - 1 балл.
5. Оила турмуш тарзи, маиший-хўжалик соҳаси ҳақида тасаввурларингиз турмуш ўртоғингиз ҳамда бошқа оила аъзолари билан бир хилми?
 а) ҳа - 0 балл.
 б) йўқ - 1 балл.
6. Муносабатларни ойдинлаштиришда низо ва келишмовчиликлар тез-тез бўлиб турадими?
 а) ҳа - 1 балл.
 б) йўқ - 0 балл.
7. Сизларни умумий қизиқишларингиз, қарашларингиз, машғулотларингиз мавжудми?
 а) ҳа - 0 балл.
 б) йўқ - 1 балл.
8. Болаларингиз нечта?
 а) 2 та ва ундан ортиқ - 0 балл.
 б) 2 тадан кам - 1 балл.
9. Болаларингиз тарбияси қандай?
 а) юқори - 0 балл.
 б) ўртача ёки паст - 1 балл.

Тест натижалари таҳлили:

0 дан - 2 баллгача. Ажралиш сизнинг оилангизга хавф солаётгани йўқ. Мустаҳкам оила қуриш, қийинчиликларни енгиш учун барча имкониятлар мавжуд. Оддий тортишувлар ўзаро муносабатларингизга таъсир кўрсатмайди.

3 дан - 5 баллгача. Сизнинг муносабатларингиз таранглик чегарасида. Сиз турмуш ўртоғингиздан доим мамнун эмассиз. Сиз доим ҳам ўзингизни тута билмайсиз, қўлга ололмайсиз. Бундай вазиятлар ажралиш учун хавфлидир. Бундай ҳолатлардан узоқлашинг. Оилавий ҳаётингиз айрим ҳолларда зерикарли туюлса ҳам, сиз ундан қониқасиз. Сизнинг ўзаро муносабатларингизда мулоқот маданиятига эътибор беринг. Бир-бирингизга ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилинг.

6 дан - 9 баллгача. Оилангизда ажралиш вазияти юзага келган. Оилавий бурчларни тақсимланишини ҳақиқат нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш, муаммоларни бартараф этиш зарур. Оиладаги мулоқот жараёнини

Ўзгартиришга эътибор беринг, эр ва хотин ҳар бирингиз ўзингиз учун ҳаётий қониқмаслик сабабини, турмуш ўртоғингизни ҳаётдан қониқмаслик сабабларини, имкониятларини ўрганиб чиқиш зарур. Бир-бирингизга назокатли, диққат-эътиборли, юмшоқ, яхши ният билан мурожаат қилинг. Ўз навбатида бир-бирингизга камроқ танбеҳ беринг. Эр-хотинни бир-бири билан боғлайдиган, бириктирадиган хусусиятларга кўпроқ интилинг.

Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи
Халқ мақоли.

3 - тест. «Сиз жанжалкаш инсонмисиз?» тести

Гоҳида оилавий муносабатларда оила аъзолари орасида турли даражада келишмовчиликлар ва низолар юзага келиши мумкинлигини биламиз. Бунда эса инсоннинг ўзидаги жанжалга мойиллик даражасини ҳам инкор этиб бўлмайди. Сиз ўзингизни қанчалик жанжалкаш эканлигингизни аниқламоқчи бўлсангиз, ушбу тестни ўзингизда синаб кўринг. Бунинг учун саволларни диққат билан ўқиб, уларда келтирилган жавоблардан ўзингизга маъқулини танлаб жавоб беринг.

1. Тасаввур қилинг жамоат транспортида баҳслашув бошланди. Сиз қандай йўл тутасиз?

а) жанжалдан қочишга ҳаракат қиламан.

б) кўшнингиз, яъни азият чеккан киши томони ёки ким ҳақ бўлса ўшанинг томонини олишингиз мумкин.

в) ҳар доим кўшиласиз ва охиригача ўз фикрингизни ростлигини исботлашга ҳаракат қиласиз.

2. Оила даврасида бошқалар томонидан йўл қўйилган хатолар учун айбдорни танқид қиласизми?

а) йўқ,

б) ҳа, лекин унга нисбатан ўз шахсий муносабатингизга боғлиқ равишда.

в) хатолар учун ҳар доим танқид қиласиз.

3. Сизнинг оилада бевосита оила бошлиқлари сизнингча самарасиз кўринган ўз иш режасини баён қиляптилар. Сизга афзал туюлган ўз режангизни таклиф этасизми?

а) агар бошқалар сизни қўлласа унда майли.

б) албатта сиз ўз режангизни қувватлайсиз.

в) танқид учун сизни қаттиқ койишларидан кўрқасиз ва индамайсиз.

4. Сиз ўз яқинларингиз, дўстларингиз билан бахслашишни яхши кўрасизми?

а) фақат хафа бўлмайдиганлар билан.

б) ҳа, лекин жиддий, муҳим масалалар бўйича эмас.

в) сиз ҳамма учун ҳар қандай сабабга кўра бахслаша оласиз.

5. Кимдир навбатсиз сиздан олдинга ўтиб олишга ҳаракат қиляпти, дейлик, у ҳолда

а) Сиз ундан кам эмаслигингизни ҳисобга олиб олдинга ўтиб олишга ҳаракат қиласиз.

- б) норози бўласиз, аммо ичингизда.
- в) ўз норозилингизни очик айтасиз.
6. Тасаввур қилинг, оилангизда бирор иш бўйича тадбирлар таклиф қилинмоқда, унда дадил фикрлардан бир қаторда хатолар ҳам мавжуд. Биласизки, сизнинг фикрингиз ҳал қилувчи бўлади. Қандай йўл тутасиз?
- а) ушбу таклиф бўйича ижобий фикрингизни айтасиз.
- б) таклифдаги ижобий томонларини ажратиб кўрасиз ва ишни давом эттиришга имконият берилишини таклиф этасиз.
- в) ишни танқид қиласиз, чунки, янгилик бўлиши учун хатога йўл кўйиш мумкин эмас.
7. Тасаввур қилинг: қайнонанинг (эрингиз, хотинингиз) Сизга ҳар доим иқтисод ва тежамкорлик зарурлиги тўғрисида гапиради ва ўзи бўлса доимо қиммат нарсаларни харид этади. Сиз бунга нима дердингиз?
- а) ҳа, харид қилган нарсаси ўзига ёқса уни маъқуллайсиз.
- б) бу нарса дидсизлигидан далолат деб биласиз.
- в) шундайлиги туфайли у киши билан ҳар доим жанжаллашиб юрасиз.
8. Сиз маҳалла чеккасида чекиб турган ўсмирларни учратиб қолдингиз. Қандай ҳаракат қиласиз?
- а) бошқаларни ёмон тарбиялаган фарзандлари учун кайфиятимни бузиб нима қиламан, дейсиз.
- б) уларга танбеҳ берасиз.
- в) агар бу жамоат жойида бўлганида уларнинг адабини берган бўлар эдим, дейсиз.
9. Ресторанда, кафедра ёки магазинда сизнинг ҳаққингиздан уриб қолишганлигини сездингиз. У ҳолда нима қиласиз?
- а) чойчақани бермайсиз.
- б) бошқатдан ҳисоб-китобни талаб қиласиз.
- в) жанжал бўлишига олиб келасиз.
10. Сиз дам олиш оромгоҳидасиз. Бу ердаги ходимлар ўз ишларини яхши бажармаса, бошқа нарсалар билан машғул бўлаверса, бу ҳол сизни аччиқлантирадими?
- а) ҳа, аммо буни ўзингиздан норозилингизнинг айтганингиз билан бирор нарсани ўзгартириш амри маҳол.
- б) уларнинг устидан арз қилиш йўлини топасиз.
- в) Сиз норозилингизни ходимларга очик айтасиз.
11. Сиз ўз ўсмир ўғлингиз билан бахслашиб унинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилдингиз. Сиз бунда ноҳақ эканлигингизни тан оласизми?
- а) йўқ.
- б) албатта тан оламан.
- в) ноҳақ эканлигингизни тан олсангиз бола олдида қандай обрўга эга бўлишингиз мумкинлигини ўйлайсиз.

Балларни ҳисоблаш: а - 4 балл; б - 2 балл; в - 0 балл.

Тест натижалари таҳлили:

30-40 баллгача. Сиз фаросатли одамсиз, жанжални хоҳламайсиз. Хатто жанжалли ҳолатни силлиқлаб олсангиз-да, бундай ҳолатлардан осонликча қочасиз. Агарда можароларга аралашингизга тўғри келса, бу сизнинг оилавий муносабатингизда, ҳолатингизда ва дўстлик муносабатларингизда қандай акс этишини ҳисобга оласиз. Сиз атрофдагиларга ёқимли кўринишга ҳаракат қиласиз. Аммо уларга ёрдамга керак бўлиб қолса, ёрдам кўрсатишга ҳар доим ҳам отланавермайсиз. Бу ҳақида бошқалар қандай фикрда эканлиги тўғрисида ҳам бир ўйлаб кўринг.

15-29 баллгача. Сиз тўғрингизда жанжалкаш одам дейишади. Бу Сизнинг оилавий, шахсий ва ўзаро муносабатларингизга қандай таъсир қилишидан қатъий назар, ўз фикрингизда дадил турасиз. Шунинг учун ҳам сизни ҳурмат қилишади.

10-14 баллар. Сиз тортишув учун сабаб излайсиз. Аммо уларнинг кўпчилиги арзимас, ортиқчадир. Сиз танқид қилишни яхши кўрасиз, аммо бу сизга фойда бермайди. Хатто сиз ноҳақ бўлсангиз ҳам ўз фикрингизни ўтказишга ҳаракат қиласиз. Агар сизни жанжал қилишни яхши кўради десалар, хафа бўлмайсиз. Уйлаб кўринг, Сизнинг хулқ-атворингизда номукамаллик нуқсонни яширинмаганмикан?

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб ўз бахтимизни топамиз
Платон.

4 - тест. «Никоҳингизда пул муаммоси» тести

Оилавий ҳаёт ташвишларсиз ҳамда бахтли кечиши учун албатта иқтисодий жиҳатдан ҳам оқилона иш юритиш керак бўлади. Навбатдаги тест ҳаётимизда пулни иқтисод қилиш ёки сарфлаш даражамиз қандайлигидан хабардор бўлишимиз кераклигини билдиради. Бунинг учун саволга тезда жавоб беришингиз лозим.

1. Сизнинг оилангизда молиявий муаммоларни ким ҳал қилади?
 - а) отам.
 - б) онам.
 - в) ота-онам биргаликда.
 - г) бошқалар.
2. Сизнинг ёшлигингизда онангиз ишлаганми? (уй ишларидан ташқари)
 - а) ҳа.
 - б) йўқ.
 - в) ҳа, баъзида.
3. Сизнинг ота-онангиз қуйидагилардан қайсиларига эга бўлганлар?
 - а) бутун чиқимлар учун умумий жамғарма мавжуд эди.
 - б) умумий ва алоҳида жамғарма мавжуд бўлган.
 - в) пулнинг бошқа бўлаклари.
4. Сиз ўзингизни пулга бўлган муносабатингизни қандай изоҳлайсиз?
 - а) пул менда доимо етишмайди.
 - б) пул менга зўрға учма-уч етади.
 - в) яна нималарнидир сотиб олишим керак, деб тежаб-тергаб ишлатаман.

5. Пулни қандай сарфлаганда ўзингизни яхши ҳис қиласиз?
- ўзингизга (кийим, майда-чуйда нарсалар, турли саёҳат учун).
 - дўстларингиз учун (совға, ўйин-кулгилар учун).
 - оила аъзолари учун.
6. Агар сиз кутилмаганда 50000 сўм ютиб олсангиз, нималарга сарф этар эдингиз?
- ҳаммасини кундалик чиқимлар учун сарф қилардим.
 - ҳаммасини сақлаб қўяр эдим.
 - қарзларим ёки тўловлар учун сарф қалардим.
7. Сиз ўзингизни молиявий муаммоларингизни ҳал қилишдаги қобилиятингизни қандай баҳолар эдингиз?
- аъло.
 - яхши.
 - ўртача.
 - ёмон.
8. Сизда ғамгин ҳолат мавжуд бўлиб, ўзингизни нотинч, деб ҳисобласангиз, нима учундир асабингиз тинч эмас, шунда нима қилар эдингиз?
- бу мавзуда яқинларим ёки танишларим билан суҳбатлашардим.
 - дўконларга яхши нарсалар харид қилиш учун борардим.
 - спорт билан шуғулланардим ёки сайрга чиқардим.
 - ухлар эдим.
9. Оилада молиявий масалаларни қандай ҳал этиш зарур?
- эр-хотин умумий жамғармаси бўлиб, чиқимларни бири бошқариб туриши керак.
 - эр-хотинлар умумий жамғармаси бўлиб, чиқимлар муаммосини биргаликда ҳал этишлари керак.
 - эр-хотин ўзларининг алоҳида пуллари бўлиб, чиқимлар учун алоҳида жамғарма бўлиши керак.
10. Сиз аёл (эркак) хоҳласа ўз мутахассислиги бўйича ишлаши мумкин, деб ҳисоблайсизми?
- албатта.
 - йўқ.
 - болалар анча катта бўлиб қолишса, оилавий иқтисодий ҳолат талаб этса ишлаши мумкин.

Балларни ҳисоблаш тартиби: агар ҳар иккалангизни жавобларингиз бир хил бўлса, ҳар бир жавоб учун 10 баллдан, ҳар битта жавобингиз бир хил эмас, лекин ўхшаш бўлса, 5 баллдан. Жавобларингиз фарқ қилса, 0 баллдан ҳисоблаб чиқинг.

Тест натижалари таҳлили:

80 баллдан - 100 баллгача. Сизлар ўз шахсий молиявий муаммоларингизни жуда яхши ҳал эта оласиз. Сизнинг ҳар бирингиз бошқа оилаларнинг молиявий муаммоларини ҳал этишда яхши маслаҳатчи бўла оласиз.

60 баллдан - 80 баллгача. Сизнинг молиявий муаммоларни ҳал этишдаги қобилиятингизни камлиги шахсий ҳаётингиздаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Сиз унга эътибор беринг.

40 баллдан - 60 баллгача. Бахт пулда эмас. Баъзан молиявий кийинчиликларни ортиши бахтсизлик ҳолатларига, ҳис-туйғуни сўнишига олиб келиши мумкин. Сизларни ҳозирги кунда нима узоқлаштираётганлиги ҳақида ўйланг.

40 баллдан кам. Сиздан кўра молиявий масалаларни яхшироқ ҳал этадиган маслаҳатчини топмагунингизча чиқимлар учун пулни сарф этманг. Сизнинг оилангизда психоиктисодий инқироз мавжуд. Сиз яхши бир маслаҳатчи ёки психологга учрашингиз зарур.

Кимгадир бахтли кўринган эмас, балки ўзини бахтли сезган одам бахтлидир.

Публилий Сир.

5- тест. «Сиз бахтлимисиз?» тести

(эркаклар учун тест)

Шарқ оиласида эркакнинг ўрни алоҳида, яъни хонадон ҳокими саналади. Аммо бундан фойдаланиб ўз ҳузур ҳаловатини кўзловчи эркаклар ҳам йўқ эмас. Сиз ўзингизни оилада қандай тутасиз? Оилангизнинг ҳузур ҳаловати сизни қизиқтирадими? Мана бу саволларга эътибор беринг.

	Саволлар	ҳа	баъ- зан	йўқ
1	Ўз ҳаётингизни қайтадан қуриб чиқсангиз умрингизни бошқатдан бошлашни хоҳлармидингиз?	10	5	2
2	Хотинингизни кийинишда диди паст деб ўйлайсизми?	8	2	4
3	Жаҳлингиз чиқса оила аъзоларингизга бақириб ҳовурингиздан чиқасизми?	7	3	5
4	Кечқурунлари ҳар доим уйда бўласизми?	2	5	10
5	Турмуш ўртоғингиз ёқтирган нарсалар (гул, кийим, китоб)дан огоҳмисиз?	4	9	10
6	Бўйдоқлик йилларингизни тез-тез хотирлаб турасизми?	12	5	6
7	Турмуш ўртоғингиз билан сайл (кино, театр)га тез-тез тушиб турасизми?	7	5	4
8	Ўз турмуш ўртоғингизни бошқа аёллар билан таққослаш сизга ёқадими?	9	2	1
9	Меҳмонга турмуш ўртоғингиз билан бирга боришни истайсизми?	8	2	3

Тест натижалари таҳлили:

69 ва ундан кўп балл - сиз ўз оилангизда унчалик бахтли эмассиз. Бунинг кўп сабаблари сизнинг хулқингиз билан боғлиқ. Эндиги вазифа: оила аъзоларингизга айниқса турмуш ўртоғингизга диққат-эътиборингизни кучайтиринг, уни шахс сифатида қадрланг, шунда сиз ҳам иззат кўрасиз. Балким турмуш ўртоғингизга бўлган совуқ муомалангиз унинг сизга бўлган бепарволигидир. У ҳолда турмуш ўртоғингиз билан жиддий гаплашиб олинг.

Бир-бирларингизни тушунишга ҳаракат қилинг. Жиддий суҳбатни кечи бўлмайди.

40-68 балл - сиз ўз оилангиздан розисиз. Оиладаги шарт-шароит сизни кониктиради. Шунга қарамасдан баъзан ёшлик хотиралари ҳаёлингизни олиб қочади, аммо бу ҳаёлпараст эканлигингиздан далолат беради ва бунинг оилага даҳли йўқ. Оилангизда ҳаловат сизга етади.

33дан кам балл - баъзида оилангиз билан хархаша қилиб турасиз. Оилада нималар бўлмайди, ахир сиз бахтлисиз.

Барчага илтифотли бўлу, аммо такаллуфсизлик қилма.

В.Шекспир.

6 - тест. «Бағрикенглик қила оласизми?» тести

(аёллар учун тест)

Оилавий муносабатларда бағри кенглик, яъни ҳадеб ҳамма нарсага эътибор беравермаслик, ҳар нарсани ўзига яқин олмасликни билиб олиш учун биз ўзимизни қандай эканлигимизни тест ёрдамида синаб олишимиз мумкин. Бу борада ушбу тест сизларга қўл келади, деб ўйлаймиз.

Ҳозир дўконда энг тифиз пайт-одам жуда кўп бўлишини билсангиз ҳам ҳаридга чиқасизми?

А) бошқа пайтда вақтим бўлмайди (3 балл).

Б) зарур бўлиб қолса (1 балл).

В) ҳеч қачон (2 балл).

2. Ёқтирмаган кўрсатувингизни кўришга ўзингизни мажбур қиласизми?

А) камдан- кам (1 балл).

Б) ўзимга боғлиқ бўлиб қолса, ҳеч қачон (2 балл).

В) кўриб боришга ҳаракат қиламан (3 балл).

3. Сизга муҳаббат изҳор қилиб юрган эркакнинг бошқа маъшуқаси борлигидан ҳабар топдингиз, дейлик. Унга ўз хатосини тушуниб етиб, англаб олишига имкон берасизми?

А) ўзимни алдашларига йўл қўймайман (2 балл).

Б) у чиройли эркак бўлса имкон бераман (3 балл).

В) олдиндан жиддий гаплашиб оламан (1 балл).

4. Дугоналарингиз меҳмондорчиликка чақиришган, лекин боргингиз келмаяпти, нима қиласиз?

А) ишонарли баҳона топиб бормай қўя қоламан (2 балл).

Б) бу таклиф гўёки эсимдан чиқиб қолади (1 балл).

В) боришга тўғри келади (3 балл).

5. Ёз, кўёш-денгиз-Сиз шунақа меҳнат таътилини орзу қиласизми?

А) мен салқинни ёқтираман (1 балл).

Б) менга қаерда бўлишидан қатъий назар бекорчилик қилиб ётиш мароқлироқ кўринади (3 балл).

В) ким ҳам бунақа таътилни орзу қилмайди дейсиз (2 балл).

6. Сиз бировга совға бердингиз-у, эвазига миннатдорчилик билдирмади, қандай йўл тутасиз?

А) бу яхши эмас (1 балл).

Б) бу одамга энди ҳеч нарса совға қилмайман (2 балл).

В) ҳамма ҳам яхши тарбия кўрмаган (3 балл).

7. Сизни ғийбат қилган дугонангиз билан муносабатларингизни аниқлаб олаяпсиз. Унга нима дейсиз?

А) деярли ҳеч нарса (3 балл).

Б) мени сендек дугонам йўқ, - дейман (2 балл).

В) мени хафа қилганини, лекин яна кечирганимни айтаман (1 балл).

Тест натижалари таҳлили:

7-11 балл - Кимдандир хафа бўлсангиз, гина-қудратлар босилгунга қадар ундан ўзингизни четга тортасиз. У билан орани бутунлай очик қилишни эса ҳеч ҳам хоҳламайсиз.

12-16 балл - Ҳаммаси ўзингизни қай даражада алданган ёки хафа қилингандек деб ҳисоблашингизга боғлиқ. Ҳар-хил майда-чуйда гапларга эътибор бермай, бағрикенглик қиласиз. Лекин жиддий гап бўлса, Сизни “эритиш” ғоят мушкул.

17-21 балл - Хатти-ҳаракатларингизда мунтазамлик йўқлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Таниш-билишларингиз шундан фойдаланишга интиладилар. Лекин сиз бундан ташвишга тушмайсиз. Аммо ёдингизда тутинг, ҳар гал ён берадиган, “чегара”дан ўтиб кетганларга ҳам мулойим муносабатда бўладиганларни ён-атрофдагилар енгилтак деб билишлари мумкин.

Аёл киши ҳар қандай шароитда ҳам аёл эканлигини унутмаслиги даркор. Буюк олмон адиби Ханси таъкидлаганидек, «*Менга яхши оналарни беринг ва мен оламни бахтиёр қиламан*». Шунинг учун оиладаги тотувлик ва бахт аёл кўлида эканлигини унутманг.

11.3. ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТЕСТЛАРИ

1-тест. Оиладаги мулоқотни ўрганиш тести

Қуйида оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган қатор саволлар берилган. Ушбу саволларга 4 та – “а”, “б”, “в” “г” вариант жавоблари келтирилгай. Ушбу саволларни диққат билан ўқиб, ўзингиз учун тўғри бўлган жавоб вариантини белгиланг.

1. Хотинингиз (эрингиз) иккалангизга ҳам одатда бир хил китоб, кино, спектакль ва бошқалар ёқади, деб айтиш мумкинми?

а) ҳа;

б) ҳа десаям бўлади;

в) йўқ десаям бўлади;

г) йўқ.

2. Хотинингиз (эрингиз) билан суҳбатлашаётганингизда Сизда тез-тез ўзаро умумийлик, бир-бировни ўзаро тўлиқ тушуниш ҳисси пайдо бўлиб турадимми?

а) жуда камдан-кам;

- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

3. Сизларда иккалангиз учун ҳам бир хил маъно касб этадиган ва ўзларингиз бажонудил ишлатадиган севимли жумлаларингиз, маъноли сўзларингиз борми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

4. Сиз хотинингизга (эрингизга) бирон-бир фильм, китоб, воқеа ва бошқаларни ёқиш-ёқмаслигини олдиндан айтиб бера оласизми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

5. Сиз бу тўғрисида айтмасангиз ҳам, хотинингиз (эрингиз) ўзининг гапираётган гапи ёки қилаётган иши сизга ёқиш-ёқмаслигини сезади, деб ўйлайсизми?

- а) қарийб ҳар доим;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) қарийб ҳеч қачон.

6. Сиз хотинингизга (эрингизга) бошқа одамлар билан бўладиган муносабатларингиз ҳақида гапириб берасизми?

- а) деярли ҳамма нарсани гапириб бераман;
- б) деярли кўп гапириб бераман;
- в) деярли кам гапириб бераман;
- г) умуман ҳеч нарса гапириб бермайман.

7. Хотинингиз (эрингиз) билан ўрталарингизда қариндошлар билан қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида қарама-қарши фикрлар пайдо бўлиб турадими?

- а) ҳа, деярли ҳар доим бўлиб туради;
- б) деярли тез-тез бўлиб туради;
- в) деярли кам бўлиб туради;
- г) йўқ, деярли ҳеч қачон бўлмайди.

8. Сизни хотинингиз (эрингиз) қай даражада яхши тушунади?

- а) жуда яхши тушунади;
- б) анча-мунча тушунади;
- в) жуда кам тушунади;
- г) умуман тушунмайди.

9. Бирор нарсдан хафа бўлганингиз ёки асабийлашганингизни, буни билдирмасликка ҳаракат қилаётганингизни хотинингиз (эрингиз) сезади, дейиш мумкинми?

- а) ҳа, худди шундай;

- б) шундай бўлса керак;
- в) бундай бўлмаса керак;
- г) йўқ, бундай эмас.

10. Хотинингиз (эрингиз) ўз муваффақиятсизликлари ва хатолари хақида сизга гапириб беради, деб ҳисоблайсизми?

- а) деярли ҳар доим гапириб беради;
- б) деярли тез-тез гапириб беради;
- в) деярли кам гапириб беради;
- г) деярли ҳеч қачон гапириб бермайди.

11. Бирон бир сўз ёки предмет сизларнинг иккалангизда ҳам бир хил нарсани эслатадиган холлар бўлиб турадими?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

12. Сиз учун нохушликлар бўлганида, кайфиятингиз ёмон бўлганда хотинингиз (эрингиз) билан бўлган суҳбатдан кейин ўзингизни анча енгил ҳис қиласизми?

- а) ҳа, деярли ҳар доим;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) йўқ, қарийб ҳеч қачон.

13. Хотинингиз (эрингиз) учун сиз билан муҳокама қилиш қийин ва нохуш бўлган мавзу бор, деб ўйлайсизми?

- а) бундай мавзулар жуда кўп;
- б) бундай мавзулар деярли кўп;
- в) бундайлар деярли кам;
- г) бундай мавзулар жуда кам.

14. Хотинингиз (эрингиз) билан бўладиган суҳбатда сиз ўзингизни ноқулай сезиб, керакли сўзларни топа олмай, қоладиган холлар бўлиб турадими?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

15. Хотинингиз (эрингиз) билан “оилавий анъана”ларингиз борми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

10. Хотинингиз (эрингиз) кайфиятингиз қандайлигини сўзсиз тушунадими?

- а) деярли ҳеч қачон;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;

г) деярли ҳар доим.

17. Хотинингиз (эрингиз) билан Сизнинг ҳаётга бўлган муносабатингиз бир хил дейиш мумкинми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

18. Хотинингизга (эрингизга) ўзингиз учун муҳим бўлган, лекин унга бевосита алоқаси бўлмаган янгиликларни гапириб бермайдиган ҳолларингиз ҳам бўлиб турадими?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

19. Хотинингиз (эрингиз) ўзининг жисмоний ҳолати ҳақида гапириб берадими?

- а) деярли ҳаммасини гапириб беради;
- б) деярли кўп гапириб беради;
- в) деярли кам гапириб беради;
- г) деярли ҳеч қачон гапирмайди.

20. Сизга бу ҳақда ўзи тўғридан-тўғри айтмаса ҳам қилаётган ишингиз, гапираётган гапингиз хотинингизга (эрингизга) ёқиш-ёқмаслигини сезасизми?

- а) деярли ҳар доим;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) деярли ҳеч қачон.

21. Сизларнинг кўпчилик дўстларингизни баҳолашдаги фикрларингиз бир-бирларингизга мос келади, дейиш мумкинми?

- а) йўқ;
- в) йўқ десаям бўлади;
- б) ҳа десаям бўлади;
- г) ҳа.

22. Хотинингиз (эрингиз) сизга бирон-бир фильм, китоб ёки бошқалар ёқиш-ёқмаслигини олдиндаи айтиб бера олади, деб ўйлайсизми?

- а) ҳа, деб ўйлайман;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ деб ўйлайман.

23. Агар сиз хато қилиб қўйган бўлсангиз, хотинингизга (эрингизга) ўз муваффақиятсизлигингиз ҳақида айтасизми?

- а) деярли ҳеч қачон гапирмайман;
- б) деярли камдан-кам гапириб бераман;
- в) деярли тез-тез гапириб бераман;
- г) деярли ҳамма вақт гапириб бераман.

24. Бошқа одамлар даврасида бўлганингизда, атрофда бўлаётган нарсаларга қандай муносабатда эканлигингизни сезиш учун хотинингизнинг (эрингизнинг) Сизга бир қараб қўйиши кифоя бўладиган ҳоллар бўлиб турадими?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

25. Хотинингиз (эрингиз) нечоғли даражада Сиз билан очик, деб ҳисоблайсиз?

- а) бутунлай очик;
- б) очик бўлса керак;
- в) очик бўлмаса керак;
- г) умуман очик эмас.

26. Сизни хотинингиз (эрингиз) билан осон муомалада бўла олади, дейиш мумкинми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

27. Бир-бирингиз билан муносабатда тез-тез ҳазиллашиб (жиннилик қилиб) турасизларми?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

28. Хотинингизга (эрингизга) ўзингиз учун жуда муҳим нарса тўғрисида гапириб бериб, кейин ортиқча гапириб қўйганингиз учун пушаймои бўлган пайтларингиз бўлиб турадими?

- а) йўқ, деярли ҳеч қачон;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) ҳа, деярли ҳар доим.

29. Агар хотинингизнинг (эрингизнинг) кайфияти ёмон бўлса, Сиз билан гаплашгандан кейин анча енгил тортади, деб ўйлайсизми?

- а) йўқ, деярли ҳеч қачон;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) ҳа, деярли ҳамма вақт.

30. Сиз хотинингиз (эрингиз) билан қай даражада очиксиз?

- а) бутунлай очик;
- б) очик бўлсам керак;
- в) очик бўлмасам керак;
- г) умуман очик эмас.

31. Хотинингиз (эрингиз) бирор нарсдан хафа бўлганини ёки асабийлашганини сиздан яширишга ҳаракат қилса ҳам ҳар доим Сиз сеза оласизми?

- а) ха, бу шундай;
- б) шунақарок;
- в) бундай бўлмаса керак;
- г) йўқ, бу бундай эмас.

32. Сиз учун муҳим бўлган бирон-бир масала бўйича қарашларингиз хотинингизнинг (эрингизнинг) қарашларига мос келмай қоладиган ҳоллар бўладими?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

33. Баъзан хотинингиз (эрингиз) ўзи учун жуда муҳим бўлган, аммо сизга тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган янгиликлар билан ўртоқлашмайдиган ҳоллар бўлиб турадими?

- а) жуда тез-тез;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) жуда камдан-кам.

34. Хотинингизнинг (эрингизнинг) кайфияти қанақалигини Сиз сўзсиз тушуна оласизми?

- а) деярли ҳар доим;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) деярли ҳеч қачон.

35. Сизда хотинингиз (эрингиз) билан “Бизлик ҳисси” тез-тез пайдо бўлиб турадими?

- а) жуда тез-тез;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) жуда камдан-кам.

36. Хотинингизни (эрингизни) Сиз нечоғли даражада яхши тушунасиз?

- а) умуман тушунмайман;
- б) анча ёмон тушунаман;
- в) анчагина яхши тушунаман;
- г) тўлиқ тушунаман.

37. Сизга хотинингиз (эрингиз) бошқа одамлар билан ўз муносабатлари тўғрисида гапириб берадими?

- а) деярли ҳеч нарса гапириб бермайди;
- б) деярли кам гапириб беради;
- в) деярли кўп гапириб беради;
- г) деярли ҳамма нарсани гапириб беради.

38. Хотинингиз (эрингиз) Сиз билан суҳбатлашаётганда ўзини ноқулай сезиб, керак сўзларни тополмай қийналадиган ҳоллар бўлиб турадимми?

- а) жуда камдан кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

39. Хотинингиздан (эрингиздан) яширган сирингиз борми?

- а) бор;
- б) бор десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

40. Бир-бирларингизга мурожаат қилганингизда тез-тез ҳазил лақаблардан фойдаланасизларми?

- а) жуда тез-тез;
- б) деярли тез-тез;
- а) деярли камдан-кам;
- г) жуда камдан-кам.

41. Хотинингиз (эрингиз) билан гаплашиш Сиз учун қийин ва ноҳуш бўлган мавзу борми?

- а) бунақа мавзулар жуда кўп;
- б) бундай мавзулар деярли кўп;
- в) бундай мавзулар деярли кам;
- г) бундай мавзулар жуда кам.

42. Бола тарбияси бўйича хотинингиз (эрингиз) билан тез-тез келишмовчиликлар бўлиб турадимми?

- а) жуда камдан-кам;
- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) жуда тез-тез.

43. Хотинингизга (эрингизга) Сиз билан мулоқотда бўлиш осон, деб ўйлайсизми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

44. Сиз хотинингизга (эрингизга) ўз жисмоний ҳолатинингиз ҳақида гапирасизми?

- а) деярли ҳаммасини гапираман;
- б) деярли кўп гапираман;
- в) деярли кам гапираман;
- г) умуман ҳеч нарса гапирмайман.

45. Хотинингиз (эрингиз) ўзи учун жуда зарур нарсалар тўғрисида Сизга айтиб қўйиб, кейин пушаймон қилган ҳоллар бўлган, деб ўйлайсизми?

- а) деярли ҳеч қачон;

- б) деярли камдан-кам;
- в) деярли тез-тез;
- г) деярли ҳар доим.

46. Ҳеч қачон Сизда хотинингиз (эрингиз) билан ўрталарингизда атрофдагилардан ҳеч ким тушуна олмайдиган, ўзларингизнинг тилингиз борлиги тўғрисида ҳис пайдо бўлганми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

47. Хотинингизнинг (эрингизнинг) Сиздан яширган сирлари бор, деб ўйлайсизми?

- а) ҳа;
- б) ҳа десаям бўлади;
- в) йўқ десаям бўлади;
- г) йўқ.

48. Бошқа одамлар даврасида бўлганида, атрофда бўлаётган нарсаларга қандай муносабатда эканлигини сезиш учун хотинингизга (эрингизга) Сизнинг бир қараб қўйишингиз кифоя бўладиган ҳоллар бўлиб турадими?

- а) жуда тез-тез;
- б) деярли тез-тез;
- в) деярли камдан-кам;
- г) жуда камдан-кам.

Оиладаги мулоқот сўровномасининг калити:

1. *Мулоқотдаги ишонч.*
 - а) 6, 23, 25, 39, 44 - ўзига муносабат
 - б) 10, 19, 30, 37, 47 - турмуш ўртоғига муносабат
2. *Эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабат.*
 - а) 4, 20, 31, 34, 36 – ўз-ўзини тушуниш
 - б) 5, 8, 9, 16, 22 – турмуш ўртоғини тушуниш
3. *Турмуш ўртоқларининг қарашларидаги мос келишлик.*
 - 1, 17, 21, 32, 42
4. *Оиланинг умумий символлари*
 - 3, 11, 15, 40, 46
5. *Турмуш ўртоқларининг мулоқотини енгиллиги*
 - 2, 14, 26, 27, 43
6. *Мулоқотдаги "психотерапевтлик"*
 - 12, 28, 29, 41, 45

Жавоб варианти: а – 4 балл; б – 3 балл; в – 2 балл; г - 1балл.

Жавоб: Баллар йиғиндиси қанчалик кўп бўлса, кўрсаткичларнинг намоён бўлиши шунчалик кучли бўлади.

2-тест . Оилада ролларнинг тақсимланишини ўрганиш тести

Кўрсатма: Қуйида Сиздан оилавий ҳаётни ташкил этувчи баъзи вазиятларг тегишли бўлган саволлар берилган. Ҳар бир савол учун маъқул бўлган жавобни танлашингиз ва жавоблар варақасига “юлдузча” билан белгилаб кўйишингиз мумкин.

1. Оиланинг қизиқиш ва манфаатлари эр ва хотиндан қайси бирига боғлиқ?

- А) асосан бу эрга боғлиқ;
- Б) кўпроқ эрга, лекин хотинга ҳам боғлиқ;
- В) кўпроқ хотинга, лекин эрга ҳам боғлиқ;
- Г) асосан бу хотинга боғлиқ.

2. Оиладаги умумий кайфият эр ва хотиндан кўпроқ қайси бирига боғлиқ бўлади?

- А) асосан бу хотинга боғлиқ;
- Б) кўпроқ хотинга, лекин эрга ҳам боғлиқ;
- В) кўпроқ эрга, лекин хотинга ҳам боғлиқ;
- Г) асосан бу эрга боғлиқ.

3. Агар зарурият пайдо бўлса, оилада ким биринчи навбатда қарзга катта пул топа олади, деб ўйлайсиз?

- А) бу ишни хотин бажаради;
- Б) буни биринчи навбатда хотин, лекин эр ҳам бажариши мумкин;
- В) буни биринчи навбатда эр, лекин хотин ҳам бажариши мумкин;
- Г) бу ишни эр бажаради.

4. Оилада ким кўпроқ меҳмон таклиф қилади, деб ўйлайсиз?

- А) кўпроқ эр таклиф қилади;
- Б) одатда эр, лекин хотин ҳам таклиф қилади;
- В) одатда хотин, лекин эр ҳам таклиф қилади;
- Г) кўпроқ хотин таклиф қилади.

5. Оилада уйнинг шинамлиги ва қулайлиги учун ким кўпроқ жон куйдириши керак деб ўйлайсиз?

- А) асосан эр;
- Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам;
- В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам;
- Г) асосан хотин.

6. Эр ва хотиндан қайси бири одатда турмуш ўртоғини ўпиш, кучоқлашни биринчи бўлиб бошлаши керак деб ўйлайсиз?

- А) одатда эр;
- Б) одатда эр, лекин хотин ҳам;
- В) одатда хотин, лекин эр ҳам;
- Г) одатда хотин.

7. Оилада қайси газета ва журналларга обуна бўлишни ёки сотиб олишни ким ҳал қилиши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) хотин ҳал қилади;
- Б) кўпроқ бу хотинга боғлиқ, лекин эрга ҳам;
- В) кўпроқ бу эрга боғлиқ, лекин хотинга ҳам;
- Г) эр ҳал қилади.

8. Кўпинча оилада кимнинг ташаббуси билан кино-театрларга бориш керак деб ҳисоблайсиз?
- А) эрнинг ташаббуси билан;
 - Б) асосан эрнинг, лекин хотиннинг ташаббусига кўра ҳам;
 - В) асосан хотиннинг, лекин эрнинг ташаббусига кўра ҳам;
 - Г) хотиннинг ташаббуси билан.
9. Оилада ёш болалар билан ким ўйнаши керак деб ҳисоблайсиз?
- А) асосан хотин;
 - Б) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам;
 - В) кўпроқ яр, лекин хотин ҳам;
 - Г) асосан эр.
10. Яқин ишқий муносабатларда ҳар икки томоннинг қаноатланиши оилада кимга боғлиқ бўлиши керак?
- А) асосан бу эрга боғлиқ;
 - Б) кўпроқ эрга, лекин хотинга ҳам;
 - В) кўпроқ хотинга, лекин эрга ҳам;
 - Г) асосан бу хотинга боғлиқ.
11. Деярли барча эр-хотинлар орасидаги ишқий муносабатларда вақти-вақти билан қийинчиликлар бўлиб туради. Оилада бу аҳвол кўпроқ (билиб ёки билмаган ҳолда) кимга боғлиқ бўлади деб ҳисоблайсиз?
- А) кўпроқ эрга;
 - Б) одатда эрга, лекин хотинга ҳам;
 - В) одатда хотинга, лекин эрга ҳам;
 - Г) кўпроқ хотинга боғлиқ.
12. Оилада кимнинг ҳаётий эътиқодлари ва тартиб қоидалари (ёлғонга муносабат, берилган ваъдани бажариш, кеч қолиш мумкин эмаслиги ва бошқалар) асосий ва белгиловчи бўлиши керак?
- А) хотиннинг ҳаётий принциплари;
 - Б) одатда хотиннинг, лекин баъзида эрнинг ҳам;
 - В) одатда эрнинг, лекин баъзида хотиннинг ҳам;
 - Г) эрнинг ҳаётий принциплари.
13. Оилада кичик болаларнинг хулқини ким назорат қилиши керак?
- А) асосан бу ишни хотин бажаради;
 - Б) кўпроқ хотин, баъзан эр ҳам;
 - В) кўпроқ эр, баъзан хотин ҳам;
 - Г) асосан бу ишни эр бажаради.
14. Оилада болалар билан кинога, театрға, бошқаларға ким бориши керак, деб ўйлайсиз?
- А) асосан буни эр бажаради;
 - Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам;
 - В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам;
 - Г) асосан буни хотин бажаради.
15. Оилада ким ўз турмуш ўртоғининг кайфиятига кўпроқ даражада эътибор бериши керак деб ўйлайсиз?
- А) эр;

- Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам;
- В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам;
- Г) хотин.

16. Тасаввур қилинг, эр ва хотин иккаласида ҳам ўз ишини ойлик маоши катта, лекин қизиқарсиз ишга ўзгартириш имконияти пайдо бўлиб қолса, ким бундай таклифни биринчи навбатда қабул қилган бўлар эди деб ҳисоблайсиз?

- А) хотин қабул қилади;
- Б) эрдан кўра тезроқ хотин қабул қилади;
- В) хотиндан кўра тезроқ эр қабул қилади;
- Г) эр қабул қилади.

17. Ҳар кунлик харид билан оилада ким шуғулланиши керак?

- А) асосан эр;
- Б) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам;
- В) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам;
- Г) асосан хотин.

18. Агар оилада моддий қийинчилик пайдо бўлса, эр ва хотиндан қайси бири кўшимча даромад топиш чорасини излаши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) бу ишни эр бажаради;
- Б) биринчи навбатда эр, лекин хотин ҳам бунда иштирок этади;
- В) биринчи навбатда хотин, лекин эр ҳам бунда иштирок этади;
- Г) бу ишни хотин бажаради.

19. Оилада эр ва хотиндан қайси бири турмуш ўртоғининг бефарқлиги, эътиборсизлиги, ноўрин гапларидан хафа бўлишига кўпроқ ҳақли?

- А) эр;
- Б) хотиндан кўра кўпроқ эр;
- В) эрдан кўра кўпроқ хотин;
- Г) хотин.

20. Оилада меҳнат таътилини қаерда ва қандай қилиб ўтказишни ким режалаштириши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) асосан хотин;
- Б) кўпроқ хотин, лекин эр ҳам иштирок этади;
- В) кўпроқ эр, лекин хотин ҳам иштирок этади;
- Г) асосан эр.

21. Оилада уйга маиший хизмат вакиллари (ҳар хил ремонт усталарини) ким чақириб, улар билан гаплашиши керак деб ҳисоблайсиз?

- А) одатда бу ишни хотин бажаради;
- Б) кўпроқ хотин, лекин баъзан эр ҳам;
- В) кўпроқ эр, лекин баъзан хотин ҳам;
- Г) одатда бу ишни эр бажаради.

ОРТ (РРС) - Оилада роллар тақсимоти методикасининг калити:

Саволлар 1, 4, 5, 6, 8, 10, 11, 14, 15, 17, 18, 19

Баллар 1 → 4

Саволлар 2, 3, 7, 9, 12, 13, 16, 20, 21

Баллар 4 → 1

1) (9к13к14):3 – бола тарбияси.

- | | |
|-----------------|--|
| 2) (2к15к19):3 | – оиладаги эмоционал муҳит “Психотерпия” |
| 3) (18к3к16) :3 | – оиланинг моддий таъминланиши |
| 4) (20к8к4):3 | – кўнгил очишларни ташкил қилиниши |
| 5) (17к5к21):3 | – уй соҳиби ва соҳибаси |
| 6) (10к6к11):3 | – жинсий шериклик |
| 7) (1к7к12):3 | – оиладаги ички маданиятни уюштириш |

3-тест. Никоҳдан қониққанлик даражасини ўлчаш тести

Қуйида келтирилган мулоҳазалар “Ҳа” ёки “Йўқ” деб жавоб беринг (бу ерда “бўлиши мумкин” ёки “билмадим” каби жавобларни бериш ман этилади) ва шу билан бирга ўзингизнинг шу мулоҳазаларга қўшилиш ёки қўшилмаслигингизни ифода этган бўласиз.

Саволларга қанчалик самимий жавоб берсангиз, ўз никоҳингиздан қониққанлигингиз даражаси ҳақида шунчалик аниқ маълумотга эга бўласиз.

	“ҲА”	“ЙЎҚ”
1. Менинг кайфиятим кўпинча уйда бузилади.	_____	_____
2. Бизнинг оиламизда ҳар қандай арзимаган (майда-чуйда) нарса низога олиб келади.	_____	_____
3. Бирон-бир кўнгилсизлик рўй берган вақтда мен ўзимни ёлғиз ҳис қиламан.	_____	_____
4. Хордиқ (таътил) вақтида турмуш ўртоғим билан биргаликда дам олиш, ўзим (у кишисиз) дам олганимдан кўра мароқлироқ.	_____	_____
5. Ўзимнинг ишхонамдаги ишларим ва жамоатчилик ишларим ҳақида турмуш ўртоғим билан гаплашишни ёқтирмайман.	_____	_____
6. Менга бирон нима бўлган вақтларда (тобим қочганда, бирон кўнгилсизлик рўй берганда) турмуш ўртоғим менга нисбатан жуда сезгир ва эътиборли бўлиб қолади.	_____	_____
7. Мен турмуш ўртоғимдан ҳеч қачон қўпол сўз эшитмаганман.	_____	_____
8. Турмуш ўртоғимга меҳрибонлик қилиш менга қувонч (мамнуният) бахш этади.	_____	_____
9. Ишончим комилки, никоҳдан сўнг (тўйдан сўнг) эр-хотин севгиси сўнади.	_____	_____
10. Турмуш ўртоғим одатда менга мулойимлик ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлади.	_____	_____
11. Бизнинг барча низоларимиз тезда ярашиш билан тугайди.	_____	_____
12. Биз доимо никоҳ кунимизни нишонлаймиз.	_____	_____

13. Турмуш ўртоғим доимо, мени ҳар қандай қийинчиликларда қўллаб-қувватлашга тайёр.
14. Турмуш ўртоғимнинг деярли ҳамма ўртоқлари (дўстлари) менга ёқади.
15. Менинг ғам-ташвишларимни турмуш ўртоғим кўнглига яқин олмайди.
16. Ўз ўртоқларим билан турмуш ўртоғимсиз учрашишни маъқул кўраман.
17. Турмуш ўртоғим менинг ишим ҳақида менсимамай гапиради.
18. Биз турмуш ўртоғим билан одамларнинг қилиқларини деярли ҳамма вақт бир хилда баҳолаймиз.
19. Турмуш ўртоғим икковимизнинг кўплаб умумий қизиқиш ва машғулотларимиз бор.
20. Мен ўз одатларимни, ҳатто улар турмуш ўртоғимга ёқмаса ҳам ўзгартирмоқчи эмасман.
21. Менимча, уйда менинг ҳуқуқларимдан кўра, мажбуриятларим (вазифаларим) кўпроқ.
22. Никоҳ менинг эркимни, ўзим кутганимдан кўра кўпроқ чегаралаб қўйди.
23. Турмуш ўртоғига ён бермаслик керак, бу тобелик ва тенгсизликка олиб келади.
24. Мени, барча ҳаётий муаммоларни ёлғиз ўзим ҳал қилишимга тўғри келиши ранжитади.
25. Мен оилавий ҳаёт (турмуш) шунчалик куч ва вақтни олишини кутмагандим.
26. Жинсий муносабатлар (алоқа) доим бизнинг ярашишимизга таъсир (ёрдам) қилади.
27. Турмуш ўртоғимни қайфиятини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.
28. Мен ўзимни ёмон қайфиятимни камдан-кам намоён (ифода) қиламан.
29. Агар оилавий ҳаёт яхши бўлмаётган бўлса, яхшиси ажралишиб кетган маъқул.
30. Турмуш ўртоғим мени шундай тушунадик, мени у кишичалик ҳеч ким тушуна олмайди.

Тест калити:

Калитга мос келадиган жавобларга 1 балл қўйинг

“Ҳа”	4	6	7	8	10	П	12	13	14	18	19	26	27	28	30
“Иўк”	1	2	3	5	9	15	16	17	20	21	22	23	24	25	29

А) Олинган баллар йиғиндисини 30 га бўлинг.

Б) Натижасини 100 га кўпайтиринг:

Никоҳдан қониққанлик қ $\frac{\text{мос келган баллар йиғиндиси}}{30}$ 100

Олинган натижа сизнинг никоҳдан қониққанлигингиз даражасини фоиз ҳисобида ифодалашни кўрсатади. Никоҳдан қониққанлигингиз даражаси 100 фоизга тенг бўлмаса керак, албатта. 50 фоиз бўлса ҳам ёмон эмас. Лекин шунинг ўзидаёқ қандай иш тутишни бошлашингизга асос бўла олади.

В) Қайси жавобларингиз калитдаги жавобларга тушмаслигини аниқланг.

Г) Сиз ва турмуш ўртоғингиз учун ҳам бир хил бўлмаганларини ёзиб олинг ва уларни қандай қилиб нормага (меъёрига) мос келтириш мумкинлигини биргаликда муҳокама қилинг.

Д) Агар, калит баҳолари билан мос келмаса ҳар бир ҳолатни ўзгартириш керак ёки йўқлигини ҳал қилинглар.

4 –тест. Муносабатларни дифференциал баҳолаш (МДБ) шкаласи бўйича сўровнома

Муносабатларни дифференциал баҳолаш (МДБ) шкаласидан фойдаланиш учун текширилувчига қуйидаги саволлар варақаси ва кўрсатма берилади.

Бу варақда қарама-қарши (масалан, иссиқ-совуқ, қабул қилиш-қабул қилмаслик каби) иборалар берилган. Бу сўзлар ёрдамида турмуш ўртоғингиз билан ораларингиздаги муносабатларни ифодалашга ҳаракат қилинг. Бунда гап сизнинг турмуш ўртоғингизга, унинг сизга бўлган муносабатларингиз ҳақида эмас, балки сизларнинг ораларингиздаги муносабатларингиз ҳақида боради. Сиз ҳар бир сўзлар жуфтлигини алоқида қараб чиқишингиз керак. Сўзлар жуфтлиги орасида 3, 2, 1, 0, 1, 2, 3 шаклида бўлинган шкала жойлашган. Сиз олдин жуфтликдаги қайси таъриф сизга мос келишини аниқлаб олинг. Масалан, иссиқми ё совуқми. Шундан кейингина шкаладаги бўлинган рақамларидан биттасини айланага олинг. Шкалада 3-балл жуда илиқ, 2-балл илиқ, 1-балл йўқдан кўра илиқроқ муносабатларни кўрсатади. Агар жавоб аниқ бўлмаса 0-балл қўйилади.

Баённомани ишлаб чиқиш

Сўзлар жуфтликлари шкаласидаги бўлимларнинг ҳар бири маълум мазмунга эга. Масалан, жуфтликнинг "Илиқ" муносабатлари қуйида турган 3 рақами 0-балл, 2 рақами 5-балл, ва ҳоказо, яъни салбий қутбда турган 3 рақами 0 балл билан бақоланади.

Шундай қилиб, ҳар бир сўзлар жуфтлигидаги жавоблар 6, 5, 4, 3, 2, 1 ёки 0 балл олади. Барча шкалалар бўйича баллар йиғиндиси муносабатлар дифференциал диагностикаси бўйича умумий баҳо бўлади. Максимал баҳо 90-баллга, минимал баҳо 0-баллга тенг бўлади.

5-тест . МБД (муносабатларни дифференциал баҳолаш)

Бу шкала турмуш ўртоқларининг "муваффақиятли ва муваффақиятсиз" йўналишлардаги муносабатларни очиб беради.

Осгуднинг фикрича объект ҳақида фикр юритилганида объектнинг фақатгина характеристика ва моҳияти акс эттирилибгина қолмай, балки унга субъектив эмоционал баҳо ҳам берилади. Эмоционал баҳо бу субъектнинг объектга нисбатан индивидуал муносабатидир.

Шкала бўйича қанча юқори балл тўпланса, баҳоловчининг нуқтаи-назарида турмуш ўртоғи билан муносабатлар шунчалик муваффақиятли.

Волкованинг тадқиқотларида МДБ шкаласи бўйича қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилган:

- 1-Эр билан муносабатларни баҳолаш;
- 2-Хотин билан муносабатларни баҳолаш;
- 3-Текширилаётган эр-хотинлар жуфтлигига бериладиган ўртача баҳо;
- 4-Эр ва хотин баҳолари орасидаги фарқ.

Эр ва хотин жуфтлигига берилган ўртача баҳо шу жуфтлик муносабатларининг даражасини билдиради. Бу сон қанчалик баланд бўлса, муносабатлар шунчалик муваффақиятли бўлади. Эр ва хотин баҳоларининг фарқи улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Фарқ қанчалик катта бўлса, эр-хотин орасидаги боғлиқлик муносабатлари шунчалик камлигини яъни "бир томонлама қониқиш" устунлигини кўрсатади. Бу эса мос келиш қовушиш критериясига асосан қовишув даражасининг пастлигини билдиради.

МДБ (Муносабатларни дифференциал баҳолаш)
шкала бўйича сўров.

Варақаси

3-Жуда илиқ
2-Илиқ
1-Илиқроқ

1-Совуқроқ
2-Совуқ
3-Жуда совуқ

3 2 10 12 3

Илиқ	Совуқ
Ёқимли	Ёқимсиз
Қувончли	Ғамгин
Енгил	Оғир
Сиқик	Эркин
Содда	Мураккаб
Яқин	Бегона
Мўрт	Мустаҳкам
Турғун	Ўзгарувчан
Гармоник	Хунук
Силлиқ	Нотекис

Кўпол	Мулойим
Душманларча	Дўстона
Тетиклантирувчи	Ҳолдан тойдирувчи
Тайёргарлик	Эътиборсизларча

6-тест . Оилавий ҳаётдан қониқиш сўровномаси
(В.В.Столин, Т.М.Раманов, Г.Г.Бутенко)

Йўриқнома: Ҳар бир тасдиқни диққат билан ўқинг ва учта вариантдан бирини танланг. Мавҳум "айтиш қийин" "аниқ жавоб бера олмайман" каби жавобларни четлаб ўтишга ҳаракат қилинг. Саволларга иложи борича тез ўйланмасдан жавоб беришга ҳаракат қилинг.

1) Одамлар оилавий ҳаётдагидек бир-бирлари билан яқин яшасалар, бир-бирларини тушунош ва идрок қилишнинг ўткирлигини йўқотадилар.

- а) тўғри;
- б) унча эмас;
- в) нотўғри.

2) Сизнинг оилавий ҳаётингиз сизга:

- а) хавотирлик ва азоб беради;
- б) жавоб беришга қийналаман;
- в) қувонч ва қониқиш беради.

3) Дўст ва қариндошларингиз сизнинг оилавий ҳаётингизни:

- а) қониқарли;
- б) ўртача;
- в) қониқарсиз деб баҳолайдилар.

4) Агар сизнинг кўлингизда бўлса:

- а) турмуш ўртоғингизнинг характеридаги кўп хислатларни ўзгартирган бўлардингиз;
- б) жавоб бериш қийин;
- в) Сиз ҳеч нарсани ўзгартирмаган бўлардингиз.

5) Ҳозирги замонавий оилавий ҳаётнинг асосий муаммоларидан бири ҳамма нарсанинг жонга тегиши, шу жумладан эр-хотинлик муносабатларини ҳам:

- а) тўғри;
- б) жавоб бериш қийин;
- в) нотўғри.

б) Ўзингизнинг оилавий ҳаётингизни дўстларингиз ва танишларингиз ҳаёти билан солиштирганингизда, у ҳолда;

- а) ўзингизни бошқалардан бахтсиз;
- б) жавоб беришга қийналасиз;
- в) ўзингизни бахтли хис қиласиз.

7) Оиласиз, турмуш ўртоқ ва яқин кишисиз мустақил бўлиб яшаш, жуда қимматга тушган бўлар эди.

- а) тўғри;
- б) жавоб бериш қийин;

- в) нотўғри.
- 8) Сизсиз турмуш ўртоғингизнинг ҳаёти қизиқарсиз бўларди деб ўйлайсиз:
- а) ҳа тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.
- 9) Кўпчилик одамлар никоҳга тааллуқли кутишларда адашадилар:
- а) тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.
- 10) Кўпгина турли шарт-шароитлар сизга ажралиш ҳақида ўйлашингизга ҳалақит беради (берган):
- а) тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.
- 11) Агар вақтни орқага қайтаришнинг иложи бўлганда у ҳолда сиз:
- а) ҳозирги турмуш ўртоғингиздан бошқасига;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) балки шу турмуш ўртоғингизга турмушга чиққан бўлардингиз.
- 12) Сиз шундай турмуш ўртоғингиз борлиги билан фахрланасиз:
- а) тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.
- 13) Афсуски, турмуш ўртоғингизнинг камчиликлари унинг яхши фазилатларидан кўп:
- а) тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.
- 14) Оилавий ҳаётингизнинг бахтли бўлишига асосан ҳалақит беради:
- а) турмуш ўртоғингизнинг характери;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) айб ўзимда.
- 15) Оилавий ҳаёт қуришдаги ҳиссиётларингиз:
- а) кучайди;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) камайди.
- 16) Оилавий ҳаёт одамнинг ижодий ишлашларига тўсқинлик қилади:
- а) тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.
- 17) Сизнинг оилавий ҳаётингизда бир-бирини қўллаб қувватлаш йўқ.
- а) тўғри;
 - б) жавоб бериш қийин;
 - в) нотўғри.

18) Сизга турмуш ўртоғингиз тез-тез ҳазил ва нотўғри ишларни, ноўрин ҳазиллар ва нотўғри гапиргандек туюлади:

- а) тўғри;
- б) жавоб беришга қийналаман;
- в) нотўғри.

19) Оилавий ҳаётингиз сизнинг қоқиш ва иродангизга боғлиқ эмас:

- а) тўғри;
- б) жавоб бериш қийин;
- в) нотўғри.

20) Сизнинг оилавий муносабатингиз турмушингизга сиз кутган тартиб ва ташкилийлик олиб келмади.

- а) тўғри;
- б) жавоб беришга қийналаман;
- в) нотўғри.

21) Айнан оилада киши ҳурмат қозона олмайди деганлар ноҳақдирлар:

- а) тўғри;
- б) жавоб бериш қийин;
- в) нотўғри.

22) Одатда турмуш ўртоғингиз билан муносабатингиз сизни қониқтиради (қониқтирган):

- а) тўғри;
- б) жавоб бериш қийин;
- в) нотўғри.

23) Тўғриси айтганда оилавий ҳаётингизда бирорта ҳам ёруғ кунингиз бўлмаган:

- а) тўғри;
- б) жавоб бериш қийин;
- в) нотўғри.

КАЛИТ:

1;2;4;5;6;-“В”

7;8-“А”

9;10;11;-“В”

12;-“А”

13;14;15;16;-“В”

17;-“А”

18;19;20;21;-“В”

22;-“А”

24;-“В”

Балларни ҳисоблаш: калитга мос тушган жавобларга – 2 балл.

Мавҳум жавобга – 1 балл.

Калит билан мос тушмаган жавоблар – 0 балл.

Хомаки баллар 48 дан 0 гача.

7-тест . Эр-хотинларнинг энергопсихологик муносабати

1. Турмуш ўртоғим баъзан оилавий бурчларни бажариш ва рўзғорни уй хўжалик ишларини олиб боришда ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилиб, мени жаҳлимни чиқаради.

2. Бизнинг оилани бола мустаҳкамлайди (мустаҳкамлаши мумкии).
3. Бизнинг бўш вақтни қандай ўтказиш ҳақидаги фикрларимиз асосан мос тушади.
4. Вақт ўтиши билан биттамининг (ёки иккаламизнинг ҳам) характеримиз ёмонлашмоқда (ўзгармоқда).
5. Турмуш ўртоғим билан иккаламизнинг тафаккур қилишимиз ўхшаш: одатда воқеа-ҳодисалар, фактлар, уларнинг сабаб ва оқибатларини бир хил тушунамиз.
6. Турмуш ўртоғим менга ҳохишимга қарши камдан-кам ҳолларда ақл ўргатишга (танбеҳ беришга, тарбиялашга) ҳаракат қилади.
7. Менинг турмуш ўртоғим билан асосан, оилавий ҳаёт қадриятлари ҳақидаги тасаввурларимиз ҳар хил.
8. Турмуш ўртоғимнинг ўз бўш вақтини қандай ўтказиши бизнинг оиламизни янада мустаҳкамлайди.
9. Бизнинг характеримиздаги фикрлар сезиларли даражада бир-биримизни тушунишимизни қийинлаштиради.
10. Турмуш ўртоғимнинг мен айтаётган фикримни қийинлик билан илғаб олиши менда норозилик пайдо қилади.
11. Менинг фикримга турмуш ўртоғим менинг ишларимга бемаврид аралашини яхши кўради.
12. Бизнинг қариндошларга бўлган муносабатимиз бутунлай мос тушади, у меники ёки турмуш ўртоғимники бўлганлигидан қатъий назар.
13. Оилавий дам олишга бўлган қарашларимиз ҳар хиллиги мени аччиқлантиради
14. Менинг турмуш ўртоғимнинг характеридек характерга мослашиб яшаб кетса бўлади.
15. Баъзан турмуш ўртоғимнинг қабул қиладиган қарорлари мени ҳайрон қолдиради.
16. Турмуш ўртоғимнинг баъзи интим қилиқлари менга ёқмайди.
17. Бизнинг оиламизда рўзғор юритиш ва болаларни тарбиялаш бўйича тез-тез низолар чиқиб туради.
18. Уйда биз турмуш ўртоғим билан кам мулоқотда бўламиз, чунки нима ҳақида гапиришни билмаймиз ёки гаплашишни хоҳламаймиз.
19. Бизларнинг биттаминизда (ёки иккаламиз ҳам) характеримиз оғир.
20. Турмуш ўртоғимнинг нима айтмоқчилигини тушуниш менга кўпинча қийин бўлади.
21. Тарбиямиздага фарқ шунчалик билинадикки, бу нарса мени (турмуш ўртоғимни, иккимизни ҳам) жуда хафа қилади.
22. Биз турмуш ўртоғим билан оила ва уй маъсулияти ҳақида бир хил қайғураемиз.
23. Мен турмуш ўртоғим менинг бўш вақтимни реаллаштиришига йўл қўйиб бераман.
24. Оила қургандан кейин турмуш ўртоғимнинг характерида шундай камчиликлари кўриндики, бу камчиликларга ён бериш мумкин.

25. Мени баъзан турмуш ўртоғимнинг мантикий фикрининг бемаънилиги лол қолдиради.

26. Бизнинг турмуш ўртоғим билан одатларимиз (қилиқларимиз) даги фарқ келишмовчиликларга олиб келади.

27. Турмуш ўртоғимнинг оилавий бурчларини бажариши мени тўла қониқтиради.

28. Бизнинг иккаламизга ҳам ёзги таътилни бирга ўтказиш ёқади.

29. Менинг турмуш ўртоғим янада қатъиятлироқ (мулойимроқ) бўлиши керак.

30. Мен ҳақлигимни турмуш ўртоғимга осонлик билан исботлай оламан.

Маълумотларни қайта ишлаш:

Маълумотларни ҳисоблаш учун "Калитга мос келувчи жавоблар йиғиндиси"га қаралади. Тўғри жавоб 1 баллга тенг. Энергопсихологик мутаносибликнинг умумий кўрсаткичидан ташқари, турмуш ўртоқлар ўртасида ўзаро таъсирнинг 5 та параметридан қайси бири бўйича кескинлик юзага келиши ҳақида дастлабки маълумотларни олиш мумкин. Тўғри жавоблар:

1. Психиканинг кундалик турмушда алгоритмлашганлик намоён бўлиши.

–1, қ6, –11, –16, –21, –26.

2. Эр-хотинлик ва ота-оналик вазифаларига, турмуш ўртоғи ва фарзандларига муносабатлар:

қ2, –7, қ12, –17, қ22, қ27

3. Бўш вақтни ўтказишни афзал кўриш мазмуни ва шакллари:

қ3, қ8, –13, –18, қ23, қ28.

4. Характер сифатлари: –4, –9, қ14, –19–24, –29.

5. Интеллектуал ўзаро таъсир: қ5, –10, –15, –20, –25, қ30.

Олинган маълумотлар таҳлили

Энергопсихологик мутаносиб кўрсаткичи 0–30 баллгача ораликда бўлиши мумкин. Саволномага жавоб беришда олинган баллар йиғиндиси қанчалик юқори бўлса, турмуш ўртоқларининг ижобий энергиялар алмашилиши ва энергопсихологик мутаносиблик эқтимоли шунча юқори бўлади. Сўралаётган одам қанча паст балл тўпласа, салбий энергиялар намоён бўлиши ва турмуш ўртоқларнинг энергопсихик номутаносиблиги шунчалик юқори бўлади. Ўз никоқидан қониққанлар ва ажралишга қаракат қилмаётганлар 16 балл ва ундан юқори балл тўплайдилар. Бақоларнинг бу оралиғи эр-хотинларнинг энергопсихологик мутаносиблигидан хулоса беради. Агар 10-15 балл даражасида бўлса, бу ноаниқ зона, никоқидан норозилик бор, лекин ажралишишга қаракат қилишмаяпти.

Агар эр-хотинлар тўплаган бали 9 баллдан паст бўлса, ўз никоқидан жуда норози ва хатто ажралишишга қам тайёрлар. Кўринаяптики, бу энергия психологик номутаносиблик зонасидир.

8-Тест . ЭР-ХОТИННИНГ ЭНЕРГОФИЗИОЛОГИК

МУТАНОСИБЛИГИ

1. Сизнинг турмуш ўртоғингиз билан уйқу ва бедорлик вақтингиз бир хилми? (бирингиз ухлаганингизда, бирингиз уйғоқсиз, бирингиз вақтли ётганингизда, бирингиз ухламайсиз).
2. Турмуш ўртоғим асабийлашганда ёки жақли чиққанда, мен одатда уни яхши гап билан ёки нимадир қилиб тинчлантира оламан.
3. Биз турмуш ўртоғим билан яхши келишамиз.
4. Турмуш ўртоғим билан бирор ишни хар хил тезликда бажаришимиз мени жахлимни чиқаради (мен тез, у эса секин бажариши ёки акси).
5. Турмуш ўртоғимнинг тез ва кўп овқат истеъмол қилиши мени асабимга тегади.
6. Баъзан овқат танлашимиздаги фарқ оилавий низога сабаб бўлади.
7. Тез-тез мен хурсанд бўлганимда турмуш ўртоғим қафа бўладиган ёки аксинча бўладиган холлар тез-тез бўлиб туради.
8. Уйқуга кетишим ва тўйиб ухлаб олишимга турмуш ўртоғим кўпинча қалақит беради.
9. Турмуш ўртоғим билан темпераментимиз жуда мос.
10. Жинсий алоқа бизнинг муносабатларимизга ижобий таъсир этади.
11. Жинсий хаётда -турмуш ўртоғим мени тўла қаноатлантиради.
12. Турмуш ўртоғимни жинсий алоқада қониқтиришни биламан.
13. Жинсий муносабат эқтиёж алоқага мойиллик иккаламизда қам бир вақтда пайдо бўлади.
14. Биздан биримиз ваннада душ қабул қилишини ёқтирсак, бошқамиз аксинча.
15. Биз одатда низоларни тез ва осон бартараф этамиз.
16. Жақлим чиққанда ёки асабийлашганимда турмуш ўртоғим мени тезда тинчлантира олади.
17. Мен ўзимни йўқотиб қўйганимда турмуш ўртоғим ўзини бошқара олади, турмуш ўртоғимда шундай хол юз берганида, мен ўзимни тута биламан.
18. Умуман бизнинг оилавий қаётимиз тинчлик ва ўзаро тушунишда утаяпти.
19. Мен уй ишларини қилаётган вақтимда турмуш ўртоғимнинг дам олиб ўтириши мени жуда жақлимни чиқаради.
20. Агар турмуш ўртоғим менга “захрини сочса” уни кечираман.
21. Бизнинг кайфиятимиз бир-бирига боғлиқ қолда ўзгаради: биримизнинг кайфиятимиз ёмон бўлса иккинчимизнинг қам кайфиятимиз тушади.
22. Фасллар бизнинг кайфиятимизга деярли бир қил таъсир қилади.
23. Биизнинг турмуш ўртоғимиз билан организмимиз бир бирига жуда ўхшаш – бир хил реакция, қиссиёт, жисмоний эқтиёжлар.

24. Турмуш ўртоғим менга тез-тез дакки бериб туради. Қаттиқ чайнама, секинроқ нафас ол, оёғингни чалкаштирма, оёғингни судраб юрма.

Олинган маълумотлар тақлили

Турмуш ўртоқларнинг энергожисмоний мосликнинг кўрсаткичи жавобларнинг суммаси бўйича аниқланади, калитга мос тушувчи, “қа” – 2, 3, 9, 10, II, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 20, 21, 22, 23; “йўқ” –: 1, 4, 5, 6, 7, 8, 14, 19, 24, қар бир тўғри жавоб учун 1 балл берилади.

Натижалар тақлили: 0 даи 24 гача бўлган оралиқда энергофизиологик мосликни аниқлаш мумкин. Балл қанчалик юқори бўлса ўхшашлик юқори бўлади. 0–8 баллгача паст даражада мослик, 9-12 номаълум, 13-18 гача нисбатан баланд 19-24 гача жуда баланд.

9-тест . “Оилангизда низолар мавжудми” тести

1. Сиз учун муҳими нима?
 - А) никоҳнинг ўзи, оилали киши, деб ҳисоблаш имконияти – 1 балл,
 - Б) турмуш ўртоғисиз, никоҳсиз ҳаёт ёмон бўлмас эди – 0 балл.
2. Никоҳга енгил қараб, уни катталарнинг ўйинига ўхшайди, деб ҳисоблайсизми?
 - А) ҳа – 1 балл,
 - Б) йўқ – 0 балл.
3. Ота-онангизга моддий боғланганмисиз?
 - А) ҳа – 1 балл,
 - Б) йўқ – 0 балл.
4. Сизларнинг никоҳ ва ҳаётий кутишлар борасидаги қарашларингиз мос тушади?
 - А) ҳа – 0 балл,
 - Б) йўқ – 1 балл.
5. Оила турмуш тарзи, маиший-хўжалик соҳаси ҳақидаги тасавурларингиз турмуш ўртоғингиз, ҳамда бошқа оила аъзолари билан бир хилми?
 - А) ҳа – 0 балл,
 - Б) йўқ – 1 балл.
6. Муносабатларни ойдинлаштиришда низо ва келишмовчиликлар тез-тез бўлиб туради?
 - А) ҳа – 1 балл,
 - Б) йўқ – 0 балл.
7. Сизларнинг умумий қизиқишларингиз, қарашларингиз, машғулотларингиз мавжудми?
 - А) ҳа – 0 балл,
 - Б) йўқ – 1 балл.
8. Болаларингиз нечта?
 - А) 2 та ва ундан ортиқ – 0 балл,
 - Б) 2 тадан кам – 1 балл.
9. Болаларингиз тарбияси қандай?

- А) юқори – 0 балл,
- Б) ўртача ёки паст – 1 балл.

Олинган маълумотлар таҳлили:

0 дан – 2 гача. Ажралиш сизнинг оилангизга хавф солгани йўқ. Мустаҳкам оила қуриш, қийинчиликларни енгиш учун барча имкониятлар мавжуд. Оддий тортишувлар ўзаро муносабатларингизга таъсир кўрсатмайди.

3 дан – 5 гача. Сизнинг муносабатларингиз таранглик чегарасида. Сиз турмуш ўртоғингиздан доим мамнун эмассиз. Сиз ҳар доим ҳам ўзингизни тута билмайсиз, қўлга ололмайсиз. Бундай вазиятлар ажралиш хавфини туғдиради. Бундай ҳолатлардан узоқлашинг. Оилавий ҳаётингиз айрим ҳолларда зерикарли туюлса ҳам, сиз ундан қониқасиз. Сизнинг ўзаро муносабатларингизда мулоқот маданиятига эътибор беринг. Бир-бирингизга ғамхўрлик кўрсатинг, ён босишга ўрганинг.

6 дан – 9 гача. Оилангизда ажралиш вазияти юзага келган. Оилавий бурчларни тақсимланишини ҳақиқат нуқтаи-назардан кўриб чиқиш, муаммоларни бартараф этиш зарур. Оиладаги мулоқот жараёнини ўзгартиришга эътибор беринг, эр ва хотин ҳар бирингиз ўзингиз учун ҳаётини қониқмаслик сабабини, турмуш ўртоғингизни ҳаётдан қониқмаслик сабабларини, имкониятларини ўрганиб чиқиш зарур. Бир-бирингизга назокатли, диққат-эътиборли, юмшоқ, яхши ният билан мурожаат қилинг. Ўз навбатида бир-бирингизга камроқ танбеҳ беринг. Эр-хотинни бир-бири билан боғлайдиган, бириктирадиган хусусиятларга кўпроқ интилинг.

10-тест . Оилада психологик муҳит

Психологик муҳит – бу ҳар қандай жамоа ичида ҳукм сурган асосий кайфият, шахслараро муносабатдир.

Саволларга: “Ҳа”, “Йўқ”, “Баъзан” деб жавоб беринг.

1. Бизнинг оила жуда иноқ.
2. Дам олиш кунлари нонушта, тушлик ва кечки овқатни бирга истеъмол қилиш одат тусига кирган.
3. Оиланинг баъзи аъзоларининг иштироки менда норозилик уйғотади.
4. Ўз уйимда мен ўзимни жуда яхши ҳис қиламан.
5. Оилавий ҳаётимизда шундай бир ҳолат борки, у оила аҳиллигини бузиб туради.
6. Уй шароитида мен ҳаммадан кўра яхшироқ дам оламан.
7. Оилада норозилик пайдо бўлса, ҳамма уни тез унутади.
8. Оиламизда қувноқ, кўтаринки кайфият ҳукмронлик қилади.
9. Оилада оғир, тушкун ва тажанг муҳит юзага келган.
10. Оиламизда баъзи бир аъзоларнинг ёки ҳамманинг баланд овозда гапиришлари менга ёқмайди.
11. Йўл қўйилган хатолар, яратилган ноқулайликлар учун кечирим сўраш оиламизда одат тусига кирган.
12. Одатда байрамларни кенг нишонлаймиз.

13. Оиладаги ноқулай муҳит туфайли уйга боргим келмайдиган хол тез-тез бўлиб туради.
14. Уйда мени тез-тез хафа қилиб туришади.
15. Уйимиздаги саришталик мени доим хурсанд қилади.
16. Уйга келганимда ҳеч кимни кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамаган қолат менда тез-тез бўлиб туради.
17. Оиладаги муносабатлар ўта таранглашган.
18. Мен оиламизда баъзи бировлар ўзини ноқулай ҳис қилишини биламан.
19. Бизникига тез-тез меҳмонлар келиб туришади.

Олинган маълумотлар таҳлили:

“Ҳа”га 2 балл, “баъзан”га 1 балл, “йўқ”га 0 балл.

Натижалар таҳлили:

0–8 балл: Мустаҳкам қатъий салбий психологик муҳит. Бу оралиқ эру-хотиннинг ажралиш даражасига етиб қолганини ёки биргаликда яшаш ҳаётини “жуда оғир”, “чидаб бўлмайдиган” даражада эканлигини кўрсатади.

9–15 балл: Ноқатъий, ўзгарувчан психологик муҳит. Бундай кўрсаткични бирга яшашдан ихлоси қайтган, ўзаро муносабатларида кескинлик бўлган оилалар беради.

16–22 балл: Ноаниқ психологик муҳит. Унда баъзи кескинликлар мавжуд, лекин ижобий кайфият устунлик қилади.

23–25 балл: Қатъий, ижобий психологик муҳитга эга бўлган оилалар.

11-тест . “Оилангизда мулоқот қандай?” тести

Ҳурматли ота-оналар! Сиз ўз оилангизда қайси мулоқот услуби мавжуд эканлигини билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест саволларига “Ҳа” ёки “Йўқ” деб жавоб беринг.

1. “Мен онаман (отаман), менга ҳамма нарса “мумкин” ёки “Мен айтдимми, демак шундай бўлади” деган жумлани айта оласизми?”
2. Сиз болангизга нисбатан жисмоний жазони қўллайсизми?
3. Сиз ўз ҳамкорингизга нисбатан овозингизни кўтариб гапиришингиз, ҳақорат қилишингиз мумкинми?
4. Сиз шахсий заруриятларингиз учун турмуш ўртоғингиздан пул яширасизми?
5. Агар ишда ёки дўстларингиз олдида узоқ ушланиб қолсангиз, бу тўғрида турмуш ўртоғингизни огоҳлантиришни ўзингиз учун зарур деб ҳисоблайсизми?
6. Сиз қўрқитиш мақсадида мушт ўқтала олишингиз мумкинми?
7. Турмуш ўртоғингизнинг қариндошларига бақира оласизми?
8. Ҳайрлашмасдан туриб, уйдан чиқиб кета оласизми?
9. Ўзингиз билан бир шаҳарда яшовчи оғир касал қариндошингиздан хабар олмай биласизми?

10. Сиз хотинингизни (эрингизни) дугоналари, ўртоқлари бўлмаслиги керак деб ҳисоблайсизми?

11. Сиз ўз ҳамкорингизга қарата “сиз қаерда эдингиз, қаерларда юрибсиз?” дея оласизми?

12. Маълум шароитларда турмуш ўртоғингизни узок вақт кутиш зарурияти сизнинг жаҳлингизни чиқарадими?

Олинган маълумотлар таҳлили:

Агар сиз ҳамма саволларга ижобий жавоб берган бўлсангиз, сизнинг оилангизда маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукм суради.

Агар жуда бўлмаганда учта саволга “йўқ” деб жавоб берган бўлсангиз, демак хали умид бор, кўп нарса йўқотмагансиз, ёшингиздан қатъий назар нималарнидир ўзгартириш мумкин.

Агар жавобларингизнинг ярми салбий бўлса, сиз демократизмга мойилсиз, чарчагансиз, дам олишингиз керак. Сиз асабий ва жахлдорсиз, лекин умуман олганда тўғри йўналишда ҳаракат қиляпсиз. Ўзингизни текшириб кўринг ва янги ҳаётни бошланг. Бошланиши учун жуда бўлмаганда битта позицияни ўзгартиришга ҳаракат қилинг, масалан уйдан кетаётиб ўз яқинларингиз билан мулойим хайрлашишга, уларга муваффақият, яхшилик тилашга ҳаракат қилинг. Кичкина ёки ўсмир болаларингиз олдида турмуш ўртоғингизни ўпиб қўйишдан уялманг. Бу норма, нормадан оғиш эмас. Аммо бу билан оиладаги маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этишга йўл очилган бўлади.

Ўзингизни оилангиз аъзолари, хатто болаларингиз билан ҳам маслаҳатлашишга ўргатинг. Ўзингиз якка қарор қабул қилманг, сиз шу заҳоти яшаш осонлашганини ҳис қиласиз. Буларнинг барчаси оиладаги низоларни бартараф этишда катта роль ўйнайди.

12-тест. “Сиз бир-бирингизга мос тушасизми?” тести

Ҳақиқатдан ҳам бир олманинг тенг икки бўлагидек бир-бирларига ўхшаган жуфтларга қараб биз, кўпинча “Улар бир-бирларига (идеал) мос тушадилар” – деймиз.

Сиз ўз жуфтингизга (турмуш ўртоғингизга, танлаган кишингизга) мос тушасизми? У сизга мосми? Нима сизларни боғлаб турибди? Нима ажратади? Сизларнинг бахтли, муваффақиятли турмуш қуришларингиз учун қандай имкониятларингиз бор?

Бунинг учун сиз ўз жуфтингиз билан биргаликда куйида келтирилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўринг.

		“Ҳа”	“Йўқ”
1.	Бурж (зодиак) бўйича сизнинг белгингиз ва жуфтингизнинг белгиси қуйида келтирилган гуруҳларнинг биттасида жойлашганми?		

	А) Сув (қичқичбақа, балиқ, чаён) Б) Олов (қўй, камончи, шер) В) Ҳаво (эгизаклар, тарози, сув қуювчи) Г) Ер (бузоқ, қиз, тоғ эчкиси)		
2.	Сиз, кўпчилик орасида (базмларда) тез-тез бўлиб туришни ёқтирасизми?		
3.	Сиз, неча йил оила қуришганликларидан қатъий назар, эр-хотинлар дам олишларини (таътилларини) бирга ўтказишлари керак деб ҳисоблайсизми?		
4.	Сиз қандай ҳисоблайсиз, оила қургандан сўнг ҳам қарама-қарши жинс вакилларидан дўстга эга бўлиш мумкинми?		
5.	Сизнинг ота-онангиз бир-бирлари билан бутунлай муросада (доимо келишиб) яшайдиларми (яшаганларми)?		
6.	Сиз отангиз билан яхши муносабатдамисиз, (яхши муносабатда бўлганмисиз)? (Бу савол қизлар учун). Сиз онангиз билан яхши муносабатдамисиз (яхши муносабатда бўлганмисиз)? (Бу савол йигитлар учун).		
7.	Сиз учун эр-хотинликнинг асосий мақсади нимада? А) Болалар ва уларнинг тарбияси ҳақида ўйлаш. Б) Моддий таъминланганлик. В) Илик, хотиржам психологик, ҳиссий муҳит. Бир-бирини тўла ўзаро тушуниш.		

Олинган маълумотлар таҳлили:

Энди қуйидаги жадвалдан фойдаланган ҳолда ҳар бирингиз ўз балларингизни ҳисоблаб чиқинг. Агар еттинчи саволга берган жавобингиз икковингизда ҳам бир хил бўлса, унда ҳар бирингиз ўзингизга яна беш баллдан қўшасиз, акс ҳолда юқоридаги олти саволга олган балларингизнинг ўзини қолдирасиз.

САВОЛ	ҲА	ЙЎҚ
1	5	0
2	5	0
3	5	0
4	5	0
5	5	0
6	5	0

Натижаларни ҳисоблаб чиқинг ва йиққан балларингиз ўртасидаги фарқни таққосланг.

Баллар ўртасида фарқ 5-10 бўлса: Сизларнинг иттифоқингиз муваффақиятли (ёки муваффақиятли бўлиш эҳтимоли юқори). У сизларнинг

Ўзаро талабларингизнинг бутунлай қондирилишини таъминлайди ва сизнинг ўз ишончингизга кўра ривожланади. Сизларнинг фарзандларингиз севги муҳитида оилавий гармонияда ўсиш имкониятларига эгалар.

Баллар фарқи *15-25 бўлса*: Сизлар ўртангиздаги фарқ, сизларнинг талабларингиз ва интилишларингизни амалга оширишда қийинчиликларни юзага қелтириши мумкин. Бу эса кўпинча бир-бирингиздан қониқмаслигингизга ва муносабатларингизнинг совушига олиб келиши мумкин. Бир-бирингиз билан очикчасига гаплашиб олинглар.

Сизлар, ҳали яна умумий йўл топа олишларингиз мумкин.

Баллар фарқи *25 ва ундан кўп бўлса*: Сизларнинг характерларингиз жуда фарқлидир. Оилангизни сақлаб қолиш учун, сизлар икковингиз ҳам доимо бпр-бирингизга ён беришинглар керак. Фақат шундагина оилангиз осуда ҳаёт кечириши мумкин. Ўз устингизда кўпроқ ишлашингиз ва жуфтингизга кўпроқ эътибор беришингиз керак.

14-тест. Қийин ҳаётий вазиятлардан чиқа олиш тести

Одамлар ҳаётнинг қийин шароитларидан турли йўллар билан чиқа оладилар. Бундай ҳолатлар педагогик фаолиятда кўп учрайди. Баъзилар қийинчиликларга мослашадилар ва “оқим бўйлаб” сузишга ҳаракат қиладилар. Бошқалар эса тақдирдан норози бўлиб, жаҳл қиладилар, эмоционал қаршилик кўрсатадилар, лекин ҳеч нарсани ҳал қилмай секин тинчланадилар. Учинчи хил одамлар эса муаммони “кўрмасликка” ҳаракат қиладилар. Тўртинчи хил одамлар эса қандайдир бошқача йўлни қидирадилар. Қуйидаги тест одамнинг ҳаёт қийинчиликларини ҳал қилишда устунлик қиладиган йўлларни топа олган қобилиятини белгилаб беради. Тестни ечишда ҳар бир саволга битта вариантни танлаб жавоб бериш керак.

1. Бошқа кишиларга ўз кўнгилсизликларингиз ва ташвишларингиз ҳақида гапирасизми?

- а) йўқ, чунки бу менга ёрдам бермайди деб ҳисоблайман;
- б) ҳа, агар бунга мос суҳбатдош топсам;
- в) ҳар доим эмас, ташвишларни эслаш ўзимга оғир.

2. Кўнгилсизликларни қанчалик оғир кечирасиз?

- а) ҳар доим ва жуда оғир;
- б) бу муҳитга боғлиқ;

в) чидашга ҳаракат қиламан, чунки ҳар қандай кўнгилсизликни охири бўлади.

3. Агар сиз спиртли ичимликларни истеъмол қилсангиз, қандай ҳолатларда ичасиз (спиртли ичимликлар ичмасангиз бу саволга жавоб бермасдан кейинги саволга ўтишингиз мумкин).

- а) ўз ташвишларимни винода “чўктириш” учун;
- б) қандайдир йўл билан муаммолардан чалғиш учун;
- в) шунчаки ўзим, чунки менга баъзан кайфда ўзимни эркин ҳис қилиш

ва ёқимли кайфиятда бўлиш ёқади.

4. Бирон нарса сизни қаттиқ ранжитса нима қиласиз?

- а) ўзимни бўш қўйиб, анчадан буён қилмаган ишларимни бажараман;
- б) дўстларимникига меҳмонга бораман;
- в) уйда ўз-ўзимга ачиниб ўтираман.

5. Агар сизни яқин кишингиз хафа қилса:

- а) ҳеч ким билан муомала қилмайман;
- б) ундан тушунтиришни талаб қиламан;
- в) мени тинглаши мумкин бўлган ҳар қандай одамга бу ҳақида гапириб бераман.

6. Бахтли дақиқаларда сиз:

- а) ўтган бахтсизлигингиз ҳақида ўйламайсиз;
- б) бу дақиқалар тез ўтиб кетишидан кўрқасиз;
- в) ҳаётда кўп кўнгилсизликлар борлигини унутмайсиз.

7. Психиаторлар ҳақида қандай фикрдасиз:

- а) уларнинг пациентига айланишни хоҳламасдингиз;
- б) улар кўпчиликка аниқ ёрдам бера оладилар;
- в) одам ўзига психиаторларсиз ёрдам бера олиши керак.

8. Тақдир, сизнинг фикрингизча:

- а) сизни тақиб қилади;
- б) сизга нисбатан ноҳақ;
- в) сизни қўллаб-қувватлайди.

9. Турмуш ўртоғингиз, ёки севган кишингиз билан урушдан сўнг, жаҳлдан тушиб нима ҳақида ўйлайсиз?

- а) олдин бўлган ёқимли дамларни эслайсиз;
- б) ундан хуфёна ўч олишни орзу қиласиз;
- в) ундан қанчалик ситам кўрганингизни ўйлайсиз.

Тест калити:

Жавоб	1	2	3	4	5	6	7	8	9
А	3	4	5	0	3	1	4	5	1
Б	1	0	3	2	0	3	2	2	2
В	2	2	1	4	1	5	3	1	3

Олинган маълумотлар таҳлили:

7 – 15 баллда одам қийинчиликка тез мослашиб, тўғри йўл топа олади, воқеага аниқ, тўғри баҳо бера олади.

16 – 20 балл йиққан одамлар ҳамма холларда ҳам тақдир синовларига дош бера олмайдилар. Улар тақдирдан норози бўлиб, муаммоларни ўйлаб қийналадилар ва бошқаларни ҳам қийнайдилар.

27 – 30 балл тўплаган одамлар муаммоларга тўғри баҳо бера олмайдилар. Улар қийинчиликларни нормал кечира олмайдилар. Уларга психологик ноадекват муносабатда бўладилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент: «Ўзбекистон», - 1998. - 683 б.

2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Тошкент.: «Ўзбекистон», 1998. — 431 б.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент.: «Шарқ», 1999. — 182 б.
4. Каримов И. А. Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги. /Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзи, 1997-йил 5-декабр./
5. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Тошкент.: «Ўзбекистон», - 1999. - 48 б.
6. 1998 йил — Оила йили - 1998 год — год семьи. — Тошкент.: «Ўзбекистон», 1998. - 128 б.
7. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари, 1-жилд. Тошкент., 1994. 304 б.
8. Авлоний А. Гулистон ёхуд ахлоқ. Ислом одобидан мумтоз намуналар. Т., 1993. 120 б.
9. Амир Темур ўғитлари. Т., 1992. 64 б.
10. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Шарк мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари.Т.: «Шамс АСА», 2002. 25 б.
11. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М.Оилавий ҳаётни ўрганишга оид психологик тестлар.Т.: «Шамс АСА», 2002. 58 б.
12. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М.Оилавий ҳаётга оид психологик тавсиялар.Т.: «Шамс АСА», 2002. 63 б.
13. Акрамова Ф.А.Инсоний муносабатлар психологияси.Т.: «Шамс АСА», 2005. 68 б.
14. Акрамова Ф.А.Оилада муомалани ташкил этиш психологияси. Т. : «Шамс АСА», 2006, 90 б.
15. Акрамова Ф.А., Лутфуллаева Н.Х., Ҳайдарова Х.Р. Шахсни ижтимоий муносабатларда ўрганишга оид психологик тестлар. Т.: «Шамс АСА», 2006, 61 б.
16. Акрамова Ф.А. Юқори синф ўқувчиларида севги-муҳаббат ҳислари намоён бўлишининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Дис.п.ф.н., Т.: 1997, 184 б.
17. Аргайл М. Психология счастья: Пер.с англ. /Общ. ред. и вступ. ст. М.В.Кларини. - М., 1990. - 336с.
18. Аминов Б. Ўсмирлар жинсий тарбияси. —Тошкент., «Ўқитувчи», 1979.
19. Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998-йилда амалга ошириладиган тадбирлар. Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 27-январ 45-сон қарори.
20. Республика «Оила» илмий-амалий Марказини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил, 2 - феврал, 57-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. Тошкент.:«Адолат»,1998,-300 б.
22. Бойярд Р.Г., Бойярд Д. Ваш беспокойный подросток: Практ. руководство для отчаявшихся родителей: пер. с англ.—М., 1991. — 229с.

23. Велде Т.Х., Ван де. Совершенное супружество: Физиология и техника интимных отношений /Пер. с англ. В.С. Павловича, С.А. Семеницкого. Минск. Белорус, 1995. —333с./
24. Витек К. Проблемы супружеского благополучия: Пер. с чешского /Обм. ред. и предисл. М.С.Матковского. —М., 1988. —1445./
25. Влади́н В., Капуцин Д. Интимный мир семьи. -Минск, 1983.-190с.
26. Влади́н В., Капуцин Д. Гармония брака. -Минск, 1985. —238с,
27. Владиславский В.З. Если ты мужчина. 2-изд. -Ташкент, -1992. -158с
28. Волков А.Г. Семья глазами демографа. -М., 1989. -64с.
29. Гафуров А.Т., Содиков В.С. Мактаб билан оиладаги гигиеник ва жинсий тарбия. Тошкент 1997.- 184с.
30. Гине И. Ўспирин вояга етаётганда. —Тошкент, «Ўқитувчи»,-1970.
31. Голод С. И. Стабильность семьи: социологические и демографические аспекты. — М.: Наука, 1984, - 135 с.
32. Горпинченко И.И. и др. Откровенно о сокровенном /И.И.Горпинченко, Ш.Ш.Хакимов, Ш.А.Закирходжаев. — Т.: Изд-во им. Ибн Сины. 1991.-144 с./
33. Горпинченко И.И. ва бошқ. Ҳаё ва ибo сирлари /И.л.Горпинченко, Ш.Ш.Ҳақимов, Ш.А.Зокирходжаев. — Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт. 1992. — 143 б./
34. Давлетшин М.Г., Шоумаров Ғ.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари / Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалари қисқача баёни. — Тошкент, 1993. -Б. 3-7./
35. Давлетшин М.Г., Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Предупреждение конфликтов в узбекской семье как один из факторов здорового образа жизни. Психологические аспекты пропаганды здорового образа жизни /Тез. Докл. III Республ. научно-практ. конф. Психо-логов. -Сыктывкар, 1988. -С. 81-84
35. Добсон Ж.Ч. Родителям и молодожёнам: доктор Добсон отвечает на Ваши вопросы. —М.:Центр общечеловеческих ценностей, 1991.-575С.
36. Зюско М.В. 5 шагов к себе. Книга для учащихся. —М., 1992. -173с.
37. Иброхимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. Т., 1990
38. Имелинский К. Психогигиена половой жизни. /Пер. с полского и М., 1973. 256с./
39. Каган В.В. Воспиталелю о сексологии. —М.: Педагогика, 1991.— 256с.
40. Клемишева Л.С., Эргашев М.С. Ёшга оид физиология. Тошкент, «Ўқитувчи» , 199Ж. —166с.
41. Колесов Д.В., Селверова Н.Б. Физиолого-педагогические аспекты полового воспитания. — М., 1978. — 228с.
42. Лупян Я.А. Психогигиена брака и семейных отношений. — Минск., «Белорус», 1973. —29с.
43. Маркосян А.А. Ёш физиологияси масалалари. —Тошкент— 1995. -476
44. Мир детства. Подросток /Под ред. А.Г.Хрипковой: Отв.ред. Г.Н.Филонов. -М., Педагогика. 1982. -432с./
45. Муртазаев М.Я. Таносил касалликлари. —Тошкент., Медицина, 1981.
46. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари, Т.,1994, 134 б.

47. Мусурмонова О., Баубекова Г. Ўзбек халқи педагогикаси, Т., 2000. 64
48. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт, Т.,1999
49. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология, Т., 2000, -172 б.
50. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Т.: 2006. – 142 б.
51. Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. Илмий-оммабоп мақолалар тўплами. Проф.В.М.Каримова таҳрири остида. Т.: 2007, 118 б.
52. Кон И.С. Психология ранней юности. М.,1989
53. Навоий А. Махбуб-ул-кулуб. Т., 1983. 110 б.
54. Нагаев В.В. Проблемы полового воспитания и подготовки учащихся молодёжи к семейной жизни: — Сыктывкар, 1990. —120с.
55. Никитин Б.П., Никитина Л.А. Мы и наши дети. 3-е изд. —М., 1988. -225с.
56. Оилани ўрганиш психодиагностика методикалари. /Тузувчилар: Н.А.Соғинов, Ф.Ф. Ҳабибуллаев. —Тошкент. - 1996. -386./
57. Оила ақлоқи ва одоби: Мажмуа. Т., 1995, 200 б.
58. Оила психологияси.(Шоумаров Ғ.Б. таҳрири остида). Т., 2000.
59. Панкова Л.М. У порога семейной жизни. Кн. для учителя. М., 1991. -144с.
60. Раҳматов Б. Қулоққа айтиладиган гаплар. — Т.: Ибн Сино номидаги нашр, 1991. - 167 б.
- 61.Рюриков Ю.Б. Мёд и яд любви. Семья и любовь на сломе времен.- М.1990.-446с.
62. Саматов Т. Қалтис саволларга нозик жавоблар. (Жинсий муносабатларга бағишланган илмий-оммабоп рисола). Тошкент — 1992. —48б.
63. Сатир В. Как строит себя и свою семью: Пер. с англ. —М., 1992. -192с.
64. Семейное воспитание: Краткий словарь/ Соц.: И.В.Гребенников, Л.В.Ковинько. -М., 1990. -319с./
67. Семья. Социально-психологические и этические проблемы: Справочник. А.И.Зацепин, П.М.Бучинская, И.Н. Гавриленко и др — К.: Политиздат Украины, 1990. -225 с./
68. Соғинов Н.А., Шоумаров Ғ.Б. Ўзбек оилаларида ажралиш ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари /Ўзбек оиласинг этнопсихологик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалари қисқача баёни. — Тошкент, 1993. — Б. 109—Ул./
69. Соғинов Н.А. Психологическое исследование проблемы семьи. Метод. рек. молодых ученых и специалистов ТГПИ им. Низами по осуществ. Решен. Февр. (1988) Пленума ЦК КПСС... /Тез. Докл. науч.-практ. конф. молодых ученых ТГПИ им. Низами. - Ташкент, 1988. -С.18-19.
70. Соғинов Н.А. О некоторых методиках исследования семьи в работе школьного психолога. Научно-методические основы и опыт организации школьной психологической службы /Тез. Докл. Республ. Научно-практ. Конф... -Бухара, 15-16 сент. 1988 г. Ч.1. -Ташкент,1988.-С.32-33.
71. Соғинов Н.А. Профилактика супружеских конфликтов один из основных факторов семейного благополучия. Материалы конф:"Молодые ученые и специалисты уско-рению социально-экономи-ческого развития". 24-26 мая 1988 г. -Тез. Докл. Республ. Науч. практ. Конф. —Самар-кард, 1988 г. -С.74-75.

72. Соғинов Н.А. Социально-психологические причины конфликтов в узбекской семье. Актуализация личности в системе общественных отношений. Психологические аспекты исследования семьи. /Тез.докл. к УП с-ду Об-во психологов СССР. -М., 1989. -С.123-125.
73. Соғинов Н.А. Социально-психологические особенности удовлетворенности браком в узбекской семье. Автореферат дис.к.п.н., Киев - 1990. - 20 с.
74. Соғинов Н.А. Социально-психологические особенности удовлетворенности браком в узбекской семье. Диссертация к.п.н., Киев - 1990. - 213 с.
75. Соғинов Н.А., Каримов Х.Уровень знаний вступающих в брак о вопросах половой жизни. Психологические аспекты совершенствования подготовки учительских кадров в педвузах и университетах республики в условиях непрерывного образования. /Тез. Докл. Республ. Научно-практ. Конф. Ангрэн, 12-15 апреля 1991 г. Ч 4. - Ташкент-1991. -С.38-39.
76. Соғинов Н.А., Умаров Б.М. Этнопсихологические особенности подготовки молодёжи к семейной жизни. Теоретико-практические проблемы педагогического целеполагания. Сб. Научн. трудов. - Ташкент, 1991. -С. 91-99.
77. Соғинов Н.А. Юқори синф ўқувчиларида оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишида мактаб психологининг роли. "Таълим-тарбия муасса-саларида психологик хиз-матни йўлга қўйишнинг назарий ва услубий асослари" муаммоси бўйича ўтказилган вилоятлараро илмий амалий анжуман маърузаларининг қисқа баёни. -Бухоро 1994. - Б.25-27.
78. Соғинов Н.А. Оилани ўрганиш психодиагностика методикалари. Тошкент - 1996. - 35 бет
79. Соғинов Н.А. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Здоровый образ жизни - основа воспитания подрастающего поколения - "Соғлом авлод учун". Материалы научн. практ. конф. (26 апреля 1996 год) (Посвящается 660-летию Сохибкирона Амира Темура). -Ташкент,1996.-168 с.-С.40-44.
80. Соғинов Н.А. Ўзбек оилаларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг этнопсихологик хусусиятлари. Ўзбекистон мустақиллиги унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати. II Республика илмий коллоквиуми материаллари. -Тошкент -1998. - Б.98-101.
81. Соғинов Н.А. Авлодни шакллантиришнинг баъзи ижтимоий психологик жиҳатлари. //Соғлом авлод учун № 8. 2002 й. -Б. 28-42.
82. Соғинов Н.А. Ўзбек оиласининг ижтимоий психологик тадқиқ этиш масалалари.Ҳозирги замон психология фанининг долзарб муаммолари. Психология фани соҳасида энг яхши мақолалар танловида ғолиб чиққан мақолалар тўплами. № 1. -Тошкент-1997. -57 б. -Б. 32-40.
83. Соғинов Н.А. Аёлларни асранг эркаклар. // Оила ва жамият. -1996., 47-сон.

84. Соғинов Н.А. Болалар ақлий имкониятларини ўстиришнинг анъанавий негизлари. Таълим жараёнида мустақил тафаккур ривожланиши. Илмий амалий анжуман материаллари. 28 январь 2005 й. Т.: 2005, - Б 58-60.
85. Санюкевич Л.И. Половое воспитание детей и подростков. Минск, 1979-256с.
86. Станков А.Г. Что надо знать до брака и после брака — Ташкент., Медицина, 1981. —35Ис.
87. Супружеская жизнь: гармония и конфликты /Соц. Л.А. Бобданович. -М., 1990. -И76с./ аог
88. Сысенко В.А. Молодежь вступает в брак. - М.: Мысл, 1986. -
89. Тесты для супругов. —Минск, 1998 —32с
90. Толстых А.В. Взрослые и дети парадоксы общения.- М; 1988.-128с.
91. Товаслий Юсуф. Ҳикматлар хазинаси, Т., 1994, 284 б.
92. Турсунов Н.Т; Гологсовкер А.М. Венерик касалликлар ҳақида нималарни билиш керак.-Тошкент; Медицина 1973.
93. Узоқов Х. ва бошқалар. Оила этикаси ва психологияси, Т., 1992. 128
94. Узы брака, узы свободы /Соц. Т.Разумовская. —М., 1990, - 222с.
95. Учителям и родителям о психологии подростка /Под ред. проф. 79. Г.Г.Аракелова. -М., 1990. -304 с./
96. Фахр ул Банот Сибғатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари. —Тошкент. 1992. -96б.
97. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари, — Т.: «Маънавият», 1998, - 112 б.
98. Фотина Л.А., Белёда Р.В. О самом сокровенном: гармония сексуальных отношений. —М., 1990. —64с.
99. Фрейд З. Очерки по психологии сексуальности. —Минск, 1990. — 166 с.
100. Фрейд З. Психология сексуальности. —Минск., 1993.—160 с.
99. Фромм Э. Искусство любить: Исследование природы любви: Пер. с англ. -М., 1990. -160 с.
101. Ҳикматнома. Ўзбек мақоллари изокли луғати. Т.,1990, 528 б.
102. Ҳодаков Н.М. Ёш келин-куёвларга. 3-нашр. —Тошкент. — 1990. -173б,
103. Ҳомиладорликни олдини олишнинг замонавий усуллари. Оилани оқилона режалаштиринг. —Тошкент. 1998. —34б.
104. Хрипкова А.Г., Колесов Д.В. Гигиена ва саломатлик —Тошкент, 1986.
105. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фатувватномаий Султоний: ёхуд жавонмардлик тариқати. —Тошкент. — 1994. — 111 б.
106. Что вы знаете и чего не знаете о себе и других: Психологические тесты и наблюдения над странностями человеческой психологии /Соц. С.Степанов. —Дубна. — 1995.—160 с.
107. Шарипова Д.Ж., Семёнова А. Ўқувчиларга гигиеник таълим-тарбия бериш. —Тошкент, “Ўқитувчи», 1983,
108. Шнабл З. Мужчина и женщина: интимные отношения /Пер. с нем. - Кишинев, 1982. -224 с.
109. Шоумаров Ш.Б., Шоумаров Ғ.Б. Муҳаббат ва оилавий ҳаёт. — Тошкент. Ибн Сино номидаги нашриёт, 1990. — 93 б.

110. Шоумаров Ғ.Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила.— Тошкент, Ибн Сино», 1994. -120с.
111. Шоумаров Ғ.Б. Психологические аспекты влияния семьи на профориентацию учащихся. Психолого-педагогические аспекты профориентации и трудового обуч. учащ. в свете основ. напр. реформы общеоб. и проф. школы /Тез. докл. республ. Научно -практ. конф. - Ташкент,1987. - С. 47-48.
112. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А., Каримов Х.К. Ўзбек оилаларида никоҳ олди омилларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психологические аспекты совершенствования подготовки учительских кадров в педвузах и университетах республики в условиях не-прерывного образования. /Тез. Докл. Республ. Научно-практ. Конф. Ангрен, 12-15 апреля 1991 г. Ч 4. - Ташкент-1991. - Б. 48-50.
113. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Этнические особенности супружеских конфликтов в узбекской семье. Психологические аспекты совершенствования подготовки учительских кадров в педвузах и университетах республики в условиях непрерывного образования. /Тез. Докл. Республ. Научно-практ. Конф. Ангрен, 12-15 апреля 1991 г. Ч 4. - Ташкент-1991. - Б. 54-56.
114. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Ёш ўзбек оилаларида юзага келадиган эр-хотин низоларининг этник хусусиятлари. Ўзбек оиласининг этно-психологик муаммолари. Республ. Илмий-амалий Анжумани маърузаларининг қисқача баёни. - Тошкент 1993. - Б.49-51.
115. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Ўзбек оилаларида ажралиш ва унинг ижтимоий психологик хусусиятлари. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Рес-публ. Илмий-амалий Анжу-мани маърузаларининг қисқача баёни. - Тошкент 1993. - Б. 109-112.
116. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Эр-хотин орасидаги низоларининг этнопсихологик хусусиятлари. Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами. -Тошкент-1993. -Б.11-25.
117. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. ва бошқалар. Оналарга психолог маслаҳати (Она-бола муносабатлари психологиясига оид илмий-амалий тавсиялар). Тошкент - 2002 й.
118. Штолс Х. Каким должен быть твой ребенок /Штолс. Дети и семейный конфликт, Анзорг: Кн.для учителя: Пер. с нем. —М., 1997. — 144 с./
119. Шебетенко А.И. Тесты для делового человека и для всей семьи. — Перм, 1995,
120. Эйдемиллер Э.Г., Юстетский В.В. Семейная психотерапия, — Л., 1989. -192 с.
121. Энциклопедия молодой женщины /Пер. с чеш. Н.И.Белой, Й\и.Н.Козловой, -Нукус, 1992. - 464 с./
122. Энциклопедия половой жизни. Кн. для всех. — Вилнюс., 1990. — 43 с
123. Энциклопедия семейной жизни. В 2-х т. Т. 1. Все для женщин. — Донецк. -1993. -412 с.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

I БОБ. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Оила психологияси фани предмети, мақсади ва вазифалари.....	4
1.2. Жамият ва оила.....	7

II БОБ. ОИЛА ХУСУСИДАГИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

2.1. Оила хусусида Шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашлари.....	13
2.2. Никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси.....	24

III БОБ. ОИЛА ТАВСИФЛАНИШИ

3.1. Ҳозирги замон оилаларининг турлари.....	34
3.3. Ҳозирги замон оиласининг асосий вазифалари.....	41
3.3 Оиланинг иқтисодий вазифаси.....	42
3.4. Оиланинг репродуктив вазифаси.....	44
3.5. Оиланинг тарбиявий вазифаси.....	45
3.6. Оиланинг коммуникатив вазифаси.....	47
3.7. Оиланинг рекреатив вазифаси.....	48
3.8. Оиланинг фелицитологик вазифаси.....	50
3.9. Оиланинг регулятив вазифаси.....	51
3.10. Оиланинг релаксация вазифаси.....	52
оиланинг этнопсихологияси.....	54

IV БОБ. ЎСМИРЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. Ўсмирлик даври ҳақида тушунча.....	58
4.2. Ўсмир организмида рўй берадиган ўзгаришлар.....	60
4.3. Ўсмирлик автономиялари.....	63
4.4. Жинсий балоғатга етиш.....	65
4.5. Жинсий балоғатни эрта ёки кеч юзага келиш хусусиятлари.....	70
4.6. Ўсмир қизларда кузатиладиган ўзгаришлар.....	72
4.7. Ўсмир ўғил болаларда кузатиладиган ўзгаришлар.....	74
4.8. Ўсмирларда дўстлик, севги, ёктириш ҳислари.....	75

V БОБ. МУҲАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ

5.1. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг севги-муҳаббат ва дўстлик ҳисси ҳақидаги қарашлари.....	81
5.3. Муҳаббат ва унинг турлари.....	84
5.3. Муҳаббат ва ёш.....	87

5.4. Муҳаббат босқичлари.....	89
5.5. Муҳаббат ва мижоз.....	92
5.6. Муҳаббатнинг белгилари.....	93
5.7. Севгининг фаслий ўзгаришига тайёр бўлинг.....	95
5.8. Рашк ҳислари.....	97
5.9. Рашк ҳисларидан халос бўлиш йўллари.....	99

VI БОБ. НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ

6.1. Никоҳга етуклик хусусиятлари.....	103
6.2. Никоҳ ёши хусусиятлари.....	110
6.3. Никоҳ қуриш мотивлари хусусиятлари.....	113
6.4. Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатлари.....	116
6.5. Бўлажак эр-хотинларнинг танишиш шартлари.....	118
6.6. Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар.....	119

VII БОБ. ОИЛАДА ШАҲСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ

7.1. Оилада мулоқот.....	127
7.2. Мулоқот жараёнида юзага келадиган тўсиқлар.....	128
7.3. Оилавий муносабатлар психологияси.....	129
7.4. Эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги.....	131
7.5. Эр-хотинлик муносабатлари.....	135

VIII БОБ. ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР, АЖРАЛИШ, УНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ

8.1. Эр-хотин низолари.....	142
8.2. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.....	149
8.3. Қайнона - келин ўртасидаги низолар.....	150
8.4. Қайнона-куёв орасидаги келишмовчиликлар.....	153
8.5. Ажралиш ва унинг оқибатлари.....	154
8.6. Ажралишларга сабаб бўлувчи омиллар.....	158

IX БОБ. РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

9.1. Контрацептив маданиятни шакллантириш.....	165
9.2. Даврий сексуал абстиненция (хайз циклини назорат қилиш, оилани режалаштириш усуллари).....	169
9.3. Гормонал сақланиш воситалари.....	174

**X БОБ. ОИТС (СПИД) ВА ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ**

10.1. Оитс (спид) ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларни билишнинг зарурлиги.....	177
10.2. Жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг тарқалиши ва унга сабаб бўладиган омиллар.....	178
10.3. Жинсий алоқа орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.....	181
10.4. Ёшларда жинсий хулқ ва таносил касалликлари.....	182

**XI БОБ. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ОИД
ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТЛАР**

11.1. Ёшларни оилага тайёрлашга қаратилган тестлар.....	186
11.2. Оила қурганлар учун тестлар.....	196
11.3. Оилада эр-хотин муносабатларини ўрганиш тестлари.....	205

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....233

МУНДАРИЖА.....239

**ЭСКИ ВАИАНТ
МУНДАРИЖА**

КИРИШ.....3

1-БОБ. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Оила психологияси фани предмети, мақсади ва вазифалари.....4-7
- 1.2. Жамият ва оила.....8-10

**2-БОБ ОИЛА ХУСУСИДАГИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
ҚАРАШЛАРИ**

- 2.1. Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг
фалсафий қарашлари..... 11-21
- 2.3. Никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси.....21-29

3-БОБ ОИЛА ТАВСИФЛАНИШИ

- 3.1. Ҳозирги замон оилаларининг турлари.....30-35
- 3.2. Ҳозирги замон оиласининг асосий вазифалари.....36
- 3.3. Оиланинг иқтисодий вазифаси.....37-38
- 3.4. Оиланинг репродуктив вазифаси.....38-40
- 3.5. Оиланинг тарбиявий вазифаси.....40-41.
- 3.6. Оиланинг коммуникатив вазифаси.....42-43
- 3.7. Оиланинг рекреатив вазифаси.....43-45
- 3.8. Оиланинг фелицитологик вазифаси.....45-46
- 3.9. Оиланинг регулятив вазифаси.....46-47
- 3.10. Оиланинг релаксация вазифаси..... 48-49
- 3.11. Оиланинг этнопсихологияси.....49-53

**4-БОБ ЎСМИРЛИК ЁШИДАГИ ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

- 4.1. Ўсмирлик даври ҳақида тушунча..... 54
- 4.2. Ўсмир организмда рўй берадиган ўзгаришлар..... 55-57
- 4.3. Ўсмирлик автономиялари..... 57-59
- 4.4. Менструал цикл даврида ўсмир қизларда кузатиладиган
ўзгаришлар.....59-60
- 4.5. Жинсий балоғатга етиш.....61-66
- 4.6. Жинсий балоғатни эрта ёки кеч юзага келиш хусусиятлари.....66-69
- 4.7. Ўсмирларда дўстлик, севги, ёқтириш ва ёқтирмаслик
хислари.....69-72

5-БОБ . МУҲАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ.....73-75

- 5.1. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг севги
ва дўстлик ҳисси ҳақидаги қарашлари.....75-78
- 5.2. Муҳаббат ва ёш.....78-80

5.3	Муҳаббат босқичлари.....	80-83
5.4.	Муҳаббат ва мижоз.....	83
5.5..	Муҳаббатнинг белгилари.....	84-85
5..6.	Севгининг фаслий ўзгаришига тайёр бўлинг.....	85-87
5.7.	Рашк ҳислари.....	88-89
	Рашк ҳисларидан халос бўлиш йўллари.....	91-93

6- БОБ НИКОҲ ОЛДИ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ

6.1.	Никоҳга етуклик хусусиятлари.....	94-100
6.2.	Никоҳ ёши хусусиятлари.....	101-102
6.3.	Никоҳ мотивлари хусусиятлари.....	102-105
6.4.	Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатлари.....	105-106
6.5.	Бўлажак эр-хотинларнинг танишиш шартлари.....	107-108
6.6.	Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар.....	109-113

7-БОБ ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ

7.1.	Оилада мулоқот.....	114-115
7.2.	Мулоқот жараёнида юзага келадиган тўсиқлар.....	115-116
7.3.	Оилавий муносабатлар психологияси.....	116-118
7.4.	Эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги.....	118-122
7.5.	Эр-хотинлик муносабатлари.....	122-128

8-БОБ ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

8.1.	Ажралиш, унинг сабаб ва оқибатлари.....	129-135
8.2.	Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.....	136
8.3.	Қайнона - келин ўртасидаги низолар.....	136-140
8.4.	Қайнона-куёв орасидаги келишмовчиликлар.....	140-141
8.5.	Ажралиш ва унинг оқибатлари.....	141-145
8.6.	Ажралишларга сабаб бўлувчи омиллар.....	145-151

9-БОБ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

9.1.	Контрацептив маданиятни шакллантиришнинг.....	152-156
9.2.	Даврий сексуал абстиненция (хайз циклини назорат қилиш, оилани режалаштириш усуллари).....	156-161
9.3.	Гормонал сақланиш воситалари.....	161-163

10-БОБ. ОИТС (СПИД) ВА ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ.....164-165

10.1.	Жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг тарқалиши ва унга сабаб бўладиган омиллар.....	166-168
10.2.	Жинсий алоқа орқали юқадиган касалликларнинг	

олдини олиш чора-тадбирларини биласизми?.....	168-169
10.3. Ёшларда жинсий хулқ ва таносил касалликлари.....	169-172

11-БОБ "ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ" КУРСИ МАВЗУЛАРИГА ОИД ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТЛАРДАН НАМУНАЛАР.....	173-209
---	----------------

АДАБИЁТЛАР.....	214
------------------------	------------

МУНДАРИЖА.....	213-217
-----------------------	----------------